ISSN 2181-8738

# ВОДИЙНОМА

ОКТЯБРЬ-ДЕКАБРЬ
2020 ЙИЛ
№4 (19)



«ВОДИЙНОМА»
(Тарихий мерос)
Ижтимоий-тарихий, илмий ва оммабоп журнал
**2020 ЙИЛ №4 (19)**

**Муассис:** «Мерос» халқаро илмий-амалий экспедиция жамоат фонди

**Ҳамкоримиз:** Андижон давлат университети

**Бош муҳаррир:**
Рустамбек Шамсутдинов

**Бош муҳаррир ўринбосари:**
Абдулла Шаропов

**Таҳрир ҳайъати:**
Акромжон Юлдашев – *б.ф.д., профессор*
Абдулла Расулов – *т.ф.д., профессор*
Абдухалил Маврулов – *т.ф.д., профессор*
Жамшид Жўразода – *т.ф.д., профессор*
Қойгелдиев Мамбет – *т.ф.д., академик*
Муҳаммаджон Алихожиев – *т.ф.н., доцент*
Минҳожиддин Ҳожиматов – *Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари*
Мирсодиқ Исҳоқов – *т.ф.д., профессор*
Нодира Мустафаева – *т.ф.д., ЎзФА бўлим раҳбари*
Наим Каримов – *ф.ф.д., академик*
Нурмонжон Гафуров – *т.ф.д., профессор*
Поён Равшанов – *профессор*
Ташманбет Кененсариев – *т.ф.д., профессор*
Улуғбек Абдуллаев – *т.ф.д., профессор*
Шухрат Ризаев – *ф.ф.н., доцент*
Хуршид Қурбонов – *т.ф.н., доцент*

**Масъул котиб:**
Маъмуржон Саидхонов

**Техник муҳаррир:**
Исломиддин Насиридинов

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2018 йил 5 июнда № 0975 рақам билан рўйхатга олинган.

**Нашр индекси:** 170112

**Нашр учун масъул:** Р.Т.Шамсутдинов

**Таҳририят манзили:** 170100, Андижон шаҳри Университет кўчаси 129-уй.

**Телефон:** (99890) 253-26-32
**Факс:** (99874) 223-83-52.
**Почта:** vodiynoma@mail. ru

Босишга рухсат этилди: 16. 03. 2020 й
Қоғоз бичими 60x84 1/8 Босма табоғи: 13,5
Офсет босма. Офсет қоғози. Адади: 800 дона.

Баҳоси келишилган нархда. Буюртма № __

Чоп этилган мақолаларда билдирилган фикр-мулоҳазалар таҳририят нуқтаи назарига мос келмаслиги мумкин. Келтирилган факт ва рақамларнинг аниқ ва холислиги учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

Муқова дизайни ва оригинал макет «Akademnashr NMM» МЧЖ томонидан тайёрланган.

«Javoxir nashr» МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани Зиёлилар кўчаси 6-уй.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссияси раёсатининг 2017 йил 29 мартдаги 239/5-сонли қарори билан «Тарих» фанлари бўйича илмий журналлар рўйхатига киритилган.

# МУНДАРИЖА

## «САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ – МИРЗО УЛУҒБЕК ОЛИЙ МАДРАСАСИ ТАРИХИНИНГ ДАВОМЧИСИ» МАВЗУИДАГИ ИЛМИЙ АНЖУМАН ОЛДИДАН

**Акромжон ЮЛДАШЕВ**
Самарқанддан таралган зиё ..... 2

**Раҳимжон ЮСУПОВ**
Самарқанд давлат университети – Улуғбек мадрасаи олиясининг энг янги замон тарихшунослиги ..... 10

**Б.ЭРГАШЕВ,**
**Ж.Б.АМИРҚУЛОВ.**
**М.И.АСАТУЛЛАЕВ**
Самарқанд давлат университети тарих факультети: кеча ва бугун ..... 15

## СОВЕТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ҚАТАҒОН СИЁСАТИ ВА УНИНГ ФОЖИАЛИ ОҚИБАТЛАРИ

**Абдусамат ПОЛВОНЗОДА**
«Пахта иши» қандай вужудга келган эди? ..... 24

## АНДИЖОНЛИКЛАРНИНГ БУЮК ҒАЛАБАГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ ҲАҚИДА ХОТИРА КИТОБИ

**Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,**
**Исломиддин НАСИРИДИНОВ**
Ғалаба учун сафарбар этилганлар ..... 32

**Р.ШАМСУТДИНОВ,**
**И.НАСИРИДИНОВ,**
**Д.ХОМИДОВ**
Андижонга эвакуация қилинганлар ва уларнинг тақдири ..... 42

**Алишер МАМАЖОНОВ,**
**Давлатбек МУСАЕВ**
Юртга қайтган ғолиб андижонликлар ..... 70

## ҲУЖЖАТЛАР, ЭСДАЛИКЛАР, ФОТОСУРАТЛАР

Буюк ғалабанинг унутиб бўлмас саҳифалари ..... 83

# САМАРҚАНДДАН ТАРАЛГАН ЗИЁ

**А.С.ЮЛДАШЕВ,**
Бобур номидаги Андижон давлат университети ректори,
биология фанлари доктори, профессор

**Инсоннинг киндик қони тўкилган гўшаси унинг Ватани ҳисобланади. Ватаннинг эъзозланишига сабаб чақалоқнинг илк овози, илк бор кўз очиб кўрган макони, илк бор қулоқларига эшитилгувчи сас, илк бор кўрган меҳр шу қутлуғ замин билан боғлиқлигидир. Шунинг учун инсон борки, ватанига ошиқади, ватанини қўмсайди, ватани учун жонини фидо қилишга тайёр бўлади. Мен Андижонда туғилганман, Андижоннинг фарзанди эканимдан фахрланаман, ғурурланаман.**



Шу билан бирга, инсоннинг келажаги у илм олган даргоҳга ҳам боғлиқ. Инсоннинг билим олиши, маълум соҳа бўйича мутахассис бўлиши, бирор касб-ҳунарни эгаллаши, устоз топиши, соҳанинг сир-асрорларини ўрганиши, изланиши, яратиши – буларнинг барчаси унинг келажагини, жамиятдаги ўрнини белгилаб беради. Не бахтки, **менинг тақдир**им Самар**қанд** давлат **университети билан боғланган.**

Ўрта Осиёда катта илмий салоҳиятга эга бўлган, бутун дунёга буюк олиму фузалоларни, турли фанлар бўйича етук мутахассисларни етказиб берган, улуғ Амир Темурнинг набираси, жаҳонга машҳур олим, математик, астроном, ўз даврининг маърифатпарвари, маънавият ҳомийси, тарихчи, шоир Улуғбек томонидан тамал тоши қўйилган **Самарқанд давлат университети – менинг дорилфунуним!**

1420 йилда Мирзо Улуғбек томонидан асос солинган олий мадраса замирида ташкил топган ва бугунда дунёнинг ҳар томонидан илм истаб келган толиби илмларга билим улашаётган **Самарқанд давлат университетининг 600 йиллиги мамлакатимизда катта** илм **байрамидир, зиёлилар** ва **маърифатнинг байрамидир.**



1980 йил. Самарқанд. СамДУ иссиқхонаси. Проф. М.И.Икрамов ўз шогирдлари даврасида. Чапдан ўнгга: 2-курс талабаси Х.Ҳайдаров, 3-курс талабаси А.Юлдашев, проф. М.Икрамов, 2-курс талабаси Х.Бўриев (барча шогирдлари бугунги кунда фан докторлари)

Мен 1978 йилда ушбу олийгоҳнинг биология факультетига ўқишга кирганман. Талабалик давримдаёқ университетдаги илмий муҳит, устозлар: биология фанлари докторлари, проф. М.И.Икрамов, проф. Н.А.Амирханов, проф. Ж.Х.Хўжаев, проф. Ж.Л. Лаханов, проф. М.А.Риш, проф. П.К.Солдатов, проф. Ж.Т.Қобуловнинг сабоқлари мени илмий фаолиятга йўналтирди. Айниқса, менга илм сирларини ўргатган, илмий раҳбарлик қилган, ажойиб, камтар инсон проф. Маматқул Икрамович Икрамовни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Умуман, юқорида номлари зикр этилган ва бошқа кўплаб самарқандлик устозлар менинг илмдаги ва ҳаётдаги йўлимни белгилаб берганлар десам муболаға бўлмайди.

1983 – 1997 йилларда Самарқанд давлат университетининг ботаника кафедрасида катта лаборант, кичик илмий ходим, ассистент бўлиб ишладим.

1989 йилда номзодлик, 2001 йилда докторлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилдим. 2 та монография, олий ўқув юртлари учун 2 та дарслик, 12 та ўқув қўлланма, 20 та ўқув-услубий қўлланма, 160 дан ортиқ мақола ва тезислар нашр эттирдим.

2015 йилдан буён Андижон давлат университети ректори лавозимида фаолият олиб боряпман. Юқорида айтилганидек, менинг шу даражага эришишимга, ўйлайманки, мана шу олий даргоҳга қадам қўйганим, илмнинг машаққатли йўлларини сабр-матонат билан босиб ўтганим, устозларимнинг ҳар бир ўгитини дилга жо қилиб амалиётда қўллаганим сабаб. Мен бугун икки карра бахтлиман. Биринчидан, юксак илм маскани бўлган Самарқанд давлат университетининг мақомини юқори кўтариб, унинг нуфузини оширишга ҳисса қўшяпман, иккинчидан, она ватаним, ота юртим Андижонда унинг бир фарзанди сифатида таълимни, илмни, маърифатни, маънавиятни юксалтиришга қўлимдан келганча ҳаракат қиляпман.

Самарқанд давлат университети зиёсидан баҳраманд бўлган ва уни Андижон давлат педагогика институти (ҳозирда университет)да таратиб келган, бугунги кунда ҳам ёш авлодга таълим-тарбия бераётган устозлар талайгина. Уларнинг ҳар бири ўз соҳасининг устаси, чуқур билим соҳиби сифатида машғулотларни тушунарли, илмий-методик жиҳатдан мукаммал олиб бориши билан, шунингдек, раҳбарлик қобилияти, жамоат ишларида фаоллиги, ташаббускорлиги билан Самарқанд давлат университети мақомини юксакларга кўтариб келганлар ва келмоқдалар.

СамДУни битириб, Андижон давлат университетида фаолият олиб борган профессор-ўқитувчиларнинг айримлари ҳақида маълумот беришни лозим билдим.



**Қосимбеков Козимбек Фозилбекович** 1918 йили Ўш шаҳрида машҳур тараққийпарвар, жадидчи, Россия императорлик география жамиятининг ҳақиқий аъзоси Мирза Фозилбекнинг оиласида таваллуд топган. У Самарқанд давлат университети тарих факультетини 1940 йилда битирган ва Андижон ўқитувчилар институтида ўқитувчи (1940 – 1942), Жалолобод области Сузоқ районидаги 1-сон ўрта мактаб директори (1942 – 1943), Наманган шаҳрида Харьков пиёда билим юрти курсанти (1943 – 1943), Жалолобод шаҳар халқ таълими бўлими

мудири (1943 – 1945), Андижон ўқитувчилар институтида катта ўқитувчи (1945 – 1947), Андижон область партия комитети лектори (1947 – 1949), область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудири ўринбосари (1949 – 1950), Ўқитувчилар институтида ўқув ва илмий бўлим бўйича директор ўринбосари (1950 – 1951), область партия комитети бўлим мудири (1951 – 1954), Андижон давлат педагогика институти ректори (1954 – 1957), пединститут катта ўқитувчиси (1957 – 1960), Андижон давлат педагогика институти тарих кафедраси доценти (1966 – 1987) лавозимларида самарали меҳнат қилган.

1966 йили академик И.М.Мўминов раҳбарлигида **«XIX аср охири ва XX аср бошларида Фарғонадаги халқ ҳаракатлари тарихи»** мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Бу мавзуда монографик тадқиқоти, кўплаб илмий мақолалари эълон қилинган. Умрининг охиригача Андижон давлат университети тарих кафедрасида доцент вазифасида намунали фаолият кўрсатган. Унинг қатор илмий мақолалари, монографияси, кўп жилдлик Ўзбекистон тарихига киритилган Андижон қўзғолони тўғрисидаги янгича қарашлари кенг илмий жамоатчиликка маълум. Унинг Ўзбекистон тарихидан ўқиган маърузалари, олиб борган амалий машғулотлари, ёш тадқиқотчиларга берган илмий маслаҳатлари кўплаб тарихчи олимларнинг камол топишида муҳим роль ўйнаган.


Профессор вазифасини бажарувчи Раззоқ Расулов

**Расулов Раззоқ Расулович.** Самарқанд области Иштихон районида туғилиб, Самарқанд давлат университети филология факультетини ўзбек тили ва адабиёти мутахассислиги бўйича битирган Раззоқ Расулович меҳнат фаолиятини Андижон давлат педагогика институтида (кейинчалик университет) бошлаб, умрининг охиригача шу илм даргоҳида самарали, ибратли фаолият кўрсатган. 1953 йилда Москвада собиқ Иттифоқ Фанлар академияси Шарқшунослик институти Илмий кенгашида академик А.Х.Боровков раҳбарлигида «Ҳозирги ўзбек адабий тилида отларнинг келишиклар билан турланиши» мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган, кўп ўтмасдан доцентлик унвонига эга бўлган. Тадқиқотчи ва педагог сифатида жуда самарали фаолият кўрсатган бу инсон узоқ йиллар мобайнида ўзбек тилшунослиги кафедрасига мудирлик қилган. 1958 йилдан бошланғич таълим методикаси факультетида, кейинчалик педагогика факультетида декан лавозимида ишлаган.

Р.Расуловнинг 3 қисмдан иборат «Ўзбек фразеологиясидан материаллар» номли китоби (1976 – 1980) нашр этилган. Унинг «Ўзбек тилида ёрдамчи сўзларнинг семантик-грамматик хусусиятлари» (1983), «Ўзбек тилининг паремиологик луғати» (1984), «Ўзбек тили жадвалларда» (1987) асарлари ўзбек тилшунослигида катта илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Раззоқ Расулов ўзига ва бошқаларга ўта талабчанлиги, педагогик маҳорати кучлилиги, моҳир ташкилотчилиги туфайли узоқ йиллар кафедра мудири, факультет декани лавозимларида самарали фаолият кўрсатган устоз сифатида университетда эъзозга сазовор бўлган.

Устоз умрининг охиригача (2003) ўзбек тилшунослиги кафедрасида доцент лавозимида ёш ўқитувчиларга билим ва тажрибаларини беминнат ўртоқлашиб келди.

**Абдуллаев Ғани Холматович** 1923 йили Андижон шаҳрида ишчи оиласида туғилган. 30-сон ўрта мактабни битиргач, Андижон ўқитувчилар институти тарих-филология факультетини тамомлаган. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. 1950 йилда Самарқанд давлат университети тарих факультетини тамомлаб, аспирантурада ўқиган (1950 – 1953), академик И.М.Мўминов илмий раҳбарлигида фалсафа фанидан диплом иши ҳимоя қилган, Самарқанд тиббиёт институтида кафедра мудири (1955 – 1956), Андижон давлат педагогика институтида ректор (1957 – 1976) лавозимларида ишлаган. 1975 – 1985 йилларда фалсафа кафедрасига мудирлик қилган. 1971 йили профессор унвонига эга бўлган. 1978 йили «Ўзбе-



1975 йил апрель. Андижон. Бутуниттифоқ тарихчиларининг кўп жилдлик Ўрта Осиё тарихини ёзиш режасини муҳокама қилишга бағишланган илмий конференция иштирокчиларидан бир гуруҳи. Юқорида академиклардан В.Шестабитов, Окладников, Юрий Поляков, чапдан 4-ўртада профессор Ғани Холматович Абдуллаев, 5-доцент Р.Т.Шамсутдинов

кистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» унвони билан тақдирланган.

Профессор Ғ.Х.Абдуллаев 80 дан ортиқ илмий асарлар, монографиялар, дарслик ва ўқув қўлланмалар муаллифидир. Шунингдек, Ўзбек миллий энциклопедиясида унинг қатор мақолалари эълон қилинган. Кўп йиллар Андижон шаҳар, вилоят халқ депутатлари кенгаши депутати, Иккинчи жаҳон урушидаги иштироки учун «Ҳурмат белгиси» ордени ва қатор медаллар билан тақдирланган. Профессор Ғ.Ҳ.Абдуллаев умрининг охиригача (2000) кафедра профессори лавозимида фаолият кўрсатган.



**Фатҳиддин Исҳоқов** 1928 йилда Андижон вилоятининг Олтинкўл туманида таваллуд топган. Олтинкўлда 7 йиллик мактабни тугатгач, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номли педагогика билим юртида, сўнг Андижон шаҳридаги Ўқитувчилар институтида ўқийди. 1948 йилда Самарқанд давлат университетининг ўзбек филологияси факультетига ўқишга киради ва уни битириб (1952 йилда), ўзбек тилшунослиги кафедрасида аспирантурада таҳсил олади (1952 – 1955). Бу давр Фатҳиддин Исҳоқов учун илмий ҳаётнинг бошланиши, забардаст олим бўлиб шаклланиб, камолотга етишида илк босқич бўлди. Бу ерда ўз даврининг етук олимлари – академик В.Абдуллаев, профессорлар Р.Муқимов, Х.Бердиёров, С.Мирзаев, А.Мухторовдан дарс тинглади. Келажакда машҳур илм дарғалари бўлиб етишган профессорлар Н.Шукуров, Н.Ражабов, Ғ.Саломов, В.Эгамов ва ёзувчи Душан Файзий билан ҳамдарс бўлди, улар билан баҳсларда чиниқди, кўпчиликнинг назарига тушди.

1955 йилдан Андижон давлат педагогика институтига (ҳозирги АнДУ) ишга келади. 1960 йилда Самарқанд давлат университети Илмий кенгашида «Ўзбек тилида иш-ҳаракат ва ҳолат номлари» мавзуида номзодлик ишини муваффақиятли ҳимоя қилгач, ўзбек тилшунослиги кафедраси доценти, тарих-филология факультети декани, ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудири лавозимларида ишлади. 1998 йилда

«Гулханий «Зарбулмасал»ининг илмий-танқидий матни» мавзуида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. 2 монография, 5 та ўқув қўлланма, 5 та услубий қўлланма, 60 дан ортиқ мақолалар чоп эттирган. Узоқ йиллар мобайнида Андижон давлат педагогика институти филология факультети ва тарих факультети декани лавозимларида самарали фаолият кўрсатган.

Ф.Исҳоқов 2006 йилда 78 ёшида вафот этган.



**Шамсутдинов Рустамбек Темирович** 1939 йили Андижон шаҳрида ишчи оиласида таваллуд топган, 1964 йили Самарқанд давлат университети тарих факультетини битирган. Профессор Ю.Н.Алескеров илмий раҳбарлигида диплом ишини ҳимоя қилган. 1966 йилдан буён Андижон давлат университетида ассистент, катта ўқитувчи, доцент, профессор, декан, декан ўринбосари лавозимларида ишлаган. Аспирантура ва докторантурани СССР Фанлар академияси Тарих институтида ўтаган, номзодлик диссертациясига профессор И.Б.Берхин илмий раҳбарлик қилган, докторлик диссертациясига эса академик Ю.А.Поляков илмий маслаҳатчи бўлган. Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири, тарих факультети декани лавозимларида ибратли меҳнат фаолиятини олиб борган. Ўзбек, рус, қирғиз, инглиз, француз, немис, араб, ҳинд, афғон, урду тилларида 500 га яқин илмий ва илмий-методик асарлари чоп этилган. 20 дан ортиқ илмий-оммабоп китоблар, 400 га яқин илмий мақолалар, 500 га яқин газета мақолалари муаллифидир. Унинг қаламига мансуб «Ўзбекистон тарихи», «Ватан тарихи» ўқув қўлланма ва дарсликлари 1994 йилдан ҳозиргача бир неча марта нашр этилган. 40 га яқин монографик тадқиқотлар муаллифи. У ўз илмий мактабига эга. 9 нафар шогирди фан номзоди илмий даражасига, 2 нафари фан доктори илмий даражасига сазовор бўлган. Р.Т.Шамсутдинов «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маориф ходими», «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотланган, «Мерос» халқаро илмий-амалий экспедиция жамоат фонди раиси, «Водийнома» журнали бош муҳаррири, Андижон давлат университети ҳузуридаги Тарих фанлари илмий даражасини (PhD) берувчи илмий кенгаш раиси, Ўзбекистон тарихи кафедраси профессори, бир неча илмий лойиҳалар раҳбари, Шимолий Каролина (АҚШ), Кембриж биографик маркази томонидан «Зафар қучган олим» сифатида медаль билан тақдирланган. «Зафарли 500 киши» китобида унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумотлар чоп этилган.

Самарқанд давлат университетида таҳсил олиб, маълум даврларда Андижон давлат университетида ишлаган 30 га яқин профессор-ўқитувчилар ўз илмий-методик фаолиятлари билан, ўқиш-ўқитиш услублари билан, педагогик маҳоратлари билан, инсоний хусусиятлари билан эътибор топганлар.

Қуйида Самарқандда илм олиб, Андижон давлат университетида ишлаган ва ишлаётган профессор-ўқитувчилар ҳақида маълумотни эътиборингизга ҳавола қиламиз:

**СамДУни битирган АнДУ профессор-ўқитувчилари**

| № | Фамилияси, исми ва отасининг исми | Туғилган санаси ва жойи | СамДУ ни битирган йили | Мутахассислиги ва ишлаган йиллари | Илмий даражаси ва унвони |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Қосимбеков Козим Фозилбекович | 02.06.1918 Ўш ш. | 1940 | Тарихчи, 1950 – 1992 | Тарих ф.н., доц. |
| 2 | Расулов Раззоқ Расулович | 02.05.1926, Самарқанд | 1949 | Ўзбек филологияси, 1954 – 2003 | Филол. ф.н., проф. в. б. |
| 3 | Абдуллаев Ғани Холматович | 1923, Андижон | 1950 | Тарихчи-файласуф, 1957 – 2000 | Фалс. ф.н., проф. |
| 4 | Исҳоқов Фатҳиддин | 1928, Олтинкўл т. | 1952 | Ўзбек филологияси, 1948 – 1952 | Филол. ф. докт., профессор |
| 5 | Назаров Расул | 12.04.1938, Бухоро | 1960 | Математик, 1966 – 2012 | Физ.-мат. ф.н., доц. |
| 6 | Анорбоев Анвар | 20.05.1938, Андижон | 1961 | Тарих, 1962 – 2007 | Тарих ф.н., доц. |
| 7 | Юсупов Муҳаммаджон | 15.11.1938, Ўш ш. | 1962 | Физика, гегорафия, 1995 – 2006 | Доц. |
| 8 | Саидбоева Лолахон Муҳамедовна | 18.07.1940, Андижон т. | 1964 | Биология, кимё, 1988 – ҳ.в. | Биол. ф.д., профессор |
| 9 | Шамсутдинов Рустамбек Темирович | 01.05.1939, Андижон ш. | 1964 | Тарих, 1966 – ҳ.в. | Тарих ф.д., проф. |
| 10 | Тожибоев Қўлдошали Тожибоевич | 20.12.1941, Олтинкўл т. | 1965 | Биология, кимё, 1996 – ҳ.в. | Биол. ф.д., проф. |
| 11 | Арзиматов Абдулҳай | 25.05.1941, Андижон | 1966 | Ўзбек филологияси, 1966 – 1976, 1988 – 2004 | Филол. ф.н., доц. |
| 12 | Самиева Фатима Саибджановна | 08.06.1946, Андижон | 1968 | Тарих, 1968 – 2013 | Ўқитувчи |
| 13 | Алиасқаров Абдуқаххор | 10.03.1950, Андижон | 1968 | Математика, 2004 – 2005 | Ўқитувчи |
| 14 | Умматов Анвар Мухторович | 10.06.1948, Андижон | 1970 | Биология, кимё, 1979 – ҳ.в. | Биол. ф. н., доц. |
| 15 | Кадирова Закира Ибраҳимовна | 13.03.1948, Андижон | 1971 | Француз тили, 2010 – 2011 | Катта ўқитувчи |
| 16 | Кожевникова Алевтина Григорьевна | 18.10.1949, Самарқанд | 1971 | Биология, кимё, 2001 – 2013 | Доц. |
| 17 | Парпиев Абдумуталиб | 04.02.1956, Андижон | 1973 | Физика, 2010 – 2011 | Физ.-мат. ф.н., доц. |
| 18 | Аҳмедов Тахир Шакирович | 04.02.1951, Андижон | 1974 | Физика, 1989 – 1996 | Ўқитувчи |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 19 | Баратов Акрам | 15.03.1929, Андижон | 1953 | Механика, 1975 – 1992 | Физ.-мат. ф.н., доц. |
| 20 | Эркаев Эргашали Махсудович | 10.01.1960, Балиқчи | 1981 | Тарих, 1988 – ҳ.в. | Тарих ф.н. |
| 21 | Юлдашев Акрамжон Султанмурадович | 22.12.1960, Андижон в. | 1982 | Биология, кимё, 2015 – ҳ.в. | Биол. ф.д., проф. |
| 22 | Асхонов Собиржон Ҳабибуллаевич | 07.10.1964, Олтинкўл | 1986 | Тарих, 2007 – 2008 | Катта ўқитувчи |
| 23 | Солижонов Хайрулла Ҳабибулла ўғли | 07.01.1991, Андижон | 2017 | Экология, 2018 – ҳ.в. | Докторант |

Андижон давлат университети ректорларининг уч нафари СамДУ битирувчилари эканиёқ бу икки олий таълим муассасасининг бошқарув тизимида мутаносиблик, мувофиқлик ва муштараклик борлигидан дарак беради.

Андижон давлат педагогика институтида қарийб 19 йил ректор лавозимида ишлаган Абдуллаев Ғани Холматович даврида Андижон ва Самарқанд олийгоҳлари ўртасидаги ҳамкорлик кенг қулоч ёзган. Талабаларнинг илмий-амалий конференциялари гоҳ у, гоҳ бу олий таълим муассасасида ўтказилган, ҳар йили андижонлик математика факультети талабалари Самарқанд университети Ҳисоблаш марказига амалиёт ўтагани борар эдилар. Профессор-ўқитувчилар ўртасидаги «Устоз-шогирд» муносабатларининг ўрнатилгани, Андижонга давлат имтиҳон ҳайъати раислигига академик Воҳид Абдуллаев, профессорлар Улуғ Турсунов, Алескеров Юрий Николаевич, Фотима Ҳайдарова, Михаил Абрамов, Ҳамдам Бердиёров, Искандаров Рафиқ Искандарович ва бошқаларнинг ташрифи ва уларнинг талабалар билан учрашувлари, фаннинг сўнгги ютуқлари бўйича маърузалари бу икки олийгоҳнинг ришталари қадимдан мустаҳкамлигини билдиради.

Ўтган асрнинг 90-йилларида Андижон давлат педагогика институтида халқаро илмий



Самарқанд давлат университети тарих факультети 1-босқич талабаси Рустамбек Шамсутдинов ва математика факультети 1-босқич талабаси Обиджон Исматуллаев. Самарқанд, Максим Горький бульвари (ҳозирги Университет хиёбони), 1960 йил сентябрь.



СамДУ профессори Ю.Н.Алескеров 70-йилларда бир неча бор Андижон давлат педагогика институтига давлат имтиҳон комиссияси раиси бўлиб келган. У Р.Шамсутдиновнинг диплом ишига илмий раҳбарлик қилган. Уларнинг устоз ва шогирдлик алоқалари устоз вафотига қадар давом этган (сурат 1973 йили Жалолобод курортида олинган).



Т.ф.д., профессор Фотима Ҳайдарова 1-курсда Р.Шамсутдиновга «Ватан тарихи»дан дарс берган. Ф.Ҳайдарова шогирди Р.Шамсутдинов раислигидаги диссертация ҳимоя қилинадиган илмий кенгашда расмий оппонент сифатида ва бошқа илмий анжуманларда қатнашган. Р.Шамсутдинов ўзининг асарларидан бир қисмини устози Ф.Ҳайдаровага тақдим қилмоқда (СамДУ, 2006 йил).

анжуман ўтказилган. Анжуманга Самарқанддан устозлар Фотима Ҳайдарова, Михаил Абрамов ва бошқалар ташриф буюришган, долзарб мавзулардаги маърузалари билан тадбирнинг илмий салоҳияти ошишига ўз ҳиссаларини қўшишган. Шу кунларда ҳам илмий алоқалар (илмий раҳбарлик, диссертацияларга тақриз бериш, оппонентлик, айрим соҳалар бўйича илмий ҳамкорлик ва б.) давом этиб келмоқда.

Бугунги кунда ҳам Андижон давлат университетида фаолият кўрсатаётган менинг университетдошим, Ўзбекистонда хизмат кўрсаттан маданият ходими, тарих фанлари доктори, профессор Рустамбек Темирович Шамсутдиновнинг фаолиятига оид айрим чизгилар келтириш ўринлидир. Унинг саъй-ҳаракатлари билан ҳали мустақиллик эълон қилинмаган бир пайтда Андижон давлат педагогика институтида республика олий ўқув юртлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистон тарихи кафедраси ташкил этилган, унинг ўзи узоқ йиллар бу кафедрага раҳбарлик қилган. Тарих факультети декани лавозимида ибратли фаолият кўрсатган. Унинг кўпларга ибрат бўладиган жиҳатларидан бири устозларига бўлган садоқатидир. Расмларда шу соҳадаги лавҳалардан айримлари келтирилди.

Ўйлайманки, икки университет ўртасида барча жабҳалардаги ҳамкорлик алоқалари боқийликка дахлдордир.

### *МУАЛЛИФИМИЗ ҲАҚИДА*

***Юлдашев Акрамжон Султанмурадович*** *1960 йилда Андижон вилоятининг Жалолқудуқ туманида таваллуд топган. Ўрта мактабни тамомлагач, Самарқанд давлат университети биология факультетида таҳсил олган.*

*Биология фанлари доктори, профессор Акрамжон Султанмурадович Андижон давлат университетига ректор этиб тайинланганидан сўнг ўқув, илмий, маънавий соҳаларда ва университет моддий-техник базасини такомиллаштириш борасида катта ишлар амалга оширилди. Университетда янги бакалавр таълим йўналишлари очилди, уларнинг сони 25 тадан 42 тага етди. Магистратура мутахассисликлари сони 12 тадан 23 тага оширилди. Талабаларнинг умумий сони қарийб 20000 га етди. Университетнинг илмий салоҳиятини кўрсатиб берувчи 4 та Илмий кенгаш очилди ва уларда 8 хил ихтисослик бўйича диссертация ҳимоялари йўлга қўйилди. Шу билан бирга, профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти (илмий даража эгалари) ҳам 164 тадан 225 тага кўпайди. Университетда хорижнинг ривожланган мамлакатлари билан илмий, амалий ҳамкорлик йўлга қўйилди: «Қайта тикланувчи электр манбалари» (раҳбар – профессор Р.Алиев) ўқув-илмий лабораторияси (180 000 АҚШ $) фаолият кўрсатмоқда. Университетда ёшларни илм-фанга йўналтирувчи бир қанча илмий инновацион марказлар очилди.*

*Россия ва Беларус давлатларининг етакчи олий таълим муассасалари билан 9 та бакалавриат таълим йўналишлари ва 1 та магистратура мутахассислиги бўйича қўшма таълим дастурлари (2+2 ва 1+1 тамойили асосида) ўз фаолиятини бошлади.*

*Университет замонавий жиҳозлар ва компьютер технологиялари билан бойитилди. Барча 6 та талабалар тураржойлари, Чўлпон кўчасидаги 1000 ўринли ўқув биноси, педагогика ва санъатшунослик факультетларининг барча ўқув бинолари капитал таъмирдан чиқарилди. Асосий ҳудудлардаги бинолар ва ТТЖлар газлаштирилди. Хонобод шаҳридаги АДУ ўқув ва соғломлаштириш оромгоҳида 3 млрд сўмлик янги қурилиш ишлари олиб борилди.*

*2016 йилдан «Водийнома» (Тарихий мерос) журналини ташкил этиш ва унинг мунтазам чиқиб туришини таъминлашда профессор А.С.Юлдашевнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ректорнинг жонбозлиги ва саъй-ҳаракатлари билан Андижон давлат университети тузилмасидаги «Қатағон қурбонлари музейи» юқори даражада ташкил этилди ва вилоятимиз, қолаверса, республикамиз аҳолиси учун ўқув-тарбиявий, маънавий-маърифий тарғибот марказига айлантирилди.*

***Таҳририят***

# САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ – УЛУҒБЕК МАДРАСАИ ОЛИЯСИНИНГ ЭНГ ЯНГИ ЗАМОН ТАРИХШУНОСЛИГИ

**Раҳимжон ЮСУПОВ,**
тарих фанлари номзоди, доцент

Мирзо Улуғбекнинг илмий мактаби жуда кўп машҳур олимларни тарбиялаб етиштиргани, ҳозирги даврдаги Фанлар академиясининг тимсоли экани ҳақида Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов биринчи бўлиб фикр билдирган эди. Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий конференция қатнашчиларига йўлланган табригида И.Каримов шундай деган: «Бу мактаб вакиллари олган кенг миқёсдаги қомусий билимлар ҳозирги олимларга асрлар оша етиб келган мерос сифатида инсониятга шу пайтгача хизмат қилмоқда... Биз жаҳон ҳамжамияти билан бундан буён ҳам алоқаларни ҳар томонлама кенгайтираверамиз».[1] Шу боис фармон қабул қилиниб, «1994 йил Мирзо Улуғбек йили» деб эълон қилинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик юбилейини нишонлаш ҳақида қарор қабул қилди. Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига бағишланган халқаро анжуман ва илмий маросимлар Самарқанд шаҳрида ўтказилди. Бундан ташқари, ЮНЕСКО қарорига кўра фалакиёт илмининг султони таваллуди халқаро миқёсда кенг нишонланди. Муҳаммад Тарағай[2] – Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик юбилейига бағишлаб Истанбул ва Парижда катта тантаналар бўлди.



Буюк бобомиз таваллудининг 600 йиллигига тайёргарлик жараёнида Мирзо Улуғбек нафақат ўз халқига, балки умумбашарий цивилизация учун ҳам хизмат қилган ва жаҳон эътиборини қозонган аллома бўлганлиги ҳақида кўплаб илмий мақолалар ва илмий-оммабоп рисолалар нашр этилди. Улар орасида академик Тошпўлат Ширинқулов, Самарқанд давлат меъморчилик-қурилиш институтининг ректори, профессор Рустам Холмуродов, шу институт профессори Ахтам Ўролов томонидан ҳаммуаллифликда чоп эттирилган «Улуғбек

[1] Зарафшон. 1994 йил 15 октябрь.

[2] Шоҳрух мирзонинг тўнғич ўғли Улуғбек мирзо 1394 йилнинг 22 мартида Ироқи Ажамнинг Султония шаҳрида дунёга келган. Унга Муҳаммад Тарағай деб ном берганлар. Бу ном Амир Темурнинг марҳум отаси номи бўлиб, болани Муҳаммад Тарағай деб чақиришга истиҳола қилишган. Уни Соҳибқироннннинг отаси Муҳаммад Тарағай баҳодирга нисбат бериб Улуғбек деб аташган. Мирзо Улуғбек туғилган жой ҳақида шуни айтиш жоизки, Ироқи Ажам деганда Ҳамадон атрофи ва ундан жануброқдаги ерлар назарда тутилади. Араблар ўзларидан бошқа халқларни «ажам» деб атаганлар, шунингдек, араблар яшайдиган ерлардан бошқа мамлакатлар, хусусан, Эрон ва Турон ҳам «мулки ажам» номи билан юритилган.




академияси» деб номланган туркум мақолалар муҳим аҳамият касб этди.[1]

Муаллифлар Мирзо Улуғбек Мовароуннаҳрни 40 йил (1409 – 1449), Темурийлар салтанатини 2 йил (отаси Шоҳрух мирзо вафотидан сўнг, 1447 – 1449) бошқаргани, ана шу йиллар ичида Самарқандни дунёга донғи кетган илм-фан, маданият ва маърифат марказига айлантиргани ҳақида ёзган эдилар. Маълумки, 1398 йилда Амир Темур беш яшар набираси Улуғбек мирзонинг мураббийси қилиб ўз қиссахонининг жияни Ҳамза ибн Алини тайинлайди. У тарихда Шайх Озарий (1382 – 1462) номи билан машҳур бўлиб, отаси сарбадорлар бошлиқларидан Али ибн Тусий эди. Шундан кейин Улуғбек мирзо мураббийси Шайх Озарий ва отабеги[2] Шоҳмалик тарбиясида бўлди. Мирзо Улуғбек 1411 йилдан Мовароуннаҳрнинг мустақил ҳукмдори бўлиб олгач, барча ўзига таниш олимларни саройига тўплай бошлайди. Ёшлигиданоқ туғма истеъдод соҳиби бўлган Мирзо Улуғбек олимлар, шоирларга катта ғамхўрлик қилди. Амир Темур даврида Самарқандда тарбия топаётган истеъдодлар Соҳибқирон[3] вафотидан кейин тарқалиб кетишган эди. Мирзо Улуғбек Самарқанд шаҳрига машҳур олимларни йиғаркан, уларнинг олдига Шарқ ва Ғарбда яшаб ўтган йирик олимларнинг асарларини йиғиш, уларни таржима қилиш, уларга мукаммал илмий шарҳлар ёзиш, математика, геометрия, тиббиёт, тарих, астрономия, поэтика илмларининг муҳим қирраларини ривожлантириш масаласини қўйди. Тез орада юз нафарга яқин олим Мирзо Улуғбек паноҳига олинди.

Мирзо Улуғбек бобоси Амир Темур, отаси Шоҳрух мирзо каби илм-фан, санъат ва ҳунар аҳлларига ҳомийлик қилибгина қолмай, шахсан ўзи ҳам илм-маърифат билан фаол шуғулланади. Салтанатда аввал қатор мадрасалар[4],

[1] Ширинқулов Т., Холмуродов Р., Ўролов А. Улуғбек академияси // Зарафшон. 1994 йил 2 июль; Ширинқулов Т., Холмуродов Р., Ўролов А. Улуғбек академияси // Самарқанд. 1994 йил 16 июль.

[2] Оталиқ – шаҳзодаларнинг яқин маслаҳатчиси. Улар балоғатга етгунларига қадар улусларни бошқарганлар. Оталиқлар обрўй ва мўътабар амирлар ичидан сайлаб олинган.

[3] Соҳибқирон – жаҳонгир подшоҳларга берилган фахрли лақаб, масалан, Чингизхон, Амир Темур ва Шайбоний Абдуллахон шундай лақаб соҳиби бўлганлар; луғавий маъноси: «соҳиб» – эга, «қирон» – яқинлашиш. Мунажжимлар икки шарофатли сайёра – Зуҳра ва Муштарий бирбирига яқинлашган ҳолатни «қирон буржи» деб атаганлар, шу вақтда туғилган боланинг келажаги буюк бўлиши башорат қилинган. Амир Темур туғилган вақтда мазкур икки сайёра қирон буржида бўлганлиги боис унга «Соҳибқирон» деб лақаб берилган.

[4] Мадраса арабча «дараса» (ўқимоқ) сўзидан олинган бўлиб, таълимгоҳ маъносини англатади, мактаб ва мадраса мударрислари, давлат бошқаруви ходимлари: муфтий, қози, аълам каби ижтимоий ва аниқ фанлар мутахассисларини тайёрлаб берувчи олий билимгоҳ ҳисобланади. Мирзо Улуғбек фармони билан 1417 йилда Бухорода, 1420 йилда Самарқандда, 1433 йилда Ғиждувонда мадрасалар қад кўтаради.

сўнгра дунёда тенги йўқ расадхона[1] қурдириб, уларда илмий тадқиқот ишларини олиб борди. Мирзо Улуғбек даврида Самарқанд нафақат Мовароуннаҳрнинг, балки бутун Темурийлар салтанатининг йирик илмий-маданий марказига айланди. Самарқандда ҳар хил фанлардан яхши билим беришга қодир энг машҳур алломалар ва мударрислар[2] тўпланишди. Шунингдек, жуда кўплаб астрономлар ва ҳисобчилар жамланишди. Манбаларда кўрсатилишича, бу даврда Самарқандда яшаган аҳоли сони 150 минг кишини ташкил этган.[3]

Натижада бу ерда кўплаб таниқли олимлар етишиб чиқди ва улар ўз даврининг нодир кашфиётларини амалга оширдилар. Мирзо Улуғбекнинг устози замон Афлотуни[4] Салоҳиддин Мусо ибн Маҳмуд Қозизода Румий эди. Улуғбек мирзо ундан илми фалакиётни ўрганди. Алломанинг маслаҳати билан Соҳибқирон вафотидан кейин кетиб қолган Ғиёсиддин Жамшид ибн Масъуд (1417 йилда Самарқандга келиб, умрининг охиригача – 1429 йилгача шу шаҳарда яшади) Самарқандга олиб келинган.

[1] «Расад» форсча сўз бўлиб, йўлдаги ёки узоқдаги нарсани диққат билан кузатиш маъносини англатади. Мунажжим олимлар юлдузларни аниқ ва мукаммал текшириш учун расадхоналар қурдиришган. Тарихдан маълумки, ўз вақтида мусулмон оламининг маркази ҳисобланган Бағдоддаги Ал-Маъмун расадхонасида Ал-Хоразмий (783 – 850), Исфаҳон расадхонасида Умар Хайём (1040 – 1123), Мағора расадхонасида Носириддин Тусий (1201 – 1274) каби алломалар зиж (жадвал) тузишган. Мирзо Улуғбекнинг оламшумул аҳамиятга эга расадхонаси биноси қурилиши 1420 йили бошланиб, 1429 йили битказилади ва ишга тушади. Уч ошёналик қилиб қурилган маҳобатли расадхонада мунажжимлик назарияси амалий тадқиқотларга уйғунлаштирилган. Бунга қадар аниқ фанлардан машғулотлар Мирзо Улуғбек мадрасасида ўтказилар эди. Расадхона мавзеси Мирзо Улуғбек ўлимидан 150 йил кейин ҳам вайрон бўлмаган, маълумотга кўра, XVII аср арафасида ҳам ниҳоятда обод жой бўлган.

[2] Мавлоно Муҳаммад Хавофий, Амир Сайид Қосим Анвор, Алоуддин Али ибн Муҳаммад ал-Қушчи ва бошқалар. Бу ҳақда батафсил қаранг: Валихўжаев Б. Хожа Аҳрор Валий. – Самарқанд, 1993. – Б.52 – 53; Ўролов А., Ҳожихонов М. Улуғбек яратган маънавият. – Тошкент: Халқ мероси, 1994. – Б.10 – 21; Санақулов У., Ҳамдамова М., Мамараимов Қ. Амир Темур салтанатининг донишманд вориси. – Тошкент: Наврўз, 2014. – Б.15 – 23.

[3] Руи Гонсалес де Клавихо. Амир Темур Испания элчиси нигоҳида. – Тошкент: Zamin nashr, 2019. – Б.147.

[4] Йирик олим ва Улуғбекнинг устози Қозизода Румий 1360 йилда Румда (ҳозирги Туркиянинг Бурса шаҳрида) туғилган. 1437 йили Самарқандда вафот этган. У ўзининг юксак иқтидори туфайли «Фазоили Румий» («Румлик донишманд») деган унвонга сазовор бўлади. Шунинг учун ҳам Амир Темур унга ёш Мирзо Улуғбекнинг тарбиясини ишониб топширган эди. Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги даврида Қозизода Румийга «Афлотуни замон», яъни «ўз замонасининг Афлотуни» деган юксак унвон берилади. Афиналик машҳур файласуф Платонни биз «Афлотун» сифатида билганмиз, шу боис Мирзо Улуғбек устози Қозизода Румийга нисбат бериб уни ҳазрат мавлоно ал-аъзам, қадимги илмларнинг кашф этувчиси, олам «Афлотуни замон»и деб улуғлаган.

Мирзо Улуғбек даври мадрасаи олияларининг тарихини ўрганишда самарқандлик таниқли археолог олим Амриддин Бердимуродов ҳам катта ҳисса қўшди. Олим йирик манбашунос, академик Дилором Юсупованинг асарларини чуқур ўрганиб, Мирзо Улуғбек яратган бу илмий мактаб, айниқса, астрономия фанида катта ютуқларга эришганини, мазкур мактаб шон-шуҳратининг дунёга ёйилиши сабабларини янада кенгроқ очиб беришга ҳаракат қилди.[5] Зеро, ўз даврида Самарқанд олимлари Мирзо Улуғбекнинг буйруғи билан астрономияга оид рисолаларга шарҳлар ёзар эканлар, бу рисолалардаги кўплаб маълумотларни қайта текшириб кўришга эҳтиёж сеза бошладилар. Бу ҳол Самарқандда расадхона қуришни тақозо этди. Олимлар бу фикрни Мирзо Улуғбекка айтганларида ҳукмдорнинг ҳам нияти шундай эканлиги маълум бўлди. Расадхона қурилиши 1420 йили бошланиб, 1429 йили битказилади ва ишга тушади. Бу улкан фалакиёт илмий-тадқиқот лабораториясида Мирзо Улуғбек бошлиқ астрономлар мактаби алоҳида бинога эга бўлди. Шундан сўнг Самарқанд илм аҳлининг раис ҳайъати мажлислари Регистон (1417 – 1420)да бунёд этилган Мирзо Улуғбек мадрасасида ўтказилиб турадиган бўлди.

Мирзо Улуғбек яратган бу илмий мактаб фан тарихида шу даражада чуқур из қолдирдики, бундан 250 йил илгари машҳур француз маърифатпарвари, ёзувчи, файласуф ва тарихчи Вольтер (1694 – 1778) матбуотда илк бор бу мактабни «Самарқанд академияси» деб атади. Таъкидлаш жоизки, бу ҳақиқатни илк бор француз олими тан олди.

Ўтган асрнинг 60-йилларида академик Қори Ниёзий Улуғбекнинг илмий мероси ва фаолиятини ўрганиб чиқиб, Самарқандда «Улуғбек астрономик мактаби» шаклланганини-

[5] Юсупова Д.Ю. Письмо Гийас ад-дина Каши к своему отцу из Самарканда в Кашан // Из истории науки эпохи Улугбека. – Ташкент, 1979. – С.37 – 64; Бердимуродов А. Самарқанд тарихидан томчилар. – Тошкент: Маънавият, 2015. – 400 б; Бердимуродов А., Индиаминова Ш. Буюк ипак йўли: қитъалар ва асрлар оша. – Тошкент: O'zbekiston, 2017. – 384 б; Бердимуродов А. Ғиёсиддин Жамшид Ал-Коший. «Улуғбек ва унинг Самарқанддаги илмий фаолияти ҳақида мактуб» // Ўзбекистон овози. 1994 йил 13 октябрь.

ни эътироф этди.[1] Ўтган асрнинг сўнгги чорагида таниқли тарихчи олимларимиздан Бўрибой Аҳмедов[2], Ашраф Аҳмедов[3] Самарқандда вужудга келган Мирзо Улуғбек бошлиқ илмий муҳитни «Улуғбек академияси» деб аташган. Биз бу фикрга қўшиламиз, чунки «Улуғбек астрономик мактаби», аслини олганда, ўша улкан «Байт ул-ҳикма»нинг энг нуфузли таркибий қисми эди.[4] Энг эътиборли жиҳати мустақилликнинг дастлабки йилларидан Самарқандда Мирзо Улуғбек ҳақида, унинг мадрасаси тарихи ҳақида эътиборли фикрлар билдирила бошланди.

Бу соҳа тарихшунослигини ўрганишда нафақат тарихчи олимлар, балки самарқандлик меъморчилик соҳаси олимларининг ҳам хизматлари таҳсинга сазовор бўлди. Масалан, 1994 йилда А.Ўролов ва М.Ҳожихонов Мирзо Улуғбек раҳнамолигидаги Самарқанд олимларининг бу илмий даргоҳи ўз даврида Туркистондаги «Мусулмон ренессанси»нинг[5] юксак чўққиларидан энг салоҳиятлиси – «Байт ул-ҳикма» академияга айлангани ҳақидаги тадқиқот ишини амалга оширдилар.[6] Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик таваллудига бағишлаб ёзилган бу асарда унинг маданий-маърифий мероси ва бунёдкорлик фаолияти кам ёритилгани айтилиб, тўлиқ талқин этилмаган янги қирралари баён қилинган.

Қайд этиш жоизки, 2001 йилда Шавкат Мирзиёев Самарқанд вилояти раҳбарлигига келгач, СамДУни замон талаблари даражасида ривожлантириш, бу олий таълим даргоҳининг мукамммал тарихини яратиш, унинг тарихий илдизлари Улуғбек мадрасаси билан боғланишини халқимизга, жаҳон ҳамжамиятига исботлаб бериш ҳақида кўрсатмалар берган эди. Шундан сўнг СамДУ раҳбарияти ва бир гуруҳ самарқандлик олимлар университет тарихи, унинг юртимиз ва жаҳон илм-фани, таълим тизими тараққиётига қўшган ҳиссаси хусусида тадқиқотларни янада жонлантириб юборишди.

Айниқса, академик Ботурхон Валихўжаевнинг «Самарқанддаги олий таълим – мадрасаи олия – университет тарихидан лавҳалар»[7] рисоласида университетнинг ўрта асрлардаги тарихи ва бугуни, жумладан, олий таълимнинг ўзига хос хусусиятлари, олий мадрасаларнинг бугунги замонавий олий ўқув юртлари илдизи экани тўлиқ асослаб берилди. Академик Ботурхон Валихўжаевнинг бу тадқиқоти хорижлик олимлар, айниқса, Туркия ва Эрон мутахассислари томонидан эътироф этилганини ҳам қайд қилиш лозим. Ушбу рисолада Шарқ илм-фани ривожида асосий ўрин тутган мадрасалар ва улардаги ўқув жараёни хусусида баҳс юритилган. Рисоладаги бой материаллар шундан гувоҳлик берадики, ҳозирги ўқув масканлари ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмасдан, узоқ тарихий анъаналарга эга бўлган. Мазкур рисолага масъул муҳаррирликни Самарқанд давлат университети ректори, профессор Р.И.Холмуродов бажарган эди. Шу туфайли ушбу рисола мустақиллик даври янгича тафаккурининг маҳсули, бугунги миллий мафкурамиз нуқтаи назаридан алоҳида эътиборга молик тадқиқот ишига айланди.

Самарқандлик тарихчилар, археологлар, манбашунослар, архитектор олимлар ҳақида ёзар эканмиз, яна бир тадқиқот иши ҳақида тўхталмасдан ўтиш мумкин эмас. Бу Комилхон Каттаевнинг «Самарқанд мадрасалари ва илму фан ривожи» номли рисоласидир.[8] Унда

[1] Кари Ниёзов Т.Н. Самарканд – центр научной мысли Мавереннахра в XIV – XV вв. (Улугбек и его деятельность) // История Самарканда. Том I. – Ташкент, 1969. – С.212 – 231.

[2] Аҳмедов Б. Улуғбек. – Тошкент, 1989.

[3] Ахмедов А. О комментариях Абд ал-Али Хусейна Бирджанди к «Зиджу» Улугбека // Из истории науки эпохи Улугбека. – Ташкент, 1979. – С.69 – 109.

[4] X – XI асрларда Хоразмда маърифатпарвар шоҳ Маъмун раҳнамолигида Гурганжда тўпланган олимлар иштирокида 1010 йили «Байт ул-ҳикма» («Донишмандлар уйи») ташкил топди. Бу илмий марказ тарихга «Маъмун академияси» деган ном билан кирди. Унда Абу Райҳон Беруний билан бир қаторда қомусий олимлар (Абу Наср ибн Ироқ, Абу Али ибн Сино, Абу Саҳл Масиҳий, Абулхайр ибн Хаммор, Абу Фазл Байҳақий ва бошқалар) кўплаб амалий ва илмий муаммоларни ечиб, жаҳон фани ривожига катта ҳисса қўшганлар.

[5] Metz A. Die Renaissance des Islam's. 1922. Бу асар Д.Е.Бертельс томонидан рус тилига таржима қилиниб, «Мусульманский ренессанс» номи билан (Москва, 1966) чоп эттирилган.

[6] Ўролов А., Ҳожихонов М. Улуғбек яратган маънавият. – Тошкент: Халқ мероси, 1994. – 84 б.

[7] Валихўжаев Б. Самарқандда олий таълим – мадрасаи олия – университет тарихидан лавҳалар. Илмий-оммабоп рисола. – Самарқанд: Халқ мероси, 2001. – 184 б.

[8] Каттаев К. Самарқанд мадрасалари ва илму фан ривожи. – Самарқанд: Зарафшон, 2003. – 96 б.

Самарқанддаги 55 та мадраса-мактабнинг тарихи, уларнинг аниқ жойлашган мавзелари, таълим тизими ва иш юритиш принциплари ҳақида қимматли фикрлар билдирилган. Шу билан бирга, рисолада тарихшунослик соҳасидаги баъзи муаммоли масалалар ҳам асосли равишда илмий муомалага киритилган. Муаллиф юртимиз қадимдан илм-фан ва таълим-тарбиянинг ўчоғи бўлиб келганини ишончли далиллар билан исботлаган.

Янги Ўзбекистон тарихшунослигида тарихчи олимлар[1], илм-фан намояндалари[2], халқаро экспертлар[3] бугунги кунда фаолият юритаётган Самарқанд давлат университети тамал тоши ўрта асрларда қўйилган Мирзо Улуғбек мадрасаи олиясининг вориси эканини катта ғурур ва фахр билан қайд этмоқдалар. Бунга сабаб «Халқ сўзи» газетасининг 2020 йил 3 июль сонида «Тамаддун дарёси ҳамон оқмоқда равон. Ўзбекистонда илм-фаннинг янги ренессанс даври бошланмоқда» сарлавҳаси остида Олий Мажлис Сенати аъзоси, Самарқанд давлат университети ректори Рустам Холмуродов билан суҳбат эълон қилингани бўлди. Зеро, унда халқимизнинг миллий ғururини юксалтирадиган, айниқса, ёшларда шонли тарихимизга ҳурмат, илм-фанга муҳаббат уйғотадиган ниҳоятда долзарб масалаларга эътибор қаратилади.[4] 2020 йил 26 июнда Халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгаши сессиясида Самарқанд давлат университетининг 600 йиллигини нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилингани ҳам бунинг исботидир.

Хуллас, Самарқанд давлат университети бугунги кунда ҳам юртимизда оқаётган илм дарёсининг серсув ирмоқларидан биридир. Республика олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясига мувофиқ, мазкур илм даргоҳини мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг байроқдорига айлантириш ва дунёнинг энг илғор 500 олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш кўзда тутилган. Зеро, тарихийлик, ворисийлик мадрасаи олия – университет тизими Самарқанд заминида узлуксиз давом этишига асос бўла олади. Мирзо Улуғбекнинг маънавий меросхўри ҳисобланган Самарқанд давлат университети Марказий Осиёда илм-фан ривожида ўз ўрнига эга. Агар Самарқанд давлат университети тарихи билан боғлиқ адолат тикланадиган бўлса, нафақат буюк аждодимиз Мирзо Улуғбек даҳосига эҳтиром кўрсатилади, балки юртимиз олий таълим тизимининг халқаро нуфузи янада ошишига асос бўлади.

---

[1] Юсупова Д. Илм аҳлига ғурур бахш этган ташаббус // Халқ сўзи. 2020 йил 11 июль.

[2] Рашидов Т. Мамлакатимиз олий таълимининг тарихий илдизлари теран // Халқ сўзи. 2020 йил 14 июль; Тошқулов А. Илм дарёсидаги ирмоқ // Халқ сўзи. 2020 йил 15 июль; Муҳитдинов М. Миллий уйғониш палласи // Халқ сўзи. 2020 йил 11 июль.

[3] Қаранг: Ўзбекистон олий таълим тизимининг тарихий илдизлари бақувват. Фредерик Бренет, Франция илмий тадқиқотлар миллий маркази илмий ходими, Ўрта Осиё археологик тадқиқотлар экспедицияси институти директори, Волфганг Шарек, Росток университети ректори (Германия), Маҳмут Ак, Истанбул университети ректори (Туркия Республикаси) // Халқ сўзи. 2020 йил 18 июль.

[4] Тамаддун дарёси ҳамон оқмоқда равон. Ўзбекистонда илм-фаннинг янги ренессанс даври бошланмоқда // Халқ сўзи. 2020 йил 3 июль.

# САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ

## кеча ва бугун

(Самарқанд давлат университетининг 600 йиллигига бағишланади – «Ўзбекистонда мадраса таълим тизими тарихи» мавзусидаги грант иши асосида)

Б.ЭРГАШЕВ, Ж.Б.АМИРҚУЛОВ, М.И.АСАТУЛЛАЕВ

Азалдан илм-фан марказларидан бўлган қадимий Самарқандда Мирзо Улуғбек мадрасаси заминида университет ташкил этилиши республикамиз маданий-ижтимоий ҳаётида муҳим воқеа, кескин бурилиш бўлди. Тарих факультети дорилфунун ташкил топган 1927 йилдан буён тўнғич факультетлар қаторида камол топиб, улғайиб, қизғин фаолият кўрсатиб келмоқда.


Т.ф.д. Эргашев Б.


Амирқулов Ж.Б.


Асатуллаев М.И.

Тарих факультети узоқ йиллар давомида ҳақиқий тараққиёт ва ривожланиш босқичини ўтди. Дастлабки йилларда турли қийинчиликлар сабаб талабалар сони етарли бўлмай, шунинг учун факультет базасида тайёрлов курслари ташкил этилди, халқ, айниқса, хотин-қизлар ўртасида кенг кўламда тушунтириш ишлари олиб борилди. Натижада факультетда талабалар сони тез суръатлар билан ўсди.

Ҳозирги кунда факультетда 860 нафар талаба, 70 та магистрант таҳсил олмоқда. Уларга 70 нафар профессор-ўқитувчи таълим бермоқда. Илмий-педагогик жамоа аъзоларининг 10 таси фан доктори, профессор, 15 таси фан номзоди, доцент, 10 таси катта ўқитувчи, 35 таси ассистентдир. Кафедрадаги илмий салоҳият 35% ни ташкил қилади.

Факультетда тарих (512300), археология (5120400), тарих ўқитиш методикаси (5110600) таълим йўналишлари бўйича бакалавриат, археология (5 А 120401), Ўзбекистон тарихи (5 А 120301), тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича) (5 А 120302), тарихшунослик, манбашунослик тарихи, тадқиқотлар методлари таълим йўналишлари бўйича магистратура мутахассисликлари мавжуд.

Факультетда 4 та кафедра: Ўзбекистон тарихи, Археология, Жаҳон тарихи, Тарихшу-



Тарих факультети жамоаси 70 – 80-йиллар (фотожамланма)



Тарих факультети олимлари 70-80 йиллар (фотожамланма)

нослик-манбашунослик кафедралари фаолият кўрсатмоқда.

Шу кунларда факультетда ўқув жараёнида янги педагогик технологияларни қўллаш мақсадида компьютер синфлари ва махсус дарс хоналари ташкил қилинган. Факультетдаги барча компютерлар интернет тизимига уланган. Факультетнинг ҳар бир профессор-ўқитувчиси электрон (модул электрон платформаси) манзилларида фаолият олиб бормоқда.

Сўнгги ўн йилда барча кафедралар, деканат, аудиториялар, ўқув хоналари, Археология музейи янги мебеллар билан жиҳозланди. Кафедралар ва деканатта янги замонавий компьютерлар қўйилган. Барча таълим йўналишлари бўйича дарсликлар, ўқув-услубий адабиётларнинг янги авлоди, ўқув адабиётлари, электрон дарсликлар, маъруза матнлари билан таъминланди. Ўқитишнинг модулли тизими устида ишламоқдалар.

Факультетда халқаро ва республика миқёсида илмий конференциялар ўтказиш анъанага айланган.

Сўнгги йилларда факультет жамоаси томонидан 33 та монография, 5 та дарслик, 30 дан ортиқ ўқув-услубий қўлланма, 700 дан ортиқ илмий мақолалар эълон қилинган. Факультетда 116 нафар иқтидорли талаба бўлиб, уларнинг илмий тўпламлари мунтазам равишда нашр қилинмоқда. Факультет фундаментал кутубхонасида Медиамарказ ташкил этилган, ҳомийлар ёрдамида факультет профессор-ўқитувчилари барча фанлар бўйича электрон дарсликлар яратдилар. Медиамарказнинг талабалар учун қулайлиги унда медиатеканинг мавжудлигидир. Чунки медиатекада барча фанларнинг ўқув-услубий мажмуалари жамланган.

Бугунги кунда факультетда рақобатбардош мутахассис кадрлар тайёрланмоқда. Ҳар йили иқтидорли талабалар сафидан Президент ва давлат стипендиантлари, фан олимпиадалари ғолиблари етишиб чиқмоқда. Ҳамроқулова Шоҳиста Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси соҳибаси, Облоқулова Дилафруз, Ғаффорова Дилбар, Эргашев Одил, Исмаилов Дилшод, Сатторов Элдор, Хушвақтов Нодир Алишер Навоий стипендияси совриндорларидир.

Факультетда ўқув машғулотларининг сифатини ошириш мақсадида давлат стандартларига мос ўқув ва иш режалари яратилди.

Ҳозирги кунда факультет жамоаси олдида маъсулиятли вазифалар турибди. Уларнинг асосийлари 2017 – 2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стрегиясини тўла амалга ошириш, яъни факультет кафедраларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўқув-тарбия жараёнини юқори сифатли ўқув адабиётлари, инновацион ва замонавий педагогик технологиялар билан таъминлаш, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари учун дарсликлар, ўқув қўлланмалари, электрон дарсликларни яратиш, модул тизими устида ишлашдан иборат-



Декан Д.М.Жўрақулова талабалар билан учрашувда

дир. Бу эса, ўз навбатида, таълим-тарбия самарадорлигини янада ошириш имконини беради.

Факультет жамоаси ўқув, илмий ва маънавий-маърифий ишлар билан бир қаторда университет, шаҳар, вилоят ҳамда республика миқёсида ўтказилаётган турли тадбирларда фаол қатнашмоқда. Улар аҳоли ўртасида оммавий-сиёсий ишларни жонлантириш, ҳукуматимиз томонидан чиқарилган қарорларни тушунтириш соҳасида доимий иш олиб борадилар. Вилоятдаги мактаблар, музейлар, кутубхоналар, архив ва бошқа маданий-маърифий муассасаларда тез-тез бўлиб, амалий конференция ва семинарлар ўтказилиши улар ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Тарих факультети олимлари жаҳоннинг етакчи илмий марказлари билан ҳамкорлик қилиб келмоқдалар. Жумладан, Ўзбекистон тарихи кафедраси Франциянинг Сорбонна университети билан, Археология кафедраси Италиянинг Болонья, Франциянинг Сорбонна, Россиянинг Москва давлат университети, Санкт-Петербург, Новосибирск университетлари билан, Жаҳон тарихи кафедраси Варшава университети билан, Манбашунослик-тарихшунослик кафедраси АҚШнинг Индиана университети, Москва ва Самара университетлари ва илмий марказлари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатган. Ҳамкорлик натижалари чет элда чоп этилган мақолалар, халқаро симпозиумларда ўқилган маърузаларда ўз аксини топмоқда. Жумладан, проф. И.М.Саидов АҚШнинг Индиана университетида халқаро конференцияларда қатнашиб, илмий ҳамкорликни кучайтирмоқда. Проф. Н.А.Аванесова Франциянинг Сорбонна университети билан алоқа ўрнатган, О.Эргашев поляк олимлари билан Қизилқум даштларида Кўкаяз ботиғида тадқиқотлар олиб бормоқда. Доц. Н.У.Холматов, И.М.Қурбонбоев Ўзбекистон-Франция халқаро археологик экспедициясининг Оёқ оғитма ёдгорлиги тадқиқотида иштирок этишган.

Факультетда давлат мукофотига сазовор бўлган ходимлар ҳам фаолият кўрсатишган ва кўрсатмоқда. Проф. М.М.Абрамов «Дўстлик» ордени, проф. М.Ж.Жўрақулов «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» унвони соҳиби ҳисобланади.

Факультетда **Археология музейи** мавжуд бўлиб, у 1965 йилдан бери фаолият олиб бормоқда. Музей фондларида мустье даври (мил. ав. 90 – 70 минг йиллар)дан то XIII асргача бўлган даврга мансуб катта тарихий ва бадиий қийматга эга, нафақат ўлкамиз, балки Ўрта Осиё минтақаси тарихи учун аҳамиятли археологик коллекциялар мавжуд.

Музей ўқув-лаборатория машғулотлари олиб бориладиган маскандир. Музей қошида «Археология, этнография, қадимги тарих» тўгараги ишламоқда. Материалларга илмий ишлов беришда талабалар ҳам иштирок этмоқдалар, бу ердаги илмий кузатишлар уларнинг курс ва диплом ишларига ҳам асос бўлмоқда.



Археология музей-лабораторияси

Таълим тизимига илм-фан ютуқларини мунтазам равишда татбиқ этиб бориш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих ва Шарқшунослик, Археология институтлари билан тарих факультети ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш ва ривожлантириш мақсадида шартномалар тузилган.

Истиқлол даврида Ўзбекистон ҳукуматининг олий таълимни давр талаби даражасига кўтариш юзасидан қўйган вазифаларини ҳал қилиш факультет жамоасининг диққат марказида турибди. Ҳеч шубҳа йўқки, бу олижаноб ва шарафли вазифани бажариш йўлида жамоа астойдил меҳнат қилади, республикада олий таълимнинг ривожланишида, Ўзбекистон халқларининг янги тарихини яратишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

## ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИНИНГ ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИ

Самарқанд давлат университети тарих факультетида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари ва юқори малакали кадрлар тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумат қарорлари, жумладан, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифалар ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қарорларининг аҳамияти муҳим саналади. Жумладан, охирги йилларда Президент Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сонли қарори, 2018 йил 5 июндаги «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3775-сонли қарори, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017 – 2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар асосида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Шунингдек, Президентнинг «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси ҳақида»ги ПФ-5847-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида»ги Қонуни ижроси асосида «Йўл харитаси» ишлаб чиқилган бўлиб, бу келажакда факультетнинг илмий-тадқиқот ишлари натижадорлигини оширишга хизмат қилади. Бугунги кунда факультетда фаолият кўрсатаётган кафедралар республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мос: ***Археология*** кафедраси «Ўзбекистон ҳудудидаги илк цивилизациялар: моддий ва маънавий маданият»; ***Ўзбекистон тарихи*** кафедраси «Ўзбекистонда давлатчилик тарихи: муносабатлар ва қарашлар» (2016 – 2020 йиллар); ***Жаҳон тарихи*** кафедраси «Жаҳон мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тарихи ва тарихшунослигининг долзарб масалалари (XX асрнинг охири – XXI аср бошларида)», ***Тарихшунослик-манбашунослик*** кафедраси «Ўзбекистон XX аср 20 – 90-йиллари тарихшунослиги-манбашунослиги» мавзулари доирасида илмий-тадқиқот ишлари олиб бормоқда.

Факультет илмий салоҳиятини ошириш учун мақсадли докторантура, таянч докторантура ва мустақил изланувчилар институти изчил фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, сўнгги ўн йил ичида битириб, ҳимоя қилмаган тадқиқотчиларга алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг илмий изланишлари учун ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиляпти. Бугунги кунда фа-



Ёш олимлар кенгаши йиғилиши. 2019 йил

культетда жами 9 нафар таянч докторантлар фаолият олиб бормоқда. Охирги уч йилда факультетда 3 та DSc ва 6 та PhD диссертациялари ЎзР ФА Тарих институти, ЎзМУ ва СамДУ ҳузуридаги Илмий кенгашларда муваффақиятли ҳимоя қилинди.

Илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш йўлида 2019 йилдан ***Ўзбекистон тарихи*** ихтисослиги бўйича Самарқанд давлат университети ҳузурида илмий даражалар берувчи PhD 03/30.12. 2019. Tar.02.10 рақамли Илмий кенгашнинг фаолият кўрсатиши факультетнинг муҳим ютуқларидан саналади.

Факультетда илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш тизими бакалавриат босқичидан бошланган бўлиб, талабалар ўқишга қабул қилингандан бошлаб кафедраларга, хусусан, салоҳиятли ва тажрибали профессор-ўқитувчиларга бириктирилган ва ***«Устоз-шогирд»*** тизими йўлга қўйилган.

Сўнгги йилларда факультетда давлат илмий-техника дастурлари доирасида *«Ўзбекистон мадрасалари – олий таълим тизими шаклланиши тарихи»* мавзусидаги (ПЗ-20170929521 рақамли) фундаментал илмий лойиҳа устида бир гуруҳ професор-ўқитувчилар иш олиб бормоқда. Шунингдек, чет эл гранти бўйича СамДУ ва Германиянинг Археология институти Евроосиё бўлими билан ҳамкорликда 2018 – 2020 йилларга мўлжалланган «Ўзбек-Германия археологик экспедициясини ташкил этиш ва Зарафшон воҳасида разведка ишларини олиб бориш» бўйича тузилган шартномаси асосида «Археология» кафедраси профессор-ўқитувчилари Қўшработ тумани ва унга қўшни ҳудудларда қўшма археологик экспедицияларда фаолият кўрсатишмоқда.

Тарих факультети хорижнинг бир қатор таълим, илмий марказлари билан ҳамкорлик ва академик алмашувларни йўлга қўйган. Жумладан, Германиянинг Археология институти, Россиянинг Москва давлат университети, Европа университети (Санкт-Петербург), Германиянинг Гёттинген университети Шарқшунослик институти ва бошқалар билан илмий-амалий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Таълимда академик алмашинув бўйича охирги уч йилда Россиянинг МДУ, Нидерландиянинг Лейден университети, Россиянинг Этнология ва антропология институтида профессор-ўқитувчилардан Г.Нормуродова, М.Якубова, Д.Жўрақулова, А.Каспаров стажировка ўтадилар. Сўнгги йилларда факультетнинг 1 нафар талабаси Кореяда ўқиди, ўз навбатида, бакалавриат босқичида 2 нафар хорижлик талаба (Нидерландия), Туркманистондан 2 нафар, Кореядан 2 нафар талаба магистратура босқичида таҳсил олдилар.

2019 – 2020 йилларда факультет профессор-ўқитувчилари томонидан жами 300 дан ортиқ илмий-услубий ишлар чоп этилган бўлиб, шулардан 3 таси монография, 2 таси дарслик, 6 таси ўқув-услубий қўлланма, 4 таси илмий тўпламлардир. Шунингдек, 150 дан ортиқ илмий ишлар халқаро ва республиканинг нуфузли журналлари (жумладан, Scopus, Web of Science ва б.), конференциялар тўпламларида чоп этилган.

## АРХЕОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ ТАРИХИ


Таниқли археолог олим Д.Н.Лев

Айни кунларда жаҳон ҳамжамияти Самарқанд давлат университетининг 600 йиллиги юбилейи ўтказилишига ўз хайрихоҳлигини билдирмоқда. Самарқанд давлат университети Мирзо Улуғбек томонидан 1420 йилда асос солинган мадрасаи олиянинг муносиб вориси эканлиги ёзма манбаларда аниқланди ва бу тарихий ҳақиқат Ватанимизда университетлар фаолияти XV асрнинг 1-ярмидан бошланганини билдириб, университетимизнинг 600 йиллик юбилейини ўтказишга асос бўлди.

Ўтган аср 60-йилларининг 2-ярмидан Самарқанд шаҳрининг 2500 йиллик ёшини асослаш учун Афросиёб (Самарқанд) шаҳарчасини археологик жиҳатдан ўрганиш бўйича



Археология кафедраси жамоаси

археологик тадқиқот ишлари бошланиб кетди. Атоқли археологлар В.А.Шишкин, унинг вафотидан кейин Я.Ғ.Ғуломов раҳбарлигида СамДУ доценти, таниқли археолог Д.Н.Лев Афросиёб археологик комплекс экспедицияси кенг кўламли илмий фаолият кўрсатаётган бир вақтда бу ишга Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги илмий тадқиқот институтлари, шунингдек, олий таълим муассасалари, жумладан, ЎзФА Археология, Санъат, Шарқшунослик институтлари, Тошкент давлат университети ва Самарқанд давлат университети жалб қилинган эди.

Хусусан, М.Ж.Жўрақулов кафедрани илмий-педагогик кадрлар билан таъминлаш, илмий-тадқиқот ишлари кўламини кенгайтириш, кафедранинг моддий-техник базасини кучайтириш соҳасига жиддий эътибор қаратди.

Кафедра профессори М.Ж.Жўрақулов АҚШнинг бир нечта нуфузли университетларида, профессор Н.А.Аванесова Франциянинг Сорбонна университетида, доцент Д.М.Жўрақулова Нидерландиянинг Лейден университетида стажировкада бўлиб, «Самарқанд давлат университети Археология кафедраси тадқиқотлари» мавзуида маърузалар қилишган. Кафедра ассистенти А.Каспаров «Эл-юрт умиди» конкурсининг ғолиби сифатида Россия Фанлар академиясининг Этнология ва антропология институтида 2019 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида стажировка ўтаб келган.

Кафедрада том маънода профессор М.Ж.Жўрақуловнинг **археология мактаби** шаклланган. Устоз кафедра илмий-тадқиқот ишларига бош бўлди. Кафедра қошида «Археология, қадимги дунё тарихи ва этнография» номли даврий илмий тўплам нашр этилишини тизимли йўлга қўйди

## ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ КАФЕДРАСИ: КЕЧА ВА БУГУН



И.И.Умняков, Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири, 1961 – 1968

«Ўзбекистон тарихи» кафедраси 1929 – 1937 йилларда Олий педагогика институти (1927 – 1930), Олий педагогика академияси (1930 – 1933), Ўзбекистон давлат университети таркибида Ўрта Осиё тарихи кафедраси номи билан ташкил топган. 1937 – 1941 йилларда Ўзбекистон халқлари тарихи кафедраси номи билан фаолиятини давом эттирган. 1944 йилда ЎзДУ тиклангач, Ўрта Осиё ва хорижий



С.А.Акрамов, Ўзбекистон кафедраси мудири, 1978 – 1983

Шарқ мамлакатлари тарихи кафедраси номини олган. 1959 – 1994 йилларда яна Ўзбекистон халқлари тарихи, 1994 – 2005 йилларда эса Ватан тарихи кафедраси номи билан юритилган. 2005 йилдан Ватан тарихи кафедрасига факультетлараро Ўзбекистон тарихи кафедраси қўшилгач, ҳозирги номини олган. Ўзбекистон тарихи кафедраси университет ва факультетда етакчи илмий-педагогик жамоадир. Ҳозирги пайтда кафедрада 3 нафар фан доктори, профессор, 7 нафар фан номзоди, доцент, 2 нафар катта ўқитувчи, 13 нафар ўқитувчи самарали меҳнат қилишмоқда.



Проф., тарих фанлари доктори М.М.Абрамов узоқ йиллар Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири лавозимида фаолият кўрсатган

Жамоа аъзолари Ўзбекистон тарихини тадқиқ этиш ва ҳозирги замон талабига мувофиқ ёритиш борасида кўпгина илмий тадқиқот ишларини олиб бордилар ва олиб бормоқдалар. Бунинг натижасида 20 дан ортиқ монография, 50 га яқин илмий-оммабоп рисола, 27 та илмий тўплам, 800 дан ортиқ илмий мақола, 200 дан ортиқ илмий-оммабоп мақолалар нашр этилган.

Кафедра битирувчилари орасидан турли стипендиялар соҳиблари ва республика миқёсидаги олимпиадалар ғолиблари етишиб чиққан. Кафедра аъзолари факультет, университет, шаҳар, вилоят ва республика миқёсида жамоат ишларида қатнашмоқда. Кафедра қошида 07.00.01 – «Ўзбекистон тарихи» ихтисослиги бўйича Илмий кенгаш фаолият кўрсатиб келмоқда.

## ЖАҲОН ТАРИХИ КАФЕДРАСИ ТАРИХИДАН

Самарқандда Олий педагогика институти очилган 1927 йил бошидан биринчилардан бўлиб Умумий тарих кафедраси ташкил этилди. Кафедра мудири А.Қодиров томонидан жуда кўплаб ишлар амалга оширилди.



Жаҳон тарихи кафедраси жамоаси. Пастда чапдан ўнгга: Рустамов С.Р., Самибаев К.Х., Жўрақулов М.Ж., Ортиқов М.З. Юқорида чапдан ўнгга: Пиримқулов Ш.Д., Раҳматуллаев Т.Р., Туракулов Б.Т., Раҳматуллаев М.Р. (1975 йил)

1935 йилда Самарқандда ишчи университети базасида А.М.Горкий номидаги Педагогика (ўқитувчилар) институти очилгач, кафедрада анча йиллардан бери фаолият юритиб келаётган Г.И.Савицкий 1936 йили тарих кафедрасининг мудирлигига таклиф қилинди. Ўриндошлик асосида у Умумий тарих кафедрасида ҳам профессорлик вазифасини бажарувчи бўлиб қолди.

Умумий тарих кафедраси жамоаси ҳам марказий шаҳарлардан таклиф этилган тадқиқотчи мутахассислар иштирокида жаҳон халқлари тарихининг эътиборли қирраларини ўрганишга жуда катта ҳисса қўшганлар.

К.Ҳ.Самибоев мудирлик қилган (1967 – 1977) даврда Умумий тарих кафедраси ҳар томонлама ривожланди. 1967 йилда кафедрада 14 нафар профессор-ўқитувчи фаолият кўрсатиб, улардан етти нафари илмий даражали бўлган. Кафедранинг ёш ассистентлари М.З.Ортиқов, И.Н.Нарзиқулов, Ш.Ф.Файзиев, А.М.Мирзаев, Ш.Д.Пиримқулов ўзларининг илмий изланиш-



Доцент Узоқов Р.П., Аминов Х.А., Юсупов К.Ю. (1976 йил)

лари учун Европа давлатлари тарихи, айниқса, славянлар тарихи мавзуларини танлаб, Москва, Киев, Львов ва бошқа марказий шаҳарларда аспирантура курсини ўтаб, номзодлик диссертацияларини ёқладилар.

1972 йилда Умумий тарих кафедрасида ўз фаолиятини ассистентликдан бошлаган Ш.Д.Пиримқулов кейинчалик (1991 йили) шу кафедрада профессор даражасига кўтарилди. Умумий тарих кафедрасини энг кўп бошқарган мудир ҳам Ш.Д.Пиримқулов бўлди. У 1990 йилдан то умрининг охиригача (2009 йил 31 август) кафедрани муваффақият билан бошқарди. Кафедранинг илмий салоҳиятини кўтариш бевосита Ш.Д.Пиримқулов фаолияти билан боғлиқ эди. 4 та монография, 2 та ўқув қўлланмаси, кўплаб мутахассислик фанларидан маърузалар матни, 100 дан ортиқ илмий мақолалар унинг қаламига мансуб.

## ТАРИХШУНОСЛИК-МАНБАШУНОСЛИК КАФЕДРАСИ: КЕЧА ВА БУГУН

Кафедра тарих факультетининг тенгдоши бўлиб, 1927 йилда СССР халқлари тарихи номи билан ташкил топган. Профессорлар С.В.Юшков (1927 – 1934), М.Я.Феноменов (1934 – 1937), А.М.Мальков (1937 – 1941), А.П.Фитуни (1944 – 1949), доцентлар Х.Ф.Чикаев (1949 – 1956), Ю.Н.Алескеров (1956 – 1972) кафедра мудири сифатида фаолият юритганлар. Айниқса, Ю.Н.Алескеров Ўзбекистон тарихи, Самарқанд тарихи бўйича кўплаб асар ва мақолалар нашр эттиришга муваффақ бўлган. Самарқанд тарихи ҳақида икки жилдлик китоби эълон қилинган. Унинг кўплаб шогирдлари фан номзоди илмий даражасига эга бўлган. Улардан бири марҳум профессор, тарих фанлари доктори Обод Жўрақулов эди. Ю.Н.Алескеровнинг илмий раҳбарлигида диплом ишини ҳимоя қилган АДУ профессори Рустамбек Шамсутдинов устоз изидан бориб Андижон тарихи ҳақида 7 та китоб, жумладан, «Андижон тарихидан лавҳалар» (Тошкент: Шарқ, 2013) китобини яратган.



Профессор
Алескеров Ю.Н.

1972 йилда кафедра иккига ажралди: Совет даври СССР тарихи (профессорлар Ю.Н.Алескеров (1972 – 1982) ва Э.Ҳ.Ҳожиев (1982 – 1997) бошқарган) ва Совет давригача СССР тарихи (проф. В.И.Ефимов (1972 – 1974), доц. М.У.Аминов (1974 – 1976), проф. М.А.Эгамбердиев (1976 – 1999) бошқарган). 1997 йилда Евроосиё халқлари тарихи ҳамда Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихни ўқитиш усуллари кафедралари бирлаштирилди. Кафедра мудири сифатида 1997 – 2000 йилларда т.ф.д., проф. И.М.Саидов, 2002 – 2007 йилларда т.ф.н. Р.К.Юсупов ишлади. 2007 йилдан 2013 йил май ойигача кафедрани т.ф.д., проф. И.М.Саидов бошқарди. 2013 йил май ойидан ҳозирги пайтгача кафедрани т.ф.д., доцент Б.Э.Эргашев бошқармоқда.



Профессор
Эгамбердиев М.А.,
1976 – 1999 йилларда
кафедра мудири

Шунингдек, кафедрамиз тарихида М.У.Аминов, Ҳ.А.Аминов, О.А.Азимов, К.Ю.Юсупов, Н.И.Аҳмедова, В.И.Севрюк, С.Исмоилова, К.М.Маматқулов, С.Ҳасанова, Р.Узоқов, М.А.Негматова, О.А.Азимов каби педагог-олимлар ўчмас из қолдирдилар.

2002 йилда кафедрада Болонья (Италия) университети ҳамкорлигида магистратура



Доцент Абдуллаев В.С., 1974 – 1975 йилларда кафедра мудири

очилган. Айни пайтда кафедрада 5А120304 – «Тарихшунослик ва тарихий тадқиқотлар методлари (мамлакатлар бўйича)» ва 5А210206 – «Музейшунослик, консервация ва бадиий ёдгорликларни сақлаш» мутахассисликлари бўйича магистратура мавжуд. Бугунги кунда замон талабига жавоб берадиган мутахассислар тайёрлаш борасида ўқув-услубий моддий база яратилган. ДТС талабларига жавоб берадиган ўқув режаси, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий мажмуалар ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим вазирлиги грифи билан кафедра доценти И.Н.Илаловнинг «Музееведение» ва «Философия и методология истории» ўқув қўлланмалари чоп этилган. Уларнинг электрон вариантлари ҳам яратилган.

Доц. Б.Эргашев «Делопроизводственная деятельность канцелярии Туркестанского генерал-губернаторства (историко-источниковедческий анализ)» мавзуидаги (Dsc) докторлик диссертациясини 2018 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти қошидаги илмий кенгашда ҳимоя қилди, ассистентлар Т.И.Маҳмудов «Темурийлар даври таълими», М.Ж.Бузруков «XV аср биринчи ярмидаги Ўрта Осиё диний ҳаётида Низомиддин Хомушнинг тутган ўрни ва роли», Ҳ.Б.Абриев «Амир Темур ва темурийлар даврида меъморий обидаларнинг бунёд этилиши (мадраса, масжид, хонақо, ҳаммом, суғориш иншоотлари)» мавзуларидаги номзодлик диссертациялари устида ишлаяптилар.



Икки дўст – икки устоз. М.У.Аминов va Х.Ф.Чикаев, 1960 й.

Тарихшунослик ва манбашунослик кафедраси аъзолари 2002 – 2007 йилларда «Ўзбекистонда тарих фанини ўрганишнинг янги йўналишлари ва манбашунослиги» мавзуси бўйича илмий-тадқиқот ишларини бажарган бўлсалар, 2008 – 2013 йилларда «XIX – XX асрларда ва мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг маданий, ижтимоий-иқтисодий тарихи тарихшунослиги ва манбашунослиги» мавзуси бўйича илмий-тадқиқот ишларини бажармоқдалар. Кафедрадаги илмий-тадқиқот мавзуларининг долзарблиги шундан иборатки, улар тарих фани ўқитилиши жараёнида бевосита амалиётда қўлланади. Яъни тадқиқот мавзуси бакалавр ва магистрлар учун махсус курсларда ўқитилади.

Кафедранинг профессор-ўқитувчилари таълим сифатини оширишга қаратилган талабларни бажаришда бундан кейин ҳам фаол иштирок этишади.

# «ПАХТА ИШИ» ҚАНДАЙ ВУЖУДГА КЕЛГАН ЭДИ?

**Абдусамат ПОЛВОНЗОДА,**
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист

«Водийнома»нинг 2020 йил 1-сонида берилган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Абдусамат Полвонзоданинг «Пахта иши» қандай вужудга келган эди?» номли хотира-суҳбатидан мамнун бўлган ўқувчиларнинг айрим ижобий муносабатлари интернет сайтларида, оммавий ахборот воситаларида билдирилди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратураси, Конституциявий суди, Олий суди муассислигидаги «Ҳуқуқ ва бурч» ижтимоий-ҳуқуқий журналининг 2020 йил 6-сонида журнал таҳририятининг бир саҳифалик ижобий фикр-мулоҳазалари эълон қилинди. «Асарда устоз ҳуқуқшунос тилидан баён қилинадиган воқеалар, мулоҳазалар ва эсдаликлар – барча-барчаси муаллифнинг жараён ичида ва ўз кўзи билан кўриб гувоҳ бўлган, бевосита ва билвосита иштироки жамланмасини ташкил этган. Шунингдек, «Пахта иши»га оид янги, ноёб маълумотлар ҳам келтирилганки, улар ўқувчилар эътиборини тортмай қўймайди. Албатта, ҳар бир асарга ҳақиқий баҳони холис ўқувчи беради. Мулоҳазаларнинг якунида ҳурматли устозимиз Абдусамат Полвонзодага журналимиз билан қилаётган ижодий ҳамкорлиги учун миннатдорчилик билдирамиз. Азиз муштарийларимиздан эса асар ҳақидаги муносабатларини кутиб қоламиз», – дейилади мақолада.

«Ҳуқуқ ва бурч» журнали ўз саҳифаларида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Абдусамат Полвонзоданинг «Водийнома»да эълон қилинган «Пахта иши» қандай вужудга келган эди?» номли мақоласини бера бошлади. Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг «Пахта иши» бўйича комиссияси раиси ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий суди раиси вазифасини бажарувчи Абдусамат Абдуҳамидович Полвонзоданинг архивида сақланаётган ноёб ҳужжатлар, эсдаликларни чоп қилишда давом этишни лозим кўрдик.

*СССР халқ депутатлари съезди комиссиясига ҚАССР Беруний шаҳри Мичурин кўчаси 6-уйда яшовчи Ражапова Марям Рўзметовадан*

**АРИЗА**

1986 йилнинг апрель ойида эрим Ражапов Алимбайни Нукус шаҳридаги И.Ш.Ибрагимов раҳбарлик қилган прокуратурага чақиришди. Унга Ўзбекистон КП Қорақалпоғистон республика партия комитетининг собиқ биринчи секретари К.Камаловга 100 минг рубль пора бергани ҳақида ариза ёзиб беришни тушунтиришган. Эрим бунга рози бўлмаган. Улар агар рад этса, бугуноқ уни қамоққа олиш ҳақида огоҳлантиришади. Эрим рози бўлмайди. Менинг тушунишимча, Архипов, Кармельник, Ибрагимов ва бошқа бир қанча терговчилар уни

гестапочилар усулини қўллаб сўроқ қилишади. Жисмоний куч ишлатиб, уриб-тепишади, хотини, онаси, қизлари, уруғ-аймоғи ва бутун халқини ёмон сўзлар билан ҳақоратлашади. Шу тариқа менинг эримни деярли икки ой мобайнида ҳар куни эрталабдан то кечгача азоблашади. У ҳақоратларга чидай олмай, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шикоят ёзади. Бунга жавобан Каракозов имзоси билан ҳамма нарса яхши, қонуний кетяпти деган мазмунда хат юборилади. Ушбу хат бизда сақланяпти.

Орадан бир неча ой ўтгач, август ойининг 6-санасида касал ҳолатида уни ёзган шикояти бўйича Москвага, Регунков билан суҳбатга, чақиришади. Уни Регунков эмас, балки терговчи Гдлян чақиртирган экан. У уйга қайтиб кетмоқчи бўлсанг, биз айтган суммани ёзиб бер, йўқса, сени кулга айлантирамиз деб қўлидаги тамакидан қолган кулни кўрсатади. Рад жавобини олгач, кунинг тугади, энди сен З.К.сан дейди. Шу куннинг ўзида у Москвада қамоққа олинади. Районимизда эса эрим билан бирга ишлаган барча колхоз ва совхоз раҳбарларини, корхона директорларини, Ражапов ва унинг хотини билан боғлиқлиги бўлган барча одамларни терговга чақира бошлашди. Қонли сўроқ-саволлар бошланди. Эрталабда тўла одамлар билан йўлга чиққан машиналар тўғри тергов гуруҳи ишлаётган бино олдига бориб тўхтарди. Катта навбат юзага келарди. Ҳар бир одам ҳақоратомуз сўзлар билан 10 – 15 соатлаб тергов қилинарди. Кўплари хотинлари билан чақиртирилган бўлиб, уларни ҳам аямасдан ҳақоратлашарди. Ҳамма бир хил саволга тутиларди: Ражаповлар оиласига қанча пора, қанча бойликлар бергансан деган. Одамлар у ҳеч қандай пул ва пора олмаганини айтишган. Терговчилар унда сен қамоққа тушасан деб турмахонадан машина чақиртиришади. Эртага паспортинг билан кел, қамаласан деб қўрқитишади. Калтаклашлардан сўнг улар маълум суммани ёзиб, қўл қўйиб беришган. Қўл қўймаганлар калтак зарбидан ҳушини йўқотиб, касалхонага тушишган. Районнинг 300 кишига яқин бутун раҳбарлар таркиби Нукусга шу хилдаги терговларга чақиртирилган.

Тўрт ой ўтгач мени Урганч шаҳрига эрим билан учрашишга чақиришди. Мен ишга кетгандим. Ревеко бир-икки соатга чақирилаётганимни, ишга қайтиб келишга ҳам улгуришим мумкинлигини айтди. Шундай қилиб, 25 ноябрь куни Гдляннинг ҳузурига олиб киришди. У менга 30 йил мобайнида жиноий йўл билан тўпланган бойликларни давлатга топширишимни айтди. Тергов бошланди, уйимга қўйиб юборишмади. Эртасига мени турмага қамашди, шу ернинг ўзига прокурорнинг санкциясини олиб келишди. Мен саксон ёшга яқинлашган онам касал ётганини, ёш болаларим қаровсиз қолганини айтдим, Ревеко жиноятчининг боласи ҳам ит, бу бизни қизиқтирмайди, ҳозирча дам олиб туришсин, эртага райисполкомга телефон қиламиз, уларни болалар уйига топшириб юборишади деди. Унинг жавобини эшитиб ҳушимдан кетдим. Бироқ азоб-уқубатларим ҳали олдинда экан. Тушликсиз, кечки овқатсиз кунига 15 – 20 соатлаб сўроқ-саволлар бошланди. 13 кун ўтиб этигимни қандай ечганимни билмайман, оёғим шишиб, кўкариб кетган эди. Буларнинг ҳаммасини айтиб бериш жуда қийин. Ўзимни бир нима қилиб қўймоқчи ҳам бўлдим. Тез-тез ҳушимдан кетардим, лекин врачларни чақиришмасди. Улар энди кунинг битди, бу ерда итнинг ўлимини топасан дейишарди. Эрталабда уларга нимам бўлса, ҳаммасини олиб келаман дедим. Шундай қилдим ҳам. Лекин бу Гдлянни қониқтирмади. У 3 миллион рублни столга қўйиб, эрингиз билан кетаверинг деди. Тушунтириб берай деб илтимос қилсам, ҳаммамизни онамиздан келиб сўкди. Мен айтмоқчи бўлганларнинг кўпи юқори инстанцияларга қилган мурожаатларимда маълум қилинган. Энди мен Гдлян бошчилигидаги ушбу гуруҳ томонидан ноқонуний қамоққа олинган ва шафқатсизларча ҳақоратланган ва калтакланган шахсларга тўхталиб ўтмоқчиман:

**1.** Мен М.Р.Ражапова 25 ноябрда қамоққа олинганман. **2.** Сапарова Минавар 3 – 13 декабрь кунлари. **3.** Артиков Замир 3 декабрда. **4.** Ешназарова Лола 3 декабрда. **5.** Ражапов Паша 5 декабрда. **6.** Султанова Ҳайитгул 5 декабрда. **7.** Парханов Бозорбой 7 декабрда. **8.** Кадирова Сапаргул 5 декабрда. **9.** Жумамуратов Зарип 9 декабрда. **10.** Ибрагимов Шерипбай 14 декабрда. **11.** Ибрагимова Ораз 4 декабрда. **12.** Тангирбер-

генов Карим 3 – 12 декабрь кунлари. **13.** Ражапов Шерипбай 14 декабрда. **14.** Раужапов Зарипбай 3 декабрда. **15.** Розимов Сапарбай 12 декабрда. **16.** Кадиров Кўзибай 3 – 12 декабрь кунлари сўроққа чақирилган.

Бундан ташқари, сўровнома баҳонаси билан прокуратурага қуйидаги одамларни таклиф қилиб, уларни ўн кунлаб, ҳатто бир ойга яқин вақт мобайнида эрталабдан-кечгача ушлаб, Ражаповга пора берганлиги тўғрисида кўрсатма беришга мажбурлашди:

**1.** Ражапов Реимбой, Ходжамуратов Алим. **2.** Сабуров Давлетбай. **3.** Палванниязов Юсуппай. **4.** Қўзибаев Салим. **5.** Тажиқулов Д. **6.** Аширов Розим. **7.** Реимбаев Холмизрат. **8.** Тўхтаев Рамат. **9.** Тўсметов Реимбек. **10.** Оразов Толи. **11.** Шоипов Толи. **12.** Азезов Сетназар. **13.** Сарпев Бахт. **14.** Балтақов Тўхта. **15.** Ҳайитов Султан. **16.** Маткаримов Толи. **17.** Холмуратов Сапарбай. **18.** Камолов Матназар. **19.** Розимов Алтин. **20.** Батажанов Амин. **21.** Ерназаров Ибайдулла. **22.** Абдуллаев Атажон. **23.** Ҳафизов Раҳмон. **24.** Файзуллаев Ҳожибой. **25.** Ҳайитбаев Юлдаш. **26.** Реймбаев Хидирбай. **27.** Абдухалиқов Реймберган. **28.** Ешметов Умар. **29.** Санаев Реим. **30.** Тоқабоев Рахат. **31.** Абдалов Сабур (Хўжейли). **32.** Забиров Равил (Хўжейли). **33.** Дашанов Исмоил (Хўжейли). **34.** Матниязов Шомурот (Хўжейли). **35.** Абдуллаев Атажон.

Бу одамларни уриб азоблашди. Эркинликка, болаларининг олдига, ҳатто жанозага ҳам рухсат беришмади. Қамоққа олиш, жиноий жавобгарликка тортиш билан қўрқитишди. 300 нафардан ортик киши керак бўлса ҳам, керак бўлмаса ҳам терговга чақирилаверди. Худди шундай йўл билан улар сўроқ қилиниб, пул ва қимматбаҳо буюмлар олиб келишга мажбурланди.

Фақат эримнинг иши бўйича қариндошларимдан 80 минг рубль пул, нархи 250 минг рублдан ортиқ бўлган идиш-товоқлар, гиламлар, мебеллар тортиб олинди. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, Гдлян гуруҳи тергов жараёнида ҳамда камераларда ётган пайтда яқинларимиз ва қариндошларимизга жисмоний куч ишлатишди, уларнинг инсонийлик ғурурини поймол этишди, уятли сўзлар билан ҳақоратлашди. Улар кўплаб одамларни гўёки меҳмонхоналарда ётяпти деб расмийлаштиришди, аслида эса уларни КПЗ хоналарида ушлаб туришди. Вақт ўтиб ҳамма нарса кечирилар. Жумладан, тортиб олинган пуллар суд орқали қайтарилар. Буюмларни ҳам қайтиб олиш мумкин. Бироқ одамларга ўтказилган азоб-уқубатлар, қилинган оғир ҳақоратлар юрагимда кечириб бўлмас из қолдирди. Бунинг учун улар қонун олдида жавоб беришлари керак. Шунинг учун Сиздан инсон тақдири билан боғлиқ бўлган ушбу масалани ўта масъулият билан ҳал этишингизни сўрайман.

**Ражапова**

*СССР Олий суди раиси ўрт. Смоленцевга ҚҚАССР Беруний ш. Мичурин кўчаси 6-уйда яшовчи фуқаро М.Р.Ражаповадан*

**АРИЗА**

Мен – судланувчи А.Р.Ражаповнинг турмуш ўртоғи Ражапова Марям Сизга ушбу аризамни кўриб чиқишингизни сўраб мурожаат қиляпман. Эрим қамоққа олинганидан сўнг орадан 4 ой ўтгач, Гдлян гуруҳи аъзолари, яъни терговчилар Ревеко ва бошқалар эрим билан учраштириш учун мени Урганчга олиб кетишди. Амударёдан ўтгач, 15 га яқин машинани учратдим. Уларнинг ҳар бирида қариндошларимни учратдим, улар ушбу гуруҳ томонидан ушланган эдилар. Эрим билан учрашиш ўрнига мени сўроққа тутишди. Мен уларга уйимга кетишим кераклигини, у ерда кичик ёшдаги болаларим, касал онам қолганлигини айтдим. Фойдаси бўлмади, қайтанга, улар мени калака қилишди. 3-4 кундан сўнг улар мени қамоққа жойлаб, ҳаммаси тугаганини, энди мен З.К. эканимни айтишди. Терговлар бошланиб, мендан 4 миллион сўмни талаб қила бошлашди. Мен бунча пулни эшитмаганимни айтдим. Бир неча кундан кейин менга видео орқали эримни кўрсатишди, уни таниш қийин эди. У уйда қанча пул бўлса, ҳаммасини олиб келишимни сўради. Шунингдек, менга эримнинг хатини ҳам кўрсатишди. Унда ҳам қариндошларимиздан йиғиб-териб пул топиб келишимни ёзган эди. Эрим сўраган

ҳамма пулларни олиб келдим. Бироқ бу сумма терговчиларни ва Гдлянни қониқтирмади, гап 3 миллион рубль, олтин ва бошқа бойликлар ҳақида кетарди. Мен Ражапов билан бирга ошинган нарсаларимизнинг ҳаммасини топширганимни айтдим. Ҳар куни мени қўрқитиб, 10 – 15 соатлаб сўроқ қилишарди. Улар бугун ёнимдаги камерадан болаларим ва зўрланган иккита қизимнинг овозини эшитишимни айтишди.

Мен умидсизликка тушиб, нима қилишимни билмасдим, фарзандларимни бу кўргиликлардан сақлаб қолиш учун ҳамма нарсага тайёр эдим. Мени терговга олиб чиқишганида қулоғимга қариндошларимизнинг овози ва йиғиси эшитилди. Гдлян ва бошқа терговчилардан кийим-кечакларимни, идиш-товоқларимни, музлаткични, мебеллар ва гиламларимни ҳам олишларини сўрадим. Уларнинг сўзларига қараганда, А.Ражапов давлатга катта зиён етказибди, шунинг учун бирга кечган 30 йиллик турмушимиз давомида тўпланган барча нарсаларни олиб кетишларини илтимос қилдим. Қўрққанимдан уйдаги барча буюмларни, идиш-товоқларни, гиламларни ва бошқа нарсаларни қўшниларимиз ва қариндошларимизникига чиқариб қўйганимни айтдим. Терговчилар эса латта-путталарим уларга керак эмаслигини, уларга олтин ва пуллар зарурлигини айтишди. Бойликларимизни тортиб олиш пайтида нима учун дипломатни очганимни сўрашди. Унда қизларимнинг тақинчоқлари борлигини, қўрққанимдан уларни қариндошларимга сақлаш учун бериб юборганимни айтдим. Пулларга келсак, эрим хатда ёзганидек, уларни олиб келиб Гдлянга топширдик. Шундан кейин улар бизни баттар ҳақоратлаб, миллионларни топиб беришимизни талаб қилишди. Терговлардан бирида эрталабда уйимизга боришларини, барча буюмларимизни сотиб, пулга айлантиришларини айтишди, мен, албатта, рози бўлдим.

Мени ҳарбий вертолётда олиб келиб, уни шаҳар кўчасига яқин ерга қўндиришди. Одамлар «ўғри ва порахўр»ни кўриш учун ошиқишарди. Ревеко биз сизларни барча газеталарда ва телевидениеда фош қиламиз, бутун малакат сизларни суд қилади деганди. Мен Гдлян гуруҳи билан бирга тарқатилган буюмларни тўплар эканман, қариндошларимдан уларнинг тоғаси, яъни А.Ражаповни қутқариш учун ўзларининг буюмларини ҳам топширишларини сўрадим. Улар менинг буюмларимга қўшиб ўзлариникини ҳам топширишди. Қариндошларимизнинг уйларига кирганимизда терговчилар агар ҳамма буюмларни бермасанглар, турмага қамаймиз деб уларни қўрқитишди. Шу тарзда улар менинг ва эримнинг қариндошларига тегишли қимматбаҳо буюмлар, гиламлар, пуллар ва идиш-товоқларни йиғиштириб олишди. Ҳозир ўша буюмларни қайтариб беришларини сўраб ариза ёзишяпти. Айримларини қайтаришди, кўп нарсаларни эса беришгани йўқ. Уларни катта пулга баҳолаб, эримнинг ҳисобига ёзиб қўйишган.

Терговчилар Ревеко ва Кармельчик Ражаповнинг қариндошлари ва танишларидан юз мингга яқин пул тўплаб беришимни сўрашди. Мен рад этмоқчи бўлдим, лекин фойдаси бўлмади. Улар агар яна озроқ пул тўпланса, бугуноқ мени ва эримни қўйиб юборишга, болаларимизга тегмасликка қасам ичишди. Соғлигим ёмонлашиб бораётганди. Мен бу ҳақда кўп марта айтдим, лекин улар ҳар қандай касалликни турма даволашини, ўлим олдида эса терговчилар ожиз эканларини айтишарди. Бир марта тергов пайтида ёнимга Абдураимов Бахтиёр кириб, мен аҳмоқлик қилаётганимни, кўпроқ эрим ва болаларим ҳақида ўйлашим кераклигини айтди. «Гдлян учун олиб келган нарсангиз ҳеч нима эмас, қариндошларингизда яна нима борлиги ҳақида ўйлаб кўринг, сизга ёрдам беришсин, ҳозир давлатга пул зарур, – деди у. – Болаларим номи билан қасам ичаманки, бугуноқ сизни фарзандларингиз олдига олиб бораман. Нега ўзингизни, болаларингизни, қариндошларингизни қийнаяпсиз?»

Ушбу суҳбатдан сўнг мен онамнинг аждодларидан қолган буюмлар тўғрисида, шунингдек, отам 1949 йилда бизни ташлаб, рус аёлга уйлангани ва 30 йил у билан Бухорода яшаб, 1982 йилда қайтгани тўғрисида гапириб бердим. У қуруқ қўл билан келмай, онамга катта бойлик қолдирган. Онам эса ўлими олдидан ушбу бойликни бизга, яъни тўртала фарзандга бўлиб берган. Онамнинг қадимги тақинчоқларини ҳамда отам бизга келтирган меросни эрим кўрмаган,

шунинг учун терговчилар бу гапимга ишонишмади. Мен Абдураимовдан буни Гдлянга тушунтиришини, унинг гуруҳи бу меросни менга ва эримга хатлаб қўймасликларини сўрадим.

Бугунги кунда буларнинг барчаси эрим А.Р.Ражапов ҳисобига ёзиб қўйилган. Бу бойликлардан ташқари шаҳримизда яшайдиган Розимов Сафарбойдан 200 минг рублни олиб қўйишган. Қамашганидан сўнг терговчилар уни хоҳлаган кўйига солишди. У ётган камерага жиноятчиларни ташлашди. Улар ушбу пуллар Ражапов Алимбойники деб айтишни талаб қилишади. Шунинг учун мен ушбу ишга жуда эътибор билан қарашингизни сўрайман. Ҳа, ундан кўп миқдордаги пулни тортиб олишган, лекин нима учун бунга Ражапов Алимбой жавоб бериши керак? Ўзига ўзи жавоб берсин. Гдлян гуруҳидагилар ўйлаб топган нарсага ишонмаслик керак. Авлоддан-авлодга мерос бўлиб келаётган бойликларни Москвага кўрсатишга унинг ҳаққи йўқ эди, чунки уларни ҳеч ким ҳеч қаердан ўғирламаган. Уларнинг айримлари 100, ҳатто ундан ортиқ йил давомида оиламизда авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтмоқда. Гдлян ва у бошлиқ гуруҳнинг республикамизда иш олиб борган йиллари худди Берия ва Ежовлар даврини эслатади. Улар одамларимизнинг давлатга, рус халқига ишончини йўқотишяпти. Ҳар қадамда улар бизнинг ўзбеклигимизни, фарзандларимиздан тортиб ҳаммамиз ўғри ва каззоблар эканлигимизни, бошқа жойдан ҳимоячи излашимизни, ўрнимиз фақат турмада эканини айтишарди.

Наҳотки, шундай бўлса? Наҳотки, унинг сўзлари бизнинг лақабимизга айланиб қолса?

Мен Сиздан хатимизни кўриб чиқишни ва бизнинг тақдиримизга, эрим, болаларим, қариндошларим тақдирига холис ёндашишингизни сўрайман. Биз ўтган икки йил мобайнида кўп нарсаларни бошдан кечирдик: ушбу гуруҳ бизни қай ҳолга солганини Сизга айтиб бериш учун кўп вақт керак бўлади. Бу биз учун чинакамига азоб, вақти келиб бу ҳақда тарихнинг ўзи гапиради. Бугун моддий жиҳатдан жуда қийналяпмиз, уйимиздаги бор нарсаларнинг ҳаммаси хатланган, қолган буюмларимиз – гиламлар, мебеллар, идиш-товоқлар, ўзимизга ва болаларимизга тегишли бўлган кийим-кечакларни Гдлян гуруҳи олиб қўйган. Мен мактабда 30 йилдан бери ишлайман. Шу вақт давомида 50 минг рублга яқин иш ҳақи олганман. Бундан ташқари, уйда қўй, сигир, товуқ ва курка боқамиз. Эрим ҳам катта миқдорда иш ҳақи олган. Бундан кўриниб турибдики, тортиб олинган буюмларни ўз пулимизга бемалол сотиб олишимиз мумкин эди. Урф-одатимизга кўра тўйларда, туғилган кунларда, янги уйга кўчиб ўтганда ва бошқа маросимларда қариндошлар совға-саломлар олиб келишган. Булар асосан идиш-товоқлар ва сервислардан иборат эди. Буни қариндошларимиз ҳам тасдиқлаши мумкин. Оиламиз аъзолари ва қариндошларимизнинг аризаларига биноан август ойида Москвадан терговчилар В.В.Пужинский, А.Г.Шиляев келишиб, менга тегишли кийим-кечакларнинг бир қисмини ва айрим қариндошларимизнинг буюмларини қайтариб беришди.

Бироқ қариндошларимизнинг гиламлари, пуллари ва идиш-товоқларини қайтаришмади, суддан кейин оласизлар дейишди. Нима учун Гдлян бошчилигидаги гуруҳ катта миқдордаги буюмларни эримнинг ҳисобига ўтказишди? Ахир онамдан қолган катта мерос, отам Бухородан олиб келган қимматбаҳо буюмлар оилавий мерос сифатида фарзандларимга қолиши керак-ку! А.Ражапов бу ҳақда деярли ҳеч нарса билмайди. Бу ҳақда мен Каракозовга ҳам, бошқа терговчиларга ҳам айтганман. Бироқ улар бунга қулоқ солишмади, протоколларга ҳам бу ҳақда биронта сўз ёзишмади. Қайтанга, Каракозов ва Гдлян мени қамоқда яна ҳам оғирроқ шароитларга солиш билан пўписа қилишди ва бунга эришишди ҳам. Улар қўрқитиш ва шантаж йўли билан катта натижаларга эришишди, 100 йилдан ортиқ вақт мобайнида сақланаётган оилавий меросимизни олинган пораларни қайтардик деб кўз-кўз қилишди. Бироқ Гдлян ҳам, унинг терговчилари ҳам булар кимнинг мулки эканини бирор марта ҳам сўрашмади. Уларнинг мақсади битта нарсага – олтинга ва пулларга қаратилган эди. Шунинг учун Сиздан Гдлян бошлаган бедодликларнинг қурбони бўлган менинг, эримнинг, болаларимнинг, қариндош-уруғларимизнинг тақдирига жиддий эътибор билан қарашингизни ўтиниб сўрайман.

**М.Р.Ражапова**

***Халқ депутатлари 1-съезди депутатлик комиссиясига***

Сизга ушбу аризани Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Мусахонов Мирзамаҳмуд Мирзараҳмоновичнинг қизи ёзяпти. Отамни 1987 йилнинг 20 август куни СССР прокуратурасининг Гдлян бошчилигидаги тергов гуруҳи ходимлари кутилмаганда қўпол куч ишлатиш йўли билан қамоққа олишди. 1987 йилнинг 24 август куни мен ҳам Гдлян томонидан сўроқ қилиндим. Ҳеч нарсага тушунмасдим, фақат оиламиз бошига қонунсизлик билан боғлиқ бўлган оғир фожиа тушганини билардим, холос. Отам 76 ёшга тўлаётганди. Ҳозир ёши деярли 78 да. У билан охирги 13 йилда бирга яшаганим учун бутун масъулиятни зиммамга олиб айта оламанки, отам ўта инсофли ва диёнатли инсон.

Биз бир қатор юқори органларга, жумладан, КПСС МК, СССР Олий Совети Президиуми, ССР Иттифоқи прокуратураси, XIX партия конференцияси Президиумига ариза ёзиб, отамиз ишини кўриб чиқишни, қўлланилган эҳтиёт чорасини ўзгартиришни, қулоғи оғир бўлгани учун ёнига адвокат киритишни сўраганмиз. Бироқ барча хатларимиз Гдлянга бориб тушган ва биз Попов ҳамда Каракозов имзоси билан эҳтиёт чораси ўзгартирилмаслиги, адвокат киритиш тўғрисида эса отам ариза бермагани тўғрисида жавоб олдик. Отам ҳимояланиш ҳуқуқи борлигини қаёқдан билсин? Ахир у кар, қолаверса, кекса одам.

Бундай қонунсизлик ўз ортидан янгиларини келтириб чиқараверди. 1988 йилнинг 13 октябрида ўнг қўлим тирсакдан ажралиб, қаттиқ жароҳат олдим. Шунга қарамай, 24 октябрь куни Гдлян ва Ивановнинг тергов гуруҳи ходимлари мени дастлаб ушлашди, сўнг қамоққа олишди. Шу куннинг ўзида физика-математика фанлари доктори бўлган акамни ҳам қамашди.

1988 йилнинг 24 октябрида Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитетида мени олти ёки етти киши сўроқ қилди. Қандайдир миллионларни талаб қилишди, эримни, қизларимни қамоққа олиш билан қўрқитишди. Сўроқда, айниқса, Карташян қаттиққўллик кўрсатди. Оиламизнинг даромади ҳақида рост кўрсатма бериб, отам ва онам бутун ҳаёти давомида ҳалол луқма билан яшагани ҳақида кўрсатма берганимда Карташян буни бизнинг битмас-туганмас очиқ дастурхонимиз деб атади. Шу куни мени Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги ИВС (вақтинча сақлаш изолятори) камерасига ташлашди. Бу ерда Рикаева Татьяна Курбановна (Кадировна)ни кўрдим, у билан кейинчалик Тоштурмада ҳам бирга ўтирдик.

1988 йилнинг 25 октябрида отамнинг 1988 йил 12 апрелда менга ёзган хатини кўрсатишди. Хатни ўқиб, нима бўлаётганини тушунолмай қолдим. Мен карахт ҳолга тушиб қолгандим. Менга қариндошларим рўйхатини тузишни айтишди.

1988 йилнинг 26 октябрида отамнинг менга йўлланган видеомурожаатини кўрсатишди. Видеомурожаатни кўриб менда отам ақлдан озган деган тасаввур пайдо бўлди. Тергов уни шу даражага олиб келгандики, ҳатто у ўзига, менга, акамга қарши кўрсатма бераётган эди. Фақат суд жараёнида ўтириб, отамнинг кўрсатмаларини тинглаб тушундимки, етти ой давом этган адоқсиз терговлар, маънавий зўравонлик, қўрқитишлар ва 1988 йилнинг апрель ойида олти кун давомида берилган турли хил психологик моддалардан сўнг ушбу видеомурожаат пайдо бўлган.

Видеомурожаатни кўрганимдан сўнг аҳволим ёмонлашди, менга қандайдир дори ичиришди. Шундан кейин ариза ёзишга мажбурлашди. Карташян менга ариза матнини Дорошенко иштирокида деярли сўзма-сўз айтиб турди. Мен таслим бўлиб, отамнинг бойликлари К.У.Умаров, М.Мажидова, Ҳайро Абдуллаева қўлида сақланаётгани тўғрисида ёлғон кўрсатма бердим.

1988 йилнинг 27 октябрида мени Тоштурмага, ўта муҳим жиноятчилар учун мўлжалланган ертўлага олиб бориб, 22 ёшли қотил З.Жуманиёзова билан битта камерага жойлаштиришди. Тоштурмага ўтказишларидан олдин мен олдинги кўрсатмаларимни рад этувчи хат ёзган эдим.

Камерадаги ўзи хос «тергов»да менга таъсир ўтказишиб, агар миллионларни топширмасам,

отам отилишини, қизим ва эрим қамоққа олинишини, қариндошларим эса қатағон қилинишини «тушунтиришди». Терговдаги зўравонликлар камерага кирганимдан сўнг яна давом этарди. Яқинларим томонидан менга киргизилган озиқ-овқатларни, бошқа буюмларни олиб қўйишарди, овқат беришмасди, деярли 10 килограмга озиб кетдим. Кўзим кўрмай қола бошлади. Ҳақоратларга, сўкишларга чидаб бўлмасди.

12 ёки 13 ноябрь куни менга эрим ўлимга ҳукм қилинганлар орасига ташланганини, қизим ва опам қамалганини, ўғлимни эса болалар уйига топширишганини айтишди. Ярим тунгача мени сўроқ қилишди. Отамнинг менга ёзган мурожаатини ўқигач, юрагим ёмон бўлиб қолди. Ҳаммамиз қопқонга тушганимизни, гаровга олинганимизни тушундим. Менга яна нимадир ичиришиб, отам иккинчи марта менга мурожаат қилаётганини, агар миллионларни бермасам, отам турмада итдек ўлиб кетишини, уни турмахона ҳовлисига кўмиб ташлашларини, ўзим эса 15 йилга ҳукм қилинишимни айтишди. Шундан кейин гўёки отамнинг бойликларини сақлаётган қариндошларимиз, танишларимиз ҳақида ёлғон кўрсатма берганимни билмай ҳам қолдим.

1988 йилнинг 15 ноябрида акам ўзини ўзи ўлдиришига сал қолганини, уни сиртмоқдан аранг чиқариб олишганини маълум қилишди. Шуning таъсирида мен А.Я.Сухарев номига раддия хати ёздим. Терговнинг дарров бунга муносабати пайдо бўлди. Қизимнинг қамоқда экани ҳақида камерада мен билан бирга ётган жиноятчилар айтган гапни Карташян ҳам тасдиқлади.

27 ва 29 ноябрь кунлари ўтказилган терговда Карташян ва Дорошенко мени терговни чалғитганим ҳақида, гўёки нафс қўйига кирганим, пулларни қизғанганим, бу пуллар учун отамнинг ҳаётини сотишга ҳам тайёр эканим тўғрисида ўз қўлим билан кўрсатма ёзиб беришга мажбурлашди. Бу отамга нисбатан меҳр-муҳаббатим билан боғлиқ энг эзгу ҳиссиётларнинг оёқости қилиниши эмасми, ахир?!

1988 йилнинг 30 ноябрь ва 1 декабрь кунлари Карташян ва Дорошенко иштирокида Гдлян томонидан тергов қилиндим. Протокол тўлдиришмади. Гдлян мен ҳақиқатни гапиришим кераклигини, у сўзида турадиган инсон эканини, агар тўғри гапирсам, отамни қўйиб юборишларини айтди. Мен отам ҳалол инсон эканини, оддий яшаганимизни, оиламизда ортиқча бойлик йўқлигини гапираётганимда у ўзи чекаётган «Ростов-на-Дон» сигаретидан чиқаётган тутунни юзимга пуфлаб, гапларинг ёлғон деб бақирди. Менга чойнакдан ниманидир қуйиб ичиришди. Гдляндан ўлгудек қўрқардим. Ва мен яна ёлғон гапира бошладим. Гўё Х.У.Умаров, З.Г.Хўжаев ва бошқалар билан бирга бойликларимизни қаерга кўмганимиз тўғрисида гапирдим. А.Я.Сухарев номига ариза ёздим.

1988 йилнинг 1 декабрида Гдлянга 1988 йилнинг 30 ноябрь кунги гапларим ёлғон эканини айтдим. Чек-чегарасиз ҳақоратлар бошланди, биз барча бойликларни ўзлаштириб олганимизни, уларни халққа қайтаришни истамаётганимизни айтиб сўкинди. Гдлян мендан бойликлар яширинган жой, олтинлар, қандайдир олтин ҳайкалча ва олтин тангаларни талаб қилди. Учига чиққан порахўрсан, мажўсан, туғма қизғанчиқсан, сени деб отанг энди 9 грамм қўрғошинни пешонасига жойлайди деб қичқирди.

Мен ёлғон гапириш, одамларга туҳмат қилиш, бу ҳақда кўрсатма бериш орқали озодликка чиқишим, отамни, болаларимни кўришим мумкин экан деган фикрга келдим. Шунинг учун 5 декабрда Гдлян номига Х.У.Умаров, З.Т.Хўжаев, Т.М.Миркомилов, Р.Қамбаров отамнинг бойликларини сақлашяпти қабилидаги ёлғон кўрсатмалардан иборат ариза ёздим.

1988 йилнинг 9 декабрида мен КГБнинг тергов изоляторига ўтказилдим. 11 декабрь куни терговчи Асланов юқорида номлари келтирилган одамлар орасида отамнинг бойликларини сақлаш учун энг мақбул шахс З.Т.Хўжаев эканини айтди. Менга ёзма мурожаат билан чиқишни ва видеога тушишни таклиф қилишди. Виждоним қийналарди, чунки бу учига чиққан ёлғон эди!

Мен З.Т.Хўжаев бўйича кўрсатма беришдан воз кечиб, 1988 йилнинг 25 декабрида Ўзбекис-

тон ССР КГБ маъмурияти орқали Х.У.Умаров иши бўйича ёзма рад жавобини берганимдан сўнг терговчи Дорошенко (Дадажонов иштирокида) камдан-кам бўладиган шаклда ўта қўпол сўроқ ўтказди. Агар ўзимни шундай тутаверсам, Москвага этап қилиб, ўша ерда бошқача гаплашишларини айтди. Мен тўлиқ уларнинг босими остида эдим, болаларимнинг, отамнинг тақдиридан қўрқардим. Ўша куни ўта кучли руҳий ҳолатда бўлиб, ҳатто кўзим ҳам вақтинча кўрмай қолди. Эртаси куни генерал Гдлян номига яна З.Т.Хўжаев отамнинг бойликларини сақлаётгани ҳақида ариза ёздим.

1988 йилнинг декабрь ойи охирида КГБнинг тергов изоляторида бўлган пайтимда К.Б.Мамедов, М.З.Микажян, Р.Қамбаров, М.Исматов уйимизга тез-тез келишиб, совғалар бериб туришганини айтдим. 1989 йилнинг 23 январида К.Б.Мамедов ва М.З.Микажян билан юзма-юз учраштиришди. Улар менинг кўрсатмаларимни тўла рад этишди. Буларнинг ҳаммаси ёлғон эди-да!

Мен ўз кўрсатмамдан воз кечган бўлсам ҳам, 1989 йилнинг 24 январида Х.У.Умаров ва З.Т.Хўжаев билан юзма-юз учраштиришди. Улар кўрсатмаларимни қатъий туриб (ростдан ҳам) рад этишди. Мен Порошенко ва Дадажоновдан ўлгудек қўрқардим, кўрсатмаларимда қатъий туриб олишга мажбур бўлдим.

З.Г.Хўжаев билан юзлаштиришганда мен 1982 йилнинг баҳорида янги квартирага кўчиб ўтишдан олдин унга буюмлар солинган жомадонни берганимни, бироқ ичида нималар борлигини билмаслигимни айтдим. Гўё жомадонда 1 миллион сўмлик моддий бойликлар бўлганини отамдан билганимни айтдим. Буларнинг ҳаммаси ёлғон эди. Мен яна бир марта қайтараманки, бизлар тергов томонидан гаровга олинган одамлар эдик. Буларнинг ҳаммаси ёлғон эканидан хозир ҳам виждоним қийналади!

1989 йилнинг 1 мартида мен яна Тоштурманинг ўта муҳим жиноятчилар сақланадиган ертўласига ташландим.

1989 йилнинг 3 мартидаги тергов жараёнида Дадажонов ва Абдураҳмонов кўрсатмамни ўзгартиришга, яъни гўёки З.Г.Хўжаевга берилган моддий бойликлар пул эмас, облигациялар бўлиб, 1 миллионлик эмас, балки 87 минг рубллик эканини, зангори жомадонда эмас, қандайдир жигарранг сумкада бўлганини тан олишга мажбурлашди.

1989 йилнинг 24 мартида мени ҳеч қаерга чиқмаслик шарти билан озод қилишди. Чиқаришдан олдин Т.У.Умаровнинг тақдирини эслатиб ўтишди. У кўрсатмаларини ўзгартиргани учун қайта қамоққа олинганди.

1989 йилнинг 5 апрелида мени КГБга терговчи В.Г.Элемь ҳузурига «таклиф» қилишиб, Т.У.Умаров тақдирини яна бир бор эслатишди. Мен жуда қўрқиб кетдим. Шундан кейин мени сумкани аниқлашга олиб боришди. Турган иккала сумка ҳам менга нотаниш эди. Кучли руҳий зарба остида улардан бирини кўрсатиб юбордим.

6 май куни мени яна КГБга чақиришди. Мен М.Исматов билан юзма-юз учрашувдан воз кечдим. Шунингдек, терговчи Элемга К.У.Умаров, З.Т.Хўжаев, К.Б.Мамедов, М.З.Микаэлян, Р.К.Қамбаров, М.Исматов иши бўйича дастлабки тергов жараёнида берган кўрсатмаларимдан воз кечишим, ушбу кўрсатмаларим ёлғон ва терговнинг социалистик қонунчилик талаблари бузилган ҳолда, кучли босим остида берилгани тўғрисида оғзаки ариза топширдим. Бироқ Элем менинг аризамни протоколлаштирмади.

Тергов жараёнида нафақат менга, балки Каримова Диломромга ҳам қўпол куч ишлатишди, қўрқитишди, шахсий қадр-қимматимизни топташди. Унга 1987 йилнинг ёзида чиндан ҳам заргарлик буюмларимни ва пулларимни берганман. Уларни қайтаришни сўрайман.

*1990 йил 24 январь*

# ҒАЛАБА УЧУН САФАРБАР ЭТИЛГАНЛАР

Р.ШАМСУТДИНОВ, И.НАСИРИДИНОВ

Маълумингизким, шу йил 23 июнда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти В.В.Путин билан учрашди. Расмий учрашувда фашизм устидан қозонилган Ғалабага Ўзбекистоннинг қўшган ҳиссаси ҳақида суҳбат бўлиб ўтди. Жумладан, уруш даврида Ўзбекистондан 2 миллион киши душманга қарши жанг олиб бориш учун сафарбар қилингани, ўз навбатида, Ўзбекистон ўз бағрига 2 миллионга яқин аҳолини қабул қилгани эслаб ўтилди. Бу тарихий рақамлар кейинги 3-4 йил давомида тарихчилар, архивчилар томонидан олиб борилган тадқиқот ишлари натижаси экани қайд этилди. Ўзбекистондан сафарбар этилганлар ва Ўзбекистонга эвакуация қилинганларни номма-ном аниқлаш тарихимизнинг долзарб масалаларидан бири экани маълум бўлмоқда. Мазкур мавзу бўйича юртбошимиз Шавкат Мирзиёев томонидан қатор қарор ва фармойишлар эълон қилинди, турли учрашувлардаги нутқларида ушбу масалада илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш зарурлиги, Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган Ғалабага қўшган ҳиссасини тўғри ва ҳаққоний тадқиқ этиш, унинг натижаларини кенг халқ оммасига тақдим этиш, тарихимизнинг ана шу шонли саҳифаларидан халқимизни баҳраманд қилиш, айниқса, ёшларни Ватанга садоқат, тарихимизни қадрлаш руҳида тарбиялаш ишига катта эътибор берилаётгани барча-барчамизга тушунарли. Аммо бу борада қилиниши лозим бўлган қатор илмий, ташкилий вазифалар кўндаланг бўлиб турибди. Улардан бири Иккинчи жаҳон урушига Ўзбекистон ва унинг областларидан сафарбар қилинган юртдошларимизнинг миқдори, бу даҳшатли урушда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатганлар, шаҳид кетганлар, ярадор бўлганлар, асир тушганлар, бедарак йўқолганлар, уруш жанггоҳларидан соғ-саломат чиқиб, Ватанга қайтганларни номма-ном аниқлаш, хуллас, тўла маънодаги Хотира китобини яратиш муҳим вазифалардан биридир. Тўғри, бу борада республикамиз ва областлар мисолида Хотира китобини яратишда 1994, 2005, 2006, 2008 йилларда маълум ишлар амалга оширилди. Биргина Андижон области бўйича 1994 йилда 3 жилдлик Хотира китоби яратилди. Уларда 40 мингдан зиёд кишилар ҳақида маълумот келтирилган, бу маълумотлар урушда ҳалок бўлганлар, бедарак йўқолганлар ҳақида, холос. 2005 ва 2008 йилларда республика бўйича қўшимча Хотира китоби яратилди. Унда Андижон областидан жангларда ҳалок бўлган, бедарак йўқолган, турли ҳудудларда дафн этилган кишиларнинг номлари ҳам келтирилган. Уларнинг миқдорини қуйидаги жадвалда кўриш мумкин.

| № | Шаҳар, район | Ҳалок бўлганлар | Бедарак йўқолганлар | ЖАМИ |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Андижон шаҳри | 1719 | 2096 | **3815** |
| 2 | Андижон райони | 1484 | 2955 | **4439** |
| 3 | Асака шаҳри | 364 | 849 | **1213** |
| 4 | Асака райони | 1559 | 1554 | **3113** |
| 5 | Балиқчи райони | 971 | 1958 | **2929** |
| 6 | Бўстон райони | 123 | 96 | **219** |
| 7 | Булоқбоши райони | 575 | 578 | **1153** |
| 8 | Жалолқудуқ райони | 1377 | 2872 | **4249** |
| 9 | Избоскан райони | 1326 | 1964 | **3290** |
| 10 | Марҳамат райони | 1148 | 1398 | **2546** |
| 11 | Олтинкўл райони | 1615 | 581 | **2196** |
| 12 | Пахтаобод райони | 1302 | 1189 | **2491** |
| 13 | Улуғнор райони | 9 | 56 | **65** |
| 14 | Хўжаобод райони | 737 | 456 | **1193** |
| 15 | Қўрғонтепа райони | 822 | 2410 | **3232** |
| 16 | Хонобод шаҳри | 56 | 217 | **273** |
| 17 | Қорасув шаҳри | 259 | 516 | **775** |
| 18 | Шаҳрихон шаҳри | 276 | 487 | **763** |
| 19 | Шаҳрихон райони | 506 | 325 | **831** |
| 20 | Қайси ҳудуддан юборилгани номаълумлар | 387 | 43 | **430** |
| **ЖАМИ** | | **16615** | **22600** | **39215** |

Андижон вилояти бўйича Хотира китобининг 1-жилдида шундай ёзилган: **«Андижон вилоятидан ҳаммаси бўлиб 97 минг киши урушга кетган бўлса, улардан 40 мингдан ортиғи қайтмади».**[1] Худди шундай ҳолатни бошқа вилоятлардаги Хотира китобларида ҳам кўриш мумкин. Тарихчилар олдида республика бўйича ҳозиргача нашр қилинган Хотира китобларидаги маълумотларни танқидий кўздан кечириб, Ўзбекистондан, жумладан, Андижон вилоятидан 1941 – 1945 йиллардаги урушда қанча одам фронтга сафарбар этилгани, қанчаси жангларда ҳалок бўлгани, қанчаси бедарак йўқолгани, қанчаси дафн қилингани, қанчаси асир тушгани, қанчаси концлагер ва ГУЛАГларда ўлгани, қанчаси юртига соғ-саломат қайтиб келганини аниқлашдек муҳим ва ниҳоятда оғир юмуш турибди. Айни шу вазифани Андижон вилояти мисолида ҳал этиш кун тартибига қўйилди. Андижон вилояти ҳокими Ш.Қ.Абдураҳмонов 2020 йил 10 майда тузилган ишчи гуруҳи олдига Иккинчи жаҳон уруши йилларида Андижон вилоятининг Ғалабага қўшган ҳиссаси, уруш қатнашчилари ҳамда унутилиб кеттан тарихий воқеалар, андижонликларнинг мардонавор кураши ҳақидаги янги маълумотлар тўплаш бўйича илмий изланишлар олиб бориш вазифасини қўйган. Мазкур гуруҳ кутубхоналарда, архивларда, интернет саҳифаларида бўлиб, Андижон вилояти бўйича

[1] Хотира. Андижон вилояти. Биринчи китоб. 1941 – 1945 йиллардаги урушда ҳалок бўлган ва бедарак йўқолган жангчилар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – Б.6.

тўлиқ Хотира китобини яратиш борасида фаолият кўрсата бошлади. Журналнинг шу сонидан бошлаб ана шу яратилажак Хотира китобига оид архив материаллари асосида мақолалар, ҳужжатлар, эсдаликлар, фотосуратлар эълон қилиб борилади. Қуйида янги архив маълумотлари асосида Андижондан сафарбар этилган юртдошлар ҳақида маълумотлар келтирилмоқда.



**1. Абдульманов Минуба Ғафирович,** 1898 йилда Бошқирдистон АССРда камбағал деҳқон оиласида туғилган, татар, ижтимоий аҳволи – хизматчи, 1926 йилдан партия аъзоси, Ўрта Осиё коммунистик университетини битирган, маълумоти олий, мутахассислиги тарих ўқитувчиси, 1930 – 1932 йилларда Туркманистон Марказий Комитетида пропаганда гуруҳига раҳбар, 1932 – 1935 йилларда Тошкентда Ўрта Осиё коммунистик университетида аспирант ҳамда ўқитувчи, 1935 – 1939 йилларда Ашхобод шаҳрида Туркманистон Олий коммунистик хўжалик мактабида дарс берган, 1941 йилдан Ўзбекистон Марказий Комитети ҳузуридаги партия курсларида дарс берган, сиёсий масалаларни яхши тушунган, интизомли, ташаббускор, ташкилотчилик қобилиятига эга, ҳозирги вақтда Андижон область партия кабинети лектори сифатида тингловчилар орасида катта обрўга эга. У ҳақидаги бу ижобий характеристика Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Андижон области бўйича ташкилий бюроси секретари вазифасини бажарувчи Тунаев томонидан берилган.

Андижон область партия комитетининг 1942 йил 3 февралдаги қарорига кўра Абдулманов Қизил Армия сафигача чақирилгани муносабати билан Андижон область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими лектори лавозимидан озод қилинган, унинг ўрнига Ҳабибий Исмат Сунгатович тайинланган.[1]



**2. Абдураззоқов Умарали,** 1908 йили Сталин районида деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, колхозчи, маълумоти қуйи, 1932 йилдан партия аъзоси, бир йиллик педагогик курсни битирган, 1918 – 1930 йилларда Сталин райони Олимов номли колхозда батрак, 1930 – 1932 йилларда Ўзбекистон 5 йиллиги номидаги колхоз аъзоси, 1932 – 1933 йилларда Сталин районидаги бир йиллик педагогик курсда талаба, «Пахтакўл» колхозида колхозчи, 1936 – 1938 йилларда Сталин район партия комитетида инструктор, Андижон область партия комитетининг 1942 йил 30 июлдаги қарорига кўра Абдураззоқов Умарали Қизил Армия сафига чақирилиши муносабати билан Сталин район партия комитети штатли пропагандисти лавозимидан озод қилинган, унинг ўрнига Я.Аминов тайинланган.



**3. Абдурашидов Абдукарим,** 1903 йилда Андижон шаҳрида камбағал оилада туғилган, ўзбек, отаси 1918 йилда вафот этган, 1929 йилдан ВКП(б) аъзоси, Қўқон совет партия мактабини битирган, пропагандист, 1924 – 1929 йилларда Андижондаги 13-пахта заводида ишчи, 1930 – 1931 йилларда Бекобод райони Далварзин совхозида пропагандист, райкомда пропагандист, 1933 – 1934 йилларда Андижон шаҳридаги 1-, 3-заводларда оммавий-маданий бўлим мудири, 1934 – 1935 йилларда Хўжаобод район пахта заводи пункти мудири, Деҳқонобод районида кассир, Хўжаобод районида ЗАГС бўйича агент, Катта Фарғона канали қурилишида фаол иштирок этгани учун Республика Олий Совети Президиуми белгиси билан тақдирланган, уй манзили: Хўжаобод райони Хўжаобод қишлоқ совети Анзин кўчаси, 1940 йили Хўжаобод район партия комитети кадрлар бўлими мудири, 1942 йил 27 декабрда Абдурашидов Абдукарим

[1] Андижон вилояти давлат архиви. 3-фонд, 8-рўйхат, 165-иш. Бундан кейинги маълумотлар ҳам шу архив фондидан олинган. Шу боис ҳар бир ҳужжатнинг асосини келтириш унчалик аҳамиятли эмас.

Қизил Армияга чақирилиши муносабати билан Хўжаобод район партия комитети ташкилий структура бўлими мудири вазифасидан озод қилинган.



**4. Авдюхин Михаил Михайлович,** 1911 йили Сталинград области Рудиянск райони Сосмовки қишлоғида деҳқон оиласида туғилган, рус, маълумоти қуйи, 4-синфни битирган, 1939 йилдан партия аъзоси, 1936 йили унинг отини ўғирлашган, кейин дурадгорлик билан шуғулланган, 1930 йили Андижондаги катта акаси Алексей Норин райони «Норин» совхозида ишлаган, бу ердан Сталинград области Рудянск райони Слобода қишлоғига келиб ишлай бошлаган, 1931 йили Норинда тракторчиликка ўқиган, 1935 йил 6 июндан 1938 йилгача Андижон шаҳрига келиб, паровоз депосида токарлик қилган, 1938 йилда Андижон станцияси 6-бўлимида касаба уюшмаси райкоми қошида инспектор, 1940 йили меҳнатни ҳимоя қилиш инспектори, 1940 йил 1 октябрдан район транспорт бўлимида кадрлар бўйича бошлиқ ёрдамчиси, 1941 йил 6 апрелдан бошлиқ ўринбосари, Андижон шаҳар партия комитети бюроси қарори билан шаҳар партия комитети инструктори, область партия комитетининг 1942 йил 30 июлдаги қарорига кўра М.Авдюхин Қизил Армия сафига чақирилиши муносабати билан Андижон шаҳар партия комитети ташкилий-инструкторлик бўлими инструктори вазифасидан озод қилинган, унинг ўрнига Конобеева Мария Филиповна тайинланган.



**5. Агишев Хусаин Абдуллаевич,** 1907 йили Пенза губернияси Бедошанский уезди Тат Юник қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилган, татар, отаси 1920 йилгача деҳқончилик билан шуғулланган, 1920 йили Пенза шаҳрига юқори синф ўқувчилари билан бирга юборилган ва ўша ерда семинария мактабида хўжалик мудири бўлиб 1923 йилгача фаолият кўрсатган, 1923 йили кексалиги ва касаллиги туфайли ногирон бўлиб ищдан қолган, катта акалари қарамоғида бўлган. 1921 – 1936 йилларда ҳарбий хизматчи, яъни ВЧК, ОГПУ ходими бўлиб ишлаган. Бошқа бир акаси тахминан 1909 – 1917 йилларда бойларда хизмат қилган, инқилобдан кейин давлат идораларида савдо бўйича хизмат қилган. Отаси 1939 йил июнида Ўзбекистоннинг Ленин шаҳрида вафот этган, онаси шаҳар соғлиқни сақлаш идорасида фаррош бўлиб ишлаган, ўзи эса 1920 йилгача отасининг хўжалигида деҳқончилик билан шуғулланган, 1920 – 1921 йилларда бой Алимовнинг хизматчиси, Пенза шаҳридаги ошхона ва чойхонада хизматчи, 1923 – 1926 йилларда холасиникида деҳқон, 1926 йили Пенза шаҳрида қариндошлари билан бирга 1927 йилгача турли идораларда қора ишчи бўлиб ишлаган. 1927 йили Андижон шаҳрига келган, катта акаси бу ерда 1928 йил апрелигача ишсиз бўлган, 1928 йил ноябрида Андижон станцияси депосида проводник бўлиб ишлаган. 1929 йили Андижон округ ер бўлимида, 1939 йил июлидан Қизил Армияга чақирилган, Керкил шаҳрида оддий санитар бўлиб хизмат қилган, 1931 йил январидан 1935 йил сентябригача автойўл техникумида ўқиган, Ленинск шаҳрига келиб, 1936 йил ноябригача автотранспортдан фойдаланиш бўйича техник, Ленинск пахта заводи автобазасида, 1937 йил мартидан 1938 йил ноябригача Ленинск район матлубот жамиятида завгар, 1938 йил ноябридан Ленинск пахта заводи автобазаси бошлиғи, 1939 йил июлидан Ленинск шаҳар партия комитети ҳарбий бўлими мудири лавозимларида ишлаган. 1941 йилда Агишев Хусаин Абдуллаевич қизил армияга чақирилиши муносабати билан Ленин район партия комитети ҳарбий бўлими мудирлигидан озод қилинган, унинг ўрнига Абдуқодиров Комилжон тайинланган.

**6. Алексенко Александр Степанович,** 1905 йили Татаристоннинг Азилскалаевский райони Тимошенко қишлоғида деҳқон оиласида туғилган, украин, октябрь тўнтаришигача ота-оналари ғаллачилик билан шуғулланган, 1927



йилгача отаси билан ўз хўжалигида меҳнат қилишган, 1927 йил январида Тимошенко қишлоқ совети раиси, 1927 йили қизил армия сафига чақирилган, хизматни Туркманистоннинг Кенке шаҳрида ўтаган. 1928 йили кичик ҳарбий мактабни битирган, 1920 – 1929 комсомол сафида, 1931 йилдан ВКП(б) аъзоси, 1930 – 1939 йилларда НКВД органларида ишлаган, аёлининг отаси қулоққа тортилгач, ищдан олинган, 1939 йилдан Марҳамат район матлубот жамияти раиси бўлиб ишлай бошлаган, Андижон область партия комитетининг 1941 йил 3 сентябрдаги қарорига кўра қизил армияга чақирилиши муносабати билан Марҳамат район партия комитети ҳарбий бўлим мудири вазифасидан озод қилинган, унинг ўрнига П.А.Нестеленко тайинланган.



**7. Алимов Абдураҳим,** 1907 йилда Хўжаобод районида камбағал деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти– 7-синф ва қишлоқ хўжалиги мактаби, 1929 – 1930 йилларда Ленинск райони Зарбдор қишлоқ совети секретари, 1930 – 1934 йилларда Зарбдор қишлоқ совети Андреев номидаги колхоз секретари, 1934 – 1937 йилларда Тошкентда Олий коммунистик қишлоқ хўжалиги мактабини битирган, катта агрономлик мутахассислигига эга бўлган, 1937 – 1942 йилларда Ленинск райони «Ленинчи» газетаси масъул котиби, 1942 йилдан ВКП(б) ъзоси. Андижон область партия комитетининг 1943 йил 12 февралдаги қарорига кўра Алимов Абдуллажон қизил армияга олиниши муносабати билан Ленинск район партия комитети ташкилий-инструкторлик бўлими инструктори вазифасидан озод қилинган, унинг ўрнига 1932 йилдан партия аъзоси Абдуллаев Жалил тайинланган.



**8. Алматов Ҳурбой,** 1913 йилда Избоскан районида камбағал деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, тўлиқсиз олий маълумотли, ижтимоий аҳволи – хизматчи, Избоскан район партия комитетининг секретари Усовнинг имзолаган характеристикасида у ҳақида қуйидагилар айтилган: 1927 – 1939 йиллларда ВЛКСМ, 1940 йилдан ВКП(б) аъзоси, Избоскан район халқ таълими бўлими мудири, партиявий жазоси йўқ, сиёсий жиҳатдан пухта, партия топшириқларини виждонан бажариб келган, район совети депутати, район ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этган, СССР ва Ўзбекистон советларига ўтказилган сайловларда назоратчи, колхозчилар орасида саводсизликни тугатиш бўйича агитатор бўлиб ишлаган. Андижон область партия комитетининг 1942 йил 15 июлдаги қарорига кўра Алматов Ҳурбой қизил армия сафига чақирилиши муносабати билан Избоскан район партия комитети агитация ва пропаганда бўлими мудири вазифасидан озод қилинган, унинг ўрнига Холмуҳаммедов Тўйчи тайинланган.



**9. Арсланов Ибрагим,** 1912 йилда Марҳамат районида деҳқон оиласида туғилган, турк, 1938 йилдан ВКП(б) аъзоси, 1939 йил 3 августдан Марҳамат район партия комитети партия кабинети мудири, 1940 йил 28 январдан «Сталинчилар овози» газетаси редакцияси муҳаррири, 1942 йилда армияга олинган.

**10. Аҳмедов Исоқжон,** 1909 йили Сталин районида деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, колхозчи, отаси якка кустар, 1922 – 1927 йилларда Олтиариқда, Сталин районида бойнинг қўлида батрак бўлган, 1927 йили Андижондаги ишчи факультетида, 1927 – 1928 йилларда Наманган шаҳридаги педагогика курсида, 1928 – 1929 йилларда Сталин районида саводсизликни ту-



гатиш курси ўқитувчиси, 1929 – 1932 йилларда «Қизил Юлдуз» колхозида колхозчи, 1932 – 1934 йилларда саводсизликни тугатиш бўйича ўқитувчи, 1934 йилда Тошкент шаҳрида Коммунистик ёшлар иттифоқи ходимларини тайёрлаш бўйича курсда ўқиган, 1936 – 1937 йилларда Сталин район партия комитетида пропагандист, ўша йили Сталин райони халқ таълими бўлими инструктори, 1937 – 1939 йилларда Сталин район партия комитетида пропагандист бўлиб ишлаган, Андижон область партия комитетининг 1942 йил 10 апрелдаги қарорига кўра Эсон Аҳмедов қизил армия сафига чақирилиши муносабати билан Сталин район партия комитети партия кабинети мудири вазифасидан озод қилинган, унинг ўрнига Котов Алексей Семёнович тайинланган.

**11. Байдужный Григорий Матвеевич,** 1911 йили Полтава области Зенковский райони Люд-Будиша қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилган, украин. Унинг туғишганлари инқилобгача помешчик ва қулоқларга ёлланиб ишлаган, инқилобдан сўнг ўз хўжалиги билан шуғулланган, 1939 йилгача отаси билан бирга яшаган, Люд-Будишада ўқиган, 1933 – 1935 йилларда Грунь шаҳрида МТС қошидаги почта бўлимида штатли пропагандистлик қилган, 1935 – 1936 йилларда Полтава области Зенков шаҳрида комсомол ташкилотида бўлим мудири, 1936 – 1937 йилларда Зенков шаҳар совети котиби, 1937 – 1939 йилларда Зенков шаҳри комсомол комитети секретари, 1939 – 1940 йилларда Зенков районида шаҳар партия комитети инструктори, 1940 йил майида Украина Марказий Комитети Равенский области Клесово шаҳри мобилизация бўлимида хизмат қилган, ташкилий-инструкторлик бўлими мудири бўлиб ишлаган. Андижон область партия комитетининг 1943 йил 23 июндаги қарорига кўра Г.М.Байдужный қизил армияга чақирилиши муносабати билан область партия комитетининг ташкилий-инструкторлик бўлими инструктори лавозимидан озод қилинган, унинг ўрнига Арустамова Нина Мартиновна тайинланган.



**12. Батанов Андрей Андреевич,** 1904 йили Оренбург губернияси Ивановский волости Малоокунова қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилган, 1907 йили тарбиячи Батанов Андрей Константинович Ғарбий Сибирь ўлкаси Спиринск райони Верх-Алеус қишлоғига олиб бориб, тарбия учун берган, бу ерда тарбияланган ва 1926 йилгача камбағал деҳқон хўжалигида ишлаган. 1926 йил октябридан 1928 йил декабригача армия хизматида бўлган, оддий аскар сифатида ўқчи батальонида хизмат қилган, 1928 йил декабридан 1931 йил сентябригача Новосибирскда механизациялашган соқчилик бўлимида ўқчи бўлиб хизмат қилган, 1931 йил сентябридан 1931 йил декабригача Ленинграддаги октябрь темирйўли ҳарбий соқчилик бўлимида оддий ўқчи бўлиб хизмат қилган, 1933 йил январидан 1934 йил декабригача Ўзбекистоннинг Фарғона шаҳридаги текстил фабрикасида магазин мудири, 1935 йил январидан мартигача буфетчи, 1935 йил апрелидан 1936 йил апрелигача Охунбобоев номидаги комбинат омбори мудири, 1936 йил октябрида Ойим район партия комитетида статистика бўлими мудири бўлиб ишлаган, Андижон область партия комитетининг 1942 йил 30 ноябрдаги қарорига кўра Батанов Андрей Андреевич Қизил Армия сафига чақирилиши муносабати билан Ойим район партия комитетининг партия статистикаси сектори мудири вазифасидан озод қилинган, унинг ўрнига Наринский Марк Аронович тайинланган.



**13. Баҳодиров Эргаш,** 1900 йилда Хўжаобод райони Коммуна қишлоқ советида батрак оиласида туғилган, ўзбек, отаси 1900 йили вафот этган, онаси уй бекаси, ўзи 7-синфни битирган,

хизматчи, 1931 йил 16 мартда партия сафига ўтган, 1920 йил июнидан декабригача қисқа педагогик курсни битирган, бошланғич синф ўқитувчиси, 1935 – 1938 йилларда Хўжаобод район партия комитети инструктори, 1938 йил январидан 1 июнигача район халқ таълими бўлими мудири, 1938 – 1939 йилларда Хўжаобод район партия комитети партия кабинети мудири, Хўжаобод район партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудири, 1940 йил мартдан Хўжаобод район партия комитетида кадрлар бўйича секретарь лавозимларида ишлаган. Андижон область партия комитетининг 1941 йил 1 августдаги қарорига кўра Баҳодиров Эргаш қизил армия сафига чақирилиши муносабати билан Хўжаобод район партия комитети кадрлар бўйича секретари лавозимидан озод қилинган, унинг ўрнига 1927 йилдан партия аъзоси Ҳасанхўжаев Юсуф тайинланган.



**14. Ғозиев Турсун,** 1907 йилда Шаҳрихоннинг Қўрғонча маҳалласида камбағал оилада туғилган, ўзбек, 1921 – 1924 йилларда Ленинск районида қулоқ новвойининг ёрдамчиси, 1931 йилдан ВКП(б) аъзоси, 1924 – 1929 йилларда батрак, 1929 – 1931 йилларда Самарқанд шаҳрида қизил армия сафида хизмат қилган, 1931 – 1932 йилларда Ленинск район ижроия комитети инструктори, 1932 йилдан колхоз раиси ўринбосари, 1939 йил 13 сентябрдан Ленинск район партия комитети кадрлар бўлими бошлиғи ўринбосари, 1940 йилда Ленинск район партия комитети ҳарбий бўлими инструктори, 1942 йилда армияга олинган.



**15. Гуров Александр Митрофанович,** 1910 йил 10 июнда Сталинград области Четкочевск райони Смородина қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилган, рус, 1922 йилда ўз хўжалигида ишлай бошлаган, 1923 йили қишлоқ хўжалиги артелига кирган, колхозлар қурилиши бошланишида колхозга кирган, 1927 йилда комсомол аъзоси, 1928 – 1930 йилларда комсомол ташкилоти котиби, 1932 йили қизил армия сафига олинган, полк мактабида ўқиган, кичик командир, Узоқ Шарқда Қизил Армия сафида 1934 йилгача хизмат қилган, сўнг Сталинграддаги «Қизил октябрь Орс» заводи қошида кадрлар бўйича инструктор бўлиб хизмат қилган, оилавий шароити туфайли Смородина қишлоғига ота-онаси олдига борган, ҳайдовчилик курсини тамомлаган, 1936 йил октябридан Избоскандаги 8-сонли пахтачилик совхозида ишлаган, Андижон область партия комитетининг 1941 йил 3 – 4 сентябрдаги қарорига кўра Гуров Қизил Армия сафига чақирилиши муносабати билан Избоскан район партия комитети ягона партбилет ва партстатистика бўлими мудирлигидан озод қилинган, унинг ўрнига Абдураҳмонов Отақўзи тайинланган.



**16. Кузнецов Семён Янкел Абрамович,** 1912 йил ноябрида Смоленск области Рудянск райони Микулино қишлоғида ишчи оиласида туғилган, яҳудий, ишчи-темирчи, электромонтёр, Калинин области Нивилинск районида, Рудянск районида ишлаган, 1931 йили Ленинградга келиб, Ленинград шаҳар партия комитетига ўтган, маълумоти олий, Ленинград давлат ҳуқуқ ва давлат бошқаруви институтини тамомлаган, юрист, 1937 – 1939 йилларда талаба бўлиб, бир вақтнинг ўзида Смоленск райком комсомолида аввал пропаганда ва агитация бўлими мудири, кейин райком комсомол 1-секретари ўринбосари лавозимларида ишлаган, 1939 йил ноябрида ВКП(б) Марказий Комитети ташкилий бюроси томонидан партия мактабига юборилган ва уни 1941 йили тугатган. Шундан кейин ВКП(б) Марказий Комитетидаги ташкилий бюроси қарорига кўра Ўзбекистон ССРга ишлаш учун юборилган. Андижон область партия комитетининг 1942 йил 27 январдаги қарорига кўра Кузнецов Семён Абрамович Қизил Армия сафига чақирилиши

муносабати билан Андижон шаҳар партия комитети агитация ва пропаганда бўлими мудири лавозимидан озод қилинган, унинг ўрнига Бугров Павел Иванович тайинланган.



**17. Куприянов Дмитрий Илларионович,** 1914 йил 2 июнда Тамбов области Лукино районида туғилган, рус, 1927 – 1930 йилларда Тамбов области Лукино районида ўз хўжалигида деҳқончилик қилган, 1930 – 1932 йилларда шу райондаги «Будёный» колхозида колхозчи, 1934 йил Пенза шаҳрида ўқув комбинати ўқувчиси, 1934 – 1935 йилларда Рунинск райони Сетинский қишлоқ советида молия бўлими мудири, 1935 – 1936 йилларда Сетинскда ғалла тайёрлов бўлимида кассир бўлиб ишлаган, 1936 – 1938 йилларда Украина ССР Коростен шаҳрида қизил аскар сифатида хизмат қилган, 1938 – 1939 йилларда Андижон шаҳридаги Узтранс автобазасида ҳисобчи, 1939 – 1941 йилларда ҳайдовчилар союзи раиси бўлиб ишлаган, 1940 йилдан Балиқчи район партия комитети ҳарбий бўлим мудири сифатида фаолият кўрсатган. Андижон область партия комитетининг 1942 йил 30 июлдаги қарорига кўра қизил армия сафига чақирилиши муносабати билан Д.Куприянов Балиқчи район партия комитети ҳарбий бўлими мудирлигидан озод қилинган, унинг ўрнига Абдуллажон Тўхтабоев тайинланган.



**18. Манучарян Татевос Яковлевич,** 1900 йил 27 декабрда Арманистоннинг Герюс қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилган, армани, партияга кириш олдидан ишчи, 1929 йил 24 апрелдан партия аъзоси, 1909 йили унинг оиласи Красноводск шаҳрига кўчиб келган, темирйўл мактабида ўқиган, 2 акаси Биринчи жаҳон уруши фронтига олинган, отаси қари ва саводсиз бўлган, 1916 йили Красноводскдаги телефон станцияси қурилишида қора ишчи бўлиб ишлаган, 1919 – 1920 йилларда телеграф станциясида ишчи, 1919 йили оқ гвардиячилар томонидан ҳибсга олинган, 1920 йили Красноводск большевиклар томонидан босиб олингач, телефон станциясида ишлаган, 1922 йили Қизил Армияга олинган, Туркманистонда «босмачилик»ни тугатишда иштирок этган, 1924 йили ҳарбий хизматдан бўшаган, Тошкент шаҳрига келиб, Ўрта Осиё Коммунистик университетига ўқишга кирган ва шу жойда турли лавозимларда ишлаган. 1941 йил 1 августдан Андижон области Балиқчи райони партия комитетининг 2-секретари лавозимида фаолият бошлаган. Андижон область партия комитети бюросининг 1942 йил 17 февралдаги қарорига кўра Т.Я.Манучарян Қизил Армия сафига чақирилиши муносабати билан Балиқчи район партия комитети 2-секретари вазифасидан озод қилинган, унинг ўрнига Саид Галиевич Мирғалиев тайинланган.



**19. Назаров Иминжон** 1905 йилда Фарғона области Сталин районида туғилган, тожик, ижтимоий аҳволи – хизматчи, бошланғич мактаб ўқитувчиси, 1921 йилдан партия аъзоси, 1933 йили САКУ (Ўрта Осиё Коммунистик университети)ни битирган, 1935 йилда ёт унсурлар билан алоқадорликда айбланиб партиядан ўчирилган, 1939 йили Тожикистон Компартияси партия коллегияси томонидан партияга тикланган. 1933 – 1934 йилларда Тожикистон ССР Шахренов район партия комитетида пропагандист, 1934 – 1935 йилларда Чептурин қишоқ совети раиси, 1935 – 1936 йилларда Тошкентда юридик институтда ўқиган, 1936 – 1937 йилларда Сталин районида ўқитувчи, 1939 йил 27 декабрда Сталин район партия комитети ҳарбий бўлими инструктори вазифаларида ишлаган.

Андижон область партия комитетининг 1942 йил 5 майдаги қарорига кўра Қизил Армия сафига чақирилиши муносабати билан Сталин район партия комитети ҳарбий бўлим инструк-

тори вазифасидан озод қилинган, унинг ўрнига Ортиқов Эргаш тайинланган.



**20. Нисанбаев Байрбек** 1905 йилда Қозоғистоннинг Туркистон шаҳри Янгиқўрғон районида ишчи оиласида туғилган, қозоқ, тўлиқсиз ўрта маълумотга эга, қишлоқ хўжалиги техникуми 2-курсини битирган, 1917 – 1927 йилларда Қозоғистоннинг Итқўрғон посёлкасида чўпон, 1927 – 1930 йилларда Тошкент шаҳрида телемарказ станциясида ишчи, 1930 – 1931 йилларда қишлоқ хўжалиги техникуми талабаси, 1936 – 1937 йилларда ҳисобчи, 1938 йилда Тошкент шаҳрида пропагандистлар тайёрлаш курсида ўқиган, 1938 йилда Янгийўл партия комитети инструктори, 1939 йили Сталин район партия комитети пропаганда ва агитация бўлимида инструктор вазифаларида ишлаган. Андижон область партия комитетининг 1942 йил 30 июлдаги қарорига кўра Қизил Армияга чақирилиши муносабати билан Сталин район партия комитетининг пропаганда ва агитация бўлими мудири Байирбек Нисанбаев вазифасидан озод қилинган, унинг ўрнига 1931 йилдан партия аъзоси Темиров Турғун тайинланган.



**21. Ниёзматов Обиджон** 1905 йилда Сталин районида деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, ижтимоий аҳволи – хизматчи, маълумоти тугалланмаган олий, 1929 йилдан ВКП(б) аъзоси, 1915 – 1928 йилларда Сталин райони Ўрта Шаҳрихон қишлоқ советида ўз хўжалигида деҳқон, 1928 – 1929 йилларда Андижон шаҳар педагогика курси курсанти, 1929 – 1932 йилларда Сталин район халқ таълими бўлимида ўқитувчи, 1932 – 1933 йилларда Сталин районида ўрта мактабда ишчилар уюшмаси раҳбари, 1933 – 1935 йилларда Сталин район халқ таълими бўлимида ўқитувчи, 1935 – 1936 йилларда Сталин район партия комитетида пропагандист, 1936 – 1938 йилларда Сталин район партия комитети инструктори, 1938 – 1940 йилларда Фарғона шаҳар ўқитувчилар тайёрлаш институти талабаси, 1942 йил 3 февралда Сталин районида нотўлиқ мактаб директори, 1942 йил 1 июнда Сталин район партия комитети пропагандисти вазифаларида ишлаган. 1942 йил 21 декабрда Қизил Армияга олиниши муносабати билан ўз вазифасидан озод қилинган, унинг ўрнига Исомитдинов Ориф тайинланган.



**22. Охунов Набижон Қосимович,** 1908 йили Ўш шаҳрида туғилган, уйғур, ижтимоий аҳволи – камбағал деҳқон, чорикор, кейинчалик хизматчи, партия аъзоси, Андижон область матлубот жамияти партия ташкилотининг аъзоси, 1923 йилларда қишлоқ мактабини битирган, 1932 йили 3 ойлик кооператив курсини битирган, 1928 – 1929 йилларда «Қизил Шарқ» колхози раиси ўринбосари, 1929 – 1932 йилларда райпонинг Гуручмозор станциясидаги бўлими аъзоси ва мудири, Жалолқудуқ район матлубот жамияти савдо бўлими мудири, 1933 – 1938 йилларда Андижон области бўйича Ўзбекбирлашув бошқармасининг ўринбосари, 1938 йил 1 июлдан 1939 йил 20 апрелгача Қўқон шаҳрида Фарғона область матлубот жамияти инструктори, жамиятнинг Андижондаги базасида бошқарувчи, 1941 йил 1 апрелдан Андижон шаҳрида область матлубот жамияти раиси, 1941 йил ноябридан 1942 йил 1 январигача Ўрта Осиё ҳарбий округининг Ўш шаҳри бўлимида хизмат қилган. Яшаш жойи: Андижон шаҳар Трудовая кўчаси 24-уй. Хўжаобод район партия кабинетининг биринчи секретари. Андижон область партия комитетининг 1941 йил 14 ноябрдаги қарорига кўра Охунов Набижон Қизил Армия сафига чақирилиши муносабати билан Андижон область матлубот жамияти раиси лавозимидан озод қилинган, унинг ўрнига Раҳимов Жўра тайинланган.

**23. Раҳмонов Аҳмадқул** 1917 йили Андижон шаҳрида камбағал деҳқон оиласида туғилган,



ўзбек, колхозчи, ижтимоий аҳволи – хизматчи, маълумоти олий, 1935 – 1938 йилларда ВЛКСМ, 1940 йилда ВКП(б) аъзоси.

1930 – 1934 йилларда бошланғич мактабни тугатган, 1937 – 1939 йилларда Фарғона шаҳар ўқитувчилар тайёрлаш институтида ўқиган, 1939 – 1942 йилларда Андижон районидаги 30-мактабда ўқитувчи, 1942 йил 3 сентябрда Андижон район партия комитети пропаганда ва агитация бўлими пропагандисти, 1942 йил 6 октябрда Андижон район партия комитети пропагандисти вазифаларида ишлаган. 1942 йил 3 декабрда Қизил Армияга олиниши муносабати билан ўз вазифасидан озод этилган.



**24. Рожанский Николай Степанович** 1912 йили Қўқон шаҳрида ишчи оиласида туғилган, рус, инқилобгача ва ундан кейин паровоз машинистининг ўғли, ижтимоий аҳволи – хизматчи, 1940 йилдан ВКП(б) аъзоси, отаси 1914 – 1918 йилларда Андижонда ишлаган, 1923 йилда Горчакова станциясида, кейин Андижон станциясида ишлаган. Николай Степанович 1928 йилгача отаси қармоғида бўлиб, Андижондаги темирйўл мактабида ўқиган, 1929 йилдан меҳнат фаолияти бошланган. Андижондаги паровоз депосида слесарга шогирд тушган. 1934 йилда Қизил Армияга олинган, 1939 йилгача хизмат қилган. 1937 – 1939 йилларда Андижон темирйўл депосида маҳаллий комитет раиси, 1939 – 1940 йилларда район касаба уюшмаси раиси, 1941 йил 9 июнга қадар сиёсий бўлимнинг 6-қисмида хизмат қилган. Тураржойи: Андижон шаҳар Темирйўл кўчаси 27-уй. Андижон область партия комитетининг 1941 йил 21 сентябрдаги қарорига кўра Қизил Армияга чақирилиши муносабати билан Рожанский Николай область партия комитети ҳарбий бўлим инструктори вазифасидан озод қилинган.



**25. Эшматов Абдулаҳад** 1915 йили Олтинкўл районида туғилган, ўзбек, хизматчи, 1940 йилдан партия аъзоси, маълумоти қуйи, бир йиллик сиёсий маориф курсини битирган, ҳисобчи, 1927 – 1932 йилларда Олтинкўлдаги ўзининг хўжалигида деҳқончилик қилган, 1932 – 1934 йилларда Олтинкўл райони «Сталин» колхозида кетмончи, 1934 – 1936 йилларда табелчи бўлиб хизмат қилган, 1936 – 1937 йилларда Андижон шаҳридаги сиёсий маориф курсини битирган, 1937 – 1938 йилларда Косонсой райони Ёртепа қишлоқ советида котиб, 1938 – 1939 йилларда Олтинкўл райони «Сталин» колхозида ҳисобчи, 1939 йилдан Олтинкўл район комсомол комитетида ҳисоб мудири, Олтинкўл район партия комитети ташкилий-инструкторлик бўлими инструктори лавозимида хизмат қилган. Андижон область партия комитетининг 1942 йил 20 августдаги қарорига кўра Олтинкўл район партия комитети ташкилий-инструкторлик бўлими инструктори Эшматов Абдулаҳад Қизил Армия сафига чақирилиши муносабати билан вазифасидан озод қилинган, унинг ўрнига Мадаминов Ҳайит тайинланган.

# АНДИЖОНГА ЭВАКУАЦИЯ ҚИЛИНГАНЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАҚДИРИ

Р.ШАМСУТДИНОВ, И.НАСИРИДИНОВ, Д.ХОМИДОВ

Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан ғалаба қозонганимизга 75 йил бўлганига қарамай, Ўзбекистоннинг Иккинчи жаҳон уруши даври тарихига бағишланган асарларда юртимизга эвакуация қилинганлар ва уларнинг тақдири ёритилмай келаётганига шоҳидмиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг шахсий ташаббуси ва кўрсатмаси билан буюк Ғалабанинг 75 йиллигига атаб тайёрланган ва ўзбек, рус, инглиз тилларида нашр этилиб, юбилей кунлари уруш фахрийларига инъом қилинган **«Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган Ғалабага қўшган ҳиссаси, 1941 – 1945»** китоб-альбомидан Россиядан эвакуация қилинган Гарий Гореликнинг **«Ўзбекларнинг бағрикенг миллат эканига амин бўлдим»,** Исроил Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари уюшмаси раиси Абраам Гринзайднинг **«Бизга меҳр кўрсатиб, ҳаётимизни сақлаб қолишди»,** киноактёр, режиссёр Ефим Каминернинг **«Иккинчи умр»,** СССР халқ артисти Иосиф Кобзоннинг **«Жабрдийда инсонлар нажот қидирарди»**, Украинанинг Запорожье областидан эвакуация қилинган рассом, бастакор Станислав Мансуров-Ковригенконинг **«Биз – уруш фарзандларимиз»,** ёзувчи Илья Охнинг **«Бағрикенг Тошкент одамларни, поездларни қабул қиларди»**, рус шоираси Анна Ахматованинг **«... Ёдимда абадий сақланажакдир Чароғон хонадон шод қий-чувлари. Қорасоч кокилдор ёш оналарнинг қўлида кичкина баранчуклари»**, беларус шоири, академик Якуб Коласнинг **«Шум урушнинг охирги йили Паноҳ топдим сенда мен ҳам. Куйга монанд ўзбек дили, Қўшиқ айтдик бирга ҳамдам»,** исроиллик Дина Рубинанинг **«Мен бу воқеани доим ёдимда сақлайман** ва **миннатдорлик билан эслаб юраман»,** Россия Федерацияси халқ артисти Юрий Стояновнинг **«Онам ҳамиша ҳурмат билан эсларди»,** «Болаликнинг сўнгги ёзи» ҳужжатли фильми сценарийси муаллифи Вячеслав Шатохиннинг онаси София Хотимлянскаянинг **«Ўзбеклар бизга нафақат бошпана, балки меҳр берди»,** Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби, ҳайкалтарош Яков Шапиронинг **«Ўша оғир йилларни эсласам...»,** ҳуқуқшунос олим, профессор Израил Аронович Либуснинг **«Мен ўзимни ўзбек халқининг ўғли деб ҳисоблайман»** деган изҳорлари ўрин олгани ниҳоятда ибратли иш бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўзбекистонга эвакуация қилинган бундай болаларнинг тақдирини ўрганиш алоҳида тадқиқот мавзуидир.

Эвакуация туфайли мамлакатнинг асосий иқтисодий базаси ва саноат қудрати сақлаб қолинган ва урушда ғалабага эришишимизнинг муҳим омилларидан бири бўлган. Таъкидлаш жоизки, Германия СССРга ҳужум қилмасидан олдин айрим совет амалдорлари эвакуацияга тайёрланиш масаласини давлат раҳбарияти олдига қўйган. Аммо раҳбарият бунга унчалик эътибор бермаган. Москвада уруш бўлгудек бўлса, 1 миллион 400 минг кишини эвакуация қилиш кераклиги ҳақидаги ёзма маърузага Сталин эътиборсиз қараган. Ҳатто эвакуация қилиш бўйича комиссияни тугатиш ва комиссия ҳақидаги фикрларни тўхтатиш кераклигини айтган. Лекин вазият эвакуацияни амалга оширишни талаб этган. Эвакуация қилиш бўйича ишларни Сталин кўрсатмаси билан тузилган СССР Халқ Комиссарлари Совети комиссияси олиб борган. Аниқроғи, бу иш билан бевосита Алексей Косигин машғул бўлган. Эвакуация икки босқичда амалга оширилган. Биринчисида 1941 йили Белоруссия, Украина, Болтиқбўйи, Москва ва Ленинград шаҳарларидан аҳоли эвакуация қилинган. Иккинчисида 1942 йили СССРнинг Европа қисми жанубий районларидан аҳоли кўчирилган. 1941 йили мамлакатнинг энг ичкари ҳудудлари – Уралга 667 та, Ғарбий Сибирга 244, Шарқий Сибирга 78 та, Ўрта Осиё ва Қозоғистонга 308 та, Волгабўйига 226 та йирик корхоналар эвакуация қилиб келтирилган.



Шоаҳмад Шомаҳмудов ва унинг хотини Баҳри Акрамова уруш йилларида 13 нафар, урушдан кейин 3 болани ўз тарбияларига олганлар

СССР Марказий статистика бошқармаси маълумотларига қараганда, энг кўп эвакуация қилинганлар руслар (52,9 фоиз), яҳудийлар (24,8 фоиз) бўлган. Ҳатто театрлар эвакуация қилинган. Москвадаги Большой театр Куйбишев шаҳрига кўчирилган.

Маҳаллий аҳолининг катта қисми эвакуация қилиб келтирилган қочоқларга яхши муносабатда бўлган. Айниқса, Ўзбекистонга эвакуация қилиб келтирилган етим болаларга ота-оналик қилиш ҳаракати юзага келганини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Ота-онасидан ажралиб қолган 200 минг бола Ўзбекистондан бошпана топган. Тошкент шаҳридаги Шоаҳмад Шомаҳмудов ва унинг аёли Баҳри ая 13 нафар етим болага ота-оналик қилиб, уларни оқ ювиб,



Халқлар дўстлиги саройи олдида қад кўтарган Шомаҳмудовлар оиласи ёдгорлик ансамбли

оқ тараб, эл қаторига қўшганлар. Бу оиланинг мисли кўрилмаган жасорати абадийлаштирилган. Халқлар дўстлиги саройи олдида қад кўтарган ёдгорлик фикримизнинг далилидир. Қуйида юртимизга олис жойлардан эвакуация қилинганлар ва уларнинг тақдири ҳақидаги айрим маълумотларни келтирамиз.



**1. Анбиндер Анна Самойловна** 1913 йил 3 мартда Украинанинг Херсон области (ҳозирги Одесса) Ананев уезди Врадиевка қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилган, отаси инқилобгача қишлоқ хўжалиги билан шуғулланган, 1926 – 1936 йилларда колхозда ишлаган, 1936 йилдан Одесса шаҳрида яшаган ва матлубот кооперацияси тизимида ишлаган. 1927 йили Врадиевкадаги 7 йиллик мактабга кириб, уни 1928 йилда битирган. 1928 – 1929 йилларда Первомайск медицина мактабида ўқиган, аммо маблағ йўқлигидан ўқишни ташлаб, ишга киришга мажбур бўлган. 1929 – 1933 йилларда Врадиевка район ГПУсида котиба-машинистка бўлиб ишлаган. 1934 – 1935 йилларда Днепропетровск области Перешенск райони МТС сиёсий бўлимида котиба, 1935 – 1939 йилларда котиба-машинистка, 1940 йилдан 1941 йил июлигача Одесса области Андрей-Ивановский районида партия статистикаси ва ягона партбилет сектори мудири бўлиб ишлаган. 1941 йил сентябридан 1942 йил августигача Сталинград области Николаевск райони «Каганович» колхозида яшаган ва ишлаган. 1932 йили партияга номзод, 1938 йили Днепропетровскда партияга ўтган. Эри Шапиров Лев Ильич партия аъзоси, 1941 йил июлидан партия ходими, фронтда катта сиёсий ходим бўлиб хизмат қилган. Акаси Аибиндер партия аъзоси, армияда сиёсий раҳбар, опаси Москвада Ер-сув ишлари халқ комиссарлигида ишлаган, 2-синглиси Тошкент шаҳрида ФЗОда ўқиган, 4-синглиси Ростов областига эвакуация қилинган, отаси ва онаси у билан бирга яшаган. Жалолқудуқ район партия комитетининг 1942 йил 17 ноябрдаги йиғилишида Анбиндер Анна Самойловна шу район партия комитети пропаганда ва агитация бўлими штатли пропагандисти этиб тайинланган. Район партия комитетининг секретари Файзиевнинг берган тавсифномасида Анбиндер Анна Самойловна Жалолқудуқ районига эвакуация бўйича 1942 йилда келгани, сиёсий жиҳатдан етуклиги, обрўга эгалиги, партиявий жазоси йўқлиги, Жалолқудқуқ район партия комитети ташкилий инструктори бўлиб ишлашга қодирлиги кўрсатилган. 1943 йил 2 мартдан А.С.Анбиндер Жалолқудқуқ район партия комитети ташкилий-инструкторлик бўлими инструктори бўлиб ишлаган.[1]



**2. Арьев Борис Менделеевич** 1902 йилда Чернигов губернияси Новгород-Северский шаҳрида туғилган, яҳудий, маълумоти қуйи, 1920 – 1926 йилларда ВЛКСМ, 1926 йилдан ВКП(б) аъзоси, ижтимоий аҳволи – хизматчи. 1941 йил 28 августда Андижон области Ворошилов районига эвакуация қилинган. 1942 йилдан Ворошилов районида завод директори, 1944 йил 9 майдан Ворошилов район партия комитети ташкилий-инструкторлик бўлими инструктори вазифаларида ишлаган. 1946 йил 3 майда Андижон область партия комитети қарори бўйича озод қилинган районларга сафарбар этилиши муносабати билан ўз вазифасидан бўшатилган.



**3. Балаховская Хая Ароновна** 1917 йили Украинанинг Киев области Кагарлык шаҳрида ишчи оиласида туғилган, яҳудий, 1943 йилдан партия аъзоси, маълумоти ўрта, 1925 йили отаси вафот этгач, болалар уйида тарбияланган, 7 йиллик

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти девони архиви Андижон вилояти бўлими (собиқ Андижон область партия архиви) 3-фонд 8-рўйхатдаги ҳужжатларда Андижонга эвакуация қилинганларнинг фаолияти ўз ифодасини топган.

мактабни битирган, мактабда котиб, мактаб кутубхонасида мудир, 1930 – 1941 йилларда катта пионер етакчиси, 1941 йил февралдан эвакуация қилингунга қадар район комсомол комитетида ҳисоб мудири бўлиб ишлаган, 1942 йил февралидан қариндошлари яшаётган Пахтаобод районига кўчириб келтирилган, 1942 йил майида заводда кадрлар бўйича ишлаган, 1942 йилда армияга олинган, саломатлиги ёмон бўлгани учун қайтариб юборилган, 1943 йил апрелидан партияга номзод, 1944 йил 10 сентябрда Пахтаобод район партия комитети ташкилий-инструкторлик бўлимида инструктор, Андижон область партия комитетининг 1945 йил 5 мартдаги қарорига кўра Балаховская Хая Ароновна Пахтаобод район партия комитети партия кабинети мудири вазифасида ишлаган. 1945 йил 29 декабрда озод қилинган Украинага кетиши муносабати билан лавозимидан бўшатилган.

**4. Бахрах Сара Моисеевна** 1902 йил октябрда Смоленск области Ельня шаҳрида ишчи оиласида туғилган, отаси инқилобгача ёлланма меҳнат қилган, 1935 йилгача, яъни вафотигача артелда ишлаган, онаси уй бекаси. 1919 йилда Ельня шаҳридаги район партия комитетида машинистка, 1927 – 1930 йилларда Белоруссия ҳарбий округи штабида иш юритувчи мудир, 1933 йилдан 1941 йил 15 июлгача, яъни эвакуация қилингунга қадар ғарбий темирйўл бошқармаларида турли лавозимларда, жумладан, махфий бўлимнинг секретар машинисткаси, 1936 йилдан ғарб темирйўл қурилишида машинистка бўлиб ишлаган, 1940 йили ВКП(б) га аъзо, Смоленск шаҳридан эвакуация қилиниб Марҳаматга келтирилган, бу ерда Куйбишев номли колхозда оддий колхозчи бўлиб ишлаган, февралдан Марҳамат район партия комитетида машинистка, 1943 йили райком секретарининг ёрдамчиси бўлиб ишлаган. Оиласи таркибида 68 ёшли онаси, 15 ёшли ўғли бўлган, ўғли 8-синфда ўқиган.

Андижон область партия комитети инструктори Борисованинг хулосасига қараганда, С.М.Бахрах Марҳамат район партия комитети секретари ёрдамчиси бўлиб хизмат қилган. Андижон область партия комитетининг секретари Абдураззоқ Мавлоновнинг 1947 йил 28 – 29 январь кунлари имзолаган қарорида Марҳамат район партия комитети ёрдамчи котиби С.Бахрах озод қилинган районларга кетиши муносабати билан лавозимидан бўшатилган, унинг ўрнига Соломко Нина Петровна тайинланган.



**5. Беликов Сергей Митрофанович** 1899 йил 16 ноябрда Днепропетровск области Екатеринослав қишлоғида ишчи оиласида туғилган, инқилобгача Брянск заводида ишчи, электромашинист, партия аъзоси, 1931 – 1932 йилларда Днепропетровск шаҳридаги Темирйўл политехникумида ўқиган, 1932 йил июнь – декабрь ойларида Днепропетровск шаҳрида ташкилий партия ходимлари курсида ўқиган. 1917 – 1919 йилларда Днепропетровск шаҳридаги 4-сонли темирйўл мактабида фаррош, 1919 – 1921 йилларда Днепропетровск шаҳридаги темирйўл бошқармасида нусха кўчирувчи, 1921 – 1930 йилларда Днепропетровск шаҳри Петровск номидаги заводда электромашиналар машинисти, 1932 – 1934 йилларда Днепропетровск шаҳри НКПС қўриқчилик бошқармаси ва партия коллективи секретари, 1934 – 1936 йилларда Украина ССРнинг Знаменко шаҳри темирйўли партия ташкилотчиси, 1936 – 1939 йилларда Знаменко шаҳар партия комитети инструктори, 1939 – 1941 йилларда Знаменко шаҳар комитети ташкилий-инструкторлик бўлими мудири, 1941 йилда Москва шаҳри Ленин номидаги Қизил Армия академияси ҳарбий-сиёсий бўлими курсанти, 1941 – 1942 йилларда Қизил Армияда бўлим сиёсий раҳбари бўлган. 1942 йилда Куйбишев области Ульяновск шаҳар комитети инструктори лавозимида ишлаётган вақтида оиласи Андижон шаҳридалиги туфайли Андижонга келган, Андижон шаҳар 1-темирйўл кўчаси 30-уйда яшаган. 1942 йил 18 августда Андижон шаҳар партия комитетининг 148-сонли баённомаси бўйича Беликов Сергей Митрофанович ташкилий-инструкторлик бўлими инструктори лавозимига қўйилган. 1943 йил 25

ноябрда озод қилинган Украина ҳудудларига юборилиши муносабати билан Андижон шаҳар партия комитети ташкилий-инструкторлик бўлими инструктори лавозимидан бўшатилган.

**6. Гегерман Елизавета Андреевна** 1899 йилда Ленинград шаҳрида камбағал деҳқон оиласида туғилган, рус, 1919 йилдан ВКП(б) аъзоси, хизматчи, маълумоти олий, ижтимоий аҳволи хизматчи. 1924 – 1929 йилларда Украина ССРнинг Екатеринославе шаҳрида ишчи кооперативи бошқаруви инструктори ва секретари, 1929 – 1933 йилларда Полтава шаҳрида Мева-уруғчилик институти талабаси ва аспиранти, 1933 – 1934 йилларда Полтава шаҳар комитети агрогуруҳи раҳбари ва инструктори, 1935 – 1936 йилларда Майкоп шаҳри Ўсимликшунослик институти таянч станцияси илмий ходими, 1936 – 1939 йилларда Ленинград шаҳри Бутуниттифоқ ўсимликшунослик институти аспиранти, 1939 – 1940 йилларда Майкоп шаҳри Вирта станцияси илмий таянч қисмида директор ўринбосари, 1940 – 1941 йилларда Краснодар ўлкаси «Михайловский перевал» совхози станция катта илмий ходими, 1941 – 1942 йилларда Краснодар ўлкаси «Михайловский перевал» совхози катта агрономи. 1942 йил 30 августда Избоскан районига оиласи билан биргаликда эвакуация қилинган. 1942 йил 17 октябрда Андижон область партия комитети қишлоқ хўжалиги бўлими инструктори бўлиб ишлаган. 1944 йил 26 августда Андижон область партия комитети қарорига кўра озод қилинган Украина районларига сафарбар этилиши муносабати билан вазифасидан бўшатилган.



**7. Герман Фрима Абрамовна** 1907 йилда Қрим АССР Қорасувбозор шаҳрида муқовачи ишчи оиласида туғилган, отаси умрининг охирида кустар бўлиб ишлаган, 1923 йилда вафот этган, онаси уй иши билан банд бўлган. Отаси вафот этгач, оила тирикчилик манбаларидан маҳрум бўлган. 1925 йилда ўрта мактабни битирган Фрим 6 ойлик бухгалтерлар курсига ўқишга кирган. Олий маълумотли бўлишга умиди амалга ошмай, Қрим тери саноат союзида эвакуация қилингунига қадар ишлаган. Уруш вақтида район партия комитетининг сафарбарлиги билан мудофаа қурилиши участкасида сиёсий раҳбар бўлиб ишлаган. Эвакуация қилингач, Андижон области Чинобод райони «Қизил Юлдуз» колхозида ҳисобчи бўлган. 1943 йил 17 мартда Чинобод район партия комитетининг қарорига кўра Герман Фрим Абрамовна Чинобод район партия комитети секретари ёрдамчиси лавозимига тайинланган. 1944 йил 29 декабрда озод қилинган ҳудудларга сафарбар этилиши муносабати билан Чинобод район партия комитети секретари ёрдамчиси вазифасидан бўшатилган.



**8. Гибер Израил Моисеевич** отаси 1866 йили Одесса шаҳрида туғилган, инқилобгача кийим тикувчи, инқилобдан кейин Одессада 18 йил мобайнида Воровский тикув фабрикасида ишлаган. Израил Моисеевичнинг 3 та акаси, 3 та синглиси бўлиб, улардан 2 акаси урушгача хизматчи бўлган, анкета тўлдирилган пайтда улар армияда бўлган, бир акаси Москва шаҳри темирйўл милицияси оператив пункти бошлиғи лавозимида ишлаган. 2 та опаси онаси билан Тошкент шаҳрига эвакуация қилинган ва уруш пайтида Тошкентда яшаганлар, 1905 йилда Одесса шаҳрида туғилган, 1913 – 1920 йилларда ўрта мактабда, 1922 – 1926 йилларда Одесса шаҳридаги металл фабрикаси устахонасида слесарь-механик бўлиб ишлаган. 1926 – 1941 йилларда транспортда юк ташувчи, экспедитор бўлиб ишлаган. 1932 йилдан партияга аъзо, 1934 йили Қизил Армия сафига чақирилган, Польша чегарасидан ўтиш вақтида сиёсий раҳбар бўлиб хизмат қилган, касалхонада 5 ой ётган, шундан сўнг Қизил Армия сафидан озод қилинган. 1941 йили Одесса шаҳрини ҳимоя қилишга сафарбар этилган. Одессадан мамлакат ичкарисига эвакуация қилинган. 1941 йил 12 ноябрда Андижон области Ойим районига келган ва шу жойда район саноат комбинатида

ишлаб чиқариш мудири бўлиб ишлаган. Андижон область партия комитетининг 1942 йил 10 апрелдаги қарорига кўра Кулагин Қизил Армия сафига чақирилиши муносабати билан Ойим район партия комитети ҳарбий бўлим мудири вазифасидан озод қилинган, унинг ўрнига Гибер Израил Моисеевич тайинланган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Андижон области бўйича ташкилий бюроси секретари Ҳақназаров Ойим район партия комитети ҳарбий бўлим мудири Гибер Израил Моисеевич тўғрисида берган тавсифномада у партиявий жазога эга эмаслиги, келиб чиқиши ишчи экани, 1941 йили Одесса шаҳридан эвакуация қилингани, 1941 йили Одесса шаҳрида МПВО НКВДда сиёсий раҳбар, 1941 йилдан Ойим районида саноат комбинати ишлаб чиқариш мудири бўлиб ишлагани, ишчанлиги, топшириқни ўз вақтида бажариши, сиёсий жиҳатдан чиниққан, синовлардан ўтган коммунистлиги кўрсатилган.

Область партия комитетининг 1943 йил 12 февралдаги қарорига кўра И.М.Гибер бошқа ишга ўтиши муносабати билан Ойим район партия комитети мудирлигидан озод қилинган.



**9. Глазь Мария Андреевна** 1907 йилда Самара губернияси Новоузенск уезди Семёновка қишлоғида ўртаҳол деҳқон оиласида туғилган, онаси 1935 йилда, отаси 1936 йилда вафот этган. Энгельс шаҳрида ўрта мактабда ўқиган, пионер етакчиси бўлган. 1926 йили Ленинград шаҳрига келиб, пединститутга кирмоқчи бўлган, лекин имтиҳондан ўта олмаган. 1929 йил августида Ленинград шаҳридаги Свет заводида ишлаган. 1941 йил 25 майда Украинанинг Прескурор шаҳрига эвакуация қилиниб, Красноярск ўлкасига келтирилган, колхоз котиби ва агитатор бўлиб ишлаган. 1941 йил октябрида Краснодар ўлкасидан Ростов ўлкасига, 1942 йил апрелида Андижон области Ворошилов районига эвакуация қилинган. Акаси Александр Андреевич Чирчиқ шаҳрида илмий ходим бўлиб ишлаган, синглиси Татьяна Андреевна Қорасув шаҳрида уй бекаси бўлиб яшаган. 1943 йил 10 августда Глазь Мария Андреевна Андижон области Ворошилов райони партия комитети кадрлар бўлими инструктори лавозимига ишга қўйилган. Ворошилов район партия комитети секретари Камоловнинг тавсифномасида миллати украинлиги, 1931 йилдан партия аъзоси экани, ҳозирда Чорвоқ артели раисилиги, унинг раҳбарлигида Чорвоқ артели режани бажараётгани, артель аъзолари орасида обрўга эгалиги қайд этилган. Область партия комитетининг 1946 йил 25 апрелдаги қарорига кўра М.А.Глазь озод қилинган районларга кетиши муносабати билан Ворошилов район кадрлар бўлими инструктори вазифасидан бўшатилган.

**10. Глиник Филипп Данилович** 1915 йили Белоруссиянинг Минск области Крупецк райони Садовка қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилган, украин, касби – ғаллакор, ижтимоий аҳволи – хизматчи, 1939 йил ноябридан партия аъзоси, 7-синфни битирган, кооператив техникумида ўқиган, ҳисобчи-планчи касбига эга бўлган. 1937 – 1938 йилларда Днепропетровск области Томаковка қишлоғида бош ҳисобчи, 1939 – 1941 йилларда иқтисодчи, 1941 йил январидан июнигача Томаковский район партия комитети ташкилий-инструкторлик бўлими мудири, 1941 йил 1 сентябридан 1942 йил майигача Оржоникидзе автоном области Черкас район партия комитетида инструктор, 1942 – 1943 йилларда ўша райкомда партия статистикаси сектори лавозимида ишлаган. 1941 йил 8 августда Томоковскийдан эвакуация қилинган. 1942 йил 5 августда Оржоникидзе ўлкасидан эвакуация қилиниб Андижон области Ойим районига келтирилган. Область партия комитетининг 1942 йил 30 ноябрдаги қарорига кўра Ойим район партия комитети секретари ёрдамчиси **Т.Султонов** Қизил Армия сафига чақирилиши муносабати билан вазифасидан озод қилинган, унинг ўрнига Глиник Филипп Данилович Ойим район партия комитети секретари ёрдамчиси этиб тайинланган, 1939 йилдан партия аъзоси, 1942 йил 15 сентябрдан 1943 йил 26 январгача Ойим район партия комите-

ти секретари ёрдамчиси бўлиб ишлаган. Ищда эпчил, фаол, берилган топшириқни ўз вақтида сифатли қилиб бажарадиган, сиёсий жиҳатдан саводли, интизомли коммунист деб таъриф берилган.



**11. Гомер Рива Маисеевна** 1909 йили Одесса шаҳрида туғилган, яҳудий, маълумоти тўлиқсиз ўрта, 1942 йил октябрида эвакуация бўйича Хўжаобод районига келган, район ижроия комитети қошида давлат таъминоти бўлимида ҳисобчи бўлиб фаолият кўрсатган. Сергак, ҳушёр, ташаббускор ходим сифатида партия жамоат ишларида фаол иштирок этган, 1944 йил 5 майдан Хўжаобод район партия комитети кадрлар бўйича инструктори этиб тасдиқланган. Область партия комитетининг 1944 йил 30 майдаги қарорига кўра Хўжаобод район партия комитети кадрлар бўлими инструктори Погассе Александра Митрофановна озод қилинган Украина районига кетиши муносабати билан Гомер Рива Маисеевна Хўжаобод район партия комитети кадрлар бўлими инструктори вазифасига қўйилган.

Район партия комитетининг кадрлар бўйича секретари Бурнашева томонидан ишнинг уддасидан чиқаётган ходим сифатида тавсифланган.

Андижон область партия комитетининг 1945 йил 29 декабрдаги қарорига кўра Гомер Рива Маисеевна райондан жўнатилиши муносабати билан Хўжаобод район партия комитети инструктори вазифасидан озод қилинган.



**12. Горильченко Анна Ивановна** 1908 йил февралида Украинанинг Винницский области Ильинцы қишлоғида туғилган, украин, отаси ишчи-слесарь, онаси нафақахўр, 7-синфни, касб-техника билим юртини ва сиртдан ўқитувчилар институтини битирган, 1938 – 1942 йилларда район, округ ва областда раҳбарлик лавозимларида ишлаган. 1938 йилда Украина ССР Олий Советига депутат этиб сайланган, бюджет комиссияси аъзоси, область ижроия комитети аъзоси, шунингдек, шаҳар партия ва область партия комитети аъзоси бўлган, Оржоникидзе ўлкаси Кизляр шаҳридан эвакуация қилингандан сўнг округ партия комитетида лекторлик қилган. Бир неча бор фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган. Украина ССР Халқ комиссарлари совети 1940 йили уни республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи унвони билан тақдирлаган. Андижон шаҳрига оиласи билан эвакуация қилинган, турмуш ўртоғи Қизил Армия сафида сиёсий раҳбар бўлиб хизмат қилган, унинг қарамоғида 2 та фарзанди ва эрининг синглиси бўлган.

Андижон область партия комитетининг кадрлар бўлими 1942 йил 13 октябрдан А.И.Горильченкони область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими инструктори вазифасига тайинлаган. Область партия комитети инструкторининг А.А.Горильченко ҳақидаги тавсифномасида 1939 йилдан партия аъзоси экани, партиявий жазо олмагани, саводлилиги, сиёсий жиҳатдан чиниққан коммунистлиги, 1928 – 1942 йилларда педагогик ишда хизмат қилгани, кейинги 5 йил ичида турли районларда РАЙОНО, ОБЛОНО ва ОКРОНО мудири бўлиб хизмат қилгани, Украина ССР Олий Совети депутати бўлгани, камтаринлиги, ишга эътибор билан қараши, тиришқоқлиги, пропаганда ва агитация бўлими инструктори вазифасида самарали ишлашга қодирлиги таъкидланган.

Область партия комитети инструктори Малкинанинг маълумотига қараганда, Украина районларига кетиши муносабати билан Горильченко Анна Ивановна область партия комитети агитация ва пропаганда бўлими вазифасидан озод қилинган.

**13. Денисенко Мария Тимофеевна** 1920 йили Украинанинг Донбасс области Добропольский районида ишчи-слесарь оиласида туғилган. Ижтимоий келиб чиқиши ишчи, 1940 йилдан партия аъзоси, маълумоти ўрта, 1940 йилда педагогик мактабни, Одессада юридик мактабни битирган, 1937 – 1939 йилларда Крас-



нопольский райони Доппропольский қишлоғида 5-шахтадаги мактабда ўқитувчи, 1939 – 1940 йилларда талаба, эвакуацияга қадар 1940 йил 1 январдан 2-ўрта мактабда пионер етакчиси бўлиб ишлаган, сўнгра тарбиячи бўлган. Фарғона шаҳрига эвакуация қилиниб келган пайтда 2-болалар уйида тарбиячи бўлиб ишлаган. 1942 йил февраль – майда Қува районида тракторчи, 1943 йил 17 мартда Жалолқудуқ район партия комитети қарорига кўра ягона партбилет ва партстатистика сектори мудири вазифаларида ишлаган. 1943 йил 17 ноябрда озод қилинган Украина районларига сафарбар этилиши муносабати билан ўз вазифасидан бўшатилган, унинг ўрнига Сичева Елена Андреевна тайинланган.

**14. Дробинская Циля Вульфовна** 1912 йилда Днепропетровск (аввалги Екатеринослав) шаҳрида хизматчи оиласида туғилган, яҳудий, касби стенографистка, 1930 йилда 7-синфни битирган, 1931 йилда Днепропетровск темирйўл станциясида техника назоратчиси бўлиб ишлаган, электромеханика техникумида ўқиган, 1934 – 1937 йилларда область ижроия комитетида техник котиба бўлиб ишлаган, 1937 йили стенография бўйича курсни битирган, область ижроия комитетида секретарь-стенографистка бўлиб 1940 йилгача ишлаган, 1941 йил августида Чкалов области Кувандин районига эвакуация қилинган, 1941 йил сентябридан 1942 йил мартигача Кувандин халқ судида котиба бўлиб ишлаган. 1942 йил апрелида Андижон шаҳрига келган. 1942 йил 1 июндан 1944 йил 1 июнга қадар Андижон область партия комитети пропаганда ва агитация бўлимида техник котиб бўлиб ишлаган, 1944 йил 1 июндан 9 декабргача умумий бўлим мудири, 9 декабрдан 1945 йил 3 январгача стенографист бўлиб ишлаган. 1945 йил 10 январда область партия комитети қишлоқ хўжалиги бўлими инструктори этиб тайинланган. 1945 йил 20 августида республикадан чиқиб кетиши муносабати билан вазифасидан озод қилинган.



**15. Костина Мария Ивановна** 1908 йилда Ленинград области Чудовский райони Гладь қишлоғида ўртаҳол деҳқон оиласида туғилган, рус, маълумоти қуйи, касби хизматчи, 1929 йилдан партия аъзоси, Гладь қишлоқ мактаби бошланғич синфини битирган, 1937 йил сентябридан 1940 йил 23 февралигача халқ хўжалиги марказий бошқармасининг Ленинград области Личхово посёлкасидаги инспектор, ташкилий бўлим мудири лавозимларида ишлаган. 1941 йил 28 октябрдан Андижон области Балиқчи районидаги Карл Маркс номли колхозда котиб, Балиқчи район партия комитетининг 1942 йил 8 майдаги қарори билан Мария Костинани Балиқчи район партия комитетида инструкторлик вазифасига қўйиш Андижон область партия комитети бюросидан сўралган. Андижон область партия комитетининг 1942 йил 5 августдаги қарорига кўра Костина Мария Ивановна Балиқчи район партия комитетининг ташкилий-инструкторлик бўлими инструктори этиб тасдиқланган. 1945 йил 23 октябрда область партия комитети Мария Костинани озод қилинган районларга кетиши муносабати билан Чинобод район партия комитети инструктори вазифасидан бўшатиш ҳақида қарор қилган.



**16. Кострибун Иван Григорьевич** 1917 йили Краснодар ўлкаси Мостов райони Псебой станциясида туғилган, 3 ёшидан ота-онасиз қолган, отаси Қизил Армия сафида 1918 йили ҳалок бўлган, онаси 1923 йилда вафот этган. 1934 йилгача давлат таъминоти орқали тарбияланган, ўқитилган. Аввал Константиновский станциясида, кейин Ормаевл шаҳрида мактабда ўқиган. 1935 йилда олтин саноати комбинатида ишлаш учун техник минимумни топширган, Киров номли олтин конида

ишлаган. Конда назоратчи, технолог бўлиб армияга олингунча ишлаган. 1938 йилда армияга олиниб, Мурманск шаҳрида хизмат қила бошлаган. Кичик командирлар курсини битирган. Бир йиллик мактабни битиргач, фин урушида қатнашган. Сулҳ тузилгач, Кандалак шаҳрига юборилган, 1940 йил ноябридан 1941 йил мартигача Кандалак шаҳридаги 104-ўқчи дивизияда ўқиган. 1941 йил апрелида Ленинград шаҳридаги Энгельс номли ҳарбий-сиёсий билим юртида курсант бўлган. 1941 йил августидан 1942 йил апрелигача Ленинград шаҳрини мудофаа қилишда иштирок этган. 1942 йил апрелида оғир яраланган, 2-гуруҳ ногирони бўлган, қариндошларидан опаси Краснодар ўлкасида яшаган, у билан алоқа узилган.

Хўжаобод район партия комитети секретари Бурнашеванинг тавсифномасида Кострубин Иван Григорьевич 1917 йилда туғилгани, рус, ўрта маълумотли экани, 1941 йилдан ВКП(б) аъзосилиги, Ватан уруши ногирони экани, Хўжаобод район партия комитети мудири вазифасида ишлагани, вазифаларини ўз вақтида бажаргани айтилади.

Хўжаобод район партия комитетининг 1943 йил 3 мартдаги қарорига кўра Кострубин Иван Григорьевич Хўжаобод район партия комитети парткабинети мудири лавозимига тасдиқланган. Андижон область партия комитетининг 1944 йил 1 августдаги қарорига кўра И.Г.Кострубин озод қилинган районларга сафарбар этилиши муносабати билан Хўжаобод район партия комитети парткабинети мудирлигидан бўшатилган.



**17. Котов Алексей Семёнович** 1906 йилда Самара шаҳрида деҳқон оиласида туғилган, мордвин, отаси 32 ёшда, темирйўлда қоровул бўлиб ишлаган, ижтимоий аҳволи – хизматчи, 1926 йилдан партия аъзоси, 1913 – 1919 йилларда Самарадаги 2 босқичли мактабда ўқиган, 1919 йилда Мало-Талкаев мактабининг 6-синфини битирган, сўнг 2-3 ойлик курсларда ўқиган, халқ ўқитувчиси мутахассислигига эга бўлган, 1921 йил 21 январда комсомол сафига ўтган, 1924 йили 1-волост комсомол конференциясида волост комсомол комитети секретари, 1928 йилда Бугрусла уезд комсомолида инструктор, бюро аъзоси, Самара уезди Чапаев шаҳар партия комитети маданият бўлими мудири, 1928 йили Цизран округи Кузатовада 2 йил мактаб директори ва ўқитувчиси, айни дамда, қишлоқ советининг аъзоси, 1930 йилда ғалла тайёрлаш бўйича вакил, 1929 – 1931 йилларда Цизранда ижроқўм таркибига сайланган, халқ маорифи бўлими мудири бўлиб ишлаган, рус ва мордван тилидаги газетага масъул муҳаррир, район партия комитети ташкилий бўлими мудири ва секретарь ўринбосари бўлиб ишлаган. 1933 йил кузида Симферополга келган, Қрим область партия комитети инструктори, сўнг 1937 йил декабригача «Красный Крым» газетасида бўлим мудири, «Сталинское знамя» газетасида редактор ўринбосари, 1941 йил июнидан Ялта шаҳар партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудири, шунингдек, «Красный Крым» газетасида ходим вазифаларида ишлаган. 1941 йил ноябрида эвакуация бўйича Тошкентга келган, Сталин район партия комитетида парткабинет мудири бўлиб ишлаган. Андижон область партия комитетининг 1942 йил 10 апрелдаги қарорига кўра армияга чақирилиши муносабати билан партия кабинети мудири Эсон Аҳмедов вазифасидан озод қилинган, унинг ўрнига Котов Алексей Семёнович Сталин район партия комитети партия кабинети мудири этиб тайинланган.



**18. Крук Ольга Николаевна** 1916 йил 7 январда Одесса шаҳрида ишчи оиласида туғилган, рус, ижтимоий аҳволи – хизматчи. Отаси ишчи, онаси уй бекаси. 1931 йилдан ВЛКСМ, 1940 йил апрелидан эса ВКП(б) аъзоси, маълумоти ўрта, 1925 – 1930 йилларда Одессада 7 йиллик мактабни тугатган, 1931 – 1933 йилларда ФЗУ (фабрика-завод ўқув юрти)да ўқиган, 1933 – 1937 йилларда

Одесса шаҳрида Октябрь революцияси номли заводда лаборант-химик, 1937 – 1938 йилларда Одесса шаҳар партия комитетида кадрлар бўлими мудири, 1938 – 1939 йилларда Одесса область партия комитети комсомоли инструктори, 1939 – 1940 йилларда Ленин номидаги консерва заводида комсомол ташкилотчиси, 1941 йил августида Андижонга эвакуация қилинган, 1940 – 1941 йилларда Андижон области Ленинск район комсомол комитети секретари, 1941 йил октябридан 1942 йил январигача Андижон область комитети комсомоли инструктори, 1943 йил 8 апрелдан Андижон шаҳар комитети кадрлар бўлими инструктори, 1944 йил 1 июль куни озод қилинган Украина районларига сафарбар этилиши муносабати билан вазифасидан бўшатилган, унинг ўрнига Новиков Константин Евгеньевич тайинланган.



**19. Кубланова Раиса Павловна** 1903 йилда Днепропетровск шаҳрида камбағал оилада туғилган, яҳудий, 1916 йилда мактабни битирган, маълумоти ўрта, ижтимоий аҳволи ишчи, 1926 йил 7 апрелдан ВКП(б) аъзоси, 1920 – 1921 йилларда Енокиено шаҳри ҳарбий қурилиш кутубхонаси мудири, 1924 – 1929 йилларда Днепропетровск шаҳри «Красный Профинтерн» заводида ишчи, 1929 – 1931 йилларда Днепропетровск шаҳри 30-дивизия сиёсий бўлими инструктори, 1931 – 1932 йилларда Днепропетровск шаҳар совети секцияси раиси, 1932 – 1934 йилларда Днепропетровск шаҳри 30-дивизия сиёсий бўлими инструктори, 1934 – 1935 йилларда Днепропетровск шаҳри 3-Котов дивизияси инструктори, 1936 йилда Бердичеве шаҳри трикотаж фабрикаси партия комитети секретари, 1938 – 1939 йилларда Киев шаҳар НКВД архив бошқармаси бўлими мудири, 1939 – 1940 йилларда Шепетовка шаҳар партия комитети инструктори, 1942 йилда Лятигорск шаҳридаги 2175-сонли госпиталь пропагандисти вазифаларида ишлаган. 1942 йилда Андижонга эвакуация қилинган, 1942 йил 13 октябрдан сўнгги хабарлар область радио комитети редактори, 1943 йил 2 апрелдан Андижон область партия комитети партархиви мудири, 1943 йил 28 майдан Андижон область партия комитети ташкилий-инструкторлик бўлими маълумотлар сектори мудири лавозимларида ишлаган. 1945 йил 28 февралда озод қилинган районларга сафарбар этилиши муносабати билан Кубланова Раиса Павловна ўз вазифасидан бўшатилган, унинг ўрнига **Мирошниченко Валентина Алексеевна** тайинланган.



**20. Кузнецова Августина Дмитриевна** 1909 йилда Воронеж области Аннин районида ўртаҳол деҳқон оиласида туғилган, рус, маълумоти олий, ижтимоий аҳволи – хизматчи, 1926 – 1932 йилларда ВЛКСМ, 1932 йилдан эса ВКП(б) аъзоси, 1926 – 1932 йилларда Воронеж области Жирность трестида сотувчи, 1930 йилда Ленинград шаҳри Электронабор заводида станок ишчиси, 1930 – 1932 йилларда Воронеж шаҳридаги Дзержинский номидаги заводда фрезер станоги бўйича мутахассис, 1932 йилда Воронеж шаҳар комитетида бўлим мудири, 1932 – 1933 йилларда Воронеж шаҳри НКПС масъул назоратчиси, 1933 йилда Воронеж шаҳридаги Аптекокомбинатда партбюро секретари, 1933 – 1934 йилларда ВКП(б) нинг Воронеж область партия комитети ходими, 1934 – 1935 йилларда Воронеж областида партбюро секретари, 1935 – 1939 йилларда Воронеж шаҳри ВГКИ талабаси, 1939 – 1941 йилларда ўша олийгоҳда ассистент бўлиб ишлаган.

1942 йилда Андижонга эвакуация қилинган. Яшаш манзили: Андижон шаҳри Сой кўчаси 16-уй 11-хонадон. 1943 йилгача Сталин номидаги заводда ишлаган, 154-сонли заводнинг тикланишида кўрсатган хизматлари учун Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан фахрий ёрлиқ билан тақдирланган. 1943 йил 27 августдан 1945 йил 21 июлгача Андижон область партия комитети лектори вазифасида ишлаган. Андижон область партия комитетининг 1945 йил 21 июл-

даги қарорига кўра Кузнецова Августина Дмитриевна Воронеж шаҳрига сафарбар қилиниши муносабати билан вазифасидан бўшатилган.



**21. Кузнецов Алексей Васильевич** 1920 йил февралида Ленинград области Осьминский райони Глазова-Гора қишлоғида деҳқон оиласида туғилган, рус, маълумоти тугалланмаган олий, ижтимоий аҳволи – хизматчи, 1939 йил мартидан ВКП(б) аъзоси. 1928 – 1932 йилларда бошланғич мактабда, 1932 – 1935 йилларда ўрта мактабда, 1935 – 1937 йилларда Ленинград шаҳрида Джерзинский номидаги Темирйўл транспорти техникумида ўқиган. Техникумни тугалламай Ленинград шаҳридаги Карель ўқитувчилар тайёрлаш институтига ўқишга кирган ва 1938 йил августида Лоухск районига педагогик ишга жўнатилган. У ерда 2 йил ишлаган. 1940 йил сентябрида ҳарбий-денгиз флотига хизматга чақирилган, 1942 йил декабрида жароҳати туфайли ҳарбий хизматдан бўшатилган. 1943 йилда Ленин районига эвакуация қилинган.

1943 йил мартидан Ленин район партия комитети ҳарбий бўлим инструктори, 1943 йил 15 декабрда Ленин район партия комитети кадрлар бўлими инструктори, 1944 йил 10 мартда Андижон область партия комитети қарори бўйича озод қилинган районларга сафарбар этилиши муносабати билан ўз вазифасидан бўшатилган, унинг ўрнига Шенцова Анастасия Калиновна тайинланган.



**22. Лаврова Лидия Георгиевна** 1905 йил мартида Омск шаҳрида ишчи оилада туғилган, рус, 1910 йили отаси вафот этган, онаси қўлида 4 та ёш бола қолган, онаси ёлланма меҳнат билан болаларини тарбиялаган. 1913 – 1915 йилларда мактабда ўқиган, моддий аҳволи туфайли ўқишни ташлаган, хусусий қанд фабрикасига ишга кирган, 1918 йилгача ишлаган, 1918 – 1921 йилларда босмахонада ҳарф терувчи бўлимида шогирд бўлиб ишлаган, ўпкаси ёмонлашгани учун босмахонадан кетган ва яна қанд фабрикасида 1929 йилгача ишлаган, 1929 йилда хўжалик ишига тавсия этишган ва ошхона мудири бўлиб ишлаган, айни дамда, ойлик савдо курсини тугатган, савдо инспектори сифатида фаолият юритган. 1932 йилда ВКП(б) партия комитетининг қарорига кўра партия ташкилоти хотин-қизлар бўлимида ишлай бошлаган. 1935 йили Омск области ташкилоти тузилиши муносабати билан область партия комитети Лаврова Лидия Гиоргиевнани область партия комитети кадрлар ҳисоби бўйича масъул ижрочи қилиб ишга олган. Боласи касал бўлгани учун Қрим АССР Ялта шаҳрига кўчиб кетишига тўғри келган. У ерда автобазада кадрлар бўлими бошлиғи бўлиб ишлаган. 1941 йил июнидан Қрим шаҳар партия комитети ташкилий-инструкторлик бўлимида инструктор бўлиб ишлаган. Қримдан Андижон области Сталин районига эвакуация қилинган. Сталин район партия комитетининг 17 январдаги қарорига кўра Лаврова Лидия Гиоргиевна Сталин район партия комитети кадрлар бўлимининг инструктори этиб тайинланган. Андижон область партия комитетининг 1944 йил 18 ноябрдаги қарорига кўра озод қилинган Қрим АССРга сафарбар этилиши муносабати билан эгаллаб турган вазифасидан бўшатилган.



**23. Левина Мария Марковна** 1916 йилда Орлов области Клинцы шаҳрида хизматчи оиласида туғилган, яҳудий, ижтимоий аҳволи – хизматчи, 1934 – 1939 йилларда ВЛКСМ, 1940 йилдан эса ВКП(б) аъзоси, 1931 йилда Клинцы шаҳрида 7 йиллик мактабни тугатган, 1932 йилда Ленинград шаҳрида Киров заводи қошидаги ФЗУ (фабрика-завод ўқув юрти)га ўқишга кирган, 1934 – 1939 йилларда Киров заводида механика цехида детал қабул қилувчи ишчи, 1939 йилдан эвакуация қилингунча (1941 йил декабрда) ўша заводда технолог вазифаларида

ишлаган. 1941 йил декабрида Челябинск шаҳрига эвакуация қилинганидан кейин 1942 йил декабригача Троицкий буғдой совхозида секретарнинг махсус ходими бўлиб ишлаган. Оилавий шароити туфайли Андижон области Ворошилов районига кўчиб ўтган.

Оиласидан 2 киши ВКП(б) сафида – опаси Троицкий буғдой совхозида сиёсий бўлим бошлиғи, акаси фронтда майор, 2 марта орден билан тақдирланган. Хорижда ва қатағон қилинган қариндошлари мавжуд эмас, турмуш қурмаган. Яшаш манзили: Андижон области Ворошилов райони.

Андижон область партия комитети қарорига кўра 1943 йил 11 августда Умаров Жўра Қизил Армия сафига олиниши муносабати билан Ворошилов район партия комитети ташкилий-инструкторлик бўлими инструктори лавозимидан озод этилган, унинг ўрнига Левина Мария Марковна тайинланган. 1944 йил 9 майда Андижон область партия комитети қарорига кўра Ворошилов район партия комитети секретари ёрдамчиси **Виноградов Василий Прокофьевич** вазифасига совуққонлик билан қарагани учун вазифасидан озод қилинган, унинг ўрнига Левина Мария Марковна тайинланган, 1946 йил 3 майда озод қилинган районларга сафарбар этилиши муносабати билан ўз вазифасидан бўшатилган.

**24. Левченко Григорий Андреевич** 1912 йилда Кабардино-Балкария АССР Баксан райони Баксан қишлоғида туғилган, рус, маълумоти ўрта, 1939 йилдан ВКП(б) аъзоси, инқилобгача қишлоқ хўжалигида, инқилобдан сўнг юк ташувчи бўлиб ишлаган. 1924 – 1928 йилларда Баксанда ўрта мактабни битирган, 1928 – 1931 йилларда Нальчик шаҳри педтехникумида ўқиган, 1931 – 1933 йилларда Нальчик шаҳрида Қизил Армия сафида хизмат қилган, 1933 йилда Пятигорск шаҳрида давлат меҳнат омонат кассасида назоратчи, 1933 – 1934 йилларда Георгиевск шаҳри «Союзмука» омбори мудири, 1934 йилда Георгиевск шаҳар ижроия комитетида ёқилғи тайёрловчи, 1934 – 1938 йилларда Совет райони Совет станциясида район халқ хўжалиги инспектори, 1938 – 1939 йилларда Оржоникидзе ўлкаси Кизляр шаҳри халқ хўжалигини ташкил этиш бошлиғи ўринбосари, 1939 – 1941 йилларда Оржоникидзе ўлкаси Кизляр шаҳрида партия фаолиятини ёритувчи «Кизлярская правда» газетаси бўлим мудири, 1941 – 1942 йилларда Оржоникидзе ўлкаси Кизляр шаҳар округ комитети инструктори, 1942 йилда Оржоникидзе ўлкаси Кизляр шаҳри «Кизлярская правда» газетаси муҳаррири вазифаларида ишлаган. 1942 йилда Андижон областига эвакуация қилинган.

1942 йил 21 ноябрда Андижон область партия комитети қарорига кўра Ҳошимов қизил армияга чақирилиши муносабати билан Избоскан район партия комитети парткабинети мудири вазифасидан озод қилинган, унинг ўрнига Левченко Григорий Андреевич тайинланган. 1943 йил 4 майда Оржоникидзе ўлкасига сафарбар этилиши муносабати билан Избоскан район партия комитети парткабинети мудири лавозимидан бўшатилган.



**25. Либерман Нина Зиновьевна** 1914 йил 2 февралда Белоруссия ССРнинг Могилевск округида туғилган, яҳудий, маълумоти ўрта, ижтимоий аҳволи хизматчи, 1931 – 1939 йилларда ВЛКСМ, 1939 йилдан эса ВКП(б) аъзоси, 1930 – 1932 йилларда Орлов областида ФЗУ ўқувчиси, 1932 – 1933 йилларда Ленинград шаҳрида статист, 1933 – 1936 йилларда Орлов области Новосиль райони план статисти, 1936 – 1939 йилларда Запорожье шаҳрида назоратчи мудир, 1939 – 1941 йилларда Запорожье шаҳар комитети раиси вазифаларида ишлаган. 1941 йил августида Андижон области Пахтаобод районига эвакуация қилинган.

1941 – 1943 йилларда Андижон области Пахтаобод райони пахта заводида қўриқчи, 1943 йил 18 декабрда Пахтаобод район партия комитети кадрлар бўлими инструктори, 1944 йил 13 ноябрда Андижон область партия комитети қарорига кўра озод қилинган Украина районларига кетиши муносабати билан ўз вазифасидан бўшатилган, унинг ўрнига **Муштареев Варвара Михайловна** тайинланган.

**26. Малкина Леокадия Аркадьевна** 1910 йил 25 мартда Каховка қишлоғида (собиқ Таврия губерниясида) ишчи оиласида туғилган, украин, маълумоти ўрта, ижтимоий аҳволи хизматчи, отаси 1918 йилда вафот этган, 1929 – 1940 йилларда ВЛКСМ, 1943 йил 28 сентябрдан ВКП(б) аъзоси.

1939 йилда Харьков шаҳар партия комитетида кадрлар инспектори, 1939 – 1941 йилларда Харьков шаҳар партия комитетида кадрлар ҳисобчи гуруҳи мудири, 1942 йил июлда Андижон областига эвакуация қилинган, 1942 йил августида Андижон область партия комитети аппаратида ҳисобчи, 1943 йил 16 октябрда кадрлар бўлими партсектори инструктори вазифаларида ишлаган. 1945 йил 4 августда Андижон область партия комитети қарори бўйича Малкина Леокадия Аркадьевна бошқа ҳудудга чиқиб кетиши муносабати билан ўз вазифасидан озод қилинган, унинг ўрнига Серецин Галина Ивановна тайинланган.



**27. Матвеев Антон Григорьевич** 1906 йилда Полтава областида камбағал деҳқон оиласида туғилган, украин, 1937 йилдан ВКП(б) аъзоси, 1920 йилдан Полтава области Хороль райони София қулоқ хўжалигида батрак бўлиб ишлаган. 1922 – 1925 йилларда якка тартибда қишлоқ хўжалиги билан шуғулланган, 1925 – 1941 йилларда область, район партия ташкилотларида раҳбарлик лавозимларида ишлаган, 1941 йилда Андижон области Жалолқудуқ районига эвакуация қилинган. 1941 йилда Андижон области Жалолқудуқ районидаги колхозлардан бирида бригадир, 1942 йил 2 декабрда Жалолқудуқ райони «Савай» 2-сонли пахта совхозида сиёсий раҳбар ёрдамчиси лавозимларида ишлаган.

**28. Матвиенко** Варвара **Михайловна** 1902 йил 30 декабрда Саратов области Романовск район Слобода қишлоғида ишчи-дурадгор оиласида туғилган, бошланғич мактабни битиргач, 1910 – 1918 йилларда Романовскдаги савдо



мактабида ўқиган, 1918 йили Украинанинг Никитивка сурма конида отаси билан бирга ишлаган, 1920 – 1921 йилларда Сталин области Гродовский волостида кўчириб ёзувчи бўлиб хизмат қилган, 1921 – 1922 йилларда Никитивка станциясидаги болалар уйида ўқитувчи ва тарбиячи, 1922 – 1923 йилларда Гродовна қишлоғида бошланғич мактаб ўқитувчиси, 1923 – 1924 йилларда Сталин области Новозияно район ижроия комитети регистратори, кейинчалик ўқитувчи, саводни тугатиш бўйича район инспектори, Артёмск шаҳридаги «Йўқолсин саводсизлик» округи уйида масъул котиб, худди шундай лавозимда Харьков шаҳрида, Хонковский руда конида маданият бўлими мудири, Славьянск шаҳридаги санаторияда маданий ходим, маданият бўлими мудири, 1934 – 1941 йилларда Славьянск шаҳар партия комитети пропаганда бўлими инструктори вазифасида ишлаган. 1941 йил октябрида эвакуация қилинган. 1942 йил 7 январда Андижон области Ленинск райони партия комитети бюросида Ленинск райони партия комитети партия кабинети мудирини тасдиқлаш масаласи кўрилган. Мазкур масала юзасидан Мамасолиев ахборот берган. Ленинск район партия комитети секретари Наврўз имзолаган баённомадан кўчирмада Ленинск район партия комитетининг партия кабинети мудири этиб 1902 йилда туғилган, миллати украин, ижтимоий келиб чиқиши – ишчи, ижтимоий ҳолати – хизматчи, эри билан бирга яшайдиган, 1927 йилдан партия аъзоси, 1924 йилдан сиёсий оқартув ходимлари союзининг аъзоси, маълумоти тугалланмаган ўрта Матвиенко-Маликова Варвара Михайловна тайинланган, ушбу қарорни тасдиқлаш Андижон область партия комитети бюросидан сўралган. Область партия комитети бюросининг 1942 йил 10 апрелдаги қарорига кўра Матвиенко-Маликова Варвара Михайловна Ленинск район партия комитети парткабинети мудири этиб тасдиқланган. Тураржойи: Ленинск шаҳри «НКВД ҳовлиси» 5-уй.



**29. Мирошниченко Валентина Алексеевна** 1917 йили Курск областида деҳқон оиласида туғилган, украин, 7-синфни тугатган, маълумоти ўрта, ижтимоий аҳволи хизматчи, 1932 – 1940 йилларда ВЛКСМ аъзоси, 1942 йилдан ВКП(б) аъзоси.

1932 – 1938 йилларда Воронеж области Алексеевко районида ҳисобчи, бухгалтер, 1938 йил апрелидан 1939 йил октябригача Воронеж области Свобода Апкинск шаҳрида бюджет инспектори, 1938 – 1941 йилларда Воронеж шаҳри Комитерновский райони молия бўлимининг катта инструктори ва мудир ўринбосари, 1941 йилда Андижонга эвакуация қилинган, 1941 – 1943 йилларда Андижон районида молия бўлими катта инструктори, 1944 йил 6 октябрда Андижон область партия комитети ташкилийинструкторлик бўлими инструктори, 1945 йил 28 июлда озод этилган ҳудудларга сафарбар этилиши муносабати билан Андижон область партия комитети ахборот сектори мудири лавозимидан бўшатилган.



**30. Мирошниченко Константин Иванович** 1914 йил сентябрида Одесса шаҳрида туғилган, украин, 1939 йилдан ВКП(б) аъзоси, ижтимоий аҳволи хизматчи, маълумоти ўрта, 1930 йилда Одесса шаҳри кема ремонти заводида қозон қуювчи, 1930 – 1937 йилларда Одесса шаҳри Мари номидаги кема ремонти заводида модель ясовчи уста, 1937 йилда Одесса шаҳри «Мартинец» газетаси редакцияси инструктори, 1937 – 1939 йилларда Одесса шаҳар комсомол комитетида ишчи ёшлар бўлими мудири ўринбосари, область комсомол комитети кадрлар бўлими мудири ўринбосари, ташкилийинструкторлик бўлими мудири, ахборот сектори мудири, область комсомол комитетининг кадрлар бўйича секретари вазифаларида ишлаган.

1942 йил 11 августда ёзган автобиографиясида Одесса область комсомол комитетининг пленуми қарорига кўра 26 апрелдан область комсомол комитети кадрлар бўйича секретари этиб тайинлангани, Одесса шаҳридан кетиши муносабати билан Андижонга эвакуация қилинганлар клубининг бошлиғи сифатида Андижонга келгани айтилган. Бу эвакуация госпитали Андижон шаҳридаги собиқ 24-мактабда жойлашган, госпиталь 1533-сонли бўлган. 1941 йил 5 ноябрдан ВЛКСМ Марказий Комитетига олинган, 1942 йил 22 январда ишдан озод этилган, 1942 йил 6 февралдан резервда бўлган, 9 апрелдан ВЛКСМ Марказий Комитетида кадрлар бўлими инструктори, 1942 йил 20 июлдан ўзининг илтимосига кўра Москва шаҳридан оилавий шароити бўйича Андижон шаҳрига келган, бу ерда онаси, турмуш ўртоғининг опаси билан бирга яшашган. К.И.Морошниченко 1942 йил 12 августдан Андижон шаҳар партия комитети кадрлар бўлимида инструктор бўлиб ишлаган, 1942 йил 26 августда шахсий варақасини тўлдирган К.И.Мирошниченко яшаш манзили Андижон шаҳри Қизил карвон кўчаси 49-уй экани, оилалилиги, 4 ойлик ўғли борлиги, Андижон шаҳар район милицияси 2-бўлимида, Андижон шаҳар ҳарбий комиссарлигида ҳисобда турганини қайд этган. Андижон область партия комитетининг 1942 йил 15 декабрдаги қарорига кўра Мирошниченко Константин Иванович Қизил Армия сафига чақирилиши муносабати билан Андижон шаҳар партия комитети кадрлар бўлими инструктори вазифасидан озод қилинган, унинг ўрнига 1940 йилдан ВКП(б) аъзоси Ниёзов Ҳасан тайинлаган.

**31. Митрофанова Мария Дмитриевна** 1908 йил августда Куйбишев области Сурск райони Шевченко қишлоғида туғилган, рус, 1928 йилдан комсомол аъзоси, 1929 йилдан ВКП(б) аъзоси, маълумоти тўлиқсиз ўрта, 1929 – 1931 йилларда қишлоқ совети раиси, 1931 – 1932 йилларда район инструктори, 1932 – 1934 йилларда Пенза шаҳрида совет-партия мактабида ўқиган, 1935 йилларда Сурск район қишлоқ хўжалиги мактабида директор, 1935 – 1937 йилларда Б-Демьянск райони партия комитетида секретарь ёрдамчиси, 1937 – 1938 йилларда

Б-Демьянск район қишлоқ хўжалик мактаби директори, 1938 – 1939 йилларда Большая Демьяновка чўчқачилик совхози сиёсий бўлими партия кабинети мудири, 1939 – 1941 йилларда Сталинград области Астрахань шаҳрида сиёсий бўлим инструктори, 1942 йил 5 сентябргача Сталинград области Астрахань шаҳридаги металл заводи директори бўлиб ишлаган. 1942 йил октябрида эвакуация қилиниб Андижон области Избоскан районига келтирилган, Андижон область партия комитетининг 1942 йил 30 ноябрдаги қарорига кўра 1931 йилдан партия аъзоси Митрофанова Мария Дмитровна Избоскан райони 8-сон пахтачилик совхозида чорвачилик бўйича сиёсий бўлим бошлиғининг ёрдамчиси этиб тасдиқланган.



**32. Мишченко Иосиф Семёнович** 1907 йилда Украинанинг Полтава области Хоровский райони Новоивановский қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилган, 1929 йилда «Коминтерн» колхозига ишга кирган, 1938 йилгача меҳнат қилган. 1938 йилда кўчириш режаси бўйича Қозоғистон ССР Акмолинск области Отбосар райони Сергеевский қишлоқ посёлкасидаги «Карл Маркс» колхозида ишлаган, 1941 йил сентябрида Ўзбекистон ССР Андижон области Жалолқудуқ районига эвакуация қилинган, бу ердаги Сталин номли колхозда бригадир бўлиб ишлаган, район партия комитети кадрлар бўлими мудири лавозимига қўйилган, партиявий жазо олмаган, судланмаган, тергов қилинмаган. Жалолқудуқ район партия комитети ташкилий бўлим инструктори Маматов Қизил Армия сафига кетиши муносабати билан Мишченко Иосиф Семёнович район матлубот жамияти кадрлар бўлими мудирлигидан озод этилиб, район партия комитети ташкилий-инструкторлик бўлими инструктори этиб тайинланган. 1942 йил 3 июлдан Жалолқудуқ район партия комитети секретари бўлиб хизмат қила бошлаган, 20 июлдан эса С.С.Скляров Қизил Армияга чақирилиши муносабати билан Жалолқудуқ район партия комитети секретари ёрдамчиси лавозимидан озод қилиниб, унинг ўрнига И.С.Мишченко тайинланган.



**33. Морозов Николай Павлович** 1909 йил 5 январда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган, рус, маълумоти ўрта – техник, ижтимоий аҳволи – хизматчи, 1941 йил декабридан ВКП(б) аъзоси.

1931 йилда Қирғизистон ССР Учқўрғон райони «Найман» совхозида гидротехник, 1932 йилда Ер-сув ишлари халқ комиссарлигига қарашли Қува районидаги МТСни йириклаштириш бўйича район гидротехниги, 1932 йил майдан 1933 йил 20 июлгача Андижон район сув бўлимида, 1933 йил 20 июлдан 1-Андижондаги Луч гидростанциясида катта гидротехник, 1935 – 1938 йилларда Андижон МТСда катта гидротехник вазифаларида ишлаган, 1938 йили Андижондаги қурилиш-монтаж бошқармасида Шаҳрихонсой тизимида ишлаган, 1940 йил февралидан 1942 йил февралигача Андижон район сув хўжалиги бошлиғи, 1942 йил 2 февралдан Андижон область партия комитетида инструктор вазифаларини бажарган. Андижон область партия комитетининг 1942 йил 23 сентябрдаги қарорига кўра Қизил Армия сафига чақирилиши муносабати билан Андижон область партия комитети қишлоқ хўжалиги бўлими инструктори вазифасидан озод қилинган.



**34. Морозова Валентина Яковлевна** 1904 йил 10 февралда Ворошилов области Ворошилов райони Васильевка қишлоғида ишчи оиласида туғилган, ижтимоий аҳволи – хизматчи, 1924 йилдан партия аъзоси, 1930 – 1932 йилларда кечки индустриал технология ишчи факультетида ўқиган, кечки совет-партия мактабида ўқиган. Отаси ишчи-шахтёр, Донбасс шахта конларида руда майдаловчи ва

кон тиргакларини ўрнатувчи бўлиб ишлаган, 1935 йилда меҳнат инвалиди сифатида вафот этган, онаси туфайли акалари ва опалари кон мактабларида ўқиган, ўзи эса фуқаролар уруши йилларида ўқий олмаган, ўқиш ўрнига тирикчилик қилиш билан банд бўлган, меҳнат фаолияти болгар плантацияларида бошланган, 1917 йили собиқ «Алиса ва Мария» шахтасида қора ишчи бўлиб ишлаган, кейинчалик фойдали қазилмаларни кондан юклаб чиқариш билан шуғулланган, 1918 йилда комсомол етакчиси этиб сайланган, 1920 йилдан 1924 йилгача комсомол ишида фаолият юритган, 1924 йил августида комсомол ташкилоти секретари бўлиб хизмат қилган, 1925 йилда ҳарбий хизматчига турмушга чиққан ва эри хизмат қилаётган Одесса области Кировоград шаҳрига кўчиб келган, бу ерда 1925 йил 1 июндан 1928 йил ноябригача округ партия комитетида иш бошқарувчи, ахборотчи, махсус қисм мудири, ҳисоб мудири, инструктор бўлиб ишлаган, 1928 йили Херсон шаҳрига келиб, бу ерда 1931 йилгача округ партия комитетида инструктор бўлиб ишлаган, 1930 йил майида Луганск шаҳрига қариндошларининг олдига келган, Луганскда 1930 йилдан 1937 йилгача шаҳар партия комитетида махсус инструктор бўлиб хизмат қилган, 1937 йилдан 1941 йилгача Сталин областида санъат ишлари бўйича область бўлим мудири ўринбосари, турмуш ўртоғи Спицин Сергей Иванович 1930 йилдан партия аъзоси, 1919 йилдан НКВД ходими, 1941 йил 26 июндан ҳаракатдаги Қизил Армия таркибида хизмат қилган, 14 ёшли қизи унинг қарамоғида бўлган, 1941 йили Андижонга эвакуация қилинган, Андижон шаҳридаги Маяковский номли рус драма театрининг директори вазифасида ишлаган. Область партия комитети инструктори Малькинанинг Андижон шаҳар партия комитети ташкилий-инструкторлик бўлими мудири В.Я.Морозова ҳақидаги хулосасида у сиёсий жиҳатдан саводли экани, эпчиллиги, яхши ташкилотчилиги кўрсатилган, айниқса, Андижондаги Маяковский номли театрни тиклаш ишида жонбозлик кўрсатгани, ўзининг театр жамоаси билан ҳарбий госпиталларда, ҳарбий қисмларда саҳна намойишлари олиб боргани алоҳида қайд этилган. Шахсий делосида турмуш ўртоғи армиядалиги, 1941 йил 31 октябрдан Андижон шаҳри Киров кўчаси 33-уйда яшаётгани ёзилган.



**35. Мосийчук Мария Павловна** 1915 йил 14 февралда Украинанинг Киев области Христановский райони Верхнячка қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилган, миллати украин, ижтимоий аҳволи – хизматчи, маълумот ўрта, 1932 йилдан «Свекло» совхозида касаба уюшмаси аъзоси, 1930 – 1933 йилларда техник экинлар агротехникумини битирган, партия комсомол фаоллари курсини ҳам битирган, 1921 – 1924 йилларда Христановский райони Верхнячка қишлоғида хусусий шахсларнинг ҳайвонларини боққан, қиш вақтларида ўқиган, 1930 йили Сталин номли колхозда меҳнат қилган, 1933 – 1934 йилларда Харьков областида агрономлик курсларида тингловчи, «Свекло» совхозида назоратчи, 1934 – 1941 йилларда Главсахарда селекциячи бўлиб хизмат қилган, 1941 йили эвакуация қилинган, шу йил октябридан Андижон области Чинобод райони Чинобод қишлоғида район ер бўлимида агроном, иқтисодчи бўлиб фаолият кўрсатган. Андижон область партия комитетининг 1943 йил 8 январдаги қарорига кўра Максимчук Мария Павловна Балиқчи район партия комитетида партия кабинети мудири лавозимига тайинланган.



**36. Мостовой Иван Иванович,** 1927 йилдан ВКП(б) аъзоси, партбилет рақами 0813613, 1907 йили Украинанинг Черниговский области Нежний шаҳрида кустар этикдўз оиласида туғилган, отаси 1920 йилдан 1933 йилда вафот этгунига қадар давлат устахонасида косибчилик қилган. И.И.Мостовой етти йиллик мактабда ўқиган, қулоқларда батрак бўлган, 1922 – 1923 йилларда отасининг хўжалигида ишлаган, 1923 йилдан 1925 йил-

гача Черниговский области Нежний шаҳрида «Қизил партизанлар» номли қишлоқ хўжалик коммунасида меҳнат қилган, 1925 йилдан 1926 йилгача Нежинск округ совет-партия мактабида ўқиган. 1926 – 1927 йилларда кутубхонада мудир, шаҳар советида вакил, 1927 – 1928 йилларда Нежинск округи Мринск район ижроия қўмитаси ҳарбий бўлимида ишлаган. 1928 – 1941 йилларда турли газеталарда рассом ва муҳаррир лавозимларида ишлаган. 1941 йил сентябрда Андижонга эвакуация қилиниб, 1942 йил март ойигача «Сталинская знамья» газетасида рассомлик қилган, 1942 йил март – июнь ойларида Андижон темирйўл бўлимида сиёсий бўлим инструктори, партия комитети раиси, 1943 йил февралидан Андижон станциясида пассажир бўлимида проводник бўлиб ишлаган. 1943 йил 20 апрелда Андижон область Холдевонбек район партия комитети секретари ёрдамчиси лавозимига тайинланган ва 1944 йил 25 февралда касаллиги туфайли лавозимидан озод қилинган.

**37. Муталипов Шота Абсаликович** 1907 йили Оржоникидзе ўлкаси Минеральные воды районида камбағал деҳқон оиласида туғилган, отаси 1916 йилда, онаси 1919 йилда вафот этган. 1924 – 1927 йилларда раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатган. 1927 – 1929 йилларда Пятигорск округ совет-партия мактабида ўқиган, уни тугатгач, Минеральные воды райкомида тарғиботчилик қилган. 1930 йилдан Кабардин-Балкар ўлкаси партия ташкилотида ишлаган, 1932 йилдан партия ишида фаолият кўрсатган. Область партия комитетининг инструктори бўлган, шаҳар партия комитетининг маданият бўлимида ишлаган, 1938 йили область партия комитетида кадрлар бўлими мудири, 1941 йилдан обкомнинг пропаганда ва агитация бўлими мудири бўлиб ишлаган. 1939 йилдан Кабардин-Балкар АССР Налчик шаҳар партия комитетида пропагандистлик қилган. Андижон область партия комитетининг 1942 йил 30 ноябрдаги қарорига кўра Ш.А.Муталипов Андижон область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудири этиб тайинланган. 1943 йил 7 апрелда Кабардин-Балкар АССРга жўнаб кетиши муносабати билан Андижон область партия комитетининг қарорига кўра Ш.А.Муталипов обком пропаганда ва агитация бўлими мудири вазифасидан озод қилинган. Қарамоғида аёли ва 2 нафар фарзанди бўлган.



**38. Нижник Денян Степанович** 1901 йилда Каменец-Подольск области Дунаев райони Михайловски қишлоғида камбағал оилада туғилган, украин, ижтимоий аҳволи – хизматчи, маълумоти ўрта, 1938 йил июндан ВКП(б) га аъзо.

1908 – 1915 йилларда Голозубенцы қишлоғида бошланғич мактабни битириб, зоотехник бўлиб ишлаган, 1935 – 1936 йилларда Винница шаҳрида совет-партия мактабида ўқиган, 1926 – 1928 йилларда Дунаев районидаги Михайловка қишлоғида сельсоветда секретарь, 1928 – 1930 йилларда Дунаев районидаги Михайловка қишлоқ совети колхоз ҳисобчиси, секретари, 1930 – 1931 йилларда Каменец-Подольск области бухгалтерлар курси курсанти, 1931 – 1933 йилларда Дунаев районидаги Михайловка қишлоғида «Спычка» колхозида бухгалтер, 1933 – 1935 йилларда Дунаев районидаги Михайловка қишлоғида алоқа бўлими бошлиғи, 1936 йилда пропагандистлар тайёрлаш совет мактабида ўқиган.

1936 йилда район партия комитети секретари котиби ёрдамчиси, айни дамда, молиявий бўлимда ишлаган, 1938 йилда Каменец-Подольск область партия комитети ягона партбилет ва ташкилий бўлим сектори мудири, 1941 йилда Дунаевск район ижроия қўмитаси масъул котиби вазифаларида ишлаган. 1941 йил 5 июлда Ростов областига эвакуация қилинган, Матвеевск районида алоқа бўлими бошлиғи вазифасида ишлаган. 1941 йил 10 октябрда Ўзбекистонга эвакуация қилинган, 20 ноябрда Андижон области Балиқчи районидаги Қўштепасарой қишлоқ советидаги «Ҳушёр» колхозида ишлаган, қариндошларидан қулоқ қилинган, сургун қилинган, НКВД органлари томонидан қамоққа олингани йўқлиги айтилган. Андижон область партия комитетининг 1943 йил 26 мартдаги қарорига кўра Нижник Денян Степанович

Чинобод район партия комитети статистика ва ягона партбилет сектори мудири этиб тайинланган. У бу лавозимда 1944 йил 20 июнга қадар ишлаган, область партия комитети қарорига кўра озод қилинган Украина ҳудудларига сафарбар этилган.



**39. Новиков Константин Евгеньевич** 1915 йил 8 октябрда Воронеж области Воронеж шаҳрида туғилган, рус, маълумоти ўрта, ижтимоий аҳволи – хизматчи, 1933 – 1940 йилларда ВЛКСМ, 1940 йилдан ВКП(б) аъзоси.

1943 йил 10 январдан 1944 йил 14 апрелгача Ўш шаҳрига эвагоспиталга жўнатилган. Иккинчи жаҳон уруши 2-гуруҳ ногирони.

1944 йил 29 июнда Андижон шаҳар партия комитети бюро йиғилиши қарорига кўра Андижон шаҳар партия комитети кадрлар бўлими инструктори, 1946 йил 26 апрелда озод қилинган районларга сафарбар этилиши муносабати билан Андижон шаҳар партия комитети инструктори вазифасидан бўшатилган.



**40. Новикова Надежда Леонидовна** 1902 йилда Иркутск области Верхнеудинск шаҳрида ишчи оиласида туғилган, рус, маълумоти ўрта, ижтимоий аҳволи – хизматчи, 1920 – 1927 йилларда ВЛКСМ, 1927 йил апрелидан ВКП(б) аъзоси, 1910 – 1918 йилларда Верхнеудинск шаҳрида асирлар гимназиясида ўқиган, 1919 – 1920 йилларда Верхнеудинск шаҳрида молия бўлимида молия инспектори ҳамда иш бошқарувчи, 1920 – 1921 йилларда фавқулодда транспорт комиссияси машинисткаси, 1921 – 1923 йилларда область фавқулодда комиссияси ходими, 1924 – 1927 йилларда журналист, 1928 – 1930 йилларда Бурятия ўлка партия комитети масъул секретари, 1931 – 1933 йилларда ўлка ижроия комитети протокол бўлими мудири, 1933 – 1934 йилларда Воронеж области Россошь шаҳрида ГорПО ташкилий бўлими мудири, 1934 – 1937 йилларда Воронеж области Калог шаҳар партия комитети секретари, 1937 – 1938 йилларда Хава шаҳар партия комитети секретари, 1938 – 1939 йилларда Воронеж шаҳрида область ижтимоий таъминот бўлими мудири ўринбосари, 1939 – 1940 йилларда тўқув фабрикаси кадрлар бўлими бошлиғи, 1941 – 1942 йилларда енгил саноат бошқаруви кадрлар бўлими бошлиғи вазифаларида ишлаган. 1942 йилда Андижон шаҳрига эвакуация қилинган.

1942 йил 3 декабрда Андижон район партия комитети кадрлар бўлими инструктори, 1943 йил 25 ноябрда Андижон район партия комитети секретари ёрдамчиси, 1945 йил 5 мартда Андижон область партия комитети кадрлар бўлими инструктори вазифаларида ишлаган. СССР Олий Совети томонидан «Улуғ Ватан урушида фидокорона меҳнатлари учун» медали билан тақдирланган.

1946 йил 26 августда Андижон область партия комитети қарорига кўра бошқа областларга сафарбар этилиши муносабати билан ўз вазифасидан бўшатилган, унинг ўрнига Раҳмонов Мамадали тайинланган.



**41. Новиков Михаил Кузьмич** 1921 йилда Полесс области Доманович райони Меховщина қишлоғида деҳқон оиласида туғилган, белорус, маълумоти тугалланмаган олий, ижтимоий аҳволи – хизматчи, 1939 йилдан ВЛКСМ, 1944 йилдан ВКП(б) аъзоси, инқилобгача ерга ишлов берувчи, инқилобдан кейин фабрика ишчиси бўлган.

1938 – 1940 йилларда Полесс области Доманович районида нотўлиқ мактабда ўқитувчи, 1940 – 1941 йилларда Ульяновск шаҳри қизил армия бўлими сиёсий раҳбари ўринбосари вазифаларида ишлаган. 1941 – 1942 йилларда урушда олган жароҳатларини Чкалов области Воронеж ва Вузулук шаҳарлари эвагоспиталларида даволаган, 1942 – 1943 йилларда Тошкент шаҳридаги Семашко номли клиникада қўшимча равиш-

да даволанган, 1943 – 1944 йилларда Андижон шаҳрида область ижтимоий таъминот бўлими ногиронларни ишга жойлаш инспектори, ЎзЛКСМ ҳарбий бўлими область партия комитети секретари вазифаларида ишлаган. 1946 йил 15 майда озод қилинган ҳудудларга сафарбар этилиши муносабати билан ўз вазифасидан бўшатилган, унинг ўрнига Расулов Турдибой тайинланган.

**42. Ниценко Агафья Лукична** 1915 йил февралда Запорожье области Куйбишев райони Благовещенка қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилган, украин, ижтимоий аҳволи – хизматчи, маълумоти ўрта, агроном, 1929 – 1939 йилларда ВЛКСМ, 1939 йилдан ВКП(б) аъзоси.

1927 – 1930 йилларда Запорожье области Куйбишев райони Благовещенка қишлоғида ёш деҳқонлар мактабида ўқувчи, 1930 – 1935 йилларда Запорожье области Орехово шаҳрида қишлоқ хўжалиги техникуми талабаси, 1935 – 1937 йилларда Донецк области Больше Янисоль райони Константинополь қишлоғи МТСда участка агрономи, 1937 – 1939 йилларда Запорожье области Куйбишев райони Большая Белозерка қишлоғи МТСида ўрмон мелиоратор агрономи, 1939 – 1940 йилларда Куйбишев райони Большая Белозерка қишлоғида район ер бўлимида агроном-мелиоратор вазифаларида ишлаган.

1942 йилда Андижон области Сталин районига эвакуация қилинган. 1942 йилда Андижон область Сталин район партия комитети парткабинет кутубхоначиси, 1943 йил 1 апрелда Холдевонбек район партия комитети ташкилийинструкторлик бўлими инструктори, 1943 йил 14 сентябрда Холдевонбек район партия комитети ягона партбилет ва партстатистика сектори мудири вазифаларида ишлаган. Яшаш манзили: Андижон область Сталин райони Октябрь кўчаси 105-уй.

Андижон область партия комитети қарорига кўра 1944 йил 17 апрелда озод қилинган Украина ҳудудларига сафарбар этилиши муносабати билан ўз вазифасидан бўшатилган, унинг ўрнига Гостищева Александра Григорьевна тайинланган.

**43. Насибуилина** Асмабика Абдуллаевна 1921 йилда Татаристон АССР Мамадыш шаҳрида камбағал деҳқон оиласида туғилган, татар, ижтимоий аҳволи – хизматчи, маълумоти – 9-синф, 1944 йил апрелдан ВКП(б) аъзоси.

1930 – 1939 йилларда Мамадыш районидаги ўрта мактабда 9-синфни тугатган, 1939 – 1941 йилларда Мамадыш район омонат кассасида назоратчи бўлиб ишлаган. Шундан сўнг Ўзбекистонга опасининг олдига келади ва 1940 – 1941 йилларда Бухоро области Қоракўл райони ФСКда назоратчи вазифасида ишлаган. 1941 йил декабридан 1942 йил мартигача Қоракўл район партия комитетида техсекретарь, 1942 йил сентябригача Андижон области Чинобод районида ФСКда назоратчи, 1942 – 1944 йилларда Балиқчи район партия комитетида техсекретарь, 1944 йил 5 августда Балиқчи район партия комитетида аёллар масалалари бўйича инструктор, 1944 йил 4 октябрда Балиқчи район партия комитети ягона партбилет ва партстатистика сектори мудири вазифаларида ишлаган.

1945 йил 23 октябрда Андижон область партия комитети қарорига кўра оилавий шароити туфайли ўз вазифасидан озод қилинган, унинг ўрнига Бикмаева Ҳалима Камолдиновна тайинланган.

**44. Негреба Анна Григорьевна** 1905 йил 8 январда Харьков области Сум уезди Валиевка қишлоғида ишчи-слесарь оиласида туғилган, украин, ижтимоий аҳволи – хизматчи, маълумоти тугалланмаган ўрта, 1932 йилдан ВКП(б) аъзоси, оилавий, бир нафар ўғли бор.

1918 – 1921 йилларда Сум области Белопольск районида мактаб ўқитувчиси ёрдамчиси, 1921 – 1928 йилларда уй бекаси, 1928 – 1935 йилларда Сум шаҳри совет мактабида курсант, 1935 – 1941 йилларда Куянск заводида маҳсулот бўлими статистика секретари вазифаларида ишлаган. 1941 йил 9 октябрда Андижон области Марҳамат районига эвакуация қилинган. 1941 йил октябридан Марҳамат район бозор комитетида ҳисобчи, сўнг бозор комитети директори ўринбосари, 1943 йил 2 мартда Марҳамат район партия комитети ягона партбилет ва партстатистика сектори мудири вазифаларида ишлаган. 1943 йил 31 декабрда Андижон область партия комитети қарорига кўра озод қилинган Украи-

на районларига сафарбар этилиши муносабати билан ўз вазифасидан бўшатилган, унинг ўрнига Колесникова Антонина Петровна тайинланган.

**45. Нестерова Полина Фёдоровна** 1914 йилда деҳқон оиласида туғилган, рус, ижтимоий аҳволи – хизматчи, 1931 – 1933 йилларда ВЛКСМ, 1944 йил сентябридан ВКП(б) аъзоси, 7-синфни тугаллаб, 1933 йилда Челябинск области ФЗУсида ишлаган, 1934 – 1940 йилларда эрининг қарамоғида яшаган. 1940 йилда оилавий шароити туфайли Андижон области Ленинск шаҳрига кўчиб келган ва шаҳар молия бўлими солиқ инспектори, 1944 йил 10 ноябрда Ленинск район партия комитети ягона партбилет ва партстатистика сектори мудири вазифаларида ишлаган.

1945 йил 26 октябрда Андижон область партия комитети қарорига кўра озод қилинган районларга сафарбар этилиши муносабати билан ўз вазифасидан бўшатилган, унинг ўрнига Речкина Елизавета Ивановна тайинланган.

**46. Нестерова Зоя Даниловна** 1912 йил 5 майда Каменец-Подольск области Черновицы районида камбағал деҳқон оиласида туғилган, украин, ижтимоий аҳволи – хизматчи, маълумоти ўрта, 1927 – 1934 йилларда ВЛКСМ, 1941 йилдан ВКП(б) аъзоси бўлган. 1921 – 1929 йилларда 7 йиллик мактабни битирган, 1929 – 1932 йилларда Днепропетровск давлат савдо техникумида ўқиган, 1933 – 1936 йилларда Днепропетровск области Днепродзержинск шаҳри кооперативида режа-иқтисодчи, 1936 – 1941 йилларда шаҳар саноат моллари билан савдо қилиш бўлими режа-иқтисодчиси вазифаларида ишлаган. 1941 йилда Андижон областига эвакуация қилинган ва Пахтаобод районида МТСда иқтисодчи, 1942 йил 15 декабрда Пахтаобод район партия комитети парткабинети мудири вазифаларида ишлаган.

1945 йил 5 мартда Андижон область партия комитети қарорига кўра озод қилинган районларга сафарбар этилиши муносабати билан Пахтаобод район партия комитети парткабинети мудири вазифасидан бўшатилган, унинг ўрнига **Балаховская Хая Ароновна** тайинланган.

**47. Никоненко Василий Максимович** 1898 йилда Харьков области Ахтыр районида ишчи оиласида туғилган, украин, ижтимоий аҳволи – ишчи, маълумоти ўрта, 1924 йилдан ВКП(б) аъзоси,

1919 – 1921 йилларда Сум шаҳрида қизил аскар, 1921 – 1924 йилларда Сум области Ахтыр районида Чупаковский заводида темирчи-слесарь, 1924 – 1926 йилларда район комитети ходими, 1926 – 1928 йилларда Сум области Виров район партия комитети секретари, 1928 – 1929 йилларда Сум области Краснопольск район партия комитети секретари, 1929 – 1930 йилларда Харьков шаҳрида партия курси курсанти, 1930 – 1933 йилларда Винница области Типлик район партия комитети секретари, 1933 – 1935 йилларда Днепропетровск области Бердянок райони Прилуки қишлоғи «НКВД» совхози директори, 1935 – 1936 йилларда Днепропетровск области Сиваш районида прокурор, 1936 – 1937 йилларда Днепропетровск шаҳрида юридик мактаб талабаси, 1937 – 1939 йилларда Запорожье области Куйбишев райони прокурори, 1939 – 1940 йилларда Қизил Армияда ҳарбий терговчи вазифаларида ишлаган.

1941 йил июлида Андижон областига эвакуация қилинган. Яшаш манзили: Андижон области Ворошилов райони Куйбишев кўчаси.

1941 йилларда Андижон области Ворошилов райони мактаб совхози, 1942 йилда Ворошилов район болалар техник станцияси директори, 1942 йил 15 июлда Ворошилов район кадрлар бўлими инструктори, 1943 йил 10 августда Ворошилов район партия комитети секретари ёрдамчиси вазифаларида ишлаган. Андижон область партия комитети қарорига кўра 1943 йил 15 декабрда озод қилинган районларга сафарбар этилиши муносабати билан ўз вазифасидан бўшатилган, униг ўрнига **Виноградов Василий Прокофьевич** тайинланган.

**48. Овчарук Андрей Владимирович** 1908 йил 23 августда Каменец-Подольск области Миньковец райони Отроков қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилган, украин, ижтимоий аҳволи – хизматчи, маълумоти тугалланмаган олий, 1931 йилдан ВКП(б) аъзоси, 1920 – 1924 йилларда Миньковец райони Отро-



ков қишлоғидаги мактабда 6-синфни тугатган, 1924 – 1926 йилларда отасининг хўжалигида ишлаган, 1926 – 1928 йилларда ҳисобчи, 1928 – 1929 йилларда қишлоқ совети секретари, 1929 – 1930 йилларда Тбилиси шаҳрида Қизил Армияда хизмат қилган, 1930 – 1932 йилларда Каменец-Подольск шаҳрида совет-партия мактабида талаба, 1932 – 1934 йилларда Каменец-Подольск шаҳар партия комитетида пропагандист, 1934 – 1935 йилларда Каменец-Подольск области район партия комитети ЛКСМУ секретари ўринбосари, 1935 – 1937 йилларда Ленинград шаҳрида Коммунистик университет талабаси, 1937 – 1939 йилларда Винница области Ульяновск районида зоотехника мактаби директори, 1939 – 1941 йилларда Винница области Комсомольск район партия комитети парткабинет мудири, 1941 йил 23 июндан 1943 йил 17 декабргача армияда хизмат қилган, сўнг захирага чиқарилган. 1943 йилда Андижон области Жалолқудуқ районига эвакуация қилинган, 1944 йил 26 январда Жалолқудуқ район партия кабинети мудири вазифасига тайинланган.

Андижон область партия комитетининг 1944 йил 20 декабрдаги қарорига кўра озод қилинган Украина районларига сафарбар этилиши муносабати билан ўз вазифасидан бўшатилган.



**49. Овчарук Анна Ильинична** 1913 йилда Каменец-Подольск области Миньковец райони Сказинцы қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилган, украин, ижтимоий аҳволи – хизматчи, маълумоти олий.

1928 – 1940 йилларда ВЛКСМ, 1941 йил мартидан ВКП(б) аъзоси, 1927 – 1929 йилларда Каменец-Подольск области Ярмачинцы райони парранда хўжалигида инкубатор механиги, 1929 – 1931 йилларда Ярмачинцы райони Сказинцы қишлоғида «Чернина грамота» колхози колхозчиси, 1931 – 1933 йилларда Каменец-Подольск шаҳрида совет-партия мактаби талабаси, 1933 – 1934 йилларда Каменец-Подольск шаҳри педагогика курси талабаси, 1934 – 1935 йилларда Каменец-Подольск области Новая улица қишлоғида мактаб ўқитувчиси, 1935 – 1936 йилларда Винница шаҳрида тарих фани ўқитувчилари курси талабаси, 1936 – 1937 йилларда Винница области Ульянов шаҳридаги мактабда ўқитувчи, 1937 – 1941 йилларда Винница области Комсомольск шаҳрида мактаб ўқитувчиси бўлган.

1941 – 1942 йилларда Жалолқудуқ районидаги Наримон номидаги мактабда мудир ва ўқитувчи, 1942 йил 16 июлда Жалолқудуқ район партия комитети пропагандисти, 1942 йил 3 декабрда Жалолқудуқ район партия комитети ташкилий-инструкторлик бўлими инструктори, 1943 йил 4 мартда Жалолқудуқ район партия комитети парткабинети мудири, 1944 йил 26 январда Жалолқудуқ район партия комитети секретари ёрдамчиси лавозимларида ишлаган.

1945 йил 21 апрелда Андижон область партия комитети қарорига кўра озод қилинган Украина районларига сафарбар этилиши муносабати билан ўз вазифасидан бўшатилган, унинг ўрнига Мария Анна Петровна тайинланган.



**50. Олейниченко Иван Анисимович** 1910 йили Украинанинг Кировград области Фурмановка қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилган, украин, ғаллакор, хизматчи, партия аъзоси, Зверовская нотўлиқ мактабини битирган, Украина Халқ маорифи комиссарлиги қошидаги курсни битирган, район савдо бўлими мудири, Украина комсомоли Марказий Комитети сиёсий ўқув курсини битирган, 1927 – 1929 йилларда ўз уйида қишлоқ хўжалиги билан шуғулланган, 1929 – 1930 йилларда Сталин номли артелда отбоқар, 1930 – 1932 йилларда қишлоқ матлубот кооперациясида тайёрловчи, 1932 – 1934 йилларда Украина ёғ саноати заводида вакил, 1934 – 1937

йилларда Ново-Александровский қишлоқ совети раиси ўринбосари котиби, 1937 – 1939 йилларда район комсомол комитети ҳисоб бўйича мудир, 1939 – 1941 йилларда район савдо бўлими мудири, 1941 йил 6 сентябрдан 1941 йил 23 октябргача Курск области Санновский район матлубот союзида нowвойлик бўлими мудири, 1942 йил 13 мартдан 1942 йил 24 июнгача Андижон области Олтинкўл райони ижроия комитетида кадрлар бўлими мудири. 1942 йил 11 июнда Олтинкўл райони партия комитети кадрлар бўлими инструктори, украин, рус, ўзбек тилларини билган. Оилали, туражойи 1942 йил 3 июлдан Олтинкўл райони Жалабек қишлоқ советида. Андижон область партия комитети кадрлар бўлимининг 1942 йил 20 июлдаги қарорига кўра И.А.Олейниченко Олтинкўл район партия комитети кадрлар бўлими инструктори этиб тайинланган. 1943 йил 8 январда область партия комитетининг қарорига кўра қизил армия сафига чақирилиши муносабати билан Олейниченко Иван Анисевич вазифасидан бўшатилган, унинг ўрнига Орниненко Иван Митрофанович тайинланган.



**51. Осина Мария Ильична** 1901 йили Украинанинг Донбасс области Сталино шаҳрида ишчи оиласида туғилган, украин, отаси Сталино металлургия заводида ишчи бўлиб ишлаган, Мариянинг ўзи 8 йил машинистка бўлиб ишлаган, Сталино шаҳрида 7 йиллик мактабни битирган, унинг меҳнат фалияти 1930 йилдан бошланган. 7 йиллик мактабни битиргач, область комсомол ташкилотининг «Молоды роботники» газетаси редакциясида машинисткалик қилган. Область адабиёт ва мусиқа радио комитетида ишлаган. 1936 йилдан 1940 йилгача Харьков области радио комитетида машина бюросида машинисткалик қилган. Махсус бўлим бошлиғи, 1930 йилдан партия сафига ўтган. 1940 йилда Черновице шаҳрида радионинг «Сўнгги ахборотлар» бўлими редактори бўлиб ишлаган. 1941 йил июнида ҳарбий воқеалар муносабати билан Черниговдан Сталино шаҳрига эвакуация қилинган, у ерда область НКВДсида техник ходим бўлиб ишлаган. Шаҳрихонга эвакуация қилинган. Бу ерда «Қизил Ўзбекистон» колхозида колхозчи бўлиб ишлаган. Сталин номли пахта заводида секретарлик, 1943 йил 11 мартдан ишчилар таъминоти бўлими директори ўринбосари бўлиб хизмат қилган. Эри Симоненко Фёдор Степанович 1941 йил 24 июндан ҳаракатдаги Қизил Армияда хизмат қилган, 1942 йилдан партия аъзоси, акаси Осин Дмитрий Ильич Қозоғистон Республикаси ҳарбий комиссарлиги сиёсий бўлим бошлиғи. Андижон область партия комитетининг 1944 йил 9 майдаги қарорига кўра озод қилинган Украина районларига кетиши муносабати билан Осина Мария Ильична Сталин район партия комитети ташкилий-инструкторлик бўлими инструктори вазифасидан бўшатилган, унинг ўрнига 1928 йилдан партия аъзоси М.А.Гайнутдинова тайинланган.



**52. Острицкая Этя Исаковна** 1909 йилда Тирасполда кустар-косиб оиласида туғилган, яҳудий, ижтимоий аҳволи – косиб, отаси извошчилик қилган, 1933 – 1939 йилларда ВЛКСМ, 1940 йилдан ВКП(б) аъзоси, ўрта маълумотли, 1927 – 1929 йилларда Тулчина педагогика техникумида ўқиган, 1929 – 1932 йилларда Одессада тўлиқсиз ўрта мактабда ўқитувчи, 1932 – 1940 йилларда Тирасполь шаҳрида область «Социалистик Молдавия» газетасида хатлар бўлими, саноат бўлими, партия бўлимларида мудирлик қилган. 1940 – 1941 йилларда Молдавия Компартияси Марказий Комитети «Советская Молдавия» газетасининг хатлар бўлими мудири бўлиб ишлаган, 1941 йил августидан ноябргача эвакуация туфайли Краснодар ўлкаси Славянск болалар уйида тарбиячи бўлиб хизмат қилган. 1941 йил ноябрь – 1942 йил октябрда Красноярск ўлкаси Славянск станциясида болалар уйи директори ўринбосари, 1942 йил 1 октябридан 1943 йилгача Фарғона

области Охунбобоев районида болалар уйида тарбиячи ва ўқитувчи, 1943 йил августидан Андижондаги «Сталинское знамя» газетасида партия бўлими, хатлар бўлими мудири, газетанинг масъул котиби, 1944 йил 22 июнда «Сталинское знамя» область газетаси партия бўлими мудири, 1944 йил 4 сентябрда Андижон область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими инструктори вазифаларида ишлаган. Андижон шаҳри Қизил қуёш кўчаси 6-уйда яшаган.



**53. Ревенко Алексей Игнатьевич** 1919 йил 20 августда Украинанинг Запорожье областида камбағал деҳқон оиласида туғилган, украин, ота-оналарининг касби – ғаллакор, 1930 йилдан колхоз аъзоси, ижтимоий аҳволи – хизматчи, 1940 йил майида Б-Белоодерский район партия комитетида партияга олинган, маълумоти тўлиқсиз олий, 1927 – 1938 йилларда Запорожье области Никополь шаҳридаги 3-сон ўрта мактабда ўқиган, 1939 – 1940 йилларда Никополь шаҳрида педагог, 1940 – 1941 йилларда Запорожье пединститутида ходим, Белоодерск районидаги 24-тўлиқсиз ўрта мактабда физика-математикадан ўқитувчи, 1941 йилдан ўқув бўлими мудири вазифаларида ишлаган.

1941 йил сентябрида эвакуация қилинган, 20 октябрда Андижон области Пахтаобод районига келган, 7 ноябрдан Калинин номли мактабда рус тили ўқитувчиси, 1942 йил августидан мактабда ўқув бўлими мудири вазифаларида ишлаган. 1943 йил 6 мартда Ревенко 2 йиллик педагогик мактабни битирган, 1943 йил 12 октябрда озод қилинган районларга сафарбар этилиши муносабати билан Пахтаобод район партия комитети секретари вазифасидан бўшатилган.

**54. Резникова Неся Давидовна** 1906 йилда Киев областида ишчи оиласида туғилган, маълумоти ўрта, яҳудий, ижтимоий аҳволи – хизматчи, 1931 йилда ВКП(б) аъзоси. 1921 – 1922 йилларда Киев области «Нарпит» мактабида ошхона ишчиси, 1922 – 1925 йилларда уй хизматчиси, 1925 – 1926 йилларда косибчилар артелида новвой-ишчи, 1926 – 1930 йилларда Сахара заводида ишчи, 1930 – 1932 йилларда Донбасснинг Сталино шаҳрида «Углобогащение» трестида лаборант ишчи, 1932 – 1934 йилларда ўша заводда кимё лабораторияси лаборанти, 1934 – 1938 йилларда ўша жойда катта лаборант, 1938 – 1940 йилларда кимё лабораторияси мудири, 1940 – 1941 йилларда Сталино шаҳрида область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими инструктори вазифаларида ишлаган.



1941 йил ноябрида оиласи билан Ўзбекистоннинг Шаҳрихон шаҳрига эвакуация қилиб келтирилган, пахта заводида ҳисобчи, бироз вақт ўтгач пахтачилик заводи партия ташкилоти қарорига кўра касаба уюшмаси котиби бўлиб хизмат қилган. Шу вақтда у СССР бўйича пахтачилик заводлари касаба ташкилоти аъзоси бўлган. Сталин район партия комитетининг 1942 йил 27 июндаги қарорига биноан Н.Д.Резникова район партия комитети ташкилий бўлим инструктори лавозимига тайинланган. Район партия комитетининг бу қарори Андижон область партия комитети кадрлар бўлими томонидан 1942 йил 30 июлда тасдиқланган.

Андижон область партия комитетининг 1944 йил 1 июлдаги қарорига кўра озод қилинган Украина районларига кетиши муносабати билан район партия комитетининг партия статистикаси ва ягона партбилет сектори мудири вазифасидан бўшатилган, унинг ўрнига Ўрмонов Валид Аҳмеджонов тайинланган.

**55. Роднер Люба Давидовна** 1917 йили Белоруссиянинг Могилёв области Краснополье посёлкасида хизматчи оиласида туғилган, яҳудий, 1937 йилдан ВЛКСМ, 1940 йилдан ВКП(б) аъзоси, маъумоти – 7-синф, 1934 – 1937 йилларда Могилёв



области Краснополье ўрмончилик участкасида статистик, 1938 – 1940 йилларда Краснополье район халқ таълими бўлимида пионер етакчиси, 1940 – 1941 йилларда район ижроия комитетида сиёсий инспектор, махсус бўлим мудири, район ижроия комитети котиби вазифаларида ишлаган. Андижонга эвакуация қилиниб, Избоскан райони Ўртоқлар қишлоқ совети «Сталин» колхозида ишлаган. Тураржойи Избоскан райони Пойтуғ станциясида бўлган. 1942 йил 10 апрелдан Андижон область партия комитетининг қарорига кўра Л.Д.Роднер Избоскан район партия комитетида партия статистикаси ва ягона партбилет сектори мудири лавозимига қўйилган. Андижон область партия комитетининг 1944 йил 11 сентябрдаги қарорига кўра Роднер Любовь Давидовна озод қилинган Белоруссия районларига кетиши муносабати билан Избоскан район партия комитети партия статистикаси сектори мудири вазифасидан бўшатилган.



**56. Рубцова Наталья Матвеевна** 1906 йил 15 августда Рязань области Пителинский райони Савро-Малышева қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилган, отасининг ери кам бўлгани учун у Волга дарёсида пароходларда матрослар билан сузиб юрган, 1910 йилда бутун оила Черноморск области Новороссийск шаҳрига кўчиб келган, отаси пароход матроси бўлиб ишлаган. Наталья Матвеевна Новороссийскда бошланғич мактабни ва олий шаҳар мактабини битирган, 1922 йилда улар Рязань области Савро-Мамышево қишлоғига кўчиб келиб, қишлоқ хўжалиги билан шуғулланишган. 7-синфни битиргач, 1925 – 1926 йилларда Москвада тоғасиникида яшаган, 1927 йили Москва области Орехово-Зуево шаҳрига кўчиб келган, бу ерда бўёқчилик фабрикаси қошидаги кутубхонада ишлаган, олий ўқув юртига кириш учун тайёрланган, 1928 йили Орехово-Зуеводан Марҳамат районидаги Русское селога кўчиб келишган, у ерда бошланғич мактабда ўқитувчилик қилган, 1928 йилда педагогик курсни битирган. 1928 йил 15 октябрдан 1939 йил декабригача бошланғич мактабда ўқитувчи, 1939 йил 21 декабрда Русское селодаги ўрта мактабда директор вазифаларида ишлаган. 1940 йили турмуш ўртоғи Андижон области Ленинск шаҳрига ишга кўчирилган. 1940 йил 15 апрелдан 1944 йил 5 апрелгача Ворошилов номидаги 3-сон бошланғич мактабда ўқитувчи. 1944 йил 5 февралдан шу мактабда мудир бўлиб ишлаган, 1943 йилдан партия аъзоси. 1944 йил 17 апрелда Н.М.Рубцова Ленин район партия комитети секретари ёрдамчиси бўлиб ишлаган. Андижон область партия комитетининг 1945 йил 24 майдаги қарорига кўра озод қилинган Украина районларига кетиши муносабати билан Ленинск район партия комитети секретари ёрдамчиси вазифасидан бўшатилган.



**57. Ряжский Александр Иванович** 1906 йили Воронеж шаҳрида деҳқон оиласида туғилган, рус, касби – официант, 1940 йилдан партия аъзоси, маълумоти тугалланмаган ўрта, техник, Воронежда темирйўл политехника касаба мактабини битирган, касби –электрик, 1920 – 1921 йилларда Қизил Армияда хизмат қилган, 1921 – 1924 йилларда Жануби-шарқий темирйўл Глубокая станциясида телеграфчи, 1927 – 1930 йилларда Воронеж шаҳридаги область комсомол комитетида пионерлар кабинети мудири, 1930 – 1935 йилларда Воронеж шаҳридаги илмий-тадқиқот институти филиали директорининг ўринбосари, 1935 – 1941 йилларда Кримнинг Ялта районидаги Артек пионерлар лагерида хўжалик бўлими бўйича директор ўринбосари вазифаларида ишлаган. 1941 йил 10 июлда эвакуация қилиниб Воронежга келган, у ердан Андижонга эвакуация қилинган. Бу ерда меҳнат резервларини таъминлаш область бошқармасида бўлим бошлиғи, 1941 йил октябридан 1942 йил декабригача Андижон шаҳридаги 10-сон ҳунар билим юртида сиёсий бўлим бўйича директор ўринбосари, 1942 йил декабридан

Андижон шаҳар партия комитетида кадрлар бўлими инструктори, 1943 йил мартидан кадрлар бўлими мудири, 1943 йил июлидан Андижон область партия комитети саноат кадрлари сектори мудири лавозимида ишлаган. Андижон область партия комитетининг 1943 йил ноябридаги қарорига кўра Пахтаобод район партия комитети иккинчи секретари вазифасига тасдиқланган. 1943 йил ноябрь охиридан Пахтаобод районы партия комитети иккинчи секретари вазифасидан бўшатилиб, озод қилинган Украина районларига кўчиб кетган.



**58. Ряполов Пётр Афанасьевич** 1910 йил 15 октябрда Курск области Рактянск районы Лаптевск қишлоғида ўртаҳол деҳқон оиласида туғилган, отаси қанд заводида 1914 йилгача ёлланма ишчи, 1914 йили эски армияга олинган, ўша йилиёқ Германия фронтида ҳалок бўлган. Онаси 1917 йилгача ўзларининг ғаллачилик хўжалигида ишлаган, онасининг қарамоғида Пётр, опаси ва укаси қолган. 1917 йилдан онаси, ўзи, опаси ва укаси ўз хўжаликларида ишлаган. 1930 йили онаси колхозга кирган, немислар оккупация қилгунга қадар колхозда звеновой бўлиб ишлаган, опаси онаси билан бирга ишлаган, укаси Жанубий темирйўлдаги Основа станциясида депода слесарь бўлиб ишлаган. Онаси, опаси, ўғли Курск области Ракитянск районы Лаптевка қишлоғида немислар оккупация қилинган чоғида асир тушган, укаси командир сифатида қизил армияга олинган. Хотини эвакуация қилинган, Куйбишев областида яшаган.

1941 йил 18 октябрда Жанубий темирйўл немислар томонидан эгаллангач, эвакуация қилинган ва Тошкент темирйўли 10-дистанцияси (Андижон) бошлиғининг сиёсий масалалар бўйича ўринбосари лавозимига тайинланган.

**59. Табак Ихиль Яковлевич** 1914 йили Украинанинг Подольск губернияси Литичевский уезди Зиньков қишлоғида туғилган, яҳудий, маълумоти тугалланмаган олий, 1940 йилдан ВКП(б) аъзоси.



1933 – 1936 йилларда аптекада шогирд, 1936 – 1941 йилларда аптека мудири вазифаларида ишлаган. 1941 йил августида Пахтаобод районига эвакуация қилинган. 1941 йил августидан Андижон области Пахтаобод районида аптека мудири, 1944 йил мартдан Пахтаобод район партия комитети секретари ёрдамчиси вазифасида ишлаган. 11 сентябрда Қизил Армияга чақирилиши муносабати билан ўз лавозимидан озод этилган, унинг ўрнига Ментюков Георгий Данилович тайинланган.



**60. Тарасов Иван Фёдорович** 1911 йилда Орлов губернияси Кромск уезди Красниковский волости Черное қишлоғида деҳқон оиласида туғилган, ота-онаси октябрь тўнтаришигача Шаринлар помешчикларида ёлланма меҳнат билан шуғулланган, октябрь тўнтаришидан кейин деҳқончилик билан шуғулланган, ўртаҳол деҳқон бўлган, 1930 йили колхозга кирган, 1928 йилдан комсомол, 1939 йилдан партия аъзоси. Троснянский районы немис ҳарбийлари томонидан оккупация қилингунича колхозда ишлаган. 1930 йили деҳқон ёшларининг октябрь мактабини битирган, Киров номли колхозда ҳисобчи ва камбағаллар комитети котиби бўлиб ишлаган. 1931 йил октябридан 1932 йил апрелигача Орлов педагогика институти қошидаги 4 ойлик ўқитувчилар курсини битирган, 1935 йилгача Черное қишлоғида бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлаган, 1935 йилдан комсомол ишида хизмат қила бошлаган, 1939 йил июнидан 1941 йил октябригача Курск области Троснянск район партия комитетида секретар ёрдамчиси, сўнгра ўша район партия комитетида секретарь, эвакуация қилингач, 1941 йил октябридан Андижон области Избоскан районы «Ворошилов» колхозида бригадир бўлиб ишла-

ган. 1942 йилдан Избоскан районидаги Текстил саноати халқ комиссарлигига қарашли тайёрлов пункти мудири ёрдамчиси бўлиб хизмат қилган. 1942 йил 30 июлдан Избоскан район партия комитети секретари ёрдамчиси бўлган. 1944 йил 20 июлдан И.В.Тарасов озод қилинган Курск области районларига сафарбар этилиши муносабати билан Избоскан район партия комитети секретари ёрдамчиси вазифасидан бўшатилган.



**61. Тарнопольский Лев Ефимович** 1899 йилда Одесса шаҳрида хизматчи оиласида туғилган, яҳудий, маълумоти олий, 1928 йил апрелдан партияга аъзо.

1928 – 1930 йилларда Коммунист тарбиячилар академиясида талаба, уруш бошлангач, НКВД чегарачилар ҳарбий фельдшерлик билим юртига ишга юборилган, таълим муассасаси билан бирга Қўқон шаҳрига эвакуация қилинган, таълим муассасаси тугатилгач, Андижон шаҳридаги 4561-эвагоспиталга пропагандист вазифасига ишга ўтган. 1942 йил 21 мартдан Андижон шаҳар партия комитети пропаганда ва агитация бўлими лектор-маслаҳатчиси, 1942 йил 7 декабрдан область партия комитетида лектор, 1943 йил 18 июнда бошқа ишга ўтгани туфайли ўз вазифасидан озод қилинган.



**62. Тарун Юлий Христианович** 1897 йили Эстонияда деҳқон-батрак оиласида туғилган, миллати эстон, отаси 1920 йилгача ёлланма меҳнат билан шуғулланган, ўзи хизматчи, ВКП(б) аъзоси, 1926 йилдан партия аъзоси. 1924 – 1927 йилларда Қрим ишчи факультетида ўқиган, 1927 – 1931 йилларда Қрим пединститути адабиёт факультетини битирган, рус тили ва адабиёти ўқитувчиси касбини эгаллаган, 1935 йили пропагандистлар курсини битирган. 1910 – 1916 йилларда қулоқларда батрак бўлиб, 1916 – 1917 йилларда эски армияда оддий аскар, 1918 – 1920 йилларда қизил аскар, 46-ўқчи дивизияда хизмат қилган. 1920 – 1921 йилларда Қрим автоном совет социалистик республикаси Қоровулбозор район озиқ-овқат комитетида озиқ-овқат агенти, 1921 – 1924 йилларда ВЧК ва ОГПУ ходими, 1934 – 1938 йилларда Қрим области Керчь шаҳар халқ маорифи бўлимида инструктор, 1934 – 1938 йилларда партия кабинети мудири, пропагандист, 1938 – 1939 йилларда шаҳар драма театри директори, 1939 – 1941 йилларда шаҳар газетасида партия турмуши бўлими мудири, 1941 йили Қрим шаҳар партия комитети сиёсий маориф уйи мудири, 1941 йил сентябридан ноябригача Қримдаги Қизил Армиянинг 478-қисми 320-ўқчи дивизиясида рота сиёсий комиссари, 1942 йил июнида урушда ярадор бўлиб Тбилиси шаҳридаги 2464-госпиталда даволанган, 1942 йил июлидан 1942 йил декабригача ишчи-деҳқон Қизил Армияси сиёсий бошқармасининг Горький шаҳридаги бош резерв қисмида хизмат қилган, 1943 йил июнда Андижонга эвакуация қилинган, 1943 йил июлидан Андижон области Шаҳрихон райони партия комитети партия кабинети мудири лавозимига тайинланган. 1943 йил 18 декабрда озод қилинган районларга бориши муносабати билан эгаллаб турган лавозимидан бўшатилган.

**63. Цицкина Фира Исааковна** 1920 йил декабрида Днепропетровск шаҳрида ишчи оиласида туғилган, яҳудий, 1942 йилдан партия аъзоси, 10-синфни битирган, ишчилар факультетида ўқиган, 1934 – 1938 йилларда Днепропетровскдаги «Металл» артели секретари бўлиб ишлаган.



**64. Шиндерман Женя Матвеевна** 1919 йил 24 декабрда Житомир области Лугин райони Волока қишлоғида хизматчи оиласида туғилган, яҳудий, 1934 – 1940 йилларда ВЛКСМ, 1942 йилдан ВКП(б) аъзоси, маълумоти ўрта, 1930 – 1939 йилларда ўрта мактабда

10-синфни тугатган, 1939 йил 1 июлдан 1941 йил июлгача Лугин районы партия комитетида статистика бўйича ҳисобчи вазифасида ишлаган.

1941 йилда Андижон области Балиқчи районига эвакуация қилинган, 1941 йил ноябрда Балиқчи район партия комитетида машинист, 1943 йил 10 февралда Балиқчи район партия комитети ягона партбилет ва ягона партстатистика сектори мудири вазифаларида ишлаган. 1944 йил 4 октябрда озод қилинган районларга сафарбар этилиши муносабати билан ўз вазифасидан бўшатилган, унинг ўрнига **Насибуллина Асмабика Абдуллаевна** тайинланган.



**65. Шурма Роза Евсеевна** 1905 йил 3 августда Одесса области Бельяевский райони Маяки қишлоғида кийим тикувчи оиласида туғилган, онаси 1915 йили, отаси 1931 йили вафот этган, 1915 йили қишлоқ халқ мактабини битирган, 1922 йилдан турли ташкилотларда ҳар хил соҳаларда ишлаган. 1925 йилдан ВЛКСМ, 1931 йилдан партия аъзоси, 1932 йили кечки партия мактабини битирган, оиласи 5 кишидан иборат бўлган: 3 та опаси, 2 та акаси. Улар Одессада яшашган, акалари қизил армияда хизмат қилган. Катта опаси Қалмиқ республикаси Лагане шаҳридаги радиоузелда техник бўлиб ишлаган. Синглиси эвакуацияга қадар Киев шаҳрида, кейин Қизил Ўрда шаҳрида яшаган. Эвакуация даврида у Ленинск шаҳрига келган, 1942 йил 2 февралдан 1942 йил 4 октябргача район партия комитетида ҳисобчи бўлиб ишлаган, 24 октябрда район партия комитети секретарининг ёрдамчиси бўлиб ишлаган, оиласи 3 кишидан иборат бўлган: эри ва 13 яшар қизи.

**66. Щербин Коземир Фёдорович** 1903 йили Курск области Белгород райони Крипов қишлоғида ишчи оиласида туғилган, рус, отаси Сталин области Горловка районидаги 1-сон шахтада машинист бўлиб ишлаган, 1916 йили Украинанинг Мария-Горловская райони кўмир шахтасида ишлаган, 1919 – 1921 йилларда



Харьков шаҳрида Совет артиллерия курсида курсант, 1921 – 1925 йилларда Горловка 1-сон шахтасида слесарь, 1925 – 1928 йилларда Горловкадаги медсантруд район комитети раиси, 1929 – 19230 йилларда Горловкадаги кўмирчилар касаба уюшмаси раиси, 1938 – 1941 йилларда хўжалик, совет, партия ишларида хизмат қилган, 1942 йили Андижонга эвакуация қилингач, Андижон шаҳар партия комитетида ташкилий-инструкторлик бўлими мудири бўлиб ишлаган. 1942 йил 5 майдан Ленинск район партия комитетининг 2-секретари вазифасида ишлаган.



**67. Эрлих Евгения Евсеевна** 1914 йили Украинанинг Умань шаҳрида ишчи оиласида туғилган, яҳудий, ижтимоий келиб чиқиши – хизматчи, партия аъзоси, маълумоти ўрта, 10-синфни битирган, 1930 йилдан 1937 йилгача турли ташкилотларда котиба-машинистка бўлиб хизмат қилган, 1937 – 1941 йилларда Первомайск шаҳар партия комитетида ҳисоб бўлими мудири, 1942 йили «Светлияр» колхозида кассир котибаси, 1942 йилдан 1943 йил августигача Чинобод матлубот жамиятида котиба-машинистка, 1944 йил августидан ноябригача Чинобод район партия комитетида ҳисоб мудираси, 1943 – 1944 йилларда район матлубот жамияти кадрлар бўлими мудири бўлиб ишлаган. Биографиясида ёзилишича, эвакуация қилингунга қадар 3 йил давомида Одесса области комсомоли пленуми аъзоси, шаҳар советининг депутати, мактаб комиссиянинг раиси вазифаларида ишлаган. 1930 – 1941 йилларда комсомол, 1939 йилдан партия аъзоси лавозимларида ишлаган, турмуш ўртоғи ва бир нафар фарзанди бўлган, тураржойи Андижон области Чинобод қишлоғида. Чинобод район партия комитетининг 1944 йил 5

июлдаги қарорига кўра Эрлих Евгения Евсеевна Чинобод район партия комитети ягона партбилети ва партстатистикаси сектори мудири бўлиб хизмат қилган. Андижон область партия комитетининг 1944 йил 27 декабрдаги қарорига кўра Евгения Евсеевна Эрлих Чинобод район партия комитети секретари ёрдамчиси этиб тайинланган.

**68. Ястребова Анна Артемова** 1906 йил 31 январда Николаев области Голопристан районида ишчи оиласида туғилган, украин, ижтимоий аҳволи – хизматчи, 1930 йилдан ВКП(б) аъзоси, маълумоти олий.

1914 – 1921 йилларда умумий мактабда 6-синфни тугатган, 1921 йилда 6 ойлик педагогик курсни тугатиб, Ново-Збурьевский болалар уйида ишлаган, 1922 – 1923 йилларда Херсон области Голопристан районида болалар уйи раҳбари, 1923 – 1926 йилларда Херсон области Харьков райони Ново-Воронцовка қишлоғида қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар мактабида ўқувчи, 1926 – 1930 йилларда Херсон шаҳрида Халқ таълими институтида талаба, 1930 – 1931 йилларда Антонино райони Волица-Полевая қишлоғида 7 йиллик мактаб мудири, 1933 – 1940 йилларда Сталин области Славянск шаҳрида мактаб директори ҳамда ўқитувчи бўлган. 1941 йилда Андижон областига эвакуация қилинган. 1941 йил 1 сентябрда Марҳамат район партия комитети партия кабинети мудири вазифасида ишлаган. 1944 йил 11 ноябрда озод қилинган Украина районларига сафарбар этилиши муносабати билан ўз вазифасидан бўшатилган, унинг ўрнига Низомов Исомитдин тайинланган.



**69. Якутин Николай Гиоргиевич** 1893 йил 26 декабрда Кирсанов районида Кандаурова қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилган, рус, маълумоти қуйи, 1920 йилдан ВКП(б) аъзоси, ижтимоий аҳволи – хизматчи, 1910 – 1915 йилларда отасининг хўжалигида ишчи, 1915 – 1917 йилларда эски армияда оддий аскар, 1917 – 1918 йилларда қишлоқ хўжалиги комитети раиси, 1918 – 1923 йилларда қизил армияда пулемётчи вазифаларида ишлаган. Эвакуациягача Николаев области Кирсанов райони партия комитети қурилиш бўйича раиси бўлиб ишлаган.

1941 йилда Андижон областига эвакуация қилинган, Андижон район ижроия комитети ҳарбий-ҳисоб бўлими бошлиғи, 1943 йилда Андижон район партия комитети ҳарбий бўлим мудири вазифаларида ишлаган.

1943 йил 15 декабрда озод қилинган Украина районларига сафарбар этилиши муносабати билан ўз вазифасидан бўшатилган, унинг ўрнига Мирюсупов Мирмаҳмуд тайинланган.



**70. Ямполь Анна Яковлевна** 1909 йил 22 декабрда Винница области Брацлав шаҳрида ишчи оиласида туғилган, украин, маълумоти олий, ижтимоий аҳволи – хизматчи, 1939 йилдан ВКП(б) аъзоси.

1927 – 1929 йилларда Брацлав райони Скрицкое қишлоғида ўрта мактабда ўқитувчи, 1929 – 1930 йилларда Тульчина шаҳрида педагогика курси курсанти, 1930 – 1932 йилларда Глыбочок қишлоғида ўрта мактаб ўқитувчиси, 1932 – 1935 йилларда Кривой Рог шаҳрида педагогика институти талабаси, 1935 – 1936 йилларда Винница шаҳри касаба уюшмаси инспектори, 1937 – 1939 йилларда Днепропетровск области Куйбишев районида мактабда ўқитувчи ва директор, 1939 – 1941 йилларда Винница области Комсомолск районида мактабда ўқитувчи ва директор бўлган.

1941 йилда Андижон областига эвакуация қилинган, 1941 йилдан Андижон области Ворошилов районида ўрта мактабда ўқитувчи, 1942 йил 5 августдан Ворошилов район партия комитети пропагандисти вазифаларида ишлаган.

# ЮРТГА ҚАЙТГАН ҒОЛИБ АНДИЖОНЛИКЛАР

Алишер МАМАЖОНОВ, Давлатбек МУСАЕВ

Ўзбекистон тарихининг Иккинчи жаҳон уруши даври тарихига бағишланган асарларда, ҳужжатли материалларда, тадқиқот ишларида, диссертацияларда ўзбекистонлик жангчиларнинг турли фронтлардаги ҳаёти, фаолияти, кўрсатган жасоратлари, Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони билан тақдирланган жангчилар ҳақида умумий маълумотлар берилган. Бироқ Ўзбекистон ҳудудидан сафарбар этилган юртдошларимизнинг жанггоҳларда мислсиз оғир шароитларда душманга етказган талафотлари, эришган ютуқларини батафсил ёритиш, соғ-саломат келганларни номма-ном аниқлаш ва улар ҳақида Хотира китобини яратиш ҳозиргача амалга оширилгани йўқ. Урушда ҳалок бўлганлар ва бедарак йўқолганларнинг тахминий миқдори аниқлангани ҳолда, урушдан соғ-саломат қайтиб келганлар, меҳнат фаолиятини давом эттирганлар номма-ном аниқланганича йўқ. Шу боис яратилажак Хотира китобида ана шу ватандошларимизнинг номлари тизимли равишда келтирилади. Мазкур мақолада ўша инсонлар ҳақида айрим лавҳалар келтирилган.

**1. Усмонов Раҳмон –** 1926 йили Андижон райони Оқёр қишлоқ советида деҳқон оиласида туғилган, тожик, маълумоти 10-синф, 1943 йил 1 июлдан ВКП(б) аъзоси, 1939 – 1941 йилларда Пахтаобод район савдо бўлими мудири, 1941 йил 20 декабрдан 1946 йил 15 августгача қизил армияда хизматда бўлган, Пенза артиллерия билим юртига ўқишга қабул қилинган, 1942 йили билим юртини тамомлаб, лейтенант унвонини олган ва 64-армия 157-ўқчи дивизиясининг 120-артиллерия полкида хизмат қилган, 1943 йили батальон командири, 1944 – 1945 йилларда Польша, Шарқий Пруссияда фашистларга қарши жангларда иштирок этган.

1943 йил 15 августда дивизия командири тавсияси билан «Қизил Юлдуз», 1944 йил 28 февралда жанглардаги фаоллиги учун дивизия командири тавсияси билан 2-даражали «Ватан уруши», 1945 йил 20 мартда 1-даражали «Ватан уруши» орденлари билан, СССР Олий Совети Президиумининг фармонига кўра 1943 йил 15 июнда «Сталинград мудофааси учун», 1945 йил 18 августда «Варшавани озод қилганлик учун», 1946 йил 5 майда «1941 – 1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун» медаллари билан мукофотланган.

1946 йилда ҳарбий хизматдан бўшатилган. 1946 йилдан Андижон область техник материаллар таъминлаш бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаган.[1]

**2. Фаёзов Ёқубжон –** 1918 йили Ойим районидаги Дардоқтепа қишлоғида деҳқон оиласида туғилган, қирғиз, маълумоти – 7-синф, 1944 йил 3 октябрдан ВКП(б) аъзоси, 1940 – 1941 йилларда Ойим район Дардоқтепа қишлоқ совети котиби, 1941 йилда Ойим районидан армияга

[1] Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» агентлиги Андижон вилоят архив иши ҳудудий бошқармаси Андижон вилояти давлат архиви. 608-фонд, 2-рўйхат, 305-иш, 1 – 4-варақлар. Бундан кейинги маълумотлар ҳам шу архивдан олинган.

олинган, 1941 – 1945 йилларда 127-артиллерия бригадасида сержант, 1945 йилда ҳарбий хизматдан бўшатилган. 1945 йилда Ойим район Дардоқтепа қишлоқ совети раиси лавозимида ишлаган.

1944 йил 6 июлда 127-артиллерия бригадаси командири тавсиясига кўра топшириқларни намунали бажаргани туфайли «Жасурлиги учун», 1945 йил 25 февралда 127-артиллерия бригадаси командири тавсиясига кўра «Жанговар хизматлари учун» медаллари билан мукофотланган.

**3. Собиров Мамажон Солиевич –** 1918 йили Андижон шаҳрида деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти – 7-синф, 1945 йил 15 майдан ВКП(б) аъзоси, 1935 – 1938 йилларда Ленин район Иттифоқ қишлоқ советида бухгалтер, 1938 йили армияга олинган. 1938 – 1946 йилларда 2-армия ДВФ 411-артиллерия полки, 1-Белорус фронти 86-артиллерия бригадаси, 1-Украина фронти 140-артиллерия бригадаси фронтларида кичик командир, 1944 йил 1 январь, 1945 йил 2 майда ярадор бўлган. 1944 йил августдан 1945 йил сентябргача Польша, Чехославакия, Австрия, Венгрия, Руминия ва Германияда фашист босқинчиларига қарши жанг олиб борган.

1944 йил 27 июнда 31-армия 140-артиллерия бригадаси раҳбарияти тавсиясига кўра «Қизил Юлдуз» ордени, 1945 йил 27 апрелда 31-армия артиллерия полки тавсиясига биноан 2-даражали «Ватан уруши», 1945 йил 11 сентябрда 31-армия артиллерия полки тавсиясига кўра «Қизил Юлдуз» орденлари билан, СССР Олий Совети Президиумининг фармонига кўра 1945 йил 9 майда «Кенигсбергни озод қилганлик учун», «1941 – 1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун» медаллари билан мукофотланган.

**4. Александрова Валентина Тимофеевна –** 1921 йил 16 декабрда Фарғона области Горчакова станциясида деҳқон оиласида туғилган, рус, маълумоти – 7-синф, 1945 йил 1 майдан ВКП(б) аъзоси, 1937 – 1942 йилларда Ленинск район пахта заводида катта лаборант, 1942 йили Ленинск шаҳридан армияга олинган. 1942 – 1945 йилларда 1-Белорус фронти 16-ҳаво қўшинлари армиясида типографист-морзист, 1944 – 1945 йилларда Польша ва Германияда фашизмга қарши жангларда иштирок этган.

СССР Олий Совети Президиумининг фармонига кўра 1945 йил 1 январда «Варшавани озод қилганлик учун», 1945 йил 2 майда «Берлинни озод қилганлик учун», 1945 йил 10 июнда «1941 – 1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун» медаллари билан мукофотланган.

1945 йилда ҳарбий хизматдан бўшатилган. 1945 йил 1 сентябрдан Ленинск шаҳар молия бўлимида молиячи лавозимида ишлаган.

**5. Ғаффоров Усмон –** 1924 йили Жалолқудуқ райони Фрунзе кўчаси 384-уйда камбағал деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти – 7-синф, 1946 йил 15 апрелдан ВКП(б) аъзоси, 1942 йили армияга олинган. 1942 – 1945 йилларда кичик сержант, санитар-инструктор. 1944 йил июнь – 1945 йил сентябрь ойларида Варшава ва Берлиндаги жангларда иштирок этган.

Армия қўмондони тавсиясига биноан 1945 йил 30 апрелда «Қизил Юлдуз» ордени, СССР Олий Совети Президуминининг фармонига кўра 1945 йил майда «Варшавани озод қилганлик учун», «Берлинни озод қилганлик учун», «1941 – 1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун» медаллари билан тақдирланган.

1945 йили ҳарбий хизматдан бўшатилган. 1945 йил декабрдан Жалолқудуқ район комсомол комитетида инструктор лавозимида ишлаган.



**6. Григорьев Алексей Михайлович –** 1912 йили Тошкент шаҳрида камбағал деҳқон оиласида туғилган, рус, маълумоти ўрта, партиясиз, 1938 – 1942 йилларда Ленинск район ижроия комитетида ер кадастри масалалари бўйича катта ходим, 1942 йили Ленинск районидан армияга олинган. 1942 йили Калинин фронтида, 1942 йили Жануби-Ғарбий, 3-Украина фронтида, 1944 – 1946 йилларда 1-Белорус фронтида ҳаракатдаги армияда батарея

командири, Варшавадан Германиягача фашистларга қарши кураш олиб борган.

2-даражали «Ватан уруши», «Қизил Юлдуз» орденлари, «Варшавани озод қилганлик учун», «Берлинни озод қилганлик учун», «1941 – 1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун» медаллари билан тақдирланган.

1946 йилда ҳарбий хизматдан бўшатилган. 1946 йил майдан Ленинск шаҳар савдо бўлими мудири вазифасида ишлаган.



**7. Мамадалиев Набижон –** 1925 йил 1 майда Чинобод райони Эски Ҳаққулобод қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти – 9-синф, 1945 йил апрелдан ВКП(б) аъзоси, 1942 – 1943 йилларда Эски Ҳаққулобод қишлоқ совети бухгалтери, 1943 йили армияга олинган. 1943 – 1945 йилларда 2-Украина ва 2-Белорус фронтларида катта сержант, ўқчи-автоматчи, танк ва бронетранспорт командири. 1944 йил 25 декабрдан 1945 йил 30 майгача Польша ва Германияда фашист босқинчиларига қарши курашган.

1945 йил 1 апрелда Данциг шаҳри учун бўлган жанглардаги кўрсатган жасорати учун 8-механизациялашган дивизия тавсиясига кўра «Қизил Юлдуз» ордени, СССР Олий Совети Президиумининг фармонига кўра «Кенигсбергни озод қилганлик учун», «1941 – 1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун», «Совет Армияси ва Флотининг 30 йиллиги» медаллари билан мукофотланган.

1950 йилда ҳарбий хизматдан бўшатилган. 1950 йил майдан Чинобод район ижроия қўмитаси маориф бўлими мудири лавозимида ишлаган.

**8. Маматов Умрзоқ Ҳайитович** 1925 йилда Хўжаобод районида камбағал деҳқон оиласида туғилган, қирғиз, маълумоти тўлиқсиз ўрта, партиясиз. 1933 – 1943 йилларда Эски Хўжаобод қишлоқ совети ҳудудидаги Калинин номли 7 йиллик мактабда ўқиган ва ишлаган. 1943 йили армияга олинган. 1943 – 1945 йилларда 1-дивизия 128-гвардия 315-полкда сержант, 1944 – 1945 йилларда Польша, Чехословакия, Руминия, Венгрия ва Германияда фашист босқинчиларига қарши курашган. 1944 йилда ўнг қўлидан қаттиқ ярадор бўлган.



1944 йилда «Жасурлиги учун», «1941 – 1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун» медаллари билан мукофотланган.

1947 йилда ҳарбий хизматдан бўшатилган. 1947 йилдан Сталин номли колхозда табелчи, район ижроия қўмитаси спорт бўлими раиси лавозимида ишлаган.



**9. Раҳмонов Асқар** 1918 йили Андижон шаҳар Оқёр қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти ўрта, 1941 йил 15 апрелдан ВКП(б) аъзоси, Тошкент шаҳар юридик мактаби тингловчиси, 1938 – 1940 йилларда Полтава шаҳрида, 1941 – 1945 йилларда Шимоли-Ғарбий ва 1-Белорус фронтларида ҳарбий хизматчи, 1941 – 1945 йиллар давомида гвардия капитани, рота сиёсий раҳбари, батальон командири ўринбосари ва 1-Белорус фронти сиёсий раҳбари бўлган. 1945 йил февраль – апрель ойларида Варшавада фашистларга қарши курашда иштирок этган. 2 марта ўнг қўли ва ўнг оёғидан енгил ярадор бўлган.

1944 йил сентябрь – октябрь ойларида 2 марта 1-зарбдор армия тавсиясига кўра «Қизил Юлдуз», октябрь ойида 2-даражали «Ватан уруши», 1945 йил майда 3-зарбдор армия тавсиясига кўра «Қизил байроқ» орденлари ва «Варшавани озод қилганлик учун» медали билан тақдирланган.

1948 йил апрелида ҳарбий хизматдан бўшатилган, Андижон шаҳар ижроия қўмитаси таш-

килий ишлар бўлими мудири лавозимида ишлай бошлаган.



**10. Раҳмонов Ёқубжон** 1913 йили Избоскан районида ўртаҳол деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти тўлиқсиз ўрта, 1946 йил 15 февралдан ВКП(б) аъзоси, 1939 – 1941 йилларда Ўртоқлар қишлоқ совети ҳудудидаги Сталин номли колхозда кассир-омборчи, 1941 йили армияга олинган. 1941 – 1945 йилларда 1-Украина фронтида оддий аскар, 1944 – 1945 йиллар давомида 1-Украина фронтида бўлиб, Варшавада фашистларга қарши курашда иштирок этган.

1945 йил 9 майда «1941 – 1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун», 1946 йил 6 июнда «1941 – 1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушидаги шавкатли меҳнати учун» медаллари билан тақдирланган.

1945 йили ярадор бўлган ва ҳарбий хизматдан бўшатилган. 1945 йилдан Избоскан район савдо бўлимига қарашли деҳқон бозори раҳбари вазифасида ишлаган.

**11. Хўжаев Мавлон Шодмонович** 1910 йили Шаҳрихон райони Ўртоқлар қишлоғида деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти – 7-синф, партиясиз, 1937 – 1942 йилларда Избоскан район халқ маорифи бўлимида интернат бухгалтери, 1942 йили Избоскан районидан армияга олинган. 1942 – 1946 йилларда 1-Украина фронтида катта сержант, командир разведкачи, Руминия, Венгрия, Чехословакия, Австрияда фашистларга қарши жангларда иштирок этган. 1945 йили ярадор бўлган ва 1946 йили ҳарбий хизматдан бўшатилган.

1945 йилда «Жасурлиги учун» медали, «Кавказ мудофааси учун», «Будапештни озод қилганлик учун», «1941 – 1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун» медаллари билан тақдирланган.

1946 йилдан Избоскан район ижроия қўмитаси ташкилий бўлим инструктори вазифасида ишлаган.

**12. Ҳайдаров Исмоил** 1913 йили Ойим районидаги Тошлоқ қишлоқ совети Далварзин қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти ўрта, партиясиз, 1938 – 1941 йилларда Ойим район халқ маорифи бўлимига қарашли 7-мактабда ўқитувчи, 1941 йили Ворошилов районидан армияга олинган. 1941 – 1946 йилларда ҳар хил фронтларда бўлган. 1946 йили ҳарбий хизматдан бўшатилган. Урушдан қайтгач, 1946 йилдан Ойим районидаги 7-мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган.



**13. Ҳайдаров Комилжон** 1918 йили Андижон районидаги Янгиобод қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти – 7-синф, партиясиз, 1940 – 1941 йилларда Молотов номли колхозда ишлаган. 1941 йили Андижон шаҳридан армияга олинган. 1941 – 1942 йилларда ҳар хил фронтларда бўлган. Икки марта яраланиб, 1942 йили ҳарбий хизматдан бўшатилган. 1942 йилдан Андижон районида қишлоқ совети котиби, Молотов номли колхоз омборчиси бўлиб ишлаган.



**14. Ҳайдаров Муҳаммаджон** 1924 йили Жалолқудуқ районида камбағал деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти – 8-синф, 1950 йил 18 февралдан ВКП(б) аъзоси, 1938 – 1942 йилларда Сталин номли 1-мактабда ўқиган. 1942 йили армияга олинган. 1942 – 1944 йилларда Калинин область 20-шимоли-шарқий чегара қўшинлари фронтида кичик сержант, 1944 йили ҳарбий хизматдан бўшатилган. 1944 йилдан қишлоқ совети котиби вазифасида ишлаган.

**15. Холбеков Абдуллажон** 1912 йили Андижон райони Найман қишлоғи Қўқонли маҳалласида камбағал оилада туғилган, ўзбек, маълумоти – 10-синф, 1945 йил 18 февралдан ВКП(б) аъзоси, партия билети рақами 9209017.



1937 – 1941 йилларда Найман қишлоқ совети бухгалтери, Андреев номли колхоз омборчиси, 1941 йили армияга олинган. 1941 – 1944 йилларда фронтда катта сержант, 1944 йили икки марта ярадор бўлган ва ҳарбий хизматдан бўшатилган. 1944 йилдан Андреев номли колхозда чорвачилик бўйича раис муовини вазифасида ишлаган.

**16. Аҳмедов Собир** 1924 йили Чинобод райони Янгиқишлоқ қишлоғида камбағал оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти ўрта, 1948 йил 18 февралдан ВКП(б) аъзоси, 1939 – 1941 йилларда Норин районидаги 1-мактабда ўқитувчи, 1941 йили Балиқчи районидан армияга олинган. 1941 – 1944 йилларда 896-ўқчи полки, 211-ўқчи дивизиясида старшина, 1944 йили қўлидан яраланиб, бошидан контузия бўлган ва ҳарбий хизматдан бўшатилган.

1944 йил 14 августда 896-ўқчи полк, 211-ўқчи дивизия тавсиясига кўра «Жасурлиги учун» медали, «Қизил Юлдуз» ордени, 1945 йил 9 майда «Меҳнатдаги хизматлари учун», «1941 – 1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун» медаллари билан мукофотланган.

1944 йилдан Чинобод район ижтимоий таъминот бўлимида катта инспектор вазифасида ишлаган.

**17. Аҳмедов Раҳматилло** 1913 йили Пахтаобод райони Қўқонқишлоқ қишлоғида камбағал оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти ўрта, 1948 йил 18 февралдан ВКП(б) аъзоси, 1934 – 1941 йилларда Ўзгариш қишлоқ советида ўқитувчи, 1941 йили армияга олинган. 1941 – 1945 йилларда Куйбишев шаҳрида 61-маҳаллий соқчилик батальонида бўлган.

1945 йилда «1941 – 1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун» медали билан мукофотланган.

1945 йили уч марта ярадор бўлган ва ҳарбий хизматдан бўшатилган. 1946 йилдан Уйғур қишлоқ советида Крупская номли 7 йиллик мактабда бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлаган.

**18. Охунов Машраб** 1915 йили Асакада камбағал деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти олий, 1946 йил 18 февралдан ВКП(б) аъзоси, 1939 – 1942 йилларда Коллектив қишлоқ советидаги 24-ўрта мактабда ўқитувчи, 1942 йили армияга олинган. 1942 – 1944 йилларда 2-Украина фронтида кичик лейтенант ҳамда взвод командири, 1943 йили енгил ярадор, 1944 йили оғир ярадор бўлган ва ҳарбий хизматдан бўшатилган.

1946 йил 20 июнда «1941 – 1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушидаги шавкатли меҳнати учун» медали билан мукофотланган.

1944 йилдан Коллектив қишлоқ советидаги 24-мактабда ўқитувчи, илмий бўлим мудири, директор лавозимида ишлаган.



**19. Аҳроров Саидаҳмад** 1918 йили Жалолқудуқ районидаги Қоратегин қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти ўрта, 1943 йилдан ВКП(б) аъзоси, 1935 – 1940 йилларда Қоратегин қишлоқ советидаги мактабда директор бўлган. 1940 йили армияга олинган. 1940 – 1945 йилларда фронтда оддий аскар, 1945 йили ҳарбий хизматдан бўшатилган. 1945 йилдан Қоратегин қишлоқ советида Охунбобоев номли мактабда директор лавозимида ишлаган.

1942 йил майда «Ленинград мудофааси учун» медали билан мукофотланган.



**20. Бакиров Обиджон** 1917 йил 27 апрелда Андижон шаҳар Жумҳурият маҳалласи Темирчи кўча 10-уйда ҳунарманд оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти ўрта, 1941 йил июндан ВКП(б) аъзоси, 1940 – 1941 йилларда Ойим район ижроия қўмитаси раиси ўринбосари, 1941 йили армияга олинган. 1941 –

1946 йилларда 304-дивизия 103-миллий полкида пропаганда ва агитация бўлими инструктори бўлиб ишлаган.

1945 йил февралда 103-миллий армия тавсиясига кўра «Қизил Юлдуз» ордени билан мукофотланган.

1946 йили ҳарбий хизматдан бўшатилган. 1946 йилдан Ворошилов район ижроия қўмитаси раиси ўринбосари лавозимида ишлаган.

**21. Тарачков Михаил Федорович** 1911 йил 19 февралда Андижон шаҳрида ишчи оиласида туғилган, рус, маълумоти ўрта, 1941 йил августдан ВКП(б) аъзоси, 1935 – 1942 йилларда Олтинкўл район сув хўжалиги бўлими бошлиғи, 1942 йили Андижон шаҳридан армияга олинган. 1942 – 1946 йилларда гвардиячи Дон фронтидаги полкларнинг бирида штаб бошлиғи ёрдамчиси бўлган.

1946 йили ҳарбий хизматдан бўшатилган. 1946 йилдан Олтинкўл район сув хўжалиги бўлими бошлиғи лавозимида ишлаган.



**22. Тожиев Қозоқ** 1912 йили Шаҳрихоннинг Девона Эшон маҳалласида ҳунарманд оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти ўрта, партиясиз, 1940 – 1941 йилларда Сталин район матлубот жамияти тайёрлов пункти товаршуноси, 1941 йили армияга олинган. 1941 – 1945 йилларда 304-дивизия 103-миллий дивизияси пропаганда ва агитация бўлими инструктори.

1945 йили ҳарбий хизматдан бўшатилган. 1945 йилдан Сталин район ижроия қўмитаси сафарбарлик бўлими мудири лавозимида ишлаган.

**23. Тожибоев Каримжон** 1916 йили Андижон районида камбағал деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти – 6-синф, 1946 йил августдан ВКП(б) аъзоси, 1940 – 1942 йилларда Сталин номли колхозда табелчи, 1942 йили армияга олинган. 1942 – 1943 йилларда Ленинград фронтида аскар. 1943 йил 1 январда ўнг оёғидан қаттиқ ярадор бўлган ва ҳарбий хизматдан бўшатилган. 1943 йилдан Сталин номли колхозда котиб вазифасида ишлаган.

**24. Соловьев Григорий Прокофьевич** 1908 йили Саратов областида деҳқон оиласида туғилган, рус, маълумоти бошланғич, партиясиз, 1938 – 1941 йилларда Андижон шаҳар Ўзбеккитобсавдо бўлими ҳайдовчиси, 1941 йили Андижон шаҳридан армияга олинган. 1941 – 1945 йилларда 259-гвардия дивизиясида оддий аскар, 1943 – 1945 йилларда Финляндия, Румуния, Венгрия, Австрияда фашистларга қарши курашда иштирок этган.

1943 йил 24 октябрда 259-гвардия дивизияси қўмондонлигининг тавсиясига кўра «Жанглардаги хизматлари учун», 1944 йил 12 сентябрда «Жасурлиги учун», 1945 йил 26 октябрда «1941 – 1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун» медаллари билан мукофотланган.

1945 йил ноябрда ҳарбий хизматдан бўшатилган. 1945 йилдан Ер ишлари халқ комиссарлиги Андижон шаҳар бўлимида ҳайдовчи вазифасида ишлаган.

**25. Султонқулов Остонақул** 1917 йили Андижон шаҳрида деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти – 6-синф, 1940 йил декабрдан ВКП(б) аъзоси, 1940 – 1943 йилларда Ички ишлар халқ комиссарлиги Олтинкўл район бўлими оператив ишлар бўйича вакили, 1943 йили армияга олинган. 1943 – 1944 йилларда 2-Украина фронти 76-батарея сиёсий қисм командири ўринбосари бўлган.

1943 йил 25 октябрда «Жасурлиги учун», 1946 йил 13 сентябрда «1941 – 1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун», 1946 йил 24 октябрда «1941 – 1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушидаги шавкатли меҳнати учун» медаллари билан мукофотланган.



**26. Раҳмонов Ҳамиджон** 1915 йили Хўжаободда камбағал оилада туғилган, ўзбек, маълумоти тўлиқсиз ўрта, 1944 йилдан партия аъзоси, Хўжаобод район ишчилар газетасида («Б.К.У.») ишчи, 1937 – 1940 йилларда Ленинград облас-

ти Псков шаҳрида старшина, район ижроия комитетида инструктор, 1942 йили Хўжаобод районидан армияга олинган. 1942 – 1943 йилларда Ленинград ва Псков шаҳарлари ҳимоясида, Ростов йўналишидаги жангларда иштирок этган, 1943 йил 6 январдаги жанглардан бирида ўнг қўлидан ярадор бўлган, III гуруҳ ногирони сифатида фронтдан бўшатилган. 1943 – 1945 йилларда Хўжаобод райони «Октябрь» колхозида хўжалик бўлими мудири, 1945 йили Хўжаобод район савдо бўлими мудири, 1945 – 1949 йилларда район истеъмолчилар иттифоқида раис, 1949 – 1950 йилларда қишлоқ совети раиси лавозимларида фаолият олиб борган.[1]

**27. Раҳмонов Абдулкарим Тийгиевич,** 1921 йили Хўжаобод районида деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти – 7-синф, партиясиз, Ленин номли колхозда табелчи, 1942 йил 2 сентябрда Хўжаобод районидан Қизил Армияга чақирилган, оддий аскар, 1942 йил сентябридан 1945 йил июнига қадар Қизил Армия сафида жангларда иштирок этган. Май ойидаги жанглардан бирида ярадор бўлганидан сўнг II гуруҳ ногирони сифатида ҳарбийдан бўшатилган. 1946 йилдан қишлоқ советида секретарь сифатида фаолият олиб борган.



**28. Раҳимов Ибрагим** 1914 йили Шаҳрихонда ҳунарманд оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти олий (Фарғона ўқитувчилар институтини тамомлаган). 1945 йил октябрдан партия аъзоси, Сталин районидаги Ленин номидаги 1-мактабда ўқитувчи ва директор лавозимларида ишлаган. 1942 йилда Қизил Армия сафига чақирилган. Оддий аскар. 1942 йилнинг октябрига қадар Қизил Армия сафида Калинин фронти йўналишидаги жангларда миномётчи бўлинмасида иштирок этган, чап қўлидан оғир ярадор бўлгани туфайли армиядан бўшатилган.

1942 йили СССР Олий Совети Президиуми фармонига кўра қўмондонликнинг ҳарбий топшириғини бажаришдаги жасорати туфайли «Жасурлиги учун» (За Отвагу»), 1945 йилда СССР Олий Совети Президиуми фармонига биноан халқ хўжалигидаги фаолияти боис «Шарафли меҳнати учун» медаллари билан ҳам мукофотланган.

1942 йил 10 октябридан 1945 йилнинг 24 февралига қадар Ленин номидаги 1-ўрта мактабда ўқитувчи ва директор, 1945 йил мартидан эса Сталин район халқ таълими бўлими мудири ёрдамчиси. 1951 йилдан Сталин район ижроия қўмитасида раис ўринбосари.



**29. Расулов Абдухалил** 1921 йили Андижон шаҳар II участка, Озодлик маҳалла Шаҳрихон кўча 10-уйда ишчи оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти ўрта, партиясиз, Андижон шаҳридаги 18-бошланғич мактабда ўқитувчи, Андижон шаҳар ҳарбий комиссарлиги орқали 1941 йил августда Қизил Армияга чақирилган. Ҳарбий хизматни ўтаб бўлгач, қўмондонлик буйруғига биноан 1946 йили армиядан бўшатилган. 1946 – 1947 йилларда область давлат банкида инспекторликдан фаолиятини бошлаган. 1947 – 1950 йилларда Олтинкўл район Кўмакай қишлоқ советига қарашли 7 йиллик 4-мактабда ўқитувчилик қилган.



**30. Пўлатов** Мамад **(Мамадали)** 1920 йили Балиқчи районида деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти – 8-синф, 1943 йил 15 августдан партия аъзоси, колхозда фаолият олиб борган. Балиқчи районидан армияга чақирилган, оддий аскар, 1940 – 1945 йилларда қизил армия сафида бўлган. 1941 йилдан 1944 йилга қадар қизил байроқли 13-артиллерия полки хизматчиси, 1944 йилдан фронт омборчиси бўлиб хизмат қилган.

[1] Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» агентлиги Андижон вилоят архив иши ҳудудий бошқармаси Андижон вилояти давлат архиви. 608-фонд, 2-рўйхат, 481-иш, 1 – 4-варақлар. Бундан кейинги маълумотлар ҳам шу архив фондидан олинган. Шу боис ҳар бир ҳужжатнинг асосини келтириш унчалик аҳамиятли эмас.

1940 – 1945 йиллардаги хизматлари учун «Қизил байроқ» ордени ва «Москва мудофааси учун» медали билан мукофотланган.

1946 йили армиядан бўшатилганидан сўнг Балиқчи район ижроия комитетида бўлим инспектори сифатида фаолият юритган.



**31. Пўлатов Якуб Назир** 1913 йили Балиқчи райони Балиқчи қишлоқ советида камбағал оилада туғилган, ўзбек, маълумоти ўрта махсус, партиясиз. Урушга боргунга қадар 1937 – 1940 йилларда Балиқчи қишлоқ советидаги 1-мактабда директор, 1942 йили армияга чақирилган, сержант, 1942 – 1943 йилларда Кавказ фронтида уруш ҳаракатларида иштирок этган.

1946 йили СССР Олий Совети Президиуми фармонига биноан армиядаги хизматлари учун медал билан мукофотланган.

1944 йили фронтдан қайтганидан сўнг 1947 йилгача Ўрмонбекдаги 4-мактабда директор вазифасини бажарган. 1948 йилдан Балиқчи район ижтимоий таъминот бўлими мудири лавозимига ўтган.



**32. Нуритдинов Тешавой** 1911 йилда Ленинск район «Зарбдор» колхозида камбағал деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти тўлиқсиз ўрта, 1944 йилдан партия аъзоси, райондаги турли ташкилотларда фаолият олиб борган. Ленинск районидан Қизил Армияга чақирилган, лейтенант. 1942 – 1946 йилларда взвод командири сифатида 1-Украина фронтида Украина ва Германияни озод этишда қатнашган. 1944 йили 2 марта контузия бўлган. 1946 йили қўмондонликнинг буйруғига биноан армиядан озод этилган.

1945 йили СССР Олий Совети Президиуми фармонига биноан «Қизил Юлдуз» ордени билан тақдирланган.

1946 – 1948 йилларда Ленинск район ижроия комитетида фаолият юритган.



**33. Назиров Мухтор** 1917 йили Асака шаҳрида камбағал ишчи оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти ўрта, партиясиз. 1939 – 1940 йилларда Тошкент область Оққўрғон район Олимкент қишлоқ советидаги пахта заводида ишлаган. 1940 йилда Ленинск район ҳарбий комиссарлигидан Қизил Армия сафига чақирилган, сержант. 1940 – 1944 йилларда Сталинград, Воронеж, Киев ва Харьков фронтларидаги жангларда иштирок этган, 5 маротаба ярадор бўлган, 1944 йили III гуруҳ ногирони сифатида армиядан бўшатилган. 1944 – 1945 йилларда Ленинск шаҳар Сталин маҳалла комитетида котиб, Ленинск шаҳар ижроия комитетида қишлоқ хўжалиги бўлими мудири сифатида фаолият олиб борган.

**34. Назиров Тажимирза Назирович** 1919 йилда Андижон шаҳрида камбағал деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти ўрта, партиясиз, Андижон район Бўтақора қишлоқ советига қарашли бошланғич мактабда ўқитувчи, 1942 йилда армияга олинган, оддий аскар. 1942 – 1943 йилларда жанг ҳаракатларида иштирок этган, аммо касаллиги туфайли 1943 йили армиядан бўшатилган. 1943 – 1946 йилларда Андижон шаҳридаги Сталин заводида чилангар, 1947 – 1948 йилларда артелда цех мудири бўлиб ишлаган. Орадаги йилларда соғлиги ёмонлиги боис ишлаб чиқаришда қатнаша олмаган. 1950 йилдан Пиллакаш артелига ўтказилган.

**35. Костромин Яков Васильевич** 1906 йили Воронеж области Бобровск райони Верхний Икорез қишлоғида деҳқон оиласида туғилган, рус, маълумоти ўрта технолог. 1931 йил сентябрь ойидан партия аъзоси, техника соҳасида фаолият олиб борган. 1940 йилда Андижон область Жалолқудуқ районидан армияга олинган, капитан. 1943 йили Москва шаҳридаги СССР МКО ГУК бошланғич таркибида захирада, март ва сентябрь ойларида Шимоли-ғарбий фронтга захирадаги офицер сифатида жўна-

тилган. Калинин области ва Латвия ҳудудларидаги жанговар ҳаракатларда иштирок этган. 1-Белоруссия фронтида 1945 йил августга қадар хизматни давом эттирган.

1945 йили «Қизил байроқ» ордени ва «Германия устидан қозонилган ғалаба учун» медали билан тақдирланган.

Андижон вилоят Жалолқудуқ район ижроия комитетида саноат масаласи бўйича раис ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатган.



**36. Кизилов Пётр Григорьевич** 1903 йили Харьков области Двуречинск райони Новомлинск қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилган, украин, маълумоти – 4-синф, партиясиз, 1935 йилда Ворошилов районидаги райкомхозга ишлагани келган ва турли лавозимларда фаолият кўрсатган. 1941 йил 23 июлда Ворошилов районидан оддий алоқачи сифатида армияга олинган. 1941 – 1942 йилларда 1277-рақамли Кавказ фронти, 1943 – 1945 йилларда 3-Белорус фронтидаги жанг ҳаракатларида иштирок этган. 1941 – 1945 йиллар давомида бир марта яраланган.

1945 йили икки марта «Жасорат», «Кенигсбергни озод қилганлик учун» медаллари ҳамда «Ғалаба» кўкрак нишони билан тақдирланган.

1945 йил 1 ноябрь ойидан Ворошилов райкомхозида раислик қилган.



**37. Қосимов Давронбек** 1917 йили Андижон шаҳрида камбағал деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти ўрта, 1944 йил октябрь ойидан партия аъзоси. 1935 – 1937 йилларда Андижон шаҳар Ёрбоши қишлоқ советида ўқитувчи, 1938 – 1939 йилларда Тошкент шаҳрида Сталин номидаги пахтачилик ўқув комбинатида ўқиган. 1939 йили Андижон шаҳрида армияга олинган, сержант.

Харьков ва Киев шаҳарларида 227-, 228-армиялар таркибида ҳарбий ҳаракатларда иштирок этган, взвод командири.

СССР Олий Совети Президиуми фармонига мувофиқ 1945 йил 6 сентябрда «1941 – 1945 йилларда Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун» медали билан тақдирланган.

1947 – 1949 йилларда Андижон ижроия комитетида савдо бўлимида, Хўжаобод районида фаолият олиб борган. 1950 йилдан Андижон район ижтимоий таъминот бўлими мудирлигига ўтказилган.



**38. Каримов Ҳакимжон** 1924 йили Марҳамат райони Кўтарма қишлоғида деҳқон оиласида туғилган, қирғиз, маълумоти – 7-синф, партия аъзоси. 1936 – 1942 йилларда бошланғич мактабда ўқиган. 1943 йили Хўжаобод районидан армияга олинган, оддий аскар. СССР Олий Совети Президиуми фармонига мувофиқ 1945 йили «1941 – 1945 йилллларда Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун» медали билан тақдирланган.

1949 йил армиядан захирага бўшатилган. 1949 йилдан Кўтарма қишлоқ советида секретарь вазифасини бажарган.



**39. Каримов Раҳимжон (Каримович)** 1923 йил 5 декабрда Чинобод райони Қашқар маҳалласида камбағал деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти ўрта, 1943 йил май ойидан партия аъзоси, 1937 – 1941 йилларда Чинобод районидаги интернатда ўқиган. 1941 йили армияга олинган, лейтенант. 1941 – 1946 йилларда Қизил Армия сафида хизмат қилган. 1946 йили армиядан бўшатилган.

1947 йилдан Чинобод РИК қишлоқ советлари бўлими бошлиғи вазифасини бажарган. 1950

йилдан Чинобод райони ижроия бўлимида бўлим бошлиғи лавозимига ўтган.



**40. Каримов Насирдин** 1923 йили Андижон шаҳрида деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти 7-синф, 1950 йилдан партия аъзоси, 1933 – 1940 йилларда Оқёрдаги 7 йиллик мактабни тамомлаган. 1941 йилдан Оқёр қишлоқ советидаги колхозда табелчи, 1943 йилда армияга чақирилган, 1943 – 1947 йилларда армияда хизмат қилган, сержант. 1-Украина фронтида Прага шаҳрини душмандан озод қилишда иштирок этган. 1944 йилнинг сентябрида ўнг оёғидан ярадор бўлган. 1948 йилдан Оқёр пахта тайёрлов пунктида бўлим мудири вазифасида фаолиятини бошлаган.



**41. Каримов Маҳмуд** 1924 йил 11 майда Андижонда камбағал деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти 8-синф, партиясиз. 1940 – 1941 йилларда Бўтақора қишлоқ советига қарашли дўконда мудир, 1941 – 1942 йилларда Шўро қишлоқ советидаги Ворошилов колхозида колхозчи (кетмончи) бўлиб ишлаган. 1942 йил сентябрь ойида Андижон районидан армияга олинган, оддий аскар. 1943 йили Сталинград жангида иштирок этган. 1944 – 1949 йилларда 450-полк таркибида жангларда қатнашган.

СССР Олий Совети Президиуми фармонига мувофиқ 1945 йил ноябрда «Сталинград мудофааси учун» медали билан тақдирланган.

1949 йилда Шўро қишлоқ советида секретарликка тайинланган.

**42. Каримов Жўра** 1912 йили Шаҳрихонда ишчи оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти ўрта, 1939 йилдан партия аъзоси, 1929 – 1932 йилларда Андижон шаҳридаги қишлоқ хўжалиги техникумини тамомлаган. 1936 – 1937 йилларда Сталин райони Ўрта Шаҳрихон қишлоқ советининг раиси, 1937 – 1938 йилларда Сталин район ижроия комитетида раис муовини бўлиб ишлаган. 1938 – 1940 йилларда Украина ССР Харьков области Вологанск шаҳридаги 429-артиллерия полкига қарашли автотракторчилик мактабида ўқиган.



1940 – 1941 йилларда Литва ССРнинг Каунас шаҳридаги 429-артиллерия полкида дивизия автотехниги ёрдамчиси бўлган. Даражаси катта техник лейтенант. 1941 – 1943 йилларда Ғарбий Брянск фронтидаги 510-артиллерия полкида озиқ-овқат бўйича бошлиқ вазифасини бажарган. 1942 йили енгил ярадор бўлган. Уруш йилларида Ғарбий Брянск, 1-Болтиқбўйи, 3-Белоруссия фронтларида жанг қилган.

1943 – 1945 йилларда 1-Болтиқбўйи ва 3-Белорус фронтларидаги 236 ОРВБда техник таъминот бошлиғи, 1945 – 1947 йилларда Калининград шаҳридаги Болтиқбўйи ҳарбий округига қарашли 1740-автомобиллар бўйича омборнинг III бўлимини бошқарган.

1942 йили «Қизил байроқ» ордени, «Ҳарбий хизматлари учун» ва «Москва мудофаасидаги иштироки учун» медаллари билан тақдирланган. 1945 йилда «1941 – 1945 йилларда Ватан урушида Германия устидан қозонилган Ғалаба учун», «Кенигсбергни озод қилганлик учун» орденлари билан тақдирланган.

1947 йил март ойидан Сталин район ижроия комитетида раис муовини сифатида фаолият кўрсатган.

**43. Қобулов Абдулҳай** 1917 йил 23 февралда Андижон шаҳрида камбағал ҳунарманд оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти олий, 1947 йил июль ойидан партия аъзоси, 1937 – 1941 йилларда Тошкент юридик институтида ўқиган. 1941 йили Андижон шаҳридан армияга чақирилган, лейтенант. 1945 йилгача Болтиқбўйи фронти 322-ўқчи полки 32-ўқчи дивизиясида миномётчилар взводида командир бўлган. 1946 йил декабрда ҳарбий хизматдан бўшатилган. 1947 йили Чинобод район прокуратурасида ёр-

дамчи прокурор, 1948 йилдан Марҳамат район прокурорининг ёрдамчиси вазифаларида ишлаган.



**44. Қодиров Абдураим** 1915 йили Андижон области Шаҳрихон райони Сталин қишлоқ советидаги Ўрта Шаҳрихон қишлоғи Завод кўчаси 25-уйда ҳунарманд оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти ўрта, 1943 йил 23 июлдан партия аъзоси. 1936 йилдан колхозда ишлаган. 1936 йили Шаҳрихон район ҳарбий комиссарлигидан Қизил Армия сафига чақирилган, катта сержант. Хизматдан сўнг 1941 йил июлга қадар район типографияси ва «Сталинчи» газетасида директор лавозимида ишлаган. 1941 йил 22 июлда армияга сафарбар этилиб, 1944 йил 14 апрелига қадар Ғарбий фронт 352-ўқчи дивизияси 11/58-полк 1-батальонида жангларда фаол иштирок этган. Шу жангларнинг бирида бир кўзидан ажралган. 1944 йил 15 майда армиядан бўшатилган. 1945 йил 10 августдан Шаҳрихон қишлоқ советидаги кўп тармоқли «Социализм» артелида техник раҳбар, 1946 йилда Сталин районидаги «Янги куч» артелида раис, 1948 йилдан район ижроия қўмитаси қурилиш моллари ишлаб чиқариш бўлимида директор вазифаларида ишлаган.

**45. Қодиров Абдуваҳоб** 1924 йили Андижон области Жалолқудуқ райони Ёрқишлоқ қишлоқ совети Янгикўрпа қишлоғида ўртаҳол деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти – 10-синф, партиясиз. 1942 йили ўрта мактабни тамомлагач, Жалолқудуқ ҳарбий комиссарлиги орқали армияга чақирилган, сержант, 1944 йилга қадар полкда қурол-яроғ бўйича командирлик қилган. 1944 йилнинг 13 августида кўкрагидан оғир ярадор бўлгани учун фронтдан бўшатилган. Ёрқишлоқдаги «Карл Маркс» колхозида бухгалтер ёрдамчиси, 1947 йили қишлоқ совети секретари, 1950 йили қишлоқ совети раиси лавозимларида ишлаган.

**46. Исроилов Абдулла Усмонович** 1913 йили Андижон шаҳар Кенгаш маҳалласида ҳунарманд оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти ўрта, 1943 йил 3 июндан партия аъзоси. 1938 – 1941 йилларда Андижон педагогика билим юртида хўжалик ишларида ишлаган, 1941 йилдан Иттифоқ қишлоқ совети «Ёш Ленинчи» колхозида ҳисобчи бўлган. 1942 йили Андижон шаҳар ҳарбий комиссарлигидан армияга чақирилган, сержант, 1942 – 1943 йилларда 2-Болтиқбўйи фронти 271-полк 49-бўлимда ҳарбий ҳаракатлар иштирокчиси, 1943 – 1945 йилларда 1-Болтиқбўйи фронти Ленинград армияси 46-сапёрлар гвардиясида бўлим командири бўлган. 1942 йил 28 августда, 1943 йил 23 январда ва 1945 йил майида ярадор бўлган. 1945 йил ноябрида СССР Олий Совети фармони билан ҳарбий хизматдан бўшатилган.



СССР Олий Совети Президиуми фармонига мувофиқ 1944 йилда урушдаги иштироки учун икки марта «Жасорат» медали билан, 1946 йилда эса «Қизил Юлдуз» ордени билан мукофотланган.

1946 йилдан Пахтаобод район ижроия комитетига юборилган. 1947 йилдан район савдо бирлашмасида ишлаган.



**47. Исмоилов Жўра** 1925 йили Жалолқудуқ район Кадиксин қишлоқ советида деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти – 1-синф, партиясиз. 1940 – 1943 йилларда «Коммунизм» колхозида табелчилик қилган. 1943 йили Жалолқудуқ район ҳарбий комиссарлиги орқали армияга сафарбар қилинган. 1943 – 1945 йилларда 1-Украина фронти 207-кавалерия ўқчи полкида старшина даражасига қадар хизмат қилган. 1945 йили ҳарбий хизматдан бўшатилган.

1945 йилда «Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун» медали билан тақдирланган.

1946 йил 19 январдан бошлаб Охунбобоев қишлоқ советида секретарь вазифасида ишлаган.

**48. Исломов Мамажон** 1915 йили Хўжаобод район Ширмонбулоқ қишлоқ совети «Ленинизм» колхозида камбағал деҳқон оиласида туғилган, турк, маълумоти – 4-синф, партиясиз. 1936 – 1938 йилларда Қизил Армия сафида хизмат қилган. 1939 йил январдан Хўжаобод район Ширмонбулоқ қишлоқ советида молия агенти, 1941 йил январдан «Ленинизм» колхозида табелчи вазифаларида ишлаган. Сентябрда Хўжаобод район ҳарбий комиссарлигидан армияга сафарбар қилинган. 1941 – 1945 йилларда Ростов фронти линиясида хизмат қилган. 1946 йил майда ҳарбий хизматдан бўшатилган, сўнг яна қишлоқ советининг турли вазифаларида ишлаган.



**49. Исабоев Исмоил** 1907 йили Холдевонбек районы Найнаво қишлоқ советида камбағал деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти – 7-синф, 1932 йил ноябрдан партия аъзоси. 1937 – 1941 йилларда Фарғона шаҳар халқ судьяси, 1941 йил апрель ва августда Фарғона область мудофаа бўлимига қарашли корхоналардан бирида мудир, 1941 йил октябридан 1942 йилнинг августига қадар Фарғона область Қува районида артель раиси вазифаларида ишлаган. 1942 йили Сталин район ҳарбий комиссарлигидан армияга чақирилган. 1945 йилга қадар хизматни давом эттирган.

1944 йил 10 августда «Жасорат» медали билан тақдирланган.

Фронтдан қайтганидан сўнг Холдевонбек район ижроия комитетида турли лавозимларда ишлаган.

**50. Эгамбердиев Муҳаммаджон** 1913 йили Андижон район Қорақалпоқ қишлоғида камбағал ҳунарманд оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти 6-синф, партиясиз, колхозда ва қишлоқ советида секретарлик қилган. 1943 йили Андижон район ҳарбий комиссарлиги орқали армияга сафарбар қилинган. 1942 – 1943 йилларда Ленинградда 236-қисмда жанг ҳаракатларида иштирок этган. 1945 йили касаллиги туфайли ҳарбий хизматдан озод қилинган. 1945 – 1946 йилларда Андижон шаҳар савдо бўлимида мудир, 1946 – 1947 йилларда Андижон шаҳар «Жумҳурият» маҳалласида секретарь, 1950 йилдан Андижон район Найман қишлоқ советида секретарь вазифаларида ишлаган.





**51. Эгамбердиев Икромжон Исломович** 1920 йили Андижон шаҳар Кенгаш кўчасида камбағал деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти ўрта, 1945 йилдан партия аъзоси. Андижон шаҳридаги педагогика техникумини тугатиб, ўқитувчилик қилган. 1939 йили Андижон шаҳар ҳарбий комиссарлигидан ҳарбий хизматга олинган, 2-Украина фронтида катта лейтенант даражасида жангларда иштирок этган. 1941 – 1943 йилларда 2 марта оғир ярадор бўлган ва 1 марта бошидан контузияни кечирган. 1946 йили армиядан бўшатилган, сўнг Избоскан район ижроия қўмитасида масъул котиб бўлиб ишлаган.

1945 йил 20 июнда I – II даражали «Улуғ Ватан уруши қатнашчиси» медали билан тақдирланган.

**52. Жўраев Мамат** 1910 йили Шаҳрихон районида камбағал деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти – 4-синф, 1944 йилдан партия аъзоси. 1936 – 1942 йилларда Киров номли колхозда турли лавозимларда ишлаган. 1942 йили Шаҳрихон район ҳарбий комиссарлиги орқали армияга сафарбар этилган. 1945 йили армиядан бўшатилган. «Киров» колхозида ҳосилот, 1946 – 1950 йилларда ферма мудири, 1950 йилдан Чкалов қишлоқ советида раис каби лавозимларда ишлаган.

**53. Эшмирзаев Тошмирза** 1920 йили Балиқчи район Балиқчи қишлоқ советида деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти ўрта, партиясиз. Колхозда, қишлоқ советида секретарь вазифаларида ишлаган. 1941 йили Балиқчи ҳарбий комиссарлигидан армияга олинган, сержант, 3-Белорус фронтида жанг ҳаракатларида иштирок этган. 1943 йили ярадор ва контузия бўлган. 1945 йили фронтдан бўшатилган.

1943 йили ҳарбий қўмондонликнинг тавсиясига кўра фронтдаги ҳарбий топшириқларни бажаришдаги жасурлиги учун «Жанговар хизматлари учун» медали билан тақдирланган.

1945 йилдан Балиқчи район ижроия қўмитасида ишлай бошлаган.

**54. Бурҳонов Эргаш** 1915 йили Балиқчи райони Балиқчи қишлоқ совети Гўрабон қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти 5-синф, партиясиз. «Усмон Юсупов» номли колхозда турли вазифаларда ишлаган. 1939 йили Балиқчи ҳарбий комиссарлигидан армияга чақирилган. 1939 – 1940 йилларда 241-ўқчи полкида оддий аскар, 1940 – 1945 йилларда дастлаб 31-зенит артиллерия бўлинмаси сержанти, полкда қурол-яроғ командири, сўнгра 360-зенит артиллерия дивизиясида қурол-яроғ командири бўлиб хизмат қилган. 1946 – 1947 йилларда Ўрмонбекдаги 5-сонли мактабда ҳарбий таълим ўқитувчиси, 1948 йилдан Балиқчи район ижроия қўмитасида жисмоний маданият бўлимида раис лавозимларида ишлаган.

**55. Аҳмедов Раҳматжон** 1913 йили Пахтаобод райони Қўқонқишлоқ қишлоқ советида камбағал деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти тугалланмаган олий, партия аъзоси. Маданият қишлоқ советига қарашли бошланғич мактабда ўқитувчилик қилган. 1941 йили Пахтаобод ҳарбий комиссарлигидан армияга олинган. 1945 йилга қадар Куйбишев шаҳридаги 61-ҳарбий қисмда хизмат қилган. Шарқий Пруссия, Ленинград ва Литва шаҳарлари учун жангларда енгил ярадор бўлган. 1945 йили ҳарбийликдан бўшатилган.

1945 йили «Улуғ Ватан уруши қатнашчиси» медали билан тақдирланган.

1946 – 1954 йиллларда Уйғур қишлоқ советидаги Крупская номли 7 йиллик бошланғич мактабда ўқитувчилик қилган.

**56. Тўйчибоев Эркинбой** 1913 йили Андижон шаҳрида деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти бошланғич, партиясиз. Андижон районидаги Сталин номли колхозда ишлаган. 1935 – 1937 йилларда қизил армия сафларида ҳарбий хизматчи, 1938 – 1942 йилларда Андижон шаҳрида ветеринария бўлимида санитар бўлиб ишлаган. 1942 йилда Андижон шаҳар ҳарбий комиссарлигидан армияга олинган. 1943 йили соғлиги ёмонлиги боис фронтдан бўшатилган. 1943 – 1947 йилларда аввалги ишида ишлаган, 1947 йилдан 1974 йилга қадар Андижон шаҳар ижроия қўмитасида турли ишларда ишлаган.

# БУЮК ҒАЛАБАНИНГ УНУТИБ БЎЛМАС САҲИФАЛАРИ

Р.Т.ШАМСУТДИНОВ, И.НАСИРИДИНОВ, Р.Р.ШАМСИДДИНОВ, Ғ.ҲАЙДАРОВ
томонидан тайёрланган



И.В.Сталиннинг совет халқига 1941 йил 3 июлдаги радио орқали мурожаати

Товарищи! Граждане! Братья и сестры!

Бойцы нашей армии и флота!

К вам обращаюсь я, друзья мои!

Вероломное военное нападение гитлеровской Германии на нашу Родину, начатое 22 июня, продолжается, несмотря на героическое сопротивление Красной Армии, несмотря на то, что лучшие дивизии врага и лучшие части его авиации уже разбиты и нашли себе могилу на полях сражения, враг продолжает лезть вперед, бросая на фронт новые силы. Гитлеровским войскам удалось захватить Литву, значительную часть Латвии, западную часть Белоруссии, часть Западной Украины. Фашистская авиация расширяет районы действия своих бомбардировщиков, подвергая бомбардировкам Мурманск, Оршу, Могилев, Смоленск, Киев, Одессу, Севастополь. Над нашей Родиной нависла серьезная опасность.

Как могло случиться, что наша славная Красная Армия сдала фашистским войскам ряд наших городов и районов? Неужели немецко-фашистские войска в самом деле являются непобедимыми войсками, как об этом трубят неустанно фашистские хвастливые пропагандисты?

Конечно, нет! История показывает, что непобедимых армий нет и не бывало. Армию Наполеона считали непобедимой, но она была разбита попеременно русскими, английскими, немецкими войсками. Немецкую армию Вильгельма в период первой империалистической войны тоже считали непобедимой армией, но она несколько раз терпела поражения от русских и англофранцузских войск и, наконец, была разбита англо-французскими войсками. То же самое нужно сказать о нынешней немецко-фашистской армии Гитлера. Эта армия не встречала еще серьезного сопротивления на континенте Европы. Только на нашей терри-

тории встретила она серьезное сопротивление. И если в результате этого сопротивления лучшие дивизии немецко-фашистской армии оказались разбитыми нашей Красной Армией, то это значит, что гитлеровская фашистская армия так же может быть разбита и будет разбита, как были разбиты армии Наполеона и Вильгельма.

Что касается того, что часть нашей территории оказалась все же захваченной немецко-фашистскими войсками, то это объясняется главным образом тем, что война фашистской Германии против СССР началась при выгодных условиях для немецких войск и невыгодных для советских войск. Дело в том, что войска Германии как страны, ведущей войну, были уже целиком отмобилизованы и 170 дивизий, брошенных Германией против СССР и придвинутых к границам СССР, находились в состоянии полной готовности, ожидая лишь сигнала для выступления, тогда как советским войскам нужно было еще отмобилизоваться и придвинуться к границам. Немалое значение имело здесь и то обстоятельство, что фашистская Германия неожиданно и вероломно нарушила пакт о ненападении, заключенный в 1939 году между ней и СССР, не считаясь с тем, что она будет признана всем миром стороной нападающей. Понятно, что наша миролюбивая страна, не желая брать на себя инициативу нарушения пакта, не могла стать на путь вероломства.

Могут спросить: как могло случиться, что Советское правительство пошло на заключение пакта о ненападении с такими вероломными людьми и извергами, как Гитлер и Риббентроп? Не была ли здесь допущена со стороны Советского правительства ошибка? Конечно, нет! Пакт о ненападении есть пакт о мире между двумя государствами. Именно такой пакт предложила нам Германия в 1939 году. Могло ли Советское правительство отказаться от такого предложения? Я думаю, что ни одно миролюбивое государство не может отказаться от мирного соглашения с соседней державой, если во главе этой державы стоят даже такие изверги и людоеды, как Гитлер и Риббентроп. И это, конечно, при одном непременном условии – если мирное соглашение не задевает ни прямо, ни косвенно территориальной целостности, независимости и чести миролюбивого государства. Как известно, пакт о ненападении между Германией и СССР является именно таким пактом.

Что выиграли мы, заключив с Германией пакт о ненападении? Мы обеспечили нашей стране мир в течение полутора годов и возможность подготовки своих сил для отпора, если фашистская Германия рискнула бы напасть на нашу страну вопреки пакту. Это определенный выигрыш для нас и проигрыш для фашистской Германии.

Что выиграла и проиграла фашистская Германия, вероломно разорвав пакт и совершив нападение на СССР? Она добилась этим некоторого выигрышного положения для своих войск в течение короткого срока, но она проиграла политически, разоблачив себя в глазах всего мира как кровавого агрессора. Не может быть сомнения, что этот непродолжительный военный выигрыш для Германии является лишь эпизодом, а громадный политический выигрыш для СССР является серьезным и длительным фактором, на основе которого должны развернуться решительные военные успехи Красной Армии в войне с фашистской Германией.

Вот почему вся наша доблестная армия, весь наш доблестный военно-морской флот, все наши летчики-соколы, все народы нашей страны, все лучшие люди Европы, Америки и Азии, наконец, все лучшие люди Германии клеймят вероломные действия германских фашистов и сочувственно относятся к Советскому правительству, одобряют поведение Советского правительства и видят, что наше дело правое, что враг будет разбит, что мы должны победить.

В силу навязанной нам войны наша страна вступила в смертельную схватку со своим злейшим и коварным врагом – германским фашизмом. Наши войска героически сражаются с врагом, вооруженным до зубов танками и авиацией. Красная Армия и Красный Флот, преодолевая многочисленные трудности, самоотвер-

женно бьются за каждую пядь Советской земли. В бой вступают главные силы Красной Армии, вооруженные тысячами танков и самолетов. Храбрость воинов Красной Армии беспримерна. Наш отпор врагу крепнет и растет. Вместе с Красной Армией на защиту Родины подымается весь советский народ.

Что требуется для того, чтобы ликвидировать опасность, нависшую над нашей Родиной, и какие меры нужно принять для того, чтобы разгромить врага?

Прежде всего необходимо, чтобы наши люди, советские люди, поняли всю глубину опасности, которая угрожает нашей стране, и отрешились от благодушия, от беспечности, от настроений мирного строительства, вполне понятных в довоенное время, но пагубных в настоящее время, когда война коренным образом изменила положение. Враг жесток и неумолим. Он ставит своей целью захват наших земель, политых нашим потом, захват нашего хлеба и нашей нефти, добытых нашим трудом. Он ставит своей целью восстановление власти помещиков, восстановление царизма, разрушение национальной культуры и национальной государственности русских, украинцев, белорусов, литовцев, латышей, эстонцев, узбеков, татар, молдован, грузин, армян, азербайджанцев и других свободных народов Советского Союза, их онемечение, их превращение в рабов немецких князей и баронов. Дело идет, таким образом, о жизни и смерти Советского государства, о жизни и смерти народов СССР, о том быть народам Советского Союза свободными или впасть в порабощение. Нужно, чтобы советские люди поняли это и перестали быть беззаботными, чтобы они мобилизовали себя и перестроили всю свою работу на новый, военный лад, не знающий пощады врагу.

Необходимо, далее, чтобы в наших рядах не было места нытикам и трусам, паникерам и дезертирам, чтобы наши люди не знали страха в борьбе и самоотверженно шли на нашу Отечественную освободительную войну против фашистских поработителей. Великий Ленин, создавший наше государство, говорил, что основным качеством советских людей должно быть храбрость, отвага, незнание страха в борьбе, готовность биться вместе с народом против врагов нашей Родины. Необходимо, чтобы это великолепное качество большевика стало достоянием миллионов и миллионов Красной Армии, нашего Красного Флота и всех народов Советского Союза.

Мы должны немедленно перестроить всю нашу работу на военный лад, все подчинив интересам фронта и задачам организации разгрома врага. Народы Советского Союза видят теперь, что германский фашизм неукротим в своей бешеной злобе и ненависти к нашей Родине, обеспечившей всем трудящимся свободный труд и благосостояние. Народы Советского Союза должны подняться на защиту своих прав, своей земли против врага.

Красная Армия, Красный Флот и все граждане Советского Союза должны отстаивать каждую пядь Советской земли, драться до последней капли крови за наши города и села, проявлять смелость, инициативу и сметку, свойственные нашему народу.

Мы должны организовать всестороннюю помощь Красной Армии, обеспечить усиленное пополнение ее рядов, обеспечить ее снабжение всем необходимым, организовать быстрое продвижение транспортов с войсками и военными грузами, широкую помощь раненым.

Мы должны укрепить тыл Красной Армии, подчинив интересам этого дела всю свою работу, обеспечить усиленную работу всех предприятий, производить больше винтовок, пулеметов, орудий, патронов, снарядов, самолетов, организовать охрану заводов, электростанций, телефонной и телеграфной связи, наладить местную противовоздушную оборону.

Мы должны организовать беспощадную борьбу со всякими дезорганизаторами тыла, дезертирами, паникерами, распространителями слухов, уничтожать шпионов, диверсантов, вражеских парашютистов, оказывая во всем этом быстрое содействие нашим истребительным батальонам. Нужно иметь в виду, что

враг коварен, хитер, опытен в обмане и распространении ложных слухов. Нужно учитывать все это и не поддаваться на провокации. Нужно немедленно предавать суду военного трибунала всех тех, кто своим паникерством и трусостью мешают делу обороны, не взирая на лица.

При вынужденном отходе частей Красной Армии нужно угонять весь подвижной железнодорожный состав, не оставлять врагу ни одного паровоза, ни одного вагона, не оставлять противнику ни одного килограмма хлеба, ни литра горючего. Колхозники должны угонять весь скот, хлеб сдавать под сохранность государственным органам для вывозки его в тыловые районы. Все ценное имущество, в том числе цветные металлы, хлеб и горючее, которое не может быть вывезено, должно безусловно уничтожаться.

В занятых врагом районах нужно создавать партизанские отряды, конные и пешие, создавать диверсионные группы для борьбы с частями вражеской армии, для разжигания партизанской войны всюду и везде, для взрыва мостов, дорог, порчи телефонной и телеграфной связи, поджогов лесов, складов, обозов. В захваченных районах создавать невыносимые условия для врага и всех его пособников, преследовать и уничтожать их на каждом шагу, срывать все их мероприятия.

Войну с фашистской Германией нельзя считать войной обычной. Она является не только войной между двумя армиями. Она является вместе с тем великой войной всего советского народа против немецко-фашистских войск. Целью этой всенародной Отечественной войны против фашистских угнетателей является не только ликвидация опасности, нависшей над нашей страной, но и помощь всем народам Европы, стонущим под игом германского фашизма. В этой освободительной войне мы не будем одинокими. В этой великой войне мы будем иметь верных союзников в лице народов Европы и Америки, в том числе в лице германского народа, порабощенного гитлеровскими заправилами. Наша война за свободу нашего



Отечества сольется с борьбой народов Европы и Америки за их независимость, за демократические свободы. Это будет единый фронт народов, стоящих за свободу, против порабощения и угрозы порабощения со стороны фашистских армий Гитлера. В этой связи историческое выступление премьера Великобритании господина Черчилля о помощи Советскому Союзу и декларация правительства США о готовности оказать помощь нашей стране, которые могут вызвать лишь чувство благодарности в сердцах народов Советского Союза, являются вполне понятными и показательными.

Товарищи! Наши силы неисчислимы. Зазнавшийся враг должен будет скоро убедиться в этом. Вместе с Красной Армией поднимаются многие тысячи рабочих, колхозников, интеллигенции на войну с напавшим врагом. Поднимутся миллионные массы нашего народа. Трудящиеся Москвы и Ленинграда уже приступили к созданию многотысячного народного ополчения на поддержку Красной Армии. В каждом городе, которому угрожает опасность нашествия врага, мы должны создать такое народное ополчение, поднять на борьбу всех трудящихся, чтобы своей грудью защищать свою свободу, свою честь, свою Родину в нашей Отечественной войне с германским фашизмом.

В целях быстрой мобилизации всех сил народов СССР, для проведения отпора врагу, вероломно напавшему на нашу Родину, создан Государственный Комитет Обороны, в руках которого теперь сосредоточена вся полнота власти в государстве. Государственный Комитет Обороны приступил к своей работе и призывает весь народ сплотиться вокруг партии Ленина-Сталина, вокруг Советского правительства для самоотверженной поддержки Красной Армии и Красного Флота, для разгрома врага, для победы.

Все наши силы – на поддержку нашей героической Красной Армии, нашего славного Красного Флота!

Все силы народа – на разгром врага!

Вперед, за нашу победу!

**«Правда». 3 июля 1941 года**

Ўртоқлар! Гражданлар! Ака-укалар! Опа-сингиллар!

Армиямиз ва флотимиз жангчилари!

Мен сизларга мурожаат қиляпман, дўстларим!

Гитлер Германиясининг 22 июнь куни Ватанимизга қилган хиёнаткорона ҳарбий ҳужуми Қизил Армиянинг қаҳрамонона қаршилигига учрагани, душманнинг энг зўр дивизиялари ва унинг энг зўр авиацияси йўқ қилингани, улар жанг майдонларида ўзларига қабр қазиганига қарамай, душман фронтга янги кучларни ташлаган ҳолда олдинга силжишни давом эттирмоқда. Гитлер қўшинлари Литвани, Латвиянинг маълум қисмини, Белоруссиянинг ғарбий қисмини, Ғарбий Украинанинг бир қисмини босиб олишга муваффақ бўлишди. Фашист авиацияси Мурманск, Орша, Могилёв, Смоленск, Киев, Одесса, Севастополни бомбардимон қилиб, ҳаракатланиш доирасини кенгайтиряпти. Ватанимиз жиддий хавф остида қолди.

Қандай қилиб бизнинг шонли Қизил Армиямиз фашист қўшинларига қатор шаҳар ва районларимизни топшириб қўйди? Наҳотки, фашист қўшинлари, уларнинг мақтанчоқ тарғиботчилари тинмай жар солаётганидек, енгилмас қўшинлар бўлса?

Албатта, йўқ! Тарих кўрсатганидек, енгилмас армия йўқ ва бўлмаган. Наполеон армиясини енгилмас деб ҳисоблашган, бироқ у рус, инглиз, немис қўшинлари томонидан яксон қилинди. Биринчи империалистик уруш даврида Вильгельмнинг немислар армиясини ҳам енгилмас армия деб аташган эди. Бироқ у рус ва англофранцуз қўшинларидан бир неча бор енгилиб, ниҳоят, англофранцуз қўшинлари томонидан яксон этилган. Гитлернинг ҳозирги немис-фашист армияси ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Бу армия ҳали Европа қитъасида қаршиликка учрамаган. Фақат бизнинг ҳудудимизда у жиддий қаршиликка дучор бўлди. Ушбу қаршилик натижасида немис-фашист армиясининг энг зўр дивизиялари Қизил Армия томонидан яксон қилинган экан, Гитлер фашист армияси ҳам худди Наполеон ва Вильгельм армияси сингари яксон этилиши мумкин ва шундай бўлади ҳам.

Ҳудудимизнинг бир қисми немис-фашист қўшинлари томонидан босиб олинишига келсак, буни асосан шундай тушунтириш керакки, фашист Германиясининг СССРга қарши уруши немис қўшинлари учун қулай, совет қўшинлари учун эса ноқулай шароитда бошланди. Гап шундаки, Германия қўшинлари уруш олиб бораётган бошқа мамлакатлар қатори тўла сафарбар қилинган, Германия томонидан СССРга қарши қаратилган ва СССР чегарасига яқин олиб келинган 170 та дивизия тўла тайёр ҳолга келтирилган, фақат ҳужум ҳақида бериладиган белгини кутаётган эди. Совет қўшинларини эса шу пайтда сафарбар қилишга ва чегарага силжитишга тўғри келди. Бу ерда яна бир ҳолат муҳим аҳамиятга эга бўлдики, фашист Германияси жаҳонда биринчи бўлиб ҳужум қилувчи томон деб тан олинишдан чўчимай, 1939 йилги Германия ва СССР ўртасида тузилган ҳужум қилмаслик тўғрисидаги пактни бузди. Шу нарса маълумки, бизнинг тинчликсевар мамлакатимиз пактни бузиш ташаббусини ўз зиммасига олиб, мунофиқлиқ йўлини танлай олмасди.

Сўраш мумкин: қандай қилиб Совет ҳукумати Гитлер ва Риббентроп каби хиёнаткор кишилар ва ваҳшийлар билан ҳужум қилмаслик тўғрисидаги пактни тузиши мумкин? Бу ерда Совет ҳукумати томонидан хатоликка йўл қўйилмаганми? Албатта, йўқ! Ҳужум қилмаслик тўғрисидаги пакт икки давлат ўртасидаги тинчлик тўғрисидаги пакт демакдир. Германия 1939 йилда бизга айнан шундай пактни таклиф қилган. Совет ҳукумати бундай таклифни рад эта олармиди? Мен ўйлайманки, биронта ҳам тинчликсевар давлат қўшни давлат билан тинч келишувдан воз кеча олмайди, ҳатто ушбу давлат тепасида Гитлер ва Риббентроп сингари золим ва одамхўрлар турса ҳам. Албатта, бу битта зарурий шарт билан тузилади, яъни тинч келишув тўғри маънода ҳам, кўчма маънода ҳам тинчликсевар давлатнинг ҳудудий бутунлигига, мустақиллигига ва номусига таъсир этмаслиги керак. Маълумки, Германия ва СССР ўртасидаги ҳужум қилмаслик тўғрисидаги пакт айнан шундай пакт ҳисобланади.

Биз Германия билан ҳужум қилмаслик тўғрисидаги пактни тузиб нимани ютдик? Биз бир ярим йил мобайнида мамлакатимизда тинчликни таъминладик, агар Германия пактни бузиб, мамлакатимизга ҳужум қилишга ботинса, унга қарши зарба бериш учун кучларимизни тайёрлаш имкониятини яратдик. Бу маълум жиҳатдан биз учун ютиш, фашист Германияси учун эса ютқазишдир.

Фашист Германияси пактни хиёнаткорона бузиб СССРга ҳужум уюштиришдан нимани ютди? У қисқа муддат мобайнида ўз қўшинининг ютуғини таъминлаб берди. Бироқ у бутун дунё кўз ўнгида қонхўр агрессор сифатида фош этилиб, сиёсий жиҳатдан ютқазди. Шубҳа йўқки, узоқ давом этмайдиган ушбу ҳарбий ютуқ Германия учун шунчаки бир тасодиф, холос. Салмоқли сиёсий ютуқ эса СССР учун жиддий ва узоқ давом этадиган омилга айланади. Унинг негизида Қизил Армиянинг фашист Германияси билан бўлган урушдаги жиддий ҳарбий ютуқлари кенг ёйилиши керак.

Мана нима учун бизнинг шавкатли армиямиз, бизнинг бутун шавкатли ҳарбий-денгиз флотимиз, бутун учувчи-лочинларимиз, бутун мамлакатимиз халқи, Европа, Америка ва Осиёнинг ҳамма яхши одамлари, қолаверса, Германиянинг ҳамма яхши одамлари Германия фашистларининг хиёнаткорона ҳаракатини лаънатламоқда ва Совет ҳукуматига хайрихоҳ муносабатда бўлмоқда. Совет ҳукуматининг ҳаракатини маъқуллаб, бизнинг ишимиз тўғри эканлигини, душман яксон қилинишини, биз ғалаба қозонишимиз лозимлигини кўришмоқда.

Урушга дучор қилинган мамлакатимиз ўзининг ёвуз ва маккор душмани – Германия фашизмига қарши қонли курашга киришди. Бизнинг қўшинларимиз тиш-тирноғигача танк ва авиация билан қуролланган душман билан қаҳрамонона жанг олиб бормоқда. Қизил Армия ва Қизил Флот кўплаб қийинчиликларни енгиб ўтиб, Совет тупроғининг ҳар бир қаричи учун фидокорона курашмоқда. Қизил Армиянинг минглаб танклар ва самолётлар билан қуролланган асосий кучлари жангга киришяпти. Қизил Армия жангчиларининг довюраклиги шубҳасиздир. Душманга қарши ҳужумимиз Қизил Армия билан биргаликда мустаҳкамланиб,

тобора кучайиб бормоқда. Бутун совет халқи Ватан ҳимояси учун қўзғалмоқда.

Ватанимизга қаратилган хавфни бартараф этиш учун нима талаб қилинади, душманни тор-мор этиш учун қандай чораларни кўриш керак?

Энг аввало, бизнинг кишиларимиз, совет кишилари мамлакатимиз хавф остида эканлигини чуқур англамоғи ҳамда бепарволик ва беғамликдан, тинч қурилиш даври кайфиятидан халос бўлишлари лозим. Урушгача бўлган даврга хос бундай ҳолатлар уруш ҳамма нарсани ўзгартираётган бир пайтда ҳалокатли ҳисобланади. Душман шафқатсиз ва беомон. У пешона теримиз тўкилган ерларимизни босиб олишни, меҳнатимиз билан яратилган нонимиз ва нефтимизни эгаллашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. У ўз олдига помешчиклар ҳокимиятини, подшоҳликни тиклаш, руслар, украинлар, белоруслар, литваликлар, латвияликлар, эстонлар, ўзбеклар, татарлар, молдованлар, грузинлар, арманлар, озарбайжонлар ва бошқа Совет Иттифоқининг эркин халқлари миллий маданияти ва миллий давлатчилигини йўқ қилишни, уларни немис князлари ва баронларининг қулига айлантиришни мақсад қилиб олган. Шу тариқа гап Совет давлатининг ҳаёти ва ўлими, СССР халқларининг ҳаёти ва ўлими, Совет Иттифоқи халқларининг озод ёки қул бўлиши тўғрисида бормоқда. Совет кишилари буни тушунишлари ва бепарво бўлмасликлари, ўзларини тўла сафарбар этган ҳолда бутун фаолиятини душманга шафқат нима эканлигини билмайдиган янги, ҳарбий йўсинга солиб олишлари керак.

Кейин яна шу нарса зарур бўладики, сафларимизда мижғов ва қўрқоқларга, ваҳимачи ва қочоқларга жой бўлмаган ҳолда бизнинг одамларимиз курашда қўрқувни билмасликлари, фашист босқинчиларига қарши Ватан озодлик урушига фидойилик билан боришлари керак. Буюк Ленин бизнинг давлатимизни барпо эта туриб ҳушёрлик, жасурлик, курашда қўрқув билмаслик, Ватанимиз душманларига қарши халқ билан бирга кураш олиб боришга тайёр бўлиш совет кишиларининг асосий сифати эканлигини айтган эди. Большевикка хос бўлган бундай юксак сифат миллионларнинг, миллионлаб Қизил Армия, Қизил Флотимиз ва Совет Иттифоқи барча халқларининг мулкига айланиши керак.

Биз ҳамма нарсани фронт манфаатларига ва душманни тор-мор қилишни ташкил этиш вазифаларига бўйсундирмоғимиз лозим. Совет Иттифоқи халқлари фашизм ўзининг қутурган адовати билан бировга сўз бермаслигини, барча меҳнаткашларнинг эркин меҳнат қилишини ва фаровонлигини таъминлаётган Ватанимизни кўра олмаслигини тушуниб қолди. Совет Иттифоқи халқлари ўз ҳуқуқини, ўз ерини душмандан ҳимоя қилиш учун кўтарилиши керак.

Қизил Армия, Қизил Флот ва Совет Иттифоқининг барча фуқаролари Совет тупроғининг ҳар бир қаричини ҳимоя қилишлари, шаҳар ва қишлоқларимиз учун сўнгги қони қолгунича курашишлари, халқимизга хос бўлган довюраклик ва ташаббус кўрсатишлари шарт.

Биз Қизил Армияга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишимиз, унинг сафларини тўлдиришни, барча зарур нарсалар билан таъминлашни ташкил этишимиз, ҳарбийлар ва ҳарбий юкларнинг тез ҳаракатланишини йўлга қўйишимиз, ярадорларга кенг кўламли ёрдамлар кўрсатишимиз зарур.

Биз Қизил Армиянинг фронт ортини мустаҳкамлашимиз, ўзимизнинг бутун меҳнатимизни унинг манфаатларига бўйсундиришимиз, барча корхоналарнинг кучайтирилган усулда ишлашини таъминлашимиз, милтиқлар, пулемётлар, қуроллар, патронлар, снарядлар, самолётларни кўпроқ ишлаб чиқаришимиз, заводлар, электростанциялар, телефон ва телеграф алоқасини қўриқлашни ташкил қилишимиз, маҳаллий ҳаво ҳужумидан мудофаа тизимини йўлга қўйишимиз керак.

Биз фронт ортидаги ҳар қандай бузғунчилар, дезертирлар, ваҳимачилар ва мишмиш тарқатувчиларга қарши шафқатсиз кураш олиб боришимиз, жосуслар, қўпорувчилар, душман парашютчиларини йўқ қилишимиз, бу борада қирувчи батальонларимизга тезкор ёрдамлар кўрсатишимиз шарт. Шуни ҳисобга олиш керакки, душман маккор, айёр, ёлғон ва ёлғон мишмишлар тарқатишнинг ҳадисини олган.

Буларнинг ҳаммасини ҳисобга олиш ва унинг иғвосига берилмаслик керак. Ваҳима тарқатиши ва қўрқоқлиги билан мудофаа ишига халал бераётганларни юзига қарамай зудлик билан ҳарбий трибунал судига топшириш керак.

Қизил Армия қисмлари мажбурий чекинган пайтда ҳаракатдаги бутун темир йўл составини олиб кетиш, душманга биронта паровозни, биронта вагонни, бир килограмм ҳам буғдойни, бир литр ҳам ёнилғини қолдирмаслик лозим. Колхозчилар бутун чорвани ҳайдаб чиқиши, донни фронт орти районларига ташиш учун давлат органлари ихтиёрига топшириши керак. Ташиб кетиш мумкин бўлмаган барча қимматбаҳо моллар, шу жумладан, рангли металлар, дон ва ёнилғи сўзсиз йўқ қилиниши талаб этилади.

Душман эгаллаб олган районларда душман армияси қисмлари билан курашиш, барча жойда партизанлик урушини кучайтириш, кўприклар, йўлларни портлатиш, телефон ва телеграф алоқасини ишдан чиқариш, ўрмонлар, омборхоналар, араваларга ўт қўйиш учун отлиқ ва пиёда ҳаракатланувчи партизан отрядларини тузиш зарур. Босиб олинган районларда душман ва унинг барча шерикларига чидаб бўлмайдиган шароитларни яратиш, уларни ҳар қадамда таъқиб қилиш ва ўлдириш, уларнинг барча тадбирларини барбод этиш керак.

Фашист Германияси билан бўлаётган урушга оддий уруш деб қарамаслик лозим. У фақат иккита армия ўртасидаги уруш эмас. У бир пайтнинг ўзида бутун совет халқининг немис-фашист қўшинларига қарши уруши ҳисобланади. Фашист босқинчиларига қарши олиб борилаётган умумхалқ Ватан урушининг мақсади фақат мамлакатимиз узра ёғилаётган хавфни бартараф этиш эмас, балки Германия фашизми асорати остида эзилаётган бутун Европа халқига ёрдам кўрсатишдан ҳам иборатдир. Бу озодлик урушида биз ёлғиз бўлмаймиз. Бу қутлуғ урушда Европа ва Америка халқлари тимсолида, шу жумладан, гитлерчилар корчалонлигида қуллик асоратига тушиб қолган Германия халқи тимсолида ишончли шерикларга эгамиз. Ватанимиз озодлиги йўлида олиб бораётган урушимиз Европа ва Америка халқларининг мустақиллик учун, демократик эркинлик учун олиб бораётган курашига уйғунлашиб кетади. Бу озодлик йўлини танлаган, қулликка қарши, қолаверса, Гитлернинг фашистик армияси хавф солаётган қуллик асоратларига қарши жипслашаётган халқларнинг ягона фронти ҳисобланади. Шу ўринда Буюк Британия премьери жаноб Черчилнинг Совет Иттифоқига ёрдам кўрсатиш ҳақидаги чиқиши ва АҚШ ҳукуматининг мамлакатимизга ёрдам кўрсатишга тайёрлиги тўғрисидаги декларацияси Совет Иттифоқи халқлари қалбида миннатдорчилик ҳисларини уйғотади ва улар ўта тушунарли ва намуна бўлса арзигуликдир.

Ўртоқлар! Бизнинг кучимиз беҳисоб. Димоғдор душман тез орада бунга иқрор бўлади. Қизил Армия билан бирга кўп минг сонли ишчилар, колхозчилар, интеллигенция вакиллари ҳужум бошлаган душманга қарши кўтарилляпти. Миллионлаб халқ оммаси кўтарилмоқда. Москва ва Ленинград меҳнаткашлари Қизил Армияга кўмак сифатида кўп минг сонли халқ кўнгиллилари қўшинини тузишди. Душман ҳужуми хавф солаётган ҳар битта шаҳарда мана шундай халқ кўнгиллилари қўшинларини тузишимиз, барча меҳнаткашларни Германия фашизми билан кечаётган Ватан урушида ўз эркини, ўз номусини, ўз Ватанини кўкси билан ҳимоя қилишга сафарбар этишимиз лозим.

Ватанимизга хиёнаткорона бостириб кирган душманга қаршилик кўрсатиш учун СССР халқларининг барча кучларини тезкор сафарбар этиш мақсадида Давлат Мудофаа Комитети тузилди. Энди давлатнинг барча ҳокимияти унинг қўлида мужассамлашган. Давлат Мудофаа Комитети ўз ишини бошлади ва у бутун халқни Қизил Армия ва Қизил Флотни фидойилик билан қўллаб-қувватлаш, душманни яксон қилиш, ғалабага эришиш учун Ленин-Сталин партияси атрофида, Совет ҳукумати атрофида мустаҳкам жипслашишга чақиради.

Бизнинг бутун кучимиз – қаҳрамонона Қизил Армиямизни, шонли Қизил Флотимизни қўллаб-қувватлашга!

Халқнинг бутун кучи – душманни тор-мор қилишга!

Ғалабамиз сари олға!

**«Правда». 1941 йил 3 июль**

## И.В.СТАЛИННИНГ 1941 ЙИЛ 7 НОЯБРДАГИ ПАРАДДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Товарищи красноармейцы и краснофлотцы, командиры и политработники, рабочие и работницы, колхозники и колхозницы, работники интеллигентского труда, братья и сёстры в тылу нашего врага, временно попавшие под иго немецких разбойников, наши славные партизаны и партизанки, разрушающие тылы немецких захватчиков!

От имени Советского правительства и нашей большевистской партии приветствую вас и поздравляю с 24-й годовщиной Великой Октябрьской социалистической революции.

Товарищи! В тяжёлых условиях приходится праздновать сегодня 24-ю годовщину Октябрьской революции. Вероломное нападение немецких разбойников и навязанная нам война создали угрозу для нашей страны. Мы потеряли временно ряд областей, враг очутился у ворот Ленинграда и Москвы. Враг рассчитывал на то, что после первого же удара наша армия будет рассеяна, наша страна будет поставлена на колени. Но враг жестоко просчитался. Несмотря на временные неуспехи, наша армия и наш флот геройски отбивают атаки врага на протяжении всего фронта, нанося ему тяжёлый урон, а наша страна – вся наша страна – организовалась в единый лагерь, чтобы вместе с нашей армией и нашим флотом осуществить разгром немецких захватчиков.

Бывали дни, когда наша страна находилась в ещё более тяжёлом положении. Вспомните 1918 год, когда мы праздновали первую годовщину Октябрьской революции. Три четверти нашей страны находилось тогда в руках иностранных интервентов. Украина, Кавказ, Средняя Азия, Урал, Сибирь, Дальний Восток были временно потеряны нами. У нас не было союзников, у нас не было Красной Армии – мы её только начали создавать – не хватало хлеба, не хватало вооружения, не хватало обмундирования. 14 государств наседали тогда на нашу землю. Но мы не унывали, не падали духом. В огне войны организовали тогда мы Красную Армию и превратили нашу страну в военный лагерь. Дух великого Ленина вдохновлял нас тогда на войну против интервентов. И что же? Мы разбили интервентов, вернули все потерянные территории и добились победы.



Теперь положение нашей страны куда лучше, чем 23 года назад. Наша страна во много раз богаче теперь и промышленностью, и продовольствием, и сырьём, чем 23 года назад. У нас есть теперь союзники, держащие вместе с нами единый фронт против немецких захватчиков. Мы имеем теперь сочувствие и поддержку всех народов Европы, попавших под иго гитлеровской тирании. Мы имеем теперь замечательную армию и замечательный флот, грудью отстаивающие свободу и независимость нашей Родины. У нас нет серьёзной нехватки ни в продовольствии, ни в вооружении, ни в обмундировании. Вся наша страна, все народы нашей страны подпирают нашу армию, наш флот, помогая им разбить захватнические орды немецких фашистов. Наши людские резервы неисчерпаемы. Дух великого Ленина и его победоносное знамя вдохновляют нас теперь на Отечественную войну так же, как 23 года назад.

Разве можно сомневаться в том, что мы можем и должны победить немецких захватчиков?

Враг не так силён, как изображают его некоторые перепуганные интеллигентики. Не так страшен чёрт, как его малюют. Кто может отрицать, что наша Красная Армия не раз обращала в паническое бегство хвалёные немецкие войска? Если судить не по хвастливым заявлениям немецких пропагандистов, а по действительному положению Германии, нетрудно будет понять, что немецко-фашистские захватчики стоят перед катастрофой. В Германии

теперь царят голод и обнищание, за 4 месяца войны Германия потеряла 4 с половиной миллиона солдат, Германия истекает кровью, её людские резервы иссякают, дух возмущения овладевает не только народами Европы, подпавшими под иго немецких захватчиков, но и самим германским народом, который не видит конца войны. Немецкие захватчики напрягают последние силы. Нет сомнения, что Германия не может выдержать долго такого напряжения. Ещё несколько месяцев, ещё полгода, может быть, годик – и гитлеровская Германия должна лопнуть под тяжестью своих преступлений.

Товарищи красноармейцы и краснофлотцы, командиры и политработники, партизаны и партизанки! На вас смотрит весь мир как на силу, способную уничтожить разбойничьи орды немецких захватчиков. На вас смотрят порабощённые народы Европы, подпавшие под иго немецких захватчиков, как на своих освободителей. Великая освободительная миссия выпала на вашу долю. Будьте же достойными этой миссии! Война, которую вы ведёте, есть война освободительная, война справедливая. Пусть вдохновляет вас в этой войне мужественный образ наших великих предков – Александра Невского, Димитрия Донского, Кузьмы Минина, Димитрия Пожарского, Александра Суворова, Михаила Кутузова! Пусть осенит вас непобедимое знамя великого Ленина!

За полный разгром немецких захватчиков!

Смерть немецким оккупантам!

Да здравствует наша славная Родина, её свобода, её независимость!

Под знаменем Ленина – вперёд к победе!

## И.В.СТАЛИННИНГ 1941 ЙИЛ 7 НОЯБРЬ НАМОЙИШИДАГИ НУТҚИ

Ўртоқ қизил аскарлар ва қизил флотчилар, командирлар ва сиёсий бўлим ходимлари, ишчилар, колхозчилар, ақлий меҳнат ходимлари, бизнинг душманларимиз орқасида турган акаукалар ва опа-сингиллар, немис босқинчилари ортида туриб уни яксон қилаётган шавкатли партизанларимиз!

Совет ҳукумати ва бизнинг большевистик партиямиз номидан сизга саломимни йўллайман ва Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 24 йиллиги билан табриклайман.

Ўртоқлар! Бугун Октябрь революциясининг 24 йиллигини оғир шароитда нишонлашимизга тўғри келмоқда. Немис қароқчиларининг хиёнаткорона бостириб кириши ва бизга уруш очиши мамлакатимизга жиддий хавф туғдирди. Биз вақтинча бир қатор областларимизни йўқотдик, душман Ленинград ва Москва остонасига яқинлашиб қолди. Душман биринчи зарбадаёқ бизнинг армиямиз сочилиб кетади, мамлакатимиз тиз чўкади деб ўйлаганди. Лекин душман адашди. Вақтинчалик муваффақиятсизликларга қарамасдан, бизнинг армиямиз ва флотимиз бутун фронт бўйлаб душманга катта талафот етказган ҳолда унинг ҳужумини қаҳрамонларча қайтармоқда. Бизнинг мамлакатимиз, бутун мамлакатимиз армия ва флотимиз билан бирга немис босқинчиларини тормор қилиш учун ягона лагерга жипслашди.

Бизнинг мамлакатимиз бундан ҳам оғир вазиятга тушган кунлар бўлган. Октябрь революциясининг бир йиллиги байрам қилинган 1918 йилни бир эсланг. Ўшанда мамлакатимизнинг тўртдан уч қисми чет эл интервентлари қўлида эди. Украина, Кавказ, Ўрта Осиё, Урал, Сибирь, Узоқ Шарқни вақтинча бой бергандик. Иттифоқчиларимиз ҳам йўқ эди, Қизил армиямиз бўлмаган – уни эндигина шакллантираётган эдик. Нон, қурол, ҳарбийларнинг кийим-кечаклари етишмасди. 14 та давлат ерларимизни сиқиб келарди. Бироқ биз умидсизланмадик, руҳан тушкунликка тушмадик. Уруш алангаси ичида Қизил Армиямизни ташкил қилиб, мамлакатимизни ҳарбий лагерга айлантирдик. Ўшанда улуғ Ленинниng руҳи интервентларга қарши урушда бизга мададкор бўлди. Биз интервентларни яксон қилдик, йўқотган барча ҳудудларимизни қайтиб олиб, ғалабага эришдик.

Ҳозирги ҳолатимиз 23 йил аввалгидан кўра яхшироқ. Бизнинг мамлакатимиз 23 йил аввалгига кўра саноати билан ҳам, озиқ-овқати билан ҳам, хомашёси билан ҳам бир неча марта бойроқ. Энди биз билан немис босқинчиларига

қарши бир фронт бўлиб бирлашган иттифоқчиларимиз бор. Энди биз Гитлер зулми остида қолган бутун Европа халқларининг хайрихоҳлиги ва қўллаб-қувватлашини ҳис этиб турибмиз. Энди биз Ватанимизнинг эркинлиги ва мустақиллиги учун кўксини қалқон қилаётган ажойиб армиямиз ва ажойиб флотимизга эгамиз. Бизда озиқ-овқатда ҳам, қурол-аслаҳаларда ҳам, ҳарбийларни кийинтиришда ҳам жиддий етишмовчиликлар йўқ. Мамлакатимиз, мамлакатимизнинг барча халқлари армиямизга, флотимизга суяниб немис фашистларининг босқинчи тўдасини йўқ қилишда уларга кўмаклашмоқдалар. Ҳимояга қурби етадиган одамларимиз сони, уларнинг захираси етарлича. 23 йил олдин бўлгани каби, улуғ Лениннинг руҳи ва ғолибона байроғи бизни Улуғ Ватан урушида ҳам руҳлантиради. Ахир немис босқинчиларини енгишимиз мумкинлигига ва енгишимиз кераклигига шубҳа қилиб бўладими?

Айрим қўрқоқ зиёливаччалар айтаётганидек душман унчалик кучли эмас. Шайтон, аслида, биз қўрққанчалик қўрқинчли эмас. Қизил Армия қаршисида немис қўшинларининг саросимага тушиб қочишганини ким рад эта олади? Агар немис тарғиботчиларининг мақтанчоқлик билан айтган сўзларига эмас, Германиянинг ҳақиқий аҳволига қараб фикр юритадиган бўлсак, немис-фашист босқинчилар ҳалокат ёқасида турганлигини тушуниш мумкин. Германияда ҳозир очлик, қашшоқлик ҳукм суряпти. Урушнинг тўрт ойи мобайнида Германия тўрт ярим миллион солдатини йўқотди, Германия қон қақшаяпти, унинг одамлар захираси тугаяпти. Нафратланиш руҳи нафақат немис босқинчилари асоратига тушган Европа халқларини, балки урушнинг охирини кўрмаётган Германия халқини ҳам эгаллаб олган. Немис босқинчилари охирги кучини сарфлаяпти. Ишончим комилки, Германия бундай зўриқишга узоқ бардош бера олмайди. Яна бир неча ой, яна ярим йил, балки, бир йил – ва Германия ўз жиноятларининг оғир юки остида ёрилиб кетади.

Ўртоқ қизил армиячилар ва қизил флотчилар, командирлар ва сиёсий бўлим ходимлари, партизанлар! Сизларга бутун дунё немис босқинчиларининг қароқчи тўдасини яксон қилишга қодир бўлган ягона куч сифатида қарамоқда. Сизларга немис босқинчилари асорати остида турган Европа халқи ўз халоскорлари сифатида қараб турибди. Буюк озодлик бурчи сизнинг зиммангизга тушган. Ушбу бурчга муносиб бўлинг! Сиз олиб бораётган уруш озодлик уруши, адолат урушидир. Бу урушда сизларни буюк аждодларимиз – Александр Невский, Димитрий Донской, Кузьма Минин, Дмитрий Пожарский, Александр Суворов, Михаил Кутузовларнинг жасоратли тимсоли янада руҳлантирсин! Улуғ Лениннинг енгилмас байроғи сизга мададкор бўлсин!

Биз немис босқинчиларини тўла яксон қиламиз!

Немис босқинчиларига ўлим!

Яшасин бизнинг шонли Ватанимиз, унинг озодлиги, унинг мустақиллиги!

Ленин байроғи остида олдинга, ғалабага!

Бу нутқ Бутуниттифоқ радио тўлқинларида янграган ва миллионлаб одамларни руҳлантирган. Душманга қарши нафрат, ватанга садоқат руҳидаги умумхалқ ҳаракатининг юзага келишида ана шу тарихий нутқнинг ўрни бениҳоя катта бўлгани барча-барчага маълум.

1945 йилнинг 24 май куни Қизил Армия қўшинлари қўмондонлари шарафига ташкил этилган қабул маросимида Сталин ватандошлари хотирасида бир умрга сақланиб қоладиган қадаҳ нутқи сўзлаган. Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР Ёзувчилар иттифоқи раисининг биринчи ўринбосари бўлган Владимир Карпов ҳозиргача бир неча бор қайта нашр этилган икки жилдлик «Генералиссимус» китобида мазкур нутқ ҳақида тўхталиб шундай ёзган: «Негадир



бу нутқ одамларда 24 июндаги Ғалаба паради иштирокчиларига айтилгандек бўлиб туюлди. Чиндан ҳам ўзининг муҳимлиги, улуғворлиги ва, энг асосийси, адолатлилиги билан ажралиб турадиган ушбу нутқ билан ғалаба тадбирларини якунласа арзийди». Ана шу нутқни ўзбек тилида келтирмоқдамиз:

**«Ўртоқлар, яна битта, охирги қадаҳни энг аввало рус халқи учун кўтаришга ижозат беринг (гулдурос, давомли қарсаклар, «ура» деган қичқириқлар).**

**Мен, энг аввало, рус халқи соғлиги учун ичаман, бунинг сабаби, у Совет Иттифоқи таркибига кирувчи миллатлар орасида энг улуғ миллат ҳисобланади.**

**Мен ушбу қадаҳни рус халқи соғлиги учун шу сабабдан кўтараманки, у урушда мамлакатимиздаги барча халқлар орасида Совет Иттифоқининг етакчи кучи сифатида тан олинди.**

**Мен ушбу қадаҳни рус халқи соғлигига у фақат етакчи куч бўлгани учунгина эмас, балки унда ёрқин ақл, мустаҳкам характер ва сабр-қаноат мужассамлашганлиги учун кўтараман.**

**Бизнинг ҳукуматимизда кўп хатоликлар бўлди, 1941 – 1942 йилларда бизнинг армиямиз чекинди, Украина, Белоруссия, Молдавия, Ленинград области, Болтиқбўйи, Карелия-Фин республикасининг бизга қадрли бўлган қишлоқ ва шаҳарларини ташлаб чиқиш билан боғлиқ аламли ҳолатлар бўлди. Бошқа йўл йўқ эди. Ўзга халқ бўлганида ҳукуматга айтган бўларди сиз бизнинг ишончимизни оқламадингиз, энди кетинглар, Германия билан тинчлик ўрнатадиган ва бизга осойишталикни таъминлайдиган бошқа ҳукуматни ўрнатамиз деб. Бироқ рус халқи бунга бормади, ўз ҳукумати сиёсатининг тўғрилигига ишонди, Германия яксон этилишини таъминлаш учун ўзини қурбон қилишгача борди. Рус халқининг Совет ҳукуматига бўлган бундай ишончи инсоният душмани устидан, фашизм устидан тарихий ғалабани таъминлаб берувчи асосий кучга айланди.**

**Бундай ишонч учун унга, рус халқига раҳмат айтаман!**

**Рус халқининг соғлиги учун!»**

Ғалаба шарафига бағишланган бу қабулда Сталин рус халқи ва унинг бардоши учун қадаҳ кўтарган. Шунда бронетанк қўшинлари маршали Павел Рыбалко Сталин ёнига келиб тўлқинланиб шундай деган: «Ўртоқ Сталин, рус халқи ҳақида жуда ажойиб фикр айтдингиз. Сиз грузин бўла туриб қаердан рус халқи ҳақида бундай ёниб сўзладингиз?». Сталин ғазабланиб жавоб берган: **«Мен грузин эмасман, мен келиб чиқиши грузин бўлган русман»**.

Бу нутқ «Правда» газетасининг 1945 йил 25 май сонида эълон қилинган.

1945 йил 24 июнда Ғалаба паради иштирокчилари шарафига Кремлда тантанали қабул бўлган. Унда давлат ва партия арбоблари, олимлар, санъат ходимлари, таниқли меҳнат вакиллари – ҳаммаси бўлиб 2,5 минг киши қатнашган. Қабул Кремлнинг Георгиевский .залида бўлган. Сталин топшириғи билан тантанани В.М.Молотов очган. У шундай деган: «Бугун биз Ғалаба паради иштирокчиларини табрикламоқдамиз. Улар сиймосида биз шонли армиямиз ва денгиз флоти, совет халқини, фронтда, фронт ортида ўз меҳнати билан буюк ғалабани таъминлашга ёрдам берганларни, энг аввало, бизнинг барча ишимизга раҳбарлик қилаётганларни, бизнинг ғалабамизни таъминлаган буюк саркарда ва Совет Иттифоқининг гениал доҳийсини табриклаймиз. Мен ўртоқ Сталиннинг соғлиғи учун қадаҳ кўтараман!»

Залдагилар ўринларидан турадилар ва Сталин шарафига қарсаклар чаладилар. Ўша куни Қизил майдонда Иккинчи жаҳон урушида фашистлар Германияси устидан қозонилган буюк ғалабага бағишланган тантанали парад бўлиб ўтади. Ана шу тарихий парадда жанггоҳларда душманга қарши курашган ватандошларимиздан беш нафари қатнашганини аниқлаш имкони бўлди. Фронтларда ўзбек тилида чиққан «Қизил армия», «Ватан шарафи учун», «Фронт ҳақиқати», «Ватан учун» газеталари саҳифаларида ана шу тарихий Ғалаба паради тафсилотлари берилган. Уларда Ғалаба парадининг қатнашчилари шарафига «Кремлда қабул» номли мақола чоп этилган. Уни айнан келтирамиз:

СОВЕТ ВАТАНИМИЗ УЧУН!

Г48-7078

# Фронт ҳақиқати

№ 49 (236) | Қизил аскарлар газетаси. Ҳафтада икки марта чиқади. | «Фронтовая правда» на узбекском языке. | 1945 йил 1 июль. Якшанба

# Ғалаба парадининг қатнашчилари шарафига Кремльда қабул

Охири. Боши 3-нчи бетда.

Ўртоқ Сталин ҳозир бўлганларга мурожаат қилиб шундай дейди:

— Мени, биронта тонг қолдирадиган нарса айтади, деб ўйламанглар. Менинг қадаҳим энг содда, оддий қадаҳ. Мен мансаблари кичик ва унвонлари катта бўлмаган кишиларнинг соғлиғи учун ичишни истар эдим. Улар улуғ давлат механизмининг «винтчалари» деб ҳисобланадиган кишилар, улар бўлмаганда биз ҳаммамиз — маршаллар ва фронт ҳамда армия қўмондонлари, қўпол қилиб айтганда, ҳеч нарсага арзимаймиз. Биронта «винтча» бузилдими — тамом. Мен қадаҳни содда, оддий, камтар кишилар учун, бизнинг фан, хўжалик ва ҳарбий ишларимизнинг ҳамма соҳаларидаги улуғ давлат механизмимизни актив ҳолда тутиб турувчи «винтчалар» учун кўтараман. Улар жуда кўп, уларнинг номи легион, чунки улар ўн миллионлар блан саналадиган кишилар. Булар — камтар кишилар. Улар ҳақида ҳеч ким ҳеч нарса ёзмайди, уларда унвон йўқ, мансаблари кичик, аммо улар, бизнинг ишимизнинг негизи бўлган кишилар. Мен шу кишиларнинг, ҳурматли ўртоқларимизнинг соғлиғи учун ичаман.

Тўплангaнлар Сталиннинг сўзларини узоқ ва қизғин олқишлайдилар. Залда янгидан оркестрнинг тантанали овозлари янграйди. Қабул иштирокчилари жонажон Сталинни табриклаган ҳолда Президиум яқинига келадилар. «Яшасин улуғ Сталин!» деган овозлар, «ура» товушлари янграйди.

— Мен бу ерда ҳозир бўлган меҳмонларнинг соғлиғи учун, барча совет оиламизнинг соғлиғи учун, ўртоқ Сталиннинг соғлиғи учун қадаҳ кўтаришни таклиф қиламан, — деб хитоб қилади ўртоқ Молотов. Зал бу сўзларни узоқ давом этган, гулдурос овация блан қаршиланди. Ҳамма ўринларидан турадилар ва номи совет халқининг буюк ҳарбий ва меҳнат қаҳрамонликлари блан боғли бўлган улуғ доҳий ва саркардани табриклайдилар.

Ўртоқ Сталин охирида ўртоқ Молотовнинг соғлиғи учун қадаҳ кўтаришни таклиф қилади. Ҳозир бўлганлар яппи олқишлар блан ўртоқ Сталиннинг содиқ сафдоши шарафига қадаҳ кўтарадилар. Маршаллар, генераллар, фан ва санъат арбоблари ўртоқ Молотовнинг яқинига келадилар ва уни қизғин табриклайдилар.

Ғалаба парадининг қатнашчиларини Кремльда қабул қилиш партия ва ҳукумат раҳбарларининг армиямиз ва халқимизнинг энг яхши намояндалари блан қизғин, ҳаяжонли учрашувига айланди. Кремльда бўлган бу тарихий кечада қатнашган ҳарбир киши мамлакатимизда янги сиёсий кўтаринкиликни ўзида ифода этган бу самимий дўстона учрашувни ҳечқачон унитмайди. Ўртоқ Сталиннинг оддий ва доно сўзларини эшитган ҳарким улуғ Ватанимизнинг гуллаб яшнаши учун, унинг қудратининг мустаҳкамланиши учун ўз ҳисса ортиқ куч блан ишлайди, қуради ва ижод этади.

* * *

Икки ярим мингдан ортиқ киши қатнашган қабул вақтида пойтахтнинг энг яхши артист кучларининг иштирокида концерт берилди.

(ТАСС).



Н-нчи гвардиячи дивизия Совет Иттифоқининг тўрт ордени билан мукофотланган. Суратда: тўрт орденли гвардиячи дивизиянинг жангчилари, Ғалаба парадининг қатнашчилари, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, гвардиячилар: лейтенант С.ЛАРИОНОВ, лейтенант А.ВЛАДИМИРОВ, младший лейтенант А.ЛЮШ, старший лейтенант Т.ҚОВУМБОЕВ ва лейтенант К.ТИХОНОВ дивизиянинг байроғи олдида. П.Бернштейн фотоси.

**Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари**

* * *

# РАСУЛ ИСМАТОВ

Расул Исматов фронтга етгунча мўл йўл босиб ўтди. Кўп кагта қишлоқлардан, шаҳарлардан ўтиб бораркан, Ватанимизнинг улуғ ва бепоёнлиги тўғрисидаги фикрлар унинг юрагини фахр билан тўлдирар ва тўлқинлантирар эди.

Бир куни эрта билан поезд бир станцияда тўхтаганда Расул деразадан бошини чиқариб қаради-ю, бирдан чўчиб кетди. У ёниб битган уйларнинг харобаларини, ойнаси ва рамсиз бўм-бўш тешикларини кўрди.

Ана шундан бошлаб, ўт қўйилган, вайрон қилинган шаҳар ва қишлоқларнинг мудҳиш манзаралари тез-тез унинг кўз ўнгида гавдаланаберди.

— Бу нима ҳол? — деб сўрабди у.

— Бу ерларга немисларнинг қадами теккан, — деб тушинтирди фронтчи офицер.

Бир станцияда Расул ва унинг ўртоқлари вагонлардан чиқдилар ва бундан уёғига сафарларини пиёда давом эттирдилар.

Қимир йўл кўрсатувчи тахтачалар ёнидан ўтаркан, баланд овоз билан: «Змеевка» деб ўқиди Броқ, бу ердаги қишлоқ ўрнида куйиб, кул бўлган масканлар ва баъзан онда-сонда ивирсиб юрган якка-ярим кишилар кўринар эди.

Расулнинг туси ўзгарди.

— Биласанми, — деди у ўртоғига, — отам менга баъзан саҳрода қуюн пайдо бўлиб дунёни остин-устун қилиши тўғрисида гапириб берар эди. Биласанми, бундай қаттиқ шамол қум билан аралашиб кетгандан кейин ҳеч нарса қолмайди. У ҳамма нарсани вайрон қилади.

У жим бўлди. сўнг яна қўшимча қилди:

— Инсон зоти бу ишни қилолмайди. Фақат ваҳшийлар бундай қилаоладилар.

Қисмда Расулни отделения командири қилиб тайинладилар, бирнеча кундан кейин унинг отделенияси Карпат тоғи этагидаги бир участкада мудофаа марраси эгаллади.

— Кўрдингми, Исматов, — деб командир унга кўрсатди. — душман ҳўқча ўша паст-баландликларга ўрнашиб олган.

Расул ўша томонга қарар эди, лекин ер билан теп-текис қилинган Змеевка қишлоғи асло унинг кўз ўнгидан нари кетмас кўзлари чақнаб, тишлари ғижирлар эди.

Тез вақт ичида у фронт ҳаётига одатланиб қолди. Бир куни командир, ким «тил» тутиб келгани боришни хохлайди, деб сўраганда, Исматов

— Мен, — деб жавоб берди.

* * *

Бир тепалик ёнида душман қаттиқ қаршилик кўрсатди. У олға силжиш йўлини тўсдигина эмас, ҳаттоки, бўлинмани бир оз орқага ҳам суриб қўйди.

Тепаликнинг қайси бир ерида душманнинг дзоти бор эди. Бўлинмаларимиз атака бошлашга уриниб кўтарилганда, душманнинг ўша дзоти ўтига дуч келарди.

Исматов тепаликка тикилиб қараб тургач, командирга мурожаат қилди:

— Ўртоқ командир, энг олдинга чиқиб олишга рухсат беринг.

Дастлаб командир Исматовнинг нима қилмоқ истагänини англамади, сўнг, яъни Исматов ўз планини айтиб берганидан кейин у розилик берди.

Улар тўртов бўлиб эмаклаб кетдилар ва душман траншеяларига қарийб етиб қолдилар. Энди душман дзотини топмоқ керак эди.

Ўткир кўзлар, ниҳоят, дзотни ҳам топди. Улар яна эмаклаб кетдилар Броқ, немислар уларни кўриб қолиб, ўт очдилар. Заболотняк ҳалок бўлди, Коробко оғир ярадор бўлди, старший сержант ҳам ярадор бўлди. Исматов бир ўзи қолди, лекин тўхтовсиз олға интилишни давом эттираберди. Дзотгача атиги бирнеча метр қолганда у бирин-кетин бирнеча граната, шу жумладан бир танкка қарши граната ирғитди.

Даҳшатли портлашдан ён-атроф ларзага келди. Расулнинг усти бир қатлам тупроқ билан қопланди. У бошини кўтаргач, гитлерчиларнинг ваҳимага тушиб қочаётганларини кўрди, автоматдан яхшилаб мўлжалга олиб туриб ўт очди ва уларнинг бирнечасини думалатди.

Бир лаҳзагина атрофда хомушлик мавжуд бўлди. Исматов бир хезлаб душман траншеяси олдида пайдо бўлди, автоматдан тағин бир сидра ўқ чиқаргач, баланд ва ҳайбатли овоз билан немисларга қараб, таслим бўлингиз! деб команда берди.

Исматов 46 гитлерчини асир қилиб олиб келгани, 7 си дзот ичида ва атрофида ўлиб ётгани тўғрисида доклад қилганда, рота командирининг аввал ишонгиси келмади, броқ, землянка олдида 46 немис бош эгиб турар эди.

— Тепаликка ҳужум бошлаш мумкин, ўртоқ командир, — деб қўшиб қўйди Расул.

Кўп ўтмай тепалик ишғол қилинди. Жанг муваффақиятини ўз мардлиги ва жасурлиги билан младший сержант Исматов ҳал қилди.

* * *

Москвада Ғалаба паради бўлганда, Ватаннинг энг яхши, энг ботир фарзандлари қаторида Қизил майдондан Совет Иттифоқининг Қаҳрамони старший сержант Расул Исматов ҳам магрурона қадам ташлаб ўтди.

Капитан Н. ДОВУЧАЕВ.

# ВАТАН УЧУН

Болтиқ бўйи ҳарбий округининг қизил аскарлар газетаси

1945 йил | 23 октябрь, сешанба | № 28 (341)


## ҲУРМАТГА САЗОВОР КИШИ

Немисларнинг Сталинградга қилган ҳамлаларини қайтаришда ҳамма миллат жангчилари рус халқининг сара фарзандлари блан биргаликда бир ёқадан бош чиқариб мардонавор жанг қилдилар. Ўша қаҳрамон шаҳар учун бўлган жангда бизнинг Собиржон кавалеристлар составида ҳужумга борди, немислар юзма-юз келиб қиличбозлик жанги бошланиб кетди. Собиржон қиличи блан 6 немисни чопиб ташлади. Кейин ўзи ҳам ярадор бўлиб сафдан чиқди. Ўзбек халқининг азиз фарзанди Собиржоннинг жанговар йўли шундай қилиб Сталинградан бошланди.

Сталинградда немисларнинг сараланган армиялари тор-мор келтирилган чоқда Собир госпитальдан соғайиб сафга қайтган куплар эди. Бўлинма командири Собиржонни Авшинников бошлиқ разведкачилар бўлинмасига юборди. У разведкачилар ичида 11 ой хизмат қилди. Ўртоқлари блан разведкага бориб 10 немисни, ўзи шахсан 3 немисни, ҳаммаси бўлиб 13 немисни тутиб келтирдилар. Собиржон бу ерда разведкачилик ишида катта тажриба ортдирди.

Собиржон кейинчалик ярадор бўлиб бу ердан ҳам госпитальга кетди. Ҳадемай тузалди. Уни Ленинград фронтига жўнатдилар. Собиржон капитан Эткин бошлиқ разведкачилар бўлинмага тушди. Қўмондонлик Эткин бўлинмасига душман орқа томонига ўтиш, унинг қурол-яроқ складлари турган омборлар ва кўприкларни портлатишга буйруқ берди, қўмондонлик буйруғини бажариш учун 50 киши жўнаб кетди, улар душманнинг орқа томонидан 220 километр ичкарига кириб борди. Боратуриб йўлда немисларнинг 4 та яроқ-аслаҳа қўйилган складини портлатди. Икки лагерьдаги ҳарбий асирларни озод қилди. Бир аэродромини анча самолётлари блан портлатди. Кўп ўлжа қўлга киритдилар.

Латвиянинг маркази Рига шаҳри учун бўлган жангларда Собиржон бошлиқ 5 разведкачи зўр маҳорат кўрсатди. Улар шаҳарга биринчи бўлиб бостириб кирдилар. Уларнинг вазифаси Рига шаҳри коменданти генерални ушлаш эди, аммо улар бу вазифани бажара олмадилар. Генерал илгаритданоқ кочиб улгурган эди. Улар 6 немис солдати, бир майор, петнебилини асир қилиб олиб штабга топширдилар. Собиржон яна ярадор бўлди. Кўп ўтмай соғайиб қисмига келди. У капитан Логинов бошлиқ разведкачилар ротасида хизмат қилди. У разведкачилар отделениесига командир қилиб тайинланди. Шу бўлинмада ўз отделениеси блан 13 мартаба разведкага бориб 13 немис солдатини «тил» тутиб келди. Бундан ташқари кўп қимматли ҳужжатлар ҳам олиб келди. Болтиқ бўйи учун бўлган охирги жанг олдидан старшина Кислов бошлиқ 9 кишини штаб бошлиги майор ўртоқ Личшенко чақириб Ина қишлоғидаги немис гарнизонининг техникаси, кучи ва бошқа аҳволларини билиб келиш учун юборди. Булар ичида Собиржон ҳам бор эди.

Улар кечаси душманга яқин бориб ётдилар. Немисларнинг юриш-туриши, соқчиларнинг турган жойларини пухта ўргандилар. Эрталаб азонда бошқа бўлинма ёрдами блан немисларга кутмаганда қўққисдан ҳужум қилди. Ина қишлоғи учун бир ярим соатча жанг бўлди. 9 баҳодирнинг патронлари тамом бўлди. Улар немислардан ўлжага олинган граната, автоматлардан отиб душманни Ина қишлоғидан суриб чиқардилар. Бир унтер офицер 4 солдатини асир олдилар. 3 та машина, икки ҳарбий анжом қўйилган омбор, 4 тўп ва бошқа кўп ўлжаларни қўлга киритдилар.

Собиржон бундан ташқари десантчилар составида ҳам хизмат қилди. Улар Невель шаҳри атрофида душманнинг орқа томонига парашютда тушиб душман блан жанг қилди. Бу жангда Собиржон танҳо ўзи 4 немисни граната иргитиб ҳалок қилди.

Ўзбек халқининг ботир фарзанди андижонли Собиржон Ибаевнинг бундан ташқари ҳам хизматлари кўп. Қўмондонлик унинг жанговар хизматларини юксак баҳолаб Қизил Байроқ, III даража Шуҳрат орденлари, 3 бор «Жасурлик учун», «Жанговар хизматлари учун», «Ленинград мудофааси учун» ва «Германия устидан ғалаба учун» медальлари блан мукофотлаган.

Шундай қилиб Собиржоннинг кўксида икки орден ва олти медаль тақилган. Уни қисм командири Ватанимиз пойтахти Москвага ғалаба парадига юборди. У Қизил Армиянинг ғолиб жангчи офицерлари ичида мағрурона ғалаба парадида қатнашди.

Ҳозир Собиржон батарея комсорги, разведкачиларнинг отделение командири. Жангда ортдирган бой тажрибаларини ўз жангчиларига ўргатмоқда.

**Сержант Ахмаджон ШУКУРОВ.**
**Қизил Юлдуз орденли.**

# КЕЙИНГИ ЗАРБАМИЗ

Душманга тиним бермаслик бўлинмамизнинг асосий вазифаси эди. Биз шундай қилдик ҳам. Қаршимизда турган душман, гарчи юрагини ҳовичлаб турган бўлса ҳамки, қулай фурсат топиб туриб, ҳамла қилмоқчи бўлади. Биз буни амалда бирнеча бор кўрдик. Шунга нисбатан биз душманга озгина бўлса ҳам тиним бермаймиз.

Мерганларимиз ҳар кун, кам деганда беш-олти фрицни қулатади. Яқинда ўқчи-мерган Кўчакбоев биринчи «овга» чиқишидаёқ олти гитлерчини нишонга олди, сержант Чубаиков эса, еттитасини ўлдирди. Мерганларимиздан Расулов «... нариги томонда бош кўтарган ҳар қандай шафра жонидан жудо бўлади» дейди. Дарҳақиқат Расулов жуда тўғри айтади. Чунки немислар ҳам буни кундалик зарбамиздан яхшигина сезиб олдилар.

Разведкачиларимизнинг берган ма'лумотларига асосан душманнинг ўт очиш нуқталарини вақти-вақти блан ўққа тутамиз. Командирларимиз айниқса кечаси мўлжалга қараб ўқ узишни та'кидлайдилар. Қўл пулемётчи Чертко тунги ўт очишда ҳаммага намуна бўлди.

Аввал душманнинг ўт очиш нуқтасини аниқлаб олади, кейин душман ўтига чап бериб, яқин боради ва ўқ узади. Шунинг учун ҳам унинг ўқи зойи' кетмайди. Кейинги бир ой ичида пулемётчи Чертко душманнинг 5 та пулемёт расчётини ишдан чиқарди.

Участкамизда душманга сра тиним йўқ. Ҳали разведкачиларимиз, ҳали мерганларимиз, ҳали ўқчиларимиз, ҳали пулемётчиларимиз, ҳали миномётчиларимиз гитлерчиларнинг додини бераяптилар.

**Сержант А. БОБОЕВ.**



Старшина А.Бобоев



Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари Усмон Юсупов

Фашизм устидан қозонилган ғалабага муносиб ҳисса қўшган андижонликлардан бири, кейинчалик профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби унвонига мушарраф бўлган, ҳозирги Андижон давлат университетига 1957 – 1974 йилларда ректорлик қилган, уруш йилларида душманга қарши жангларда мардлик намуналарини кўрсатган Ғани Холматович Абдуллаев Усмон Юсуповнинг Андижонга келгани ҳақида шундай хотирлаган эди: **«... Андижон шаҳрининг ҳозирги Андижон вилояти ҳокимлиги жойлашган бино ва унинг олдидаги майдони ҳарбий қисмларнинг машғулоти бош қароргоҳига айланган эди. Ўқчи ва отлиқ ҳарбий аскарлар Андижон шаҳридан ташқари Асака, Шаҳрихон, Кулла, Марҳаматда тузилган эди. Машқларни асосан маҳаллий**



1975 йил апрель. Ўртада профессор Ғани Холматович Абдуллаев

Совет Ватанимиз учун!

# ҚИЗИЛ АРМИЯ

Германиядаги совет оккупацион қўшинлари группасининг қизил аскарлар газетаси

Красноармейская газета на узбекском языке группы советских оккупационных войск в Германии

| 56 (261) | 1945 йил 21 июль, ШАНБА. | Хафтада икки марта чиқади. | Ўқиб бўлиб, ўртоғингга бер. |
|---|---|---|---|



Москвада бўлган Ғалаба парадининг қатнашчилари (чапдан): 1. Старшина Н. Страшко, 2. Гвардиячи старшина В. Терсиков, 3. Сержант Х. Махмудов, 4. Старшина А. Бобоев, 5. Младший сержант Г. Ерохин ўртоқлар.

А. Зенин фотоси.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!
Пролетарии всех стран, соединяйтесь!

Строго секретно

Узбекистон Коммунист (большевик) лар партияси
АНДИЖОН ОБЛАСТЬ ТАШКИЛОТ БЮРОСИ
Коммунистическая Партия (большевиков) Узбекистана
ОРГБЮРО ЦК КП(б)Уз. по АНДИЖАНСКОЙ ОБЛАСТИ

№ 75/10
15/XII 1942
гор. Андижан.

Отдел кадров

Выписка из протокола № 75 п. 10 От 15 декабря 1942

О тов. Мирошниченко К. и Ниязове Х. /т.Попов/

Освободить т. Мирошниченко Константина Ивановича от работы инструктора отдела кадров Андижанского ГК КП/б/Уз в связи с призывом в РККА.

Утвердить инструктором отдела кадров Андижанского ГК КП/б/Уз т. Ниязова Хасана, члена ВКП/б/ с 1940 года, партбилет №-3762842.

П.п. Секретарь Оргбюро ЦК КП/б/Уз
по Андижанской области-Бакулин

Верно: Зав. Особым сектором
Андижанского Обкома КП/б/Уз

/Устинов/





„ЗА ВЗЯТИЕ БЕРЛИНА"

2 МАЯ 1945 г.

А № 483999

УДОСТОВЕРЕНИЕ

За участие в героическом штурме и взятии Берлина

Бадалов
Кўшак

указом Президиума Верховного Совета СССР от 9 июня 1945 года награжден медалью

„ЗА ВЗЯТИЕ БЕРЛИНА"

От имени Президиума Верховного Совета СССР медаль вручена

„3" 03 194.. года.

(должность, воинское звание и подпись лица, вручившего медаль)

М. П.



Фарғоналик жангчиларнинг фашизмга қарши курашдаги жасоратлари хотирасига бағишлаб ўрнатилган ёдгорлик

миллат вакилларидан етишиб чиққан зобитлар олиб борар эдилар. Андижон вилоятидан ана шундай ҳарбий қисмлар орқали фронтга 98 минг киши юборилди. Бу қисмларда аскарларнинг жанговарлик савияси унча баланд эмас эди. Чунки ҳарбий машқларда аскарларга ҳақиқий жанговар қуролларнинг турлари кўрсатилмас ҳамда машқлар қисқа муддатли бўлар эди. Шунга кўра миллий қисмлар фронтларда бошқа жангчиларга нисбатан анча кўп талафот кўрдилар. Бу аҳволни ҳисобга олган республика раҳбарияти миллий ҳарбий қисмларнинг ҳарбий ва сиёсий тайёргарлигини кўтариш мақсадида яхши қуролланган, жанговарлик савияси баланд миллий қисмларни тузишга киришган. Ана шундай қисмлардан бири 1942 йилда Фарғонада тузилган 94-алоҳида ўқчи бригада эди. Бригада 4 батальондан иборат бўлиб, унинг 4-батальони фақатгина андижонликлардан ташкил топган эди. Мен хизмат қилган взвод командири андижонлик машҳур зиёлилардан бири Шамсутдинов эди. Ўнбошимиз – бўлим командири фуқаролар уруши иштирокчиси Баратбоев эди. Бригада командири полковник Краснов бўлиб, унинг комиссари Рахматуллин эди. Сиёсий бошқарув бошлиғи этиб республикада узоқ йиллар давомида раҳбарлик қилган Йўлдош Охунбобоевнинг котиби бўлиб ишлаган А.Муродхўжаев тайинланган эди.

Бригаданинг жанговар тайёргарлиги ҳукумат назоратида бўлиб, жангчилар ўша даврдаги замонавий ҳарбий қуроллар билан бекаму кўст таъминланган эдилар. Машқлар юқори савияда олиб борилди. Эсимда, 1942 йилнинг август ойи бошларида бригадага ўша даврда республикамизга раҳбарлик қилган буюк инсон Усмон Юсупов ташриф буюрди. Усмон ака аскарлар билан самимий суҳбатлар ўтказди, уларнинг жанговар тайёргарлиги, маиший аҳволи ҳамда сиёсий савиялари билан яқиндан танишди. Сўнгра бригада Усмон акани қутлаш учун саф тортиб турди. Усмон ака ўзининг халқчил, оммабоп тили билан ўзбек жангчиларини қутлади, сафдагилар унга жавобан «Ура» садолари билан жавоб бердилар. Усмон ака бригада жангчиларига қарата шундай деди: «Сизлар ўзбек халқининг асл фарзандларисизлар. Ватан озодлиги учун бошқа халқлар билан бирга жанг қилиш бу – муқаддас иш. Бу жангда душманни ўлдирганлар ғозий, ўлганлар эса шаҳид бўладилар. Шаҳидларнинг қабрларини уруш тугагач топиб, чечаклар билан безаймиз. Халқимиз ватан озодлиги учун жон фидо қилганларни абадулабад самимий миннатдорчилик туйғулари билан ёд сақлагай. Сизлар буюк бобомиз Амир Темур наслидансизлар! Буни эшитган Гитлер саросимага тушиб қолади. Мен сизларга ўзбек халқи номидан Гитлернинг калласини, ҳеч бўлмаганда Риббентропнинг бошини олиб келишларингизни буюраман. Сизларга доимо ғалаба ёр бўлсин». Усмон аканинг бу даъвати жангчиларни ниҳоятда руҳлантириб юборди.

1942 йилнинг ноябрь ойида бригадамиз фронтга отланди ва декабрнинг бошларида 3-гвардиячи армия сафига қўшилди, фашистларнинг Дон фронтида қуршовга тушган 6-армиясини қутқазишга интилган итальян-немис қисмларига қарши жангга кирди. Бригада анчагини талафот кўришига қарамасдан, душманнинг Астахово, Бокойская, Кружилин, Морозовский станцияларида жойлашган қисмларини ўраб олиб тор-мор этишда фаол қатнашди. Олий бош қўмондоннинг 1943 йил 25 январдаги буйруғи билан 3-гвардиячи армиянинг жанговар таркибига ташаккурнома эълон қилинди. Бригадамизнинг бир гуруҳ аскар ва офицерлари жанговар орден ва медаллар билан мукофотландилар.

Миннатдор ўзбек халқи 94-алоҳида бригада жангчиларининг кўрсатган қаҳрамонликларини унутгани йўқ. Марғилон билан Фарғона шаҳарлари ўртасида, 94-ўқчи бригада тузилган, машқ қилган Ёрмозор деган жойда бригада жангчиларига атаб жуда катта ёдгорлик ўрнатилди. Ҳар йили Ғалаба куни бу ерга кишилар келиб, ҳайкал пойига гулчамбарлар қўядилар».

**Строго секретно**

Секретарю ЦК КП/б/Уз товарищу Ю с у п о в у.

**Докладная записка**

В соответствии с Вашими указаниями, все практические мероприятия по отправке воинских соединений на фронт, разрабатываются Обкомом партии совместно с командованием этих соединений.

В период с 20 апреля по 7 мая, 1942 года, для пополнения Действующей Красной Армии отправлено 17 маршевых рот.

Отправка маршевых пополнений проводилась с участием секретарей Обкома партии.

Для проведения партийно-массовой работы среди бойцов, Обкомом партии выделены 6 руководящих партийных работников, которые в настоящее время эту работу проводят в подразделениях 8-го литерного полка.

В целях пресечения, имеющих место, случаев дезертирст Военным Трибуналом САВО проведен показательный процесс над двумя дезертирами. Дезертиры приговорены к расстрелу.

СЕКРЕТАРЬ ОРГБЮРО ЦК КП/б/Уз
по Андижанской области

[illegible] мая. 194[illegible] г. /Б а х у т и н/

СОВ. СЕКРЕТНО.

Зав. Военным Отделом ЦК КП/б/У.

т. Григорьеву

ДОКЛАДНАЯ ЗАПИСКА

О итогах проверочной регистрации военнообязанных запаса /1 июня – 1 июля 1943 г./

В соответствии с приказом Народного Комиссариата Обороны и постановлением СНК и ЦК КП/б/Уз., с 1 июня по 1 июля 1943 года в Андижанской области была проведена поверочной регистрации военнообязанных запаса и военнослужащих находящихся в отпуске по болезни.

Проведении поверочной регистрации предшествовала большая организационно-подготовительная работа. Вопрос регистрации военнообязанных был обсужден на Бюро Обкома, Горкома и райкомов партии, а также в первичных партийных организациях заводов им. СТАЛИНА, "Автотрактородеталь", "Коммунар", фабрики им. Володарского и части колхозов.

Приказ и статьи о проведении регистрации были опубликованы во всех областных и районных газетах и неоднократно оповещались по радио.

При проведении поверочной регистрации партийными организациями области была широко развернута партийно-массовая работа и все поверочные пункты были обеспечены необходимым ко

/см. н/обороте/

Бутун дун'ё пролетарлари, бирлашингиз!
Пролетарии всех стран, соединяйтесь!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТ (большевик) лар ПАРТИЯСИНИНГ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ
КОММУНИСТИЧЕСКАЯ ПАРТИЯ (большевиков) УЗБЕКИСТАНА
**ЦЕНТРАЛЬНЫЙ КОМИТЕТ**

№ 941
21/VIII 1943 г.
г. Ташкент.

**Секретно**

ЗАВ. ВОЕННЫМ ОТДЕЛОМ АНДИЖАНСКОГО ОБКОМА КП/б/Уз.

тов. КОВАЗОВУ

По имеющимся данным в военном отделе ЦК КП/б/Уз. в ряде областей республики работа по приписке граждан 1926 года рождения проходит явно неудовлетворительно.

Основным недостатком является низкий процент явки на приписку. Об'ясняется это тем, что областные партийные организации и советские не оказывают должной помощи военкоматам в проведении этой большой политической важности работы.

Военный отдел ЦК КП/б/Уз. предлагает усилить помощь военным комиссариатам в организации работы по приписке, а также улучшить проведение массовой разъяснительной работы среди контингента подлежащего приписке, с тем чтобы охватить припиской всех граждан 1926 года рождения проживающих в Вашей области.

По окончании приписки, 25 августа с/г в военный отдел вышлите докладную записку, в которой осветите следующие вопросы:

1. Охват припиской.
2. Результаты приписки.

а/ грамотность и знание русского языка

б/ состояние здоровья.

в/ степень военной подготовки

г/ процент комсомольской прослойки.

3. Какие принимаются меры в подготовке 100% годности призывников для армии и увеличения комсомольской прослойки.

ЗАВ. ВОЕННЫМ ОТДЕЛОМ
ЦК КП/б/Уз.

/ГРИГОРЬЕВ/

23

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!
Пролетарии всех стран, соединяйтесь!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТ (большевик)лар ПАРТИЯСИНИНГ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ
КОММУНИСТИЧЕСКАЯ ПАРТИЯ (большевиков) УЗБЕКИСТАНА
**ЦЕНТРАЛЬНЫЙ КОМИТЕТ**

№ 986
21/VIII 1943 г.

Сов.Секретно

Не подлежит вывозу в особый сектор Андижанского ОК КП(б)Уз
Вход. № 1624
23/VIII 1943 г.
Кому [illegible]

43

ЗАВ.ВОЕННЫМ ОТДЕЛОМ АНДИЖАНСКОГО ОБКОМА КП/б/Узбекистана

Исполнено [illegible] 8.10.43

тов. КОВАЗОВУ

Представьте в военный отдел ЦК КП/б/Уз к пятому октября сего года, докладную записку за 3-й квартал 1943 года, о работе военного отдела Обкома КП/б/Уз., в которой осветите следующие вопросы:

1. Помощь военного отдела военкоматам в мобилизационной работе.

2. Всеобщее военное обучение граждан.

3. Военная подготовка учащихся школ.

4. Работа оборонных организаций /осоавиахим, физкультура, красный полумесяц/.

5. Забота о семьях военнослужащих и инвалидах отечественной войны.

6. Работа МПВО и ПВХО.

7. Состояние и работа с кадрами военных отделов райкомов и оборонных организаций.

8. Военная учеба партийно-комсомольского актива.

9. Состояние работы с призывниками.

Кроме указанных основных вопросов, включите в докладную записку и те вопросы, которые Вы считаете необходимыми осветить.

К записке приложите перечень вопросов, которые рассматривались по отделу за отчетный период на бюро Обкома.

Вместе с этим вышлите планы работы отдела за третий и на четвертый квартал 1943 года.

Докладная записка должна быть конкретна, с подкреплением фактического материала.

Полугодовой отчет, по этой же форме готовьте к 5/1

ЗАВ.ВОЕННЫМ ОТДЕЛОМ
ЦК КП/б/Уз. /ГРИГОРЬЕВ/

**Секретно**

## СВОДКА № 1

О ходе всеобщего обучения граждан по горрайсоветам Осоавиахима Андижанской области по состоянию на 1/1-46 г.

| №№ п/п | Наименование специальностей | Охвачено: План 45г. | Охвачено: Подготов. за 45г. | Обучено: Обучается | Обучено: % выполн. |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Младш.команд.стр.подряд. | 75 | 173 | - | 220 |
| 2. | Станковых пулеметчиков | 300 | 157 | 40 | 52 |
| 3. | Ручных пулеметчиков | 1000 | 346 | - | 34 |
| 4. | Автоматчики | 500 | 727 | 120 | 147 |
| 5. | Снайперы | 200 | 266 | - | 133 |
| 6. | Минометчики | 350 | 418 | - | 120 |
| 7. | ВС 1-й ступени | 5500 | 4249 | 740 | 77 |
| 8. | Кавалеристы | 150 | 88 | 30 | 58 |
| 9. | Шофера. | 50 | 129 | 106 | 129 |
| 10. | Мотоциклисты | 50 | - | - | - |
| 11. | Радисты | - | 11 | - | - |
| 12. | Телеграфисты | - | - | - | - |
| 13. | Телефонисты | 50 | 135 | - | 270 |
| 14. | Медсестры | 300 | 30 | 120 | 10 |
| 15. | Сандружинниц | | | | |
| 16. | Бойцов П.Т.Р. | 250 | - | - | - |
| 17. | Усов.стр.кадры | 1500 | 1700 | - | 133 |
| 18. | Велосипедисты | 75 | 167 | - | 222 |
| | Итого по области | 10250 | 8695 | 1066 | 84,5% |

Зав.Воен.отделом Обкома КП/б/Уз.- /[illegible]оджаев/

17

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз
Пролетарии всех стран, соединяйтесь!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТ (большевик) лар ПАРТИЯСИНИНГ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ
КОММУНИСТИЧЕСКАЯ ПАРТИЯ (большевиков) УЗБЕКИСТАНА
• • • • ЦЕНТРАЛЬНЫЙ КОМИТЕТ • • • •

№ 6006/ос
10 сентября 1943 г.
г. Ташкент.

Секретарю Андижанского обкома КП(б)Уз

тов. Бакулину

К тов. Юсупову лично обратился с просьбой гр. Амракулов - инвалид, о том, чтобы ему была оказана необходимая материальная помощь (не имеет обуви, одежды, белья), а также о том, чтобы его сына, подлежащего призыву в Красную Армию, освободили от призыва, в связи с инвалидностью отца.

По поручению т. Юсупова просьба оказать необходимую материальную помощь т.Амракулову и на месте решить вопрос о призыве в Красную Армию его сына.

Зав.Особым Сектором
ЦК КП(б)Уз (ПОПОВ)



1943 йил баҳори. Андижон шаҳри Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари Усмон Юсупов, адиблар Садриддин Айний, Ҳамид Олимжон, Комил Яшин, артист Миршоҳид Мироқилов ва бошқалар

Андижоннома
Вилоят ҳокимлигининг нашри
№ 36-37 (17095-96) 1995 йил 28 апрель, жума
Баҳоси 4

# Улуғ Ватан уруши йилларида Андижон вилоятида жойлашган болалар уйлари

| Қаердан кўчириб келинган? | Қаерга жойлаштирилди? | Тарбияланувчилар сони |
|---|---|---|
| Черкасск болалар уйи | собиқ Ворошилов туманига | 150 |
| Мариопул шаҳридаги Дзержинский номли болалар уйи | Пахтаобод қишлоғига | 150 |
| 34-Киев болалар уйи | Асака шаҳрига | 127 |
| 36-Киев болалар уйи | Избоскан туманидаги Зарбдор ва Ўртоқлар қишлоқ Советига | 144 |
| 5-Киев болалар уйи | Асака туманидаги Ниёзботир қишлоғига | 87 |
| Бершад (Винница обл) болалар уйи | Ойим қишлоғига | 127 |
| 1-Киев болалар уйи | Хўжаобод туманига | 105 |
| Немировск (Винница обл) болалар уйи | Марҳамат туманига | 87 |
| Константиновск болалар уйи (Ростов области) | Жалақудуқ туманига | 100 |
| Каменец-Подольск болалар уйи | Хартум қишлоғига | 67 |
| Чистяков шаҳар болалар уйи (Донецк обл.). | Чинобод қишлоғига | 103 |
| Тартибсиз келган болалар учун | Андижон шаҳрида | 200 |
| Чернигов болалар уйи | Бўтақора қишлоғида | 210 |
| Павловск болалар уйи | Андижон туманида | 190 |
| Тартибсиз келган болалар учун | Кампирравот қишлоғида бир неча | 500 |
| Польшалик болалар учун | Андижон шаҳридаги 4-болалар уйи | 300 |
| Кўкрак ёшидаги болалар уйи | Асака шаҳри | 150 |

# СВЕДЕНИЯ

о трудоустройстве демобилизованных из Красной Армии по районам Андижанской области по состоянию на I/I-46 года.

| № п | Наименование районов | На I/VIII При-было | На I/VIII Трудо-устр. | На I/IX При-было | На I/IX Трудо-устр. | На I/X При-было | На I/X Трудо-устр | На I/XI При-было | На I/XI Трудо-устр. | На I/XII При-было | На I/XII Трудо-устр. | На I/I-46г. При-было | На I/I-46г. Трудо-устр. |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| I | Гор. Андижан | | | | | 560 | 36I | 589 | 420 | 65I | 446 | 2045 | I637 |
| 2 | Андижанский | | | | | II7 | 57 | I45 | 67 | I72 | 87 | 255 | I92 |
| 3 | Алтынкульский | | | | | 83 | 75 | 83 | 75 | 91 | 9I | I83 | I73 |
| 4 | Араванский | | | | | 40 | 39 | 45 | 43 | 6I | 53 | 97 | 88 |
| 5 | Ворошиловский | | | | | I89 | II5 | I54 | I37 | I97 | I76 | 278 | 223 |
| 6 | Джалал-Кудукский | | | | | I83 | I64 | 209 | I90 | 227 | 2I3 | 372 | 290 |
| 7 | Кзыладжентский | | | | | I5I | I34 | I72 | I58 | I9I | I67 | 353 | 22I |
| 8 | Ленинский и гор. Ленинск | | | | | 308 | I39 | 329 | I50 | 385 | I5I | 466 | 389 |
| 9 | Мархаматский | | | | | I42 | 96 | I53 | II5 | I67 | I80 | 222 | I83 |
| 10 | Пахтаабадский | | | | | I26 | I09 | I26 | I09 | I38 | I2I | 37I | 32I |
| II | Сталинский и Кагановичский | | | | | 202 | I80 | 207 | I89 | 24I | 203 | 40I | 339 |
| I2 | Ходжи-Абадский | | | | | I24 | II5 | I32 | I20 | I57 | I46 | 294 | I99 |
| I3 | Чинабадский и Балыкчинский | I39 | 70 | 754 | 378 | I09 | I09 | II3 | II3 | II8 | II8 | 256 | I99 |
| | Итого по области | | | | | 2234 | I707 | 2449 | I886 | 2736 | 2I0I | 5593 | 4460 |

ПРИМЕЧАНИЕ: в графе на I августа и I сентября за отсутствием данных в районном разрезе показан итог за каждый месяц по области.

Зав.Военным отделом ОК КП/б/Уз /ХОДЖАЕВ/

# СВЕДЕНИЯ

О народном фонде помощи семьям военнослужащих и инвалидам Отечественной войны за 1945 год по Андижанской области.

| №/№ п/п | Перечень наименований | Количество | Примечание |
|---|---|---|---|
| I | денег | 537346 руб | |
| 2 | Зерно | I3004I кгр | |
| 3 | Мука | 5570 кгр | |
| 4 | Жиров | 3275 кгр | |
| 5 | Мясо | 824 кгр | |
| 6 | Сладости | I3067 кгр | |
| 7 | Овощи | 739I кгр | |
| 8 | Мыло | 3998 кгр | |
| 9 | Предметы обуви | 918 пар | |
| I0 | Предметы одежды | 14749 предм. | |
| II | Постельные принадлежности | 35 | |
| I2 | Мануфактуры | 2285 метр. | |
| I3 | Топливо | 454-2 куб | |
| I4 | Отремонтировано квартир | I239 | |
| I5 | Построено квартир | 3090 | |
| I6 | Папиросы | 4395 п. | |
| I7 | Чаи | I631,3 кгр | |
| I8 | Керосин | 360 кгр | |
| I9 | Спички | 53952 кор. | |
| 20 | Паек мука, крупа, сахар | 4240 кгр | |
| 2I | Кошма | 24 | |

Зав.Военным отделом Андижанского Обкома КП/б/Уз /ХОДЖАЕВ/



Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Усмон Юсупов оила аъзолари билан

*Ўзбекистоннинг фронтга ёрдами*

*Ўзбекистонда янги танк ва аэропланлар қуриш учун маблағлар тўплаш умумхалқнинг ватанпарварлик намойишига айланди. Тамбов областидаги колхозчиларнинг ташаббуси, ўртоқ Сталиннинг совет ватанпарварларига юборган табриклари орденли республикамизнинг колхозчиларини бениҳоя руҳлантириб юборди.*

*Колхозчилар «Ўзбекистон колхозчиси» номли танклар ва ҳарбий аэропланлар қуриш учун 6 кун ичида 260 миллион сўм тўпладилар. Маблағ тўплаш ҳозир ҳам давом этмоқда.*

*Бундай ғайрат-ташаббусга нима асос бўлди?*

*Ўзбек халқининг Ленин-Сталин ишига чексиз садоқати, ватан уруши кунларида ватанпарварлик бурчини яхши тушунганлиги, манфур душман устидан ғалаба қозониш учун ўзининг барча кучларини беришга тайёр эканлиги ана шу ғайрат ва ташаббусга асос бўлди.*

*Ўзбек халқи немис-фашист йиртқич галаларини тамомила тор-мор келтирмагунча, гитлерчи босқинчиларни битта ҳам қолдирмай қириб ташламагунча қуролимизни ташламаймиз деб қасамёд қилди. Халқимиз ўзининг бу қасамини фидокорлик, сабот ва қаҳрамонлик билан бажармоқда.*

*Ватан уруши бошлангандан буён ўтган вақт ичида Ўзбекистонда Қизил Армияни одам кучи резервлари, яроғ-аслаҳа, ўқ-дори ва озиқ-овқат билан таъминлаш йўлидаги зўр ишлар қизитиб юборилди. Душман томонидан вақтинча босиб олинган районлардан республикамизга кўчирилган жуда катта саноат корхоналари рекордли қисқа бир муддатда ишга солинди. Бу корхоналарнинг кўпчилиги ҳозир тўла қувват билан ишлаб, мамлакатимизга илгариги жойлардагига қараганда кўпроқ маҳсулот бермоқда. Ўн минглarча янги ишчилар станоклар, вагранка-*

*лар, темирчилик босқонлари, контрол асбоблар ёнига келиб ишлай бошлади. Буларнинг кўпчилиги ўзбеклардир. Улар ишлаб чиқаришдаги мураккаб техникани муваффақият билан эгалламоқдалар, юқори малакали мастерлар бўлиб етишмоқдалар. Саноат маҳсулотини тобора кўпроқ ишлаб чиқариш, қўшимча энергетика ресурсларини қидириб топишни, республикамизда ёқилғи ва металлургия базасини вужудга келтиришни талаб қилди. Ўзбекистонда ҳозирги вақтда кучли гидроэлектр станциялар, металлургия заводлари қурилмоқда, нефть кўпроқ ишлаб чиқарилмоқда, тошкўмир конлари ишга солинмоқда.*

*Қишлоқ хўжалигида резервлар зўр бериб сафарбар қилинмоқда. Республикамизда фақат бир йил ичидагина экин майдонлари такрор экишни ҳисобга олганда қарийб 600 минг гектарга кўпайди. 1943 йил планида экин майдонларини яна 19 процентга кўпайтириш кўзда тутилади.*

*Республикамиз ўзининг озиқ-овқат ресурсларини анча кўпайтирди. Биз келгуси йилдаёқ аҳолини ўзимизда етиштириладиган ғалла билан тўла таъминлаш, Совет Иттифоқининг бошқа районларидан ғалла келтириш имконидан воз кечиш имконига эга бўламиз.*

*Биз бу йил кузда бир миллион 500 минг гектар ерга экин экамиз, бундан бир миллион 400 минг гектар ерга экин экилди. Бу 1941 йилнинг кузида экилган экин майдонига нисбатан 670 минг гектар кўпдир.*

*Ўзбекистон давлатга ғалла етказиб бериш планини муддатидан илгари бажарди. Колхоз товар фермаларини чорва моллари билан таъминлаш яқин кунларда тамом бўлади. Шу билан бирга, бир қатор областлар жамоат чорвачилигини ривожлантириш юзасидан давлат томонидан белгиланган планни муддатидан илгари бажардилар.*

*Қишлоқ хўжалигида ўтказилган фронтча 20 кунлик 1942 йилнинг 15 декабрида тамом бўлди. Бу йигирма кунлик кузги, қишки ишлар суръатини кучайтиришда жиддий натижалар берди. Ғўзапоялар ўтган йилдагига нисбатан тезроқ йиғиштириб олинмоқда. Кўп колхозлар шудгорлашни тамом қилдилар. Биз ўз олдимизга 1943 йилда пахтадан юқори ҳосил олишимиз учун мустаҳкам асос яратиш вазифасини қўйдик.*

*Шаҳар меҳнаткашларига озиқ-овқат билан ёрдам бериш йўлидаги ҳаракат колхозчиларнинг юксак ватанпарварлигини ифода қилувчи ажойиб ҳаракатдир. Фарғона областидаги Тоғли Сўх участкаси колхозчиларининг ташаббуси билан бу ҳаракатга юзлаб колхоз, 10 мингларча колхозчи қўшилди. Булар давлат олдидаги мажбуриятларни тўла бажариб, ўзларининг озиқ-овқат запасларини шаҳар аҳолиси билан баҳам кўришга қарор бердилар. Озиқ-овқат ортилган арава, карвонлар, темирйўл составлари Тошкент, Фарғона, Марғилон, Андижон, Самарқандга ва республиканинг бошқа шаҳарларига қараб йўл олдилар. Колхозчилар қисқа бир вақт ичида 350 минг пуддан ортиқ ҳар хил озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бердилар, бу маҳсулотларни давлат баҳосида сотдилар.*

*Бу ҳаракат кун сайин кенгаймоқда. Колхозчиларнинг шаҳар меҳнаткашларига 600 минг пуд миқдорида турли озиқ-овқат маҳсулотлари сотишига ишонамиз.*

*Шу муносабат билан танк ва аэропланлар қуриш учун маблағ тўпланаётганлиги Ўзбекистон колхозчиларидаги ватанпарликни кўрсатувчи янги ажойиб далилдир. Колхозчиларнинг онги ғоят ўсганлигини исбот қиладиган ўнларча ва юзларча мисоллар келтириш мумкин.*

*Янгийўл районидаги Сталин номли колхознинг аъзоси П.Турлиеванинг икки ўғли фронтда. Маблағ тўплаш бошланган чоғда ўрток Турлиева жамғариб қўйган пулларидан дарҳол 10 минг сўм топширди. Ўрток Сталиннинг табрик телеграммаси муҳокама қилингандан кейин ўрток Турлиева яна 10 минг сўм берди.*

*Фарғона область Бағдод райони Жалойир қишлоқ советининг раиси Тешабой Бекмуродов нақд 104 минг сўм топширди.*

*Андижон область Пахтаобод районидаги Андреев номли колхознинг раиси ўрток Тожибоев давлат банкига 130 минг сўм топширди.*

*Андижон область Хўжаобод районидаги Крупская номли колхозда танк ва аэропланлар қуриш учун бир кун ичида 100 минг сўмдан ортиқ пул тўпланди. Колхозчилар бу тўғрида ўрток Сталинга хабар бердилар. Иккинчи куни*

*колхозда ўртоқ Сталиннинг юборган табрик телеграммаси олинди. Бу табрик телеграммаси колхозчиларнинг ватанпарварлик ғайрат-ташаббусини янада ошириб юборди. Бу колхозда танк ва аэропланлар қуриш учун ихтиёрий суратда тўпланган пул дарҳол 230 минг сўмгача кўпайди.*

*Самарқанд областидаги Комсомол районида шу кунларда мудофаа фонди учун 5 миллион сўмга яқин пул йиғилди.*

*Наманган областининг Тўрақўрғон районида 3 миллион сўмдан ортиқ, Қорақалпоғистон АССРнинг Шоббоз районида 3 миллион 150 минг сўм тўпланди.*

*Тошкент область Қорасув районидаги «Бирлашган» колхозининг аъзоси Турғун Тошматов ажойиб ватанпарвар эканлигини кўрсатди. Турғун Тошматов жамғариб қўйган пулларини 21 декабрда Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетига келтириб бундай деди: «Менинг болалик ва ёшлик чоғларим қайғу-алам билан ўтган эди. Мен бойлар учун неча йиллар тинмай ишладим, доим қашшоқ яшадим. Совет ҳокимияти мени бахтиёр қилди, мен маданий ва давлатли ҳаёт кечира бошладим. Ватан уруши бошланган чоғда душманни тезроқ тор-мор келтиришда Қизил Армияга ёрдам бериш учун бир ғайратимга икки ғайрат қўшдим, аммо бу ишларим менга камдек туюлди. Мен жамғариб қўйган 160 минг сўм пулимни бу ерга олиб келдим. Бу пулга ватанимизнинг ҳимоячилари учун янги йил совғаси қилиб ҳарбий аэроплан заказ қилишингизни сўрайман».*

*Бизнинг олдимизга Турғун Тошматов билан бирга Тошкент областидаги бир тўда колхозчилар келишди. Улар шу ернинг ўзида танк ва аэропланлар қуриш учун Давлат банкининг кассасига 2 миллион 260 минг сўм топширдилар. Қорасув районидаги 8 март номли колхознинг раиси Нурмат Ғофурбоев 50 минг сўм, Янгийўл районидаги Каганович номли колхознинг раиси Ҳамроқул Турсунқулов 30 минг сўм топширди.*

*Инсониятнинг ашаддий душмани бўлмиш герман фашизмига қарши ватан уруши олиб борилаётган кунларда ўзбек халқининг ватанпарварлигини яққол кўрсатувчи фактлар ана шундай. Ўзбек халқи Совет Иттифоқидаги бошқа халқлар билан қардошларча маҳкам дўстлик шароитида, совет ҳокимияти шароитида, улуғ Ленин-Сталин партиясининг раҳбарлиги остидагина ривожлана олажагини, озод ва бахтли ҳаёт кечира олажагини билади.*

*Бизнинг халқимиз ватан уруши бошланганидан буён ўтган вақт ичида совет ҳукумати теварагига, ВКП(б) Марказий Комитети, ўзининг севикли доҳийси, дўсти ва устози ўртоқ Сталин теварагига янада маҳкам жипслашди.*

*Ўзбекистон халқи бундан кейин ҳам улуғ ватанимизнинг шон-шарафи ва мустақиллигини янада зўр фидокорлик билан ҳимоя қилажак. Ўзбек халқи ватан уруши кунларида ўзининг уюшқоқлиги, жипслашганлигини, ватанпарварлик бурчини яхши тушунганлигини намойиш қилиб кўрсатмоқда.*

*Совет Иттифоқидаги бошқа халқлар билан бўлган дўстлигимиз асло бузилмас дўстликдир. Ленин-Сталиннинг улуғ ишига садоқатимиз чексиздир. Биз ғалаба қозонишга кескин қарор берганмиз.*

**«Правда». 1942 йил 28 декабрь,**
**«Қизил Ўзбекистон».**
**1943 йил 1 январь**